

НАВОИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Тузуви тарих фанлари доктори
Б. Аҳмедов

4702570100—198

С М352(04) —85 Г—85

© Гафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й. (Тарж.)

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

✓ Буюк олим ва мутафаккир шоир Алишер Навоий (7 рамазон 844—1441 йил 9 февраль — 12 жумоди ус-соний 906—1501 йил 3 январь) нинг табаррук номи, улкан кўлами билан кишини ҳайратда қолдирган илмий-адабий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, жаҳон халқлари маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган ажойиб ўлмас асарлари (у ўттиздан ортиқ бадиий ҳамда илмий асарлар ёзиб қолдирган) кўпчиликка маълум ва машҳур. Навоий ҳаёт чоғларидаёқ машҳури жаҳон бўлди, вақт ўтиши билан эса унинг шуҳрати тобора ортиб борди. Хуллас, жаҳон адабиёти тарихининг буюк намоёндаларидан бири бўлиб қолди.

Навоий ва унинг асарларига бўлган ҳавас, ўқиш ва ўрганишга бўлган интилиш узоқ тарихга эга. Бу тарих буюк шоир ва олимнинг ҳаётлигиданоқ бошланди ва шу кунларгача давом этиб келяпти. Бу ҳавас, қизиқиш ва интилиш шу қадар оммавий тус олдиди, алақачонлар Навоий асарларини ўрганишни осонлаштириш проблемаси пайдо бўлди. Шу мақсадда олимлар XVI асрдаёқ «Бадое ул-луғат», «Навоий Луғати», «Абушқа» сингари луғатлар туздилар. Навоийнинг асарлари XVI—XIX асрларда форс, турк, татар, грузин, озарбайжон, италян, немис, француз, голланд ҳамда рус тилларига таржима қилиниб, кўп марта чоп этилди. Лекин Навоийнинг ҳаёти ва илмий-адабий мероси, Коммунистик партиямиз ҳамда Совет ҳукуматининг кўп асрлик бой маданий меросимизни ўрганиш борасида кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги туфайли кенг ва атрофлича ўрганилди, ўрганилмоқда. Бунга М. Никитский, В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, А. Ю. Якубовский, С. Айний, О. Шарафутдинов, В. Зоҳидов, М. Ойбек, И. Султонов, В. Абдуллаев, Ғ. Каримов, Х. Орасли, А. Мирзоев, П. Шамсиев, Х. Сулаймон, А. Ҳайитметов, А. Қажумов, Н. Маллаев,

А. Рустамов, Э. Рустамов, В. Абдуғофуров, С. Н. Иванов, С. Ганиева, С. Эркинов, Б. Валихўжаев, Ё. Исхоқов, Б. Ҳасанов сингари йирик шарқшунос ва адабиётшунос олимлар салмоқли ҳисса кўшдилар ва кўшмоқдалар.

Навоийнинг ҳаёт йўлини ёритиш масаласига бағишланган асарлар орасида И. Султоновнинг «Навоийнинг қалб дафтари» номли китоби ҳамда А. Ҳайитметов ва М. Мирзааҳмедоваларнинг бир талай қўлёзма манбалар: Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ», Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома», Зайнуддин Восифийнинг «Бадое ул-вақое» ҳамда Навоий асарлари асосида ёзган «Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли» номли мақоласи муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, Навоийга бағишланган китоблар жуда кўп. Агарда унинг ҳақида Совет Иттифоқида, шунингдек, хорижий мамлакатларда эълон қилинган китоблар ва илмий мақолалар библиографияси (афсуски бундай библиография ҳалигача эълон қилинмади) жамланганда бир неча жилдни ташкил этган бўларди.

Лекин Навоийнинг ҳаёт йўлини тадқиқ этиш борасида шарқшунос ва адабиётшунос олимларимизнинг катта ишлар олиб бораётганликларини эътироф этиш билан бирга, улғу олим ва ҳассос шоирнинг улкан ҳаёт йўли тўла аниқланди ва илмий тадқиқ қилинди, деб бўлмаса керак. Фикримизча, Навоийнинг илмий биографияси ҳали яратилганича йўқ. Унинг шахси, кулфатлар ҳамда тасодифларга тўла турмуши ва илмий-адабий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар орасида ҳали тўла ечилмагани, кам ўрганилгани ва мунозаралилари ҳам бор. Навоийнинг 1469 йилнинг баҳор кезларида Самарқанддан Хиротга қайтиши тафсилоти, Навоийнинг Астрободга юборилишининг асосий сабаблари, мамлакатнинг XV аср 80—90-йилларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва унда Навоийнинг ўрни ва роли каби масалалар шулар жумласидандир. /

Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаёти ҳақида оригинал материал бера оладиган мавжуд тарихий ва биографик асарларни, шунингдек ўша замондан қолган турли мазмундаги ҳужжатларни атрофлича ўрганиш ва уларнинг муҳим қисмларини рус ва ўзбек тилларига таржима қилиб чоп этиш Алишер Навоий илмий биографиясини яратишда муҳим омил бўларди.

Муҳтарам Иззат Султоновнинг «Навоийнинг қалб дафтари» номли китобини Навоий биографиясига оид манбаларни

чукур ўрганиш ва оммалаштириш борасида қўйилган жиддий қадам деб ҳисобламоқ зарур. Маълумки, Алишер Навоий Темурийлар давлатида феодал кураш ниҳоятда кучайган бир даврда яшади, ижод қилди. Унинг бутун онгли ҳаёти ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳити шароитида кечди. Навоий бу шароитнинг оддий кузатувчиси бўлиб қолмай, унинг тараққиёт жараёнига актив таъсир кўрсатган шахс ҳамдир. Шахс, К. Маркс ва Ф. Энгельс жуда тўғри айтганларидек, «барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуи...» сифатида жамиятга боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, жамият ҳам кишиларнинг ижодий фаолиятига боғлиқдир¹. Маълумки, Алишер Навоий қарийб 30 йилга яқин турли давлат ишларида турди, Султон Ҳусайннинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва йўналтиришда фаол иштирок этди. Қисқаси, унинг бутун ҳаёти Хуросоннинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай бўлгач, Навоийнинг ҳаёт йўлини ўрганишда, унинг шахси билан боғлиқ бўлган масалаларга тўғри ёндошишда ўша даврда ёзиб қолдирилган тарихий асарлар ва уларнинг саҳифаларида келтирилган ҳужжат ва далилларнинг аҳамияти бениҳоят каттадир. Шуни ҳисобга олиб, биз Навоий замонида ёзилган тарихий асарларнинг муҳимларини синчиклаб ўргандик ва уларнинг Навоий шахси ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир ва алоқали қисмларини тўплаб, форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, мазкур тўпламга киритдик. Парчалар кенг китобхонни ҳам эътиборга олган ҳолда маълум даражада содалаштириб таржима қилинди.

Мазкур тўпламга шоир олим ва фузалолардан Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий (1435—36—1495), Мирхонд (1433—1498), Хондамир (1475—1535), Борур (1483—1530), Зайнуддин Восифий (1485—1566) XVI асрда ўтган озарбайжонлик адабиётшунос Содиқбек Содикий (1533—1610) асарларидан парчалар киритилди. Бу асарлар Навоий ва унинг замони, у кун кечирган ижтимоий-сиёсий муҳит ҳақида кенг маълумот беради.

Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн даврида Хирот бирмунча обод бўлди. Бунда, шубҳасиз, Алишер Навоийнинг хизмати бениҳоя каттадир. У тамом бойлигини масжиду мадрасалар, ҳаммом ва шифохоналар, работ ва мусофирхоналар қурилишига, сув чиқариб шаҳару кишлоқларни обод қилишга сарфлади. Навоий қурдирган бинолар ва иншоотлар ҳақида Хондамирнинг

Маркс К. и Энгельс Ф. Немецкая идеология, соч, т. 3, стр. 3.

«Хулосат ул-ахбор» ҳамда «Макорим ул-ахлоқ» асарларида ҳам ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирилган. Бу маълумотларнинг кўпчилиги ўхшаш ва Хондамир биринчи асарида келтирилган фактларни иккинчи асарида ҳам такрорлаётганга ўхшаб кўринади. Аслида буларнинг тафсилоти «Хулосат ул-ахбор»да тўлароқ берилган, «Макорим ул-ахлоқ»да эса фақат уларнинг номлари қайд этилади, холос.

Хуросоннинг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асари сўнгги еттинчи жилдида (1521 йили Хондамир тарафидан ёзиб тамомланган)¹ ва Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» ҳамда «Ҳабиб ус-сияр» асарларида баён этилган. Биз тўпламга «Равзат ус-сафо» ҳамда «Ҳабиб ус-сияр» нинг мазкур давр тарихига тегишли қисмларини тўлароқ киритишга интилдик. «Хулосат ул-ахбор» дан эса, юқорида зикр этилган икки асарда келтирилган фактларни солиштириб текшириб олиш мақсадида, Султон Ҳусайн билан Ёдгор Муҳаммад мирзо ўртасида тожу тахт учун қарийб 75 кун давом этган қонли кураш 875 йилнинг 9 муҳаррами (1470 йилнинг 9 юни) дан то 875 йилнинг 24 сафаригача (1470 йилнинг 24 августигача) ҳамда Ҳирот шахрининг диққатга сазовор осору атиқалари ва Султон Ҳусайн замонида ўтган машҳур шахслар (олимлар, шоирлар, котиблар, наққошлар, музикашунослар) ҳаёти ва фаолиятини ўз ичига олган хотима қисмини олиб киритдик. «Равзат ус-сафо» ва «Ҳабиб ус-сияр» дан келтирилган бу маълумотлар сиртдан қараганда бир-бирига ўхшаш ва такрордай кўринади. Синчиклаб қаралганда эса, улар бир-биридан фарқ қилиши, бири иккинчисини тўлатишини кўрамиз. Аввало шуни эътиборга олиш керакки, «Равзат ус-сафо» Султон Ҳусайннинг 904 йил ўрталарида (1498 йилнинг декабрида) Марвда исён кўтарган ўғли Абудмуҳсин Мирзога қарши қўшин тортиши ва Бадиуззамон мирзонинг фурсатдан фойдаланиб Ҳирот остоналарида пайдо бўлиши воқеалари баёни билан тугайди, «Ҳабиб ус-сияр» эса кейинги воқеаларни (1524 йил бошларигача юз берган воқеа-

¹ Асарнинг еттинчи жилди ҳам Мирхонд тарафидан ёзилган, лекин баъзи сабабларга кўра битмай мусаввада (қоралама) ҳолида қолиб кетган эди. Хондамирнинг ўзи бу ҳақда бундай дейди: «... «Равзат ус-сафо» нинг еттинчи дафтари (мамлакатда) содир бўлган воқеалар ва тенги йўқ соҳибқирон билан юз берган аҳвол туфайли тамом бўлмади мусаввада ҳолида қолиб кетган эди. Қатъий ва содиқ ишонч шулки, агар... (ўша) мусаввада кўлга тушгундай бўлса, бу фақир банд уми тамомлаш йўлини тутади». («Хулосат ул-ахбор», в. 479 б.) Фикримизча Мирхонд вафот этгандан кейин мусаввада Хондамирнинг кўлида бўлган, лекин Султон Ҳусайн вафотидан (912—1506) кейин мамлакатда кучайиб кетган бекарорлик ва қоч-қоч вақтида яна йўқолган ва Хондамир 1516 йили вазир Ҳабибулло Соважлий хизматига киргандан кейин топилган бўлиши керак.

ларши) ҳам ўз ичига олади. Иккинчидан, «Равзат ус-сафо» да Навоий ва Султон Ҳусайн даврида ўтган олимлар, шоирлар ва бошқа машҳур кишилар, шунингдек, Ҳиротнинг XV аср иккинчи ярмидаги обдончилиги (осору атиқалари) ҳақида маълумот йўқ. Учунчидан, асарда кўпгина воқеалар (Ёдгор Муҳаммад номига хутба ўқилиши, унинг қатл этилиши, Бадиуззамоннинг Ҳиротни қамал қилиши ва ҳоказо) нинг бўлиб ўтган вақти кўрсатилмаган. Шунга қарамай «Равзат ус-сафо» тарихий манба сифатида мустақил аҳамиятга эгадир, чунки биринчидан, у «Ҳабиб ус-сияр» дан аввал ёзилган ва шу туфайли унга маълум даражада биринчи манба бўлган, қолаверса, айрим воқеалар (Ёдгор Муҳаммад билан Султон Ҳусайн ўртасида 1470 йили тожу тахт учун бўлган кураш, Муҳаммад Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши, хожа Афзалуддиннинг Арабистондан қайтиб келиши ва вазирлик мансабига ўтириши ҳамда хожа Низомулмулкнинг қатл этилиши ва бошқалар) бирмунча кенг ёзилган. «Ҳабиб ус-сияр» да эса биринчидан 1498—1501 йиллар ва ундан кейинги воқеалар ҳам баён этилган, иккинчидан, «Равзат ус-сафо» га кирмай қолган ёки қам ёритилган воқеалар бор. Султон Ҳусайннинг Аҳмад Муштоқ исёнини бостириш учун Балхга қилган юриши, Балхнинг мирзо Бойқарога топширилиши (1487 йилнинг кузида), мирзо Абубакр исёни, Алишер Навоий вафоти, Навоий ва Султон Ҳусайн билан замондош бўлган олимлар ва шоирларга бағишланган катта қисм шулар жумласидандир. Ундан ташқари, Хондамир имкони борича бўлиб ўтган воқеаларнинг вақти-соатини ҳам қайд этган.

Хуллас, ҳар иккала асар — Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» ва Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарлари кўп жиҳатдан бирбирини тўлатади, баён этилган воқеалар тафсилотини конкретлаштиради. Шунинг учун ҳам бу асарларнинг ҳар иккаласидан фойдаландик ва улардан зарур парчалар олдик.

Хуросоннинг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий ва маданий муҳитини ўрганишда Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» ҳамда «Ҳабиб ус-сияр» асарларида олимлар, шоирлар, хаттотлар, наққошлар, музикашунослар ҳақида келтирилган маълумотларнинг қиммати бениҳоят катта. Шунчаки қараганда бу қисмларда ҳам маълум ўхшашликлар бор. Лекин жуда кам. Бу ерда шуни айтиш кифояки, агар «Хулосат ул-ахборда» 66 уламо ва фузало, хаттот ва саҳҳоф, наққош ва муҳандис, созанда ва ҳофиз ҳақида маълумот келтирилгани ҳолда, «Ҳабиб ус-сияр» да булардан фақат 28 кишининггина номи қайд этилган, холос. Шуни ҳам айтиш керакки, булардан 12 кишининг номи ҳар икки асарда тилга олинган, олим, ко-

тиб, наққош ва созандалардан 16 нафарининг номи бўлса янгидан киритилган. Мана шуларни ҳисобга олиб бу ҳақда ҳар иккала асарда келтирилган маълумотларни тўла тарзда олдик.

Тўпламга булардан бошқа Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ», «Дастур ал-вузаро» (906—1500 йили ёзилган) асарларидан ҳам парчалар киритилди. «Макорим ул-ахлоқ» Хондамирнинг ўзи айтганича: «... кудратли ва бахтли амирнинг (Алишер Навоийнинг — Б. А.) яхши ахлоқ ва гўзал одоблари фазилатларидан, шунингдек, муборак ахволлари ва макбул одатларидан, бадиали ахвол ва ажойиб воқеалардан, сеҳрдек таъсирчан таъблари хоссаларидан ва латифаларга безак берувчи каломлари натижаларидан» ҳикоя қилади. Бошқача қилиб айтганда, асарда Алишер Навоийнинг буюк фазилати, инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, илм-фан ва маданият ҳомийси эканлиги очиб берилган. «Дастур ал-вузаро» дан эса хожа Маждуддин Муҳаммад ҳамда Алишер Навоийнинг яқин кишиларидан хожа Афзалуддин Муҳаммад Кирмоний ҳақидаги парчани танлаб олдик. Бу парча Алишер Навоийнинг Астроободда турган йилларида ҳам Султон Ҳусайн ва унинг давлати олдида катта нуфуз ва ҳурмат-эътиборга эга бўлганлиги ни кўрсатади.


Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари «Бобурнома»дан келтирилган парчада Алишер Навоийнинг Темурий Султон Абу Саид Хуросон тахтини эгаллаган йили (863—1458) Ҳиротдан чиқариб юборилиши, унинг Самарқанддаги ҳаёти, Навоийнинг Султон Ҳусайн, Маждуддин Муҳаммад ҳамда йирик тарихчи олим ва шоир Камолиддин Биноий билан муносабати ҳақида айрим диққатга сазовор маълумотлар бор. «Мухтасар» дан олинган парча эса Алишер Навоийнинг аруз вазнини туркий тилдаги шеърятга олиб киришдаги улкан хизмати хусусида сўз боради.

Адиб Зайниддин Маҳмуд Восифий (1486—1566) Алишер Навоий замондошлари ва унинг саховатли қаноти остида тарбият топганлар жумласидан ҳисобланади. Хондамирнинг сўзларига қараганда («Хулосат ул-ахбор»), у йирик хаттот Султонали Машҳадийнинг шогирди бўлган ва Навоий кутубхонасида хизмат қилган. У ўз хотиротида Навоий хизматига қандай кирганлиги, унинг ўткир зехни, нозик таъби, улкан илм соҳиби эканлигини эслайди. Навоийнинг хожа Маждуддин Муҳаммад, Паҳлавон Муҳаммад Абу Саид ва мамлакатнинг бир талай фозил кишилари билан учрашувлари ва қурган суҳбатлари ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Биз адибнинг «Бадое ул-вақое» асаридан шу ҳақдаги парчани олиб мазкур тўпламга киритдик.

Маълумки, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» номи тазкираси кейинги асрларда шарқ мамлакатларида тазкира жанри ривожига зўр таъсир кўрсатди. Кўпгина адиблар (хожа Ҳасан Нисорий, Малихо Самарқандий, Мутрибий, Алоуддавла Казвиний, Сом Мирза, хожа Абдуазим, Афзал махдум Пирмастий ва бошқалар) Навоий тазкирачилик мактаби анъаналарини давом эттирдилар. Юқорида тилга олинган Содиқбек Содиқий ана шундай адабиётшунос олимлардан биридир. Адибнинг «Мажмуъ ал-ҳавос» исми тазкирасидан келтирилган кичик парча шундан далолат беради.

Кенг китобхонлар оммасини ҳисобга олиб, ижтимоий-иқтисодий, маъмурий, ҳарбий терминлар, географик номлар, тарихий шахслар ҳамда айрим муҳим воқеалар қисқача изоҳланди. Тўплам охирида араб ва форс тилидан кирган ва тушуниш қийин бўлган сўзлар луғати ҳам келтирилди.

Б. Аҳмедов



ЖОМИЙ НАВОИЙ ҲАҚИДА

«ФОТИҲАТ УШ-ШАБОБ» ДАН

Бу камина асл табиати ва қобилияти туфайлидан бахтга элтувчи ҳукмлар ўқларини сўз сифати нишонига қаратганда ва жавоҳирлар садафи бузрукворлар исми сирларидан сўзлаганда ўз вақтини назм бадиалари ёки насрий ихтиролардан тамоман фориғ ва холи тополмади. Ою йиллар ўтиши, даврон бўронлари шиддатидан чорасиз кўплаб рисола ва маснавий китоблари, ижод дафтарлари, қасида ва ғазаллардан шу маснавий ва тарқоқ девонлар жамлаган эдим. Шунда, пайғамбар ҳижратига 900 йил тўлмоғига уч йилча вақт қолган эдики, дарвешлар муҳиби ва таянчи, балки уларнинг суюқлиси ва ишончи... Низомил-миллат ваддин Алишер деган олий исмни олмоқдан муболағасиз бадавлатдир... адади учтага етган ғазал ва қасидалардан иборат девонларни бир пўст ичида уч мағиз етишгани каби бир жилдга жамлаган, ўз шарофатли ҳиммати билан бу фақирдан ҳар бирига бир хос ном қўйилса, деб илтимос қилди. Фикрлашиб ва биргалашиб шундай қарорга келинди. У кишининг мулоҳазаси бўйича ёшлик ва умидлар ва омонликларнинг бошланиши даврида тузилган аввалги девонни «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши») деб номланди, ҳаёт айёми дур шодасининг ўрталарида тартиб берилган иккинчи девонини «Востатул-икд» (Дур шодаси ўрталиғи), ҳаёт охирларида тузилган учинчи девонни «Хотимат ул-ҳаёт» деб атади.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДАН

Ёре ки, кунад ба ёр пайванд,
Нахли амалаш шавад баруманд.
Ёр аст калиди ганжи уммед,

Ёр аст навиди айши жовид.
Мақсуди вужуд чист жуз ёр,
З-ин савдо суд чист жуз ёр?
То хотимати вужуд аз оғоз
Мурғе накунад чу ёр парвоз.
Хоса ки, ба боғи ошноий
Бар шохи вафо бувад Навоий.
Яъни ки, навоий лутф созад
Дилхойи шикастагон навозад.
Коре набувад ба жойи ин кор,
Ёрони жаҳон фидойи ин ёр.

Таржимаси:

Дўсти билан агар топишса дўст-ёр,
Орзулар дарахти бўлур ҳосилдор.
Умид ганжинасин калидидир ёр,
Фароғатли ҳаёт ҳамдамидир ёр.
Яшамок мақсуди эрур ёр, бил,
Бу ишнинг фойдаси ёрсиз бекор, бил,
Аввали ҳаётдан топгунча барҳам,
Парвоз эта олмас ёлғиз куш бардам.
Хуллас, ошнолик, дўстлик боғида,
Навоий нағмасоз вафо шохида.
Яъни ки, навоий лутф этгай
Шикасталар кўнглин овулгай.
Бундан соз иш бўлганми зинҳор?
Бу дўстнинг фидоси бўлсин дўсту ёр.

«ҲАФТ ПАЙКАР» ХОТИМАСИДАН

Биё, Жомий зи умрхо бурда ранж,
Зи хотир бурун дода ин «Панж ганж».
Шуд ин «панжат» он панжаи зўрёб,
К-аз дасти дарёкафон дода тоб...
Вали бинам аз килки ҳар ганжсанж,
Пўр аз панж ганж ин саройи сипанж.
Ба он панжҳо қай расад панжи ту,
Ки ек ганжашон беҳ зи сад ганжи ту.
Батахсис панжике сарпанжа зад,
Ба шери ки сарпанжа аз ганжа зад.
Ба турки забон нақши омад ажаб,
Ке жодудамонро бувад муҳрлаб.
Зи чарх офаринхо бар он килк бод,

Ки он нақши матбуъ аз он килк зод.
Бибахшид бар форси гавҳарон,
Ба назми дари дурри назмоварон.
Ки гар буди он ҳам ба назми дари,
Намонди мажولي сухангустари.
Ба мизони он назми муъжазнизом,
Низоми ки буди-ю, Хусров кудом?
Чу у бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамизашон раҳ намонд.
Зихи табъи ту устоди сухан,
Зи мифтоҳи килкат кушоди сухан.
Суханро, ки аз равнақ уфтода буд,
Ба кунжи ҳавон рахт бинҳода буд.
Ту доди дигар бора ин обрӯй,
Кашиди бажавлонгаҳи гуфтугӯй.
Сафоёб аз нури рои ту шуд,
Навои зи лутфи навои ту шуд.

Таржимаси:

Кел, Жомий умр бўйи машаққат тортиб, кўнглингдан шу «беш ганж» ни дунёга чиқардинг. Сенинг бу «Беш» инг («Хамса») шундай кучли панжа бўлдики, дарёкафлар қўли буралиб кетди... Бироқ ҳар ҳазина ўлчовчи (яъни етук шоир) қаламидан бу ўтар дунё «Беш ҳазина» билан бойигандир. У «Беш» ликларга сенинг «Беш» инг қачон тенглашарди? Уларнинг бир ҳазинаси сенинг юз ҳазинангдан яхшидир. Хусусан у панжаки, ганжадан сарпанжа урганга шер каби ўз сарпанжасини урди, туркий тилда бир ажойиб кўшиқ куйладики, жоду нафаслилар оғзи муҳрланди. Бу қаламга фалақдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу муъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий киму Хисрав ким бўлди? У бошқа тилда сўз юритганидан ақлга орадаги фарқни ажратиш учун йўл қолмади. Эй (Навоий) сенинг табъинг сўз устодидир. Қаламинг очқичи билан сўз эшигини очдинг. Равнақдан қолиб кетган ва хорлик бурчагидан ўрин олган (туркий) сўзга сен янгидан обрў бердинг. Уни ижод майдонига олиб чиқдинг. У сенинг раъинг нуридан сафоли бўлди, лутфинг навоси (бойлиги) дан наволи (бахраманд) бўлди.

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ

«ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО» ДАН

*УМРЛАРИ УЗУН БЎЛСИН, АМИРЛАР ПОДШОСИ, ФОЗИЛЛАР
МАДАДКОРИ, УЛУҒ АМИР НИЗОМУДДИН АЛИШЕР ЗИКРИДА*

Унинг шарофатли лақаби (ҳар қандай) китоб муқадди-
масига зебу зийнат, балки «Девони саодат» га «Фасл ул-
хитоб» дир.

То унинг зоти шарифи ломакондан пайдо бўлгунча,
Э, баски, дунё икки бор айланмоғи даркор.

... Офтобни таърифлаш ақл қисқалигидан нишона, тоза
мушк фазилати хусусида қиссани чўзиш жоҳиллик аломати-
дир. Бу улуғ амирнинг мақбул ишлари ва қутлуғ зикри рубъи
маскуннинг барча мамлакатларида маълум, фазилатининг
дабдабаси ва олий ҳимматининг камолоти бутун оламга
ёйилгандир. Бу хусусда нима дейилса ҳам ибрат бўлгусидир.
Аммо ушбу китобда, унинг имконига қараб, ул буюк амирнинг
аҳволи, фазилатлари ҳамда шарофатли мақомотларидан бир
қисмини келтириш маъқул топилди.

Бу машҳур ва олий даражали амирнинг буюк отаси замона-
сининг машҳур кишиларидан ва Чигатой улусининг улуғлари-
дан ва султон Абулқосим Бобур баҳодир ҳукмронлиги даврида
султоннинг яқин кишиси бўлиб, мамлакатни идора қилиш ва
давлатга кафиллик унинг инон-ихтиёрида эди. Бениҳоят
фозиллигидан ҳаммавақт ўғлига фазилат ўргатди, тамом ҳим-
матини саодатманд фарзандини илм-ҳунар безаклари билан
зийнатлаш ҳамда ҳидоят нурлари билан равшан қилишга
сарф қилди... Ул бузрукворнинг тиришиб қилган ҳаракати
беҳуда кетмади ва отасидан кейин нодири давронлик, иззату
тамкилик курсида қарор топди. Ул улуғ амир юқорида зикр
этилган мағфиратли подшоҳ замонида, унинг ҳашамати ва
улкан ҳиммати билан, ҳаммавақт фазилат орттиришга интил-
ди, фазл эгаларининг суҳбатини топди, карамли таъби ва

ўтқир зеҳни шеър айтиш, ўтмиш тарихни ўрганишга қаратилди. Ёшлиқ пайтидаёқ, икки тил эгаси: туркийча соҳиби фан, форсийча фазл эгаси бўлди. Муаллиф бу улуғ амир хусусида мулаҳмаҳ тарзида бундай дейди:

Туркийсини кўриб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Кардарий.
Бовужуди форси дар жўнба шеърни комилаш.
Чист ашъори Захиру, кист бори Анварий.

«Султон Абулқосим Бобур сўзамол ва хунарпарвар подшоҳ эди, ҳаммавақт улуғ амирга таъбининг мулоимлиги, зийраклиги учун офаринлар ўқир эди, баъзи пайтларда улуғ амир битган туркийча ёки форсийча шеърларни мутолаа қилар, таъбининг қудрати ва шарофатли сўзларининг ширинлигидан таажжубланарди, бедариг марҳаматидан баҳраманд қилар ва хайрли дуолари билан қўллаб-қувватларди...

Шу кунларда бу улуғ амир дину давлат ҳомийси, шариат ҳамда миллатнинг пушти паноҳидир. Давр подшоси Султон Ҳусайн мирзо унинг фойдали насиҳатларидан баҳраманд, муносиб саҳобалари, мартабали арбоблар унинг ёқимли суҳбатидан миннатдор ва рози, ўзгалар етишолмайдиган йиғинлари фозиллар жам бўладиган жой, олий даргоҳи эса фуқаронинг мурожаатгоҳи, дастурхони ҳижронда қолганлар учун турлитуман нозу неъматга тўла, қарамли эшиги муҳтожлар учун ҳамшиша очикдир...

Бу улуғ амирнинг мақбул табиати ва мулоим унсурини султон жанобларига яқинлик, мусулмонларнинг муҳим ишларига қариллик, шариату суннат, мулку миллат ишларини раванқ эттириш билан банд бўлса-да, ҳаммавақт фазилат орттириш, илм билан машғулдир. Унинг ҳамсуҳбатлари хуштаъб, фозил кишилардир. Унинг мақбул хотири аҳли дилдан бошқани истамас, оғир табиатлилар унинг ҳиммат назарига енгилтак бўлиб кўринар, балки ноаҳиллар унинг латиф мажлисларига киролмасдилар...

Туркийча ва форсийча шеърлари мақбул табиатининг хулосаси, додини бериб айтган муаммолари латиф фикрининг хоссасидир, мавж уриб турган билим дарёси манзум дурларини кунда бир неча бор қирғоқ томон сочиб турибди ва аҳли илм уни қулоқларига осиб олган, балки бу дурлар сезгир кишиларнинг қулоқларига безак бўлгандир...

Ул латиф таъбдан то шу кунгача ниманки содир бўлган бўлса, у унинг маърифатли шайх Низомий Ганжавийнинг, таңгри уни раҳматлантисин, «Хамса» сига туркийчада қилган жавобидир, яъни «Хамса» сидирким, улуғ амирдан аввал

бирон кимса бу қадар фазлга эга бўлолмаган. Дарҳақиқат, ўша дostonда у фасоҳатнинг додини берган. Биз бу ўринда унинг «Лайли ва Мажнун» дostonидан мисол тарикасида икки байт келтирайликким, баҳорга бағишланган бу икки байтда баланд ташбиҳлар, теран ўй-хаёллар мавжуддир. Унинг қолган шеърларини шу икки байтга қиёс қилиш мумкин.

Марз узра кияр себарга жавшан,
Шашпар кўтарур бошига савсан.
Лола варақин бериб сабога,
Бағри қародек учар ҳавога.

Унинг латиф таъби, бошқа байтларидаги юксак санъатлар ва бадийлик шу икки байтдан ҳам маълум. Мақол: «агар хонада киши бўлса шарпаннинг ўзи кифоя». Мазкур тазкирада қабул қилинган тартиб-қоида тақозосига кўра, фозилларга маълум бўлсин деб, ва сўнгра, он ҳазратдан ёдгор бўлсин деб, ибосизлик бўлса ҳам, улуғ амирнинг туркийча ва форсийча шеърларидан баъзиларини келтирмоқчимиз. Улуғ амирнинг хожа Хусрав Дехлавийнинг «Баҳр ул-аброр» ига жавобан ёзган покиза қасидаси ҳам бор. Муаллифнинг фикрича, бу жавоб бошқачароқ фазл касб этади.

«Баҳр ул-аброр» қасидасига жавоб:
Оташин лаъл подшоҳлар тожини ҳар он безар,
Бошда хом бўлса хаёл чўғи маромга етказар.
Шоҳ ўлимдан қўрқмаса вайрон ўлур мулки унинг,
Бўлса шоҳ беокибат шаҳру элат топгай зарар.
Подшоҳлик шавкатин занжири зийнат этти паст,
Шер факат ўрмонда шер, занжирда шерлик на қилар?
Подшоҳлик борлиғи бошдин-оёқ бош оғриғи,
Пўк эрур ноғора гарчи гулгули бош оғритар.

Амир Хусрав гарчи пешқадам ва фазл эгаси бўлса ҳам, «Баҳр ул-аброр» идаги маърифатлар, ҳақиқатлар ҳамда фикру ўйларининг нозиклиги донолар наздида мукаррам ва азиз бўлди, лекин улуғ амир ҳам мазкур қасидасида маънилар додини берган, шоирлик, суханварлик ҳамда хос ўйларининг ифодаси ила акобирлар фикрини тортишда нуқсонга йўл қўймаган.

(Байт:)

Бул унинг жавобидир, Хусрав сўзидин кам эмас,
Балки бул икки суҳаб, бири-бирдан яхшироқ.

Улуғ амирнинг туркий девони ҳукмдорлар ҳамда акобир йиғинларига беизадир, арганун навоси бенаволар унишогини тўғри йўлга бошлар, қаламининг гижир-гижирдан мухалифлар мағлуб, хусравоний оҳанги Султон Хусайнга маҳбубдир. Қандай яхшики, унинг довруғи турклар мамлакатидан Хижозгача тарқалди, қандай яхшики, дабдабаси Нишопурдан Исфахонгача етди. Ажам мамлакати халқи бу садодан қулоғига сирға тақиб, дунёнинг тамом бурчаклари бу дарё гавҳари ила тўлиб-тошгандир, тонг насими унинг ҳақидаги хабарни Ироққа етказди, Тубо дарахти баргларини ушбу ниҳол шохчаларига ёпиштирди...

* Ва биз улуғ амирнинг шарофатли девонидан фақирлик табиатимиз ва аҳволимизга мувофиқ келадиган бир ғазални танлаб олдикким, унинг сўзлари жароҳатланган қалбга туз сепади, балки мажруҳ жигарни тирнайди. Ўша ғазал ушбу-дир:

Ёраб, ул ой хуснин эл фаҳмига номафҳум қил,
Бўйла мавжуд этмасанг, аввал мени маъдум қил.
Бўлса ишқимда кусуре кўнглини мендин совут,
Ишқим ар пок бўлса тошдек кўнглини они мум қил.
Борча туздин ўйлаким, кўзумни маҳрум айладинг,
Борча кўзни ул париваш юзидин маҳрум қил.
Қилса зулм ул золим элни қилмагил, ёраб, забун,
Чун тазаллумдир ишим доим мени мазлум қил.
То кўзум қутлуғ юзидин ўзга сори тушмасун,
Ҳар не кўз кўргай менинг бахтимга они шум қил.
То тирикмен ишқи харфедур ичимда, эй, рафик,
Ўлсам они ўқ мазорим тошида марқум қил.
Демаким борму экан меҳрим Навоний кўнглида,
Он дам исин бир тааммул айлабон маълум қил.

Хуллас, яхши андишали улуғ амирнинг фазлу камолоти хусусида озгина сўзлаб ўтдик. Энди савоб важҳидан у жорий этган садақа ва хайр-эҳсонлар хусусида сўз юритмоқчимиз. Гапнинг қисқаси шуки, узоқни кўрадиған, зийрак ва доно кишилар ибрат юзасидан дунё ишларига ҳирс қўймадилар, охират тараддудидан ғофил ва бепарво бўлмадилар. Мана шу андиша ҳар нарсадан бохабар амирнинг этагидан тутди. Шунинг учун ҳам у тамом ҳиммати ва мўътабар иштиёқини охират ишларига сарф қилди, солиҳлар тариқига эргашди, охират тараддудиди бўлди...

Унинг савобга ишорат қилган қисқача моту мулкини хайр-эҳсон ҳамда бошқа хайрли ишларга сарфлашнинг тақозо

қилди, меросхўрлар ва чўтолчиларнинг узун қўлларини қисқартирди... холис мулкни ва ҳалол бойлигини худо йўлига тикиб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли иморатлар ҳамда дорушшифо қуришга сарф қилди. Ўша жойларга қилган вақфлари муомалада юрган пул ҳисобида тахминан 500 туман кепакийни ташкил қилади... Борди-ю, улуғ амир қилган хайрли ишларни бирма-бир ҳисобланадиган бўлса, қисса чўзилиб кетиши мумкин. Фақат пойтахт шаҳар Ҳиротда ва бошқа ерларда бино қилдирган машҳур манзилларидан айримларига қисқа тарзда тўхтаб ўтамиз.

Биринчи, пойтахт шаҳар Ҳиротда улуғ амир томонидан курдирилган иморатлардан масжиди жоме, мадраса, хонақоҳ, дорушшифо ва ҳаммом. Буларнинг барчаси бир ерда, жаннат салсабили ҳамда аригининг рашкини келтирадиган Инжил ариғи ёқасидадир. Рубъи маскундан келган мусофирлар бундай зебо ва чиройли иморатларни бошқа ўлкалардан кўрсатиб беролмайдилар.

Яна бир ажойиб иморат Работи Ишқдирким, анинг зикри мазкур тазкира аввалида ўтди.

Яна бири Работи Сангбастким, унинг зикри ҳам ўз ўрнида ўтди.

Шу кунларда яна бир қанча жойларда олий иморатлар бино қилишга амр қилдилар. Маърифатли саййид Қосими Анвар жаноблари ҳамда шайх Фаридуддин Аттор, тангри уларнинг сирларини муқаддас қилсин, мазорлари устига қурилган иморатлар. Шунингдек, Нишопур атрофида жойлашган Дизободдаги, машҳур Аёзи Хос работидан кейин иккинчи ўринда турган, балки ундан олийроқ ва мустаҳкамроқ бўлган, тошдан қурилган работ шулар жумласидандир.

Яна тангри инояти билан, бунга бирмунча вақт ўтди, у мутасаддий қилган кишиларнинг тиришиб қилган ҳаракати билан Хуросоннинг машҳур булоқларидан — Тус вилоятининг юкори қисмида бўлган Чашмайи гил суви муқаддас Машҳад шаҳарига олиб келинди, бу билан муқаддас Машҳаднинг муқим халқини сувсизлик азобидан халос қилди... Бу қандай эҳсон бўлдики, жаҳон ҳукмдорлари ва ақобирлари бундай ишни уудалашдан ожиздирлар. Мазкур ариқнинг узунлиги қарийб ўн фарсахдир, манбаъи тамоман баланд-пастликдир. Улуғ амирнинг ушбу хайр-эҳсони барча эҳсонларига шараф бўлғусидир. Иншоолло, мана шу ариқ туфайли муқаддас Машҳад шаҳари беҳишт рашкини ҳамда Чин ниғорхонасининг ғайригини келтиражак...

Улуғ амирнинг иморатлари ҳамда хайр-эҳсонларининг ҳаммасини таърифлаб тугатиб бўлмас, чунки уларнинг ҳисоб-китобиغا етиб бўлмас.

Камина муаллифнинг қўли очик амир мадҳида айтган муламмаҳ қасидаси борким, у туркийча ва форсийча аралаш битилган. Гарчанд ушбу тазкирада сўзамоллар зикри келтирилган бўлса-да, банда ўзини фозиллар қаторига қўшолмади, (фақат) хайр-эҳсонли улуғ амир мадҳига (шунчаки) қўл урди. Мана бу байтлар ўша қасидадан:

Субҳидам очди юзидин пардаи нилуфари,
Жилва берди хусниға зебо аруси ховари.
Аз уфқ то шуд ядибайзои Мусо ошкор,
Бул ажаб корони шабро рафт сеҳри Сомари.
Бўлди зоҳир куфру имон куфри зулмат нуридин,
Шоҳ ховардин хазимат қилди хайли барбари.
Оташи хур уди шабро сўхт аз дамҳои субҳ,
Осмон гўи хайбат карда шакли мажмари.
Даҳр зулматдин ҳалос ўлди Зулайҳо кўридин,
Бесар назар лутф айлади Юсуф таманнонинг сари.
Деви зулмат шўд гурезон аз Сулаймони сахар,
Субҳ аз ёкути хур бинамуд то ангуштари.
Юсуфи мохчехра Миср чоҳида бўлди азиз,
Ҳар наззоргоҳда анга ҳазорон муштари.
Аз тулўи шаммаи ховар жаҳон пурнур шуд,
Ва-з навои Зухра дар гўш омад ин дурри дари.
К-эй жамолунг қибладек, соҳиб назарлар манзари,
Оразинг барги сумандир, балки гулбарги тари.
То малоик дид рўят, саждаҳои шукр қард,
Акси рухсорат чу пайдо, гашт пинҳон шуд пари.
Э, карокчи кўзларинг сар фитнаи даври қамар,
Кокили шабгуни мушкининг балои бар сари.
Чун каломат мантиқи тўти надорад ҳолате,
Бо лабат шаккартаре чи буд, чу ту ширинтари.
Тинатинг, ё раб, малоикдинмудирким дунёда,
Бўлмади зоҳир сенингдек даври айёмда пари.
Ламъае гар дар Хито афтад зи нури оразат,
Бишканад наққоши Чин он хомаи суратгари.
Мулкате хусну жамол андоқ мусалламдур санго,
Ким, фазилат бобида зотинг жаҳоннинг сарвари.
Осмони маъдалат, хуршеди дин, баҳри шараф,
Он-ки хўрда гўшмолаш гўши чархи чанбари.
Мазҳари давлат Алишер, улки шери ҳақ эрур,
Ҳар маорикда онинг фатҳу саодат ёвари.
Ончунон к-аз ақдами Саййид шуда Ясриб азиз,
Гашт дорулфазли олам аз вужуди у Ҳари.
Баҳр ҳикматдур онинг зебо замири равшани,
Лўълўи манзуми ул баҳри шарафнинг гавҳари.

Эй, ба-яман ҳиммат обод мулк аз адлу дод,
В-эй ба даври давлатат гашта қавий динпарвари.
Бу хасоил бирла хосил қилдинг ул олимаком,
Ким, қуяр андоқ мақомда руҳи аъзамнинг пари.
Қилсангиз гар бир наззора Анварий девонини,
Шомили ҳолимдур, эй комил, бу сўзнинг зоҳари.
Осмон дар гашти умрам кунад доим ду қор,
Гоҳ шоди бодбони, гоҳ андух лангари.
Бир назар бирла мени баҳри мазаллатдин чиқор,
Навъ даъват сен мени тўфонда қилғил ёвари.
То бар-ин айвони мино ҳалқаи сими ҳилол,
Мекунад гўши фалакро ҳар сари маҳ зевари.
Бўлса, эй, ҳоким санго маҳкум даврони фалок,
Мохи икболу жалолнинг хусуфу нуксондин нари.

Тангри таоло ул улуғ амир зоти шарифларининг соясини
ҳижронда қолганлар бошида кўп йиллар тутгай! 368—377-бетлар)

МИРХОНД

«РАВЗАТ УС-САФО» дан

*УЛУҒ ВА СОҲИБ ТАДБИР АМИР АЛИШЕРНИНГ СУЛТОН АҲМАД
МИРЗО ЎРДУСИДАН ЖАҲОНГИР ҲОҚОН СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗО
МУЛОЗАМАТИГА КЕЛИШИНИНГ БАЁНИДА МУШКИН РАҚАМ ҚА-
ЛАМНИНГ НУҚТАТИРОЗЛИГИ ВА УНИНГ ҲОЛ-АҲВОЛИНИ БАЁН
ЭТИШДА КЎРСАТГАН СЕҲРПАРДОЗЛИГИ*

Доруссалтана Ҳирот ул ҳазрати Султон Ҳусайннинг келиши билан осмон корхонасининг ғайратини келтирадиган бўлган кунлари равшан кўнгил, улуғ фозилларнинг соҳиб ихтисоси, саодат неъматларининг хос кишиси, соҳиб тадбирлик амир, давлату диннинг низоми амир Алишер мирзо Султон Аҳмад ўрдусидан чиқиб, олий ҳазрат Султон Ҳусайн мулозаматига биринчи бўлиб юзланди ва турли-туман лутфу эҳсон билан сарфароз бўлиб, жаҳонпаноҳ даргоҳининг хос кишилари қаторидан жой олди.

Амир Алишернинг ҳол сурати бунга қадар қисқа тарзда қуйидагича бўлди: ул офтоб диллик амирнинг улуғ ва саховатли бобоси аввал замон тақозосига кўра, амир Темур кўрагоннинг ўғли мирзо Умаршайх баҳодирнинг хос мулозимлари қаторидан жой олиб, эътибор қалами унинг бисот лавҳига кўкалтошлик даражасини ёзган эди. Ул жаноб амир Алишер болалик айёми ҳамда йигитлик ҳангоми аввалида зафарнишон ҳоқон мулозаматида кун кечирди. Ул ҳазрат Султон Ҳусайн мирзо Абулқосим Бобур билан ҳамсуҳбат бўлган кезлари амир Алишер ҳам ул олий даражали подшоҳнинг мулозаматини ихтиёр қилди. Мирзо Бобур тангри таолонинг раҳматига етишгандан кейин, ҳоқон Мансур Султон Ҳусайн муқаддас Машҳад шаҳаридан Марвга келди. Ул соф кўнгиллик амир ҳам шу вилоятда тўхтаб фазл касб этиш ва илм орттириш билан машғул бўлди. Абу Саид султон замонида Ҳуросон пойтахтига, Ҳиротга бориб бир неча кунни ўша иқбол ошёнлик остона мулозаматида ўтказди, аммо ўз ҳолига муносиб риоят ва тарбият тополмади. Шу сабабдан Хуросондан беҳишт монанд Самарқандга бориб, хожа Жалолуддин Абуллайсий хонақосида истиқомат қилди ва кўп вақтини китоб мутолаасига сарфлади. Баъзида Мовароуннаҳрнинг соҳиб ихтиёри бўлган

амир Дарвиш Муҳаммад Тархон ҳамда амир Аҳмад Ҳожибек билан борди-келди қилиб турди. Султон Аҳмад мирзо хоқони Мансурнинг Хуросонга юриш қилганини эшитиб, қўшин тортган ва Амударёдан кечиб ўтган вақтда амир Алишер унинг ўрдусида эди. Султон Абу Саид воқеаси¹ ва хоқони Мансурнинг Ҳиротни истило қилгани хабари таҳқиқ қилингандан кейин, мирзо Султон Аҳмаддан руксат олиб Ҳирот томон равона бўлди ва рўза ҳайити арафасида хоқони Мансурнинг мулозамати саодатини ихтиёр этди. Чўзилиб кетган жудолик хангоми ҳамда кўпга давом этган муҳожирот кунларидан кейин жаҳонгир хоқоннинг нурга тўла дийдорини кўриш билан кўзи равшан бўлди ва ул ҳазратнинг чексиз иноятига мансуб бўлиб, нозик табиатининг натижаси бўлмиш ва ҳар байти шоҳвор жавоҳирга зийнат берувчи ҳамда тоза дурнинг рашкини келтирувчи «Ҳилолия» номлик қасидасини ҳумоюн базмига тортиқ қилди. Бу ҳол адолатнишон хоқон эътиқодининг ортишига сабаб бўлди. Фазилатшиор амирнинг эътибор ва иқтидори қудратли подшоҳ ҳузурида кундан-кунга зиёда бўлиб, аҳвол шу ерга бориб етдики, барча турку тожикнинг саранжомлиги, яқину йироқ саранжомлигининг муҳим ишлари унинг савобнамо ихтиёрига топширилди. (варақ 17а—18а)

ХОҚОН МАНСУРНИНГ УЛУҒ АМИРЛАРНИ МИРЗО ЁДГОР МУҲАММАД МУҲОРАБАСИГА ТАЙИНЛАГАНИ ВА МИРЗО КИЧИКНИНГ ҲАМ УЛ ҲАЗРАТНИНГ АМИР БИЛАН УЛАРНИНГ ИЗИДАН БОРГАНИ ЗИКРИДА

Мирзо Жаҳоншоҳ туркман мирзо Абу Саид кўрагон билан сулҳ тузиб Хуросондан Озарбайжонга қайтгандан кейин, аввал биродарзодаси хизматида бўлган мирзо Ёдгор Муҳаммад ибн мирзо Бойсункур ибн мирзо Шоҳруҳ ибн амир Темур кўрагон оқила ва фозила малика аммаси Поянда султон бегимнинг ишорати билан мирзо Жаҳоншоҳ мулозаматини ихтиёр қилди ва бир неча вақт унинг ғалаба байроқлик риояти соясида фароғатда кун кечирди. Ушбу олий мартабалик подшоҳ Мирзо Жаҳоншоҳдан кейин,² Абунасер Ҳасанбек ҳам мирзо Ёдгорнинг таъзим ва эҳтироми бобида химмат кўрсатди. Сўнгра, Султон Саид тарафидан хотиржам бўлгандан кейин, Хуросоннинг баъзи амирларини кўп сипоҳ билан шоҳзодага кўшиб, уни ота мулкани бўйсундиришга тарғиб

¹ Яъни, ўлим.

² Хондамирнинг «Хулосатул-ахбор»ида: «Ул олий даражали подшоҳ 1467 йилда қатл этилгандан кейин...» дейилган.

қилди. Мирзо Ёдгор кўп ғурур билан жаҳонгирлик байроғини кўтарди ва аввал Журжонга қараб юрди. Амир Зоҳид Торимий унинг лашкари савлатидан чўчиб қочиб кетди. Бу хабар ҳоқон Мансурнинг қулоғига етгач, катта қўшин билан амирлардан Муборизуддин Валибек, Насируддин Абдулҳолиқ, Низомуддин Аҳмад ибн Фирузшоҳни илғор расми билан унга қарши отлантирди. Улар Нишопур орқали Симнонга ¹ бориб тўхтадилар. Ҳоқон Мансур уларнинг изидан мирзо Кичикни ҳам юборди. Шаҳзода Симнонда уларга қўшилди. Сўнг ҳаммалари биргаликда Астробод ёнида турган мирзо Ёдгорга қарши юзландилар. Шўроб деган жойга етганлиридан сўнг, олинган буғруққа биноан, жанг майдонига кирмай тоғ тепасида жойлашган Хурус яйлоқига бориб, ўша ердаги осмонўпар ва Садди Искандарнинг рашкини келтирадиган қалъада мустаҳкамланиб олдилар. Аммо мирзо Ёдгор осмон шукуҳлик тоғ этагига бориб кўрдик, ул тоғнинг чўққисига фақат хаёл муборизининг кучи етгай, андиша эса унинг кунгурасига тасхир арқонини отгай. Шундай қилиб, истақ этагини силтаб, қамарсайр оти жиловини Исфароинга қараб бурди.

Юлдуз мавкаблик ҳоқон раби ул-аввалнинг тўртинчиси, мазкур йилда (1569 йил 11 сентябрда) доруссалтана Ҳиротдан чиқиб, зафар асарлик байроқни муқаддас Машҳад сари кўтарди ва у ерни ўзининг қутлуғ тўхташ жойига айлантирди, имом Мусо ар-Ризо... нинг осмон қаби юксак қабри ва хушбўй равзаси зиёрати лавозимини бажарди... ўша ерда истиқомат қилиб турганларни эса инъому эҳсон билан сийлади.

Мирзо Кичик ва илғор қўшинда турган амирлар ҳумоюн мавкабнинг келгани хабарини эшитиб, Хурус тоғи яйлоқидаги тумонга келдилар ва мирзо Ёдгор изидан равона бўлдилар.

Ҳоқони Мансур мирзо Ёдгорнинг Исфароин вилоятига келганидан огоҳ бўлгач, жанг майдонини тарк этиб, Ўланг Родгон орқали Хабушон ва Ёлғиз ёғоч жилғасидан Хабушон билан Исфароин орасидаги тоғ дарасига кирди. Кичик мирзо билан илғор қисмдаги амирлар шу ерда зафар кўринишли ўрдуга келиб қўшилдилар ва мирзо Ёдгор ҳамда сипоҳининг Озарбайжонга қараб кетгани хабарини олий ҳоқоннинг ҳумоюн қулоқларига арз қилдилар. Ҳоқони Мансур қаҳри ғазабга дучор бўлган душман аҳволини эшитгач, Саид Мурод ўғлоқчи, Мир Али мироҳур ҳамда Шайхим Омил ўғлини 4000 киши билан манғлай расми билан юборди, ўзи эса ўша кеча қурол-яроғни ҳозирлаш ҳамда ханжар урувчи муборизларни рағбатлантириш

¹ «Хулосатул-ахбор» да Симилқон.

билан банд бўлди. Илғор умароси амир Али жалоир билан учрашиб жангга тутиндилар, лекин амир Али жалоир ғолиб келиб, амир Саид Мурод ўғлоқчи ўлдирилди, қолганлар эса осмон кадар ўрдуга қараб чекиндилар ва хоқон мудозиматиға етишдилар.

СУЛТОН ХУСАЙН МИРЗОНИНГ МИРЗО ЁДГОР БИЛАН УРУШИШ МАЙДОНИНИ ОРАСТА ҚИЛГАНИНИНГ ГУФТОРИ ВА ТАНГРИНИНГ АМРИ БИЛАН ЖОМҚОР ПОДШОНИНГ БАЙРОҒИГА ЗАФАР ҲАСИМИ ЭСГАНИНИНГ ИЗХОРИ

Эртаси куни тонгда... зафар байроқлик хоқон Абулғози Султон Хусайн мирзо размқашлик ва ғайрат андишлик йўлини маҳкам тутиб, уруш изми билан, тангри таолонинг ҳимояти остида, уруш майдони сари юзланди... Лашкарнинг соқа сардорлигини амир Муборизуддин Валибекнинг ихтиёрига топширди, ўнгу сўлини мирзо Кичик ва амир Абдухолиқға топшириб, уларнинг бошини юқори қилиб, эътибор осмонидан оширди. Амир Ҳасан, Шайх Темур, амир Мўғул ҳамда Шайх Абу Саидхонни ҳировулликка тайинлади, ўзи эса нусрат осор лашкарнинг қалбида турди...

У тарафдан Абулмузаффар Ёдгор Муҳаммад ҳам... лашкар ҳолига эътибор берди. Амир Али жалоирни баронғорга, амир Аҳмад Али Форисий барлос билан амир Султон Хусайн Архангийни жавонғорга юборди. Аюб Шайх жалоир, Муҳаммад кўкалтош ҳировулга етакчи ва катта кўшинга маъзур бўлиб, кураш ва олишув байроғини (баланд) кўтардилар. Шу куни шахзоданинг оламини ёндирувчи сипоҳи дарахту чўбдан кўп, Рустаму Исфандиёрдан қувватли эди...

Лашкар ораста бўлгач, ҳар иккала жалодат нишон султон бир-бирининг қаршисида турдилар ва сурон солиб уруш оловини ёқишни буюрдилар.

Султон Хусайн мирзо офтоб сингари олтин қопланган тиғини ғилофидан суғуриб қон ичиш ва Баҳром янглиф мақомда турди. Мирзо Ёдгор ҳам қаҳр заҳарининг суви берилган, дилни ёндирувчи камон ўқини қасбий камони ошёнасига яхшилаб ўрнатди. Катта-кичик ноғора ва карнайнинг ғиғони сурнай ва табланинг ғиғони осмон кўнгирасидан ўтди, бодратор отлар наъли ғубори оламтоб офтоб юзига сурмадек ниқоб бўлди, уруш ўти жонлар хирмонига шуъла урди... Шу аснода хоқони Мансурнинг лашкари, баронғордан амир Муборизуддин Валибек душман лашкари жавонғориға ҳамла қилиб, уни тор-мор келтирди. Ҳасан Шайх Темур сўлдан майдон сари чопиб кириб душмандан кўп кишининг тириклик дарахтини

кўпориб ташлади. Мирзо Ёдгор Муҳаммад аввал ботирлик пешасини жавонғорда кўрмагандан кейин ўша тарафга ҳамла қилди, иқтидорлик асарини кўрсатиб, зафар оқибатлик ясол орқасидан ёнди. Рустам қудратлик ҳокон ул жасорат нишонлик Мирзо Ёдгорни бу ҳолда кўриб, мавкаб баҳодирларига қон ичувчи ёй ўқини камон ошёнасидан парвоз эттиришни (душманни ўққа тутишни) буюрди... Хуллас, ўлим етказувчи ўқнинг борони ҳаддан зиёда ва ҳисобдан ташқари бўлди. Туркман баҳодирларидан кўплари кетма-кет ҳамлалар билан ҳумоюн мавкабга яқинлашдилар ва қўлларига қилич олиб, уруш оловини ёқдилар. Шу пайтда довюрак ҳокон комил шижоатининг асари ҳамда шомил қудратининг изҳори билан душман устига чопиб бориб, қиёмат босқин ҳамла шамоли билан уларнинг жамияти ва сабру тоқатига тазалзул етказди ва ўша паришон жамиятни чекиниш ва парокандалик майдонига сурди... Аввал ўзларини сабру тоқатда Рустами дostonдан зиёда англаб, журъату жалодат бобида рўйинтан Исфандиёрни ўзларининг гошиякаши деб билган баҳодирлар энди заиф табиатлик пашшадек уруш қилолмай, чекинишга қанот қоқдилар... Шижоатпаноҳ подшоҳ қаҳр шамолининг елиши ва зафарнишон ҳокон жон олувчи камон ўқининг офтоби шуъласидек порлаган бургутининг парвозидан таважжуҳ юзини чекиниш водийси сари кўйдилар. Тангри таолонинг тадбири ҳамда шаҳаншоҳ тақдирининг корсоз хабарчилари фатху зафарнинг руҳни ортирувчисини ва зафару беҳрўзликнинг дилкушо башоратини бердилар. Ҳокони Мансур урушдан қочган ва қаҳру ғазабга дучор бўлган душманни таъқиб қилиб, зафарнишон мавкабнинг баҳодирлари янги зарб билан уларнинг кўпларини ўлдирдилар, кўп кишини асир олиб келтирдилар. Баҳлул Кошоний, Шайх Саид Тағойи, Муҳаммад Кўкалтош, амир Айюб, амир Аҳмад Али Форисий, Султон Ҳусайн Арҳангий асирлар жумласидан эдилар, аммо амир Айюб, амир Аҳмад Али Форисий ва амир Султон Ҳусайн салтанат ошёнлик оstonанинг махсус кишиларининг шафоати билан озод этилдилар, қолганлари эса йўқлик зиндонига улоқтирилдилар. Ҳокони Мансур ушбу нусрат осорлик улуғ ғалаба учун тангри таолога шукр келтирди ва амир Шайх Ҳасан Темурни Астробод вилоятига ҳоким қилиб тайинлади, ўзи эса иззату каромат тахти сари йўл олди. Қисқа вақт ичида узоқ масофани босиб ўтиб, уч кун ичида муқаддас Машҳаддан доруссалтана Ҳиротга етиб олди...

Ҳокони олишон шу қишни Боғи сафидда ўткинчи кўнглини лашкаркашликдан фориг тутиб, маҳваш соқий қўлидин гулранг бода сипқорди ва мурувватлик соясини Хуросон вилояти халқи бошига солди.

Қиш аввалида шиддатли ҳокон Абулғозий Султон Ҳусайн баҳодир Боғи сафидда айшу нишот палосини тўшаб, фаррухлик қадаҳини култуллатиб ичиб турган ва фитна ғубори ҳамда хавф-хатар осорини кўнгли юзидан артиб турган бир вақтда Озарбайжон йигитларидан Алишернинг ўғлонлари Ёрали туркман ва Пирмуҳаммад 1000 кишиси билан, мирзо Муҳаммад ибн мирзо Жаҳоншоҳнинг ўғли мирзо Иброҳим билан бирга, амир Ҳасанбекдан қочиб Хуросонга келиб ҳокон хизматига етишдилар ва ул ҳазратнинг турли илтифотлари билан фахр ва қувонч топдилар.

Ва мазкур йил ражаб ойининг саккизинчи (1470 йил 17 январь) куни амир Ҳасанбекнинг яқинларидан Қози Али элчилик расми билан ташриф буюриб, подшоҳ Ҳасанбек тилидан олиймакон подшоҳнинг шарофатли қулоқларига қуйидагиларни етказди: «Азиз ва улуғ ота-боболаримиз ҳамиша дўстлик ва муҳаббат биносининг асосларини мустаҳкамлар эдилар. Шу вақтгача тангри таоло инояти билан мирзо Жаҳоншоҳ туркман фасодининг дафъи муяссар бўлди. Мирзо Абу Саид ўтганларнинг мақтовга муносиб одатига тажовуз қилиб, Озарбайжон тарафига лашкар тортди. Бу тарафдан қанчалик тавозе ва ниёзмандлик бўлмасин, бунинг фойдаси бўлмади... Энди муддао шулки, илгариги муносабатлар маръий бўлғай. Илгари олий даргоҳдан паноҳ топган Қора қуюнли туркманлар бу томонга юборилғай».

Ҳокони Мансур қози Алига кўп эътибор бериб, бир неча кун тутиб қолди ва Жаҳоншоҳ амирларини қайтариб юборишни мурувват муқтазосидан йироқ ҳисоблаб, аввал жавоб олмоқ учун амир Ҳасанбек ҳузурига элчи юборди.

Уша йили қишда амир Мўғул Балх аёлати билан сарфароз этилиб, Балх тарафига юборилди. Шоҳ Яхъё Сеистон ҳокими қилиб тайинланди, Кўҳистон ҳукуматининг ихтиёрини амир Шайх Зоҳид Төримийнинг қудратли қўлига топширилди.

Аммо Ёдгор Муҳаммад Мирзо Чиноронда бўлган урушдан кейин Домғон ва Симон атрофларига борди ва содир бўлган аҳволни амир Ҳасанбекка маълум қилиб, ундан мадад сўради. Амир Ҳасанбек қариндошлари жумласидан бўлмиш амирзода Зайналбек, Қора қуюнли амирлардан амир Шоҳ Мансур ибн амир Мансур ибн амир Шоҳвор бошчилигида мукаммал қуролланган 4000 кишилиқ қўшинни мирзо Ёдгор Муҳаммадга қўмак учун юборди. Шаҳзода отланиб Хуросонга келди ва бу вилоятда зулму бедодлик қилди.

Шу вақтнинг ўзида Қоин вилояти улуғларининг барчаси ўша низолар туфайли Кирмонга борган ва Ҳасанбекнинг ўғли амир Зайнаббекка қўшилган эдилар, Қўҳистон тасхирга кафил бўлдилар. Шаҳзода 1000 отлик аскарни уларга қўшиб, ўша Қўҳистон тарафга Шайх Зоҳид ҳукмронлигига барҳам берсин учун юборди.

Бу хабар губори доруссалтана Ҳиротга етгач, амир Шайх жалоир, Неъмат Хоразмий каби калтабинлар ҳоқони Мансурдан юз ўгириб, мирзо Ёдгор Муҳаммад томонга ўтиб кетдилар. Аммо ул хазрат (ҳоқони Мансур) уларнинг бу ишига парво ҳам қилмади, лекин амир Абдулҳолиқ ибн амир Аҳмад ибн Фирузшоҳ ҳамда Байрам туркман ва Ёрали туркманларни кўп киши билан илғор расми билан юборди. Бу тоифа муқаддас Машҳад шаҳарига етгач, мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг Нишопур вилоятида зулму бедодлик қилиб юрган баъзи кишилари қочишга юзландилар ва Исфароинга бориб шаҳзода мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг ўрдусида қарор топдилар. Султон Ҳусайннинг илғор расми билан юборган одамлари ўланги Родгонга бориб тўхташ чодирини тикдилар. Мирзо Ёдгор Муҳаммад эса Сабзаворни ишғол қилди.

Ушбу хабар нурлари нусратнишон ҳоқон равшан дилининг пешгоҳига тушгач, билдики ўзи душманни дафъ этиш учун отланмайдиган бўлса ҳаёлининг мароми ва кўнглининг истаги ўрнига тушмас. Хуллас, муборак рамазон ойининг биринчи (1470 йил 7 март) куни кўп ва беҳисоб аскар билан доруссалтана Ҳиротдан чиқиб, Родгон ўлангидаги илғор умаросини ҳам ўзига қўшиб, Сабзаворга қараб юрди. Мирзо Ёдгор Муҳаммад бу хабарни эшитгандан кейин, шу ондаёқ Сабзавор вилоятининг муҳим ишларини Қозибекка топшириб, ўзи Домғон ва Бистомга қараб кетди. Сабзавор атрофида ҳоқони Мансурнинг жаҳон очувчи байроғи ўрнатилгандан кейин, зафар ҳашаматли аскарнинг озгина бир қисми қисқа вақт ичида ўша шаҳарни қўлга киритиб олдилар. Қозибек 70 киши билан асир олиниб, Қозибекдан бошқалари йўқлик зиндонига улоқтирилдилар. Ҳазрати султоннинг ходим ва тарафдорларидан бўлмиш Сабзавор арбобларидан саййид Насрулла ва хожа Муъин турли-туман марҳамат ва шафқатлар неъматига етишдилар.

Сабзавор вилояти хатардан фориг бўлгандан кейин олий мавкаб мирзо Ёдгор Муҳаммад томонига юзланди. Баҳробод шаҳарининг тумени ҳумоюн аскаргоҳга айлангач, нусратнамо ўрду олдида бораётган илғор қисм бошлиқлари Ёрали туркман ва Шайхим Омил ўғли билан шаҳзода мирзо Ёдгор Муҳаммад сипоҳининг қоровули ўртасида Жожирм кўприги устида қаттиқ уруш бўлиб, мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг қоровули мағлуб бўлди ва илғор амирлари Неъматулла Хоразмий, Абдулла

жалоир ҳамда Қосим Давлат Маликни кўп одами билан асир олиб хилофатмасир тахт поясига келтирдилар. Асирлар жумласидан амир Ҳасанбекка хос навқар бўлганларидан бошқалари сиёсат шихнасининг қаҳрига дучор бўлдилар. Шундан кейин офтоб ҳадяли байроқ моҳчаси ўша манзилдан чиқиб, юлдуз ададлик мавқаб Жожирм сари юзланди. Ул жойда зулморқ фалак носозкорлик шеvasини тутди...

УЛУҒ ҲОҚОННИНГ ТАХТИ ПОЯСИДАН БАЪЗИ САРДОРНИНГ ҚОЧИБ КЕТИШИ ВА БУ ВАҲШАТ АСАРЛИК ХАБАР ТУФАЙЛИ ЗАҒАР ҲАШАМАТЛИК АСКАРГА ПАРИШОНЛИК ЕТИШИНИНГ БАЁНИ

Дастлаб Жожирм нусратнишон ҳоқоннинг ҳашаматидан эрам гулистони каби тоза бўлиб, хумоюн ўрду баҳодирларининг айшу нишоти беандоза эди, шу пайт бешарм замон ва бемехр даврон ситамкорликка тутиниб, зағар асарлик аскаргоҳда мирзо Ёдгор Муҳаммад Астробод даҳанасида турган амир Шайх Ҳасан Темурнинг риштасини узган, амир Ҳасаннинг ўзи эса Шаммосон қалъаси томон қочган ва бир неча кундан кейин қалъадан чиқиб, ниёзмандлик кўлини шахзода Ёдгор Муҳаммад давлати этагига урган, унга тамоман тобеълик билдирган, деган хабар тарқалди. Бу хабар Ўрду орасида шуҳрат топгандан кейин, сафшикан сардорлар тўп-тўп бўлиб таҳамтан ҳоқон қошидан қочиб, мирзо Ёдгор Муҳаммад ўрдусига юзландилар. Шундан кейин шубҳасиз ул ҳазратнинг қолган амирлар ҳамда аркон давлатига мутлақо ишончи қолмади. Бир неча кун эҳтиёткорлик чорасини риоя қилиб, уруш қилиш ташвишини чекмади, бу аҳволда уруш қилишдан кўнглини совутди ва Жожирмдан кўчиб, бир неча манзилни босиб ўтгандан кейин, муқаддас Машҳад шаҳарига етиб келди. Имом Ризо ҳазратлари мазорини зиёрат қилиб, унинг хизматкорларига назру садақалар бериб, тангри таолодан давлати боғини қайтадан яшнашини тилади. Сўнгра у ердан ҳам кўчиб, бенаво бир манзил бўлмиш Пули хотун тарафга қараб юрди.

Ҳоқон ўша жойга етгандан кейин, доруссалтана Ҳиротда ҳам катта ғавғо бошланиб, малак қадар тақдир ул диёрнинг сокинлари юзига зулму бедодлик соясини туширди. Бу ҳикоятнинг баёни шулки, юқорида баён этилган аҳвол асносида хожа Абдулла хатиб хожа Қутбиддин Товус Симноний хусусида шикоятмуз сўзларни ҳоқони Мансурга етказиб, хожа Қутбиддин Товус ҳибсга олиниб, 300.000 танга тилла товон тўлади, яна мансабидан ҳам йироқлаштирилиб, ўрнига хожа Абдулла хатиб девон мушруфлигига қўйилди. Лекин Ҳирот халқи шу вақтда адолатнишон ҳоқон чодир соясидан йироқ эди, хожа Абдулла эса хожа Низомуддин Бахтиёр Симноний билан тил бириктириб, Ҳиротда бутун ҳокимиятни

ўз кўлларига олдилар, бечора раъиятга жабру ситам қилиб, мазлумлар кўксидан оҳ дудини фалакка чиқардилар. Раъият ва фуқаро аҳволи шу ерга бориб етдики, авом ўн-нос хужум қилиб, хожа Абдуллани, доруссалтанада мирзо Шохруҳ қабулхонасида ўлтирган пайтда тошбўрон қилдилар. Хожа Абдулла бунга тоқат қила олмасдан мадраса хужраларидан бирига кириб яширинди ва ҳийла ишлатиб бу таҳликадан ўзини халос қилди.

Бу хабар Пули хотунда ҳумоюн арзга етгач, салтанат ошён остона мулозимларидан бири вожиб ул-изъон фармонга мувофиқ шахристонга бориб хожа Абдуллани ўрдуга равона қилди. Яхши хислатли хоқон дастлаб амир Низомуддин Алишерни адлу инсоф палосини тўшаш ва зулму фасод расмларини йўқотиш учун доруссалтана Ҳиротга юборди, унга ўша юрт халқини ўзига майл эттириш бобида ҳумоюн ёрлик ҳам берилди. Амир Алишер аввал шаҳарга бориб, ўзининг табиий одатига кўра, бефойда кунлардан уларнинг кўнгилларига етган захмларга малҳам қўйди, ситамдийда мазлумлар истимолати бобида тўла эҳтимом кўрсатди, золимларнинг зулми дафъига киришди ва буюрдики, аввал олий ёрлиғни жумъа куни минбардан ўкиб эшиттирсинлар. Шу сабабдан, халойиқнинг кўнгли тинчу осуда бўлиб, подшонинг давлату иқболи давом этишининг ҳамду саноси ва амир Алишернинг улуғлиги ва шуҳрати ортиши дуосига тил очдилар. Амир Алишер ҳумоюн ўрдуга кетаётиб, хожа Низомуддин Бахтиёрга бахтиёрлик қилмади ва у ҳибсга олинди. Ўрнига яна қайта хожа Қутбиддин Товус девон мушрифлиғи мансабига ўтказилди.

Шундан кейин ҳумоюн ўғруқ Пули хотундан Нерату қалъаси томон равона бўлиб, хоқони Мансур сарварлик ва ҳашамат билан доруссалтана Ҳирот тарафига йўлланиб, мазкур сана зулҳижжа ойининг ўн биринчисида (1470 йил 11 июнида) Боғи назаргоҳга келиб тушди. Мазкур ойнинг ўн еттисиди (1470 йил 17 июнида) у ердан кўчиб, Солор рўбарўсида жойлашган Сари тоғ ўлангига борди.

Нариги тарафдан Ёдгор Муҳаммад Мирзо зафарёр мавкабнинг юришидан огоҳ бўлди ва Хуросон мулкининг келини (Ҳирот) висолига умидвор бўлиб, Машҳадгача от сурди.

Айнан шу вақтда Султон Маҳмуд мирзо Амударёдан ўтиб, Балх ва Шибирғон ҳудудида исён дудини кўкларга кўтарди. Бу даҳшат асар хабар зафар ҳашаматли ўрдуда тарқалгандан кейин, кўзларини бадбахтлик пардаси босган кишилар қочишнинг бепоён водисига қадам қўйдилар. Бу хабар хоқон ҳазратларининг мунаввар хотирлари паришонлигига сабаб бўлди, лекин бир неча кун душман ҳужумидан тағофил бўлиб туриш муносиб кўрилди. Шу важҳдан Сари тоғ ўлангидан Соқисолмас

даштига кўчиб ўтди. Шу ерда яна бир гуруҳ беоқибат кимсалар хилофлик қилиб ҳумоюн мавкабдан тизгинни қочиш сари бурдилар. Гардун ғулом хоқоннинг ўрдусига тамом паришонлик йўл топиб, зафарёр байроқ Соқисолмас даштидан тўққиз работ орқали Нерату сари кўтарилдиким, бир неча кун ўғрукни мустаҳкамликда тенги йўқ ўша қалъада замоннинг хунук ҳодисаларидан асраш учун қолдириб, ўзи муносиб топилган тарафга кетмокчи бўлди. Бироқ, унинг атрофига етгач, ул ҳазратнинг тарбиятини топиб, хорлик тупроғидан ҳурмат ва улуг мартаба даражасига кўтарилган қалъа бошлиғи Аҳмад туғчи: «олиҳазрат агар бир-икки киши билан келса қалъа дарвозасини очамиз, йўқса итоат этмаймиз», деб хабар қилди. Хоқон Мансур ундан бундай хабарни эшитгандан кейин паришонхотир бўлиб, жўнаш жиловини Мурғоб дарёси бўйларига қараб бурди. У ерга бориб етгандан кейин турклардан Иброҳим, Пир Али, Қотмиш, мовароуннаҳрликлардан Султон Боязид ўғлон, Султон арғун ва Шайх Дарвиш қавчин беҳжатоийин мавкабдан қочиб кетдилар. Ноиложликдан жаҳонгир подшоҳнинг кўнгли ойнасига зўр ҳайрат занги ўтириб, қаяққа боришини билмай қолди.

Шу аснода амир Музаффар барлос ҳузуридан гардун асослик даргоҳга Юсуф исмлик чопар келиб, «хизматкор ва муҳолифат асарлик бандалардан амир Пирмуҳаммад барлос тўрт ўгли билан ва бошқа кўпгина давлатманд кимсалар Қайсар новоҳисиди зафар шиор мавкабнинг ҳаводорлиги билан йиғилганлар ва юлдуз ҳашаматли байроқнинг шу томонларда ҳам тулуъ этишини интизорлик билан кутмоқдалар, умид шулки, бу маҳжурларнинг муроди куёши мақсуд уфқига нур сочгай...» деган хабарни подшоҳнинг арзига етказди. Уларнинг бу илтимоси қабул даражасига етиб, Қайсар ҳавоси адолатпаноҳ подшоҳнинг саман оти губоридан мушк асар бўлди. Амир Музаффар барлос мулозамат шарафи билан ҳурматланиб, ихлосу бандалик лавозимини, ниёзу сарафкандалик маросимини ўрнига қўйди. Хоқон Мансурнинг иноят насими меҳрибонлик бурчагидан уларнинг умид боғига қараб эсиб, мақсуд меваси ҳамда беҳбудлик шажарасининг маҳсулига умидвор этилдилар.

Ҳумоюн байроқ Қайсардан орлотлар орасига қараб кўтарилиб, амир Пирмуҳаммад барлос авлод ва қариндош-уруғлари билан хилофот масир тахт поясида қоиммақом бўлдилар ва подшоҳона лутфу сийлашлар топиб тенгқурларидан ўзиб кетдилар. Сўнг, ҳумоюн мавкаб у ердан кўчиб, Маймана қасабасининг чорбоғи ҳумоюн нузул ноғорасининг тантанасидан баланд овоза бўлди. Теварак-атрофдан келган ихлос аҳлидан кўп киши баланд мартабага етишиб, хисравона хуш

ахлоқи парчасининг марҳамат ва меҳрибонлик мазиди билан сарфароз қилиндилар.

Хокон ҳазратлари то нусратасарлик байроқ қимматли ва кароматли пойтахтига қараб кўтарилгунча ўша манзилда туриб қолди.

ХИРОТ ШАҲРИДА ПОЯНДА СУЛТОН БЕГИМ ҲАМДА АМИР ФАРИДУН БАРЛОСЛАРНИНГ САЪЙИ ҲАРАКАТИ БИЛАН ХУТБАНИ ЁДГОР МУҲАММАД МИРЗО НОМИГА ЎҚИЛИШИ ВА ШУ ХУСУСДА МАЗКУР МИРЗОНИНГ АММАСИ МАЗКУРА ПОЯНДА СУЛТОН БЕГИМНИНГ МУБОЛАҒА ҚИЛИШИ БАЁНИ

Зафар байроқли хокон Абулғозий Султон Ҳусайн мирзо Сарви тоғ ўлангидан кўчиб, зафарёр байроқни Нерату қальаси томон кўтарган вақтда Ёдгор Муҳаммад мирзо Тус вилоятида турар эди, аммо унинг аммаси Поянда Султон бегим амир Фаридун барлос ва Султон Аҳмадларнинг иғвоси билан муҳаррам ойи чоршанба кунида (1470 йил 30 июнь куни) Ҳирот ташқарисидаги манзилдан шаҳарга кирди ва уни биродарзодаси учун забт қилиб, шодиёна нақорасини уриб, хижрий 875 да муҳаррам ойининг олтинчиси жумъа куни (1470 йил 6 июль куни) «хутбани Ёдгор Муҳаммад мирзо номига ўқисинлар, деб амр қилди...»

Ёдгор Муҳаммад мирзо Жом вилоятига хиром этгач, Ҳирот шаҳарининг ақобирлари ва ашрофлари истимолати учун номалар юборди, сўнг «Абулғозий Султон Ҳусайн мирзо изимдан борсин», деб шаҳар орқасидан ўтди. Амир Шайх Ҳасан Темурни теварак-атрофни мустаҳкамлашга буюриб, кўчиш байроғини давлат тахти сари кўтарди ва Санжоб работи йўли билан Ҳирот атрофига етгач, вилоятнинг ақобир ва аъёни кутиб олиш расмини бажо келтирдилар. Шаҳзода уларниг таъзимига қойимлик кўрсатиб, барчасини турли-туман навозишлар билан сарафроз қилди. Ўша куни ой тутилган бўлиб, шаҳарга кириш соати эмас эди, шунинг учун Каҳдистон ўлангида манзил қилиб, муҳаррамнинг тўққизинчисида, душанба куни... Боғи зогон сари равон бўлди ва сўнгра бир неча йилдан бери хокони Саид (Шоҳрух) авлодининг талъати шуъласидан равшан бўлмаган тахти Шаҳзода Ёдгор Муҳаммад руҳсорининг ҳусни шуъласидан мунаввар бўлди. Ул жаноб (Ёдгор Муҳаммад) Абулмузаффар амир Ҳасанбекнинг яқинлари жумласидан бўлган, шаҳзодага кўмак учун келган ва Хуросонда туришни ихтиёр қилган озарбайжонлик амирларнинг барчасини боғу бўстонлар ва жаннатмисол манзилларга тушириб, уларга кўп риоятлар кўрсатди. Шундай бўлди ва муқаррари шулким, хутбада аввал амир Ҳасанбекнинг номини

тилга олдилар, ундан кейин мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг исми тилга олинди.

Мирзо Ёдгор Муҳаммад жаҳонбонлик тахтига ўтиргандан сўнг, шарофатли девонлик мансабини хожа Кутбуддин Товус Симнонийга марҳамат қилиб, унинг қадри поясини Муштарийдан ҳам оширди. Мулку мол ишлари тизгинини Поянда Султон бегимнинг ихтиёрига топширди. Содда шаҳзоданинг ўзи эса айшу ишратга берилган ва кўп вақтини гулранг бода ичмоққа, уду чанг нағмасини эшитмоққа сарфлаб, мулк ишига асло парво қилмади, одамлардан зулм содир бўлганда уларга чора кўрмади. Натижада туркман амирлари Хуросон вилояти атрофида жабру туғён эшикларини раият ва бечораларнинг юзига очди, натижада бало тўфони кўтарилиб, кўп киши жонидан тўйди. Хуросонликлардан кўп киши бундайин жабру зулмга чидай олмай, оёқларини қочиш водийсига қўйдилар. Амир Ҳасанбекнинг ўғли Султон Халил Родгон ўлангида туриш чодирини тикиб, ўша ҳудуд аҳолисига зидлик кўрсата берди. Унинг қариндоши Зайналбек Қўҳистон вилоятида эди. Аввал вилоят аҳолисига ҳаддан ортиқ жабру зулм қиларди.

Бу аҳвол асносида Мурғоб суви канорасининг идораси топширилган амир Шайх Ҳасан Темур ўша кудурат туфайли амир Али жалоирдан кўнглида ғубор бор эди, Сарахс йўлидан суюрғол мулки бўлган Самалқон ва Журмқон томонга кетиб қолди. Бу аҳволнинг содир бўлиши хоқони мансур давлатининг офтоби қайтадан доруссалтана Ҳиротга нур сочишига сабаб бўлди.

ХОҚОН МАНСУРНИНГ ФАТҲУ ЗАФАР БИЛАН МАЙМАНА ҚАСБАСИ- ДАН ХУРОСОН ВИЛОЯТИГА ЮРИШНИНГ ЗИКРИ

Маймана вилояти музаффар байроқли хоқон Абулғозий Султон Ҳусайн мирзонинг бахтиёр қадамлари безагидан олий жаннат боғининг рашкани келтирган ўша кунларда унинг олий мартабали кулоқларига бир неча бор «мирзо Ёдгор Муҳаммад мағрурлик бодаси кайфидан бефаҳм, ангур шаробини қултумлаб ичишдан гоҳ маст, гоҳо беҳушдир, мулку мол забти хаёли думоғига асло ўтмайди, лашкаркашлик ва мамлакат очиш нақши кўнгли лавҳидан кўринмайди, аъёнларининг ёмонлигидан Хуросон вилоятида фароғатлик сурати эл кўзидан яшириниб, дўстлик — улфатлик риштаси бир-биридан узилгандир, арқони давлатининг ҳаддан ошиб кетганлигидан шариатнинг муқаддас биноси, миллат бирлигининг асослари бузилгандир»,

деган хабар етишди. Зафар байроқлик подшоҳ фатҳу зафар суратини кўрмакка умиду ишонч боғлаб жаҳон очувчилик раъйи гоҳу бегоҳ Хирот тарафга бориб, қиёмат осор шамоли кучи билан душманларнинг иқбол ниҳолини туб томири билан кўпориб ташлашга қарор қилди. Жаҳонпаноҳ даргоҳда, бошқаларнинг кўзи тушмайдиган бир хилват жойда амир Низомуддин Алишер билан кенгаш эшикларини очиб, кўнглидаги бу хатарли сирни баён қилди. Амир Алишер ул ҳазратнинг болиғ хаёли ҳуснига таҳсину-офаринлар ўқиди ва бу сирни улусдан яшириб сир сақлашни тавсия қилиб: «агар бу сирни менга ҳам айтмасангиз яхши бўлур эди», деди. Хоқон Мансур сўради: «бу ҳусусда мунча муболағага сабаб недур?» Олижаноб амир жавоб берди: «Бу пинҳон тутадиган сирлардандир, чунки ҳумоюн мавқабдан қочиб мирзо Ёдгор қошига бораётган одамлар бу мақсаддан воқиф бўлиб қолсалар, мазкур ҳумоюн юриш кайфиятидан шубҳа қилиб, унинг арзига етказишлари мумкин. Борди-ю, шаҳзоданинг идрок нурлари унинг оғтиб таъсирлик яширин фикрига тушиб қолгудай бўлса, эҳтиёткорлик йўлини тутиши, унда бизнинг мақсудимиз муяссар бўлмай қолиши мумкин».

Қиссага келсак, хоқон Мансур амир Алишернинг насиҳатига амал қилиб, бу хаёлни амирларга ошкор қилмади, лекин юриш байроғини ҳаракатга келтириб, Майманадан кўчиб, Мурғоб бўйларига бориш йўлини тутди. Бир неча манзилни босиб ўтиб, Тоғкан деган ерга келиб тушилгандан кейин олий қаражали амирларни жонга қувват берувчи мажлисга чақириб, ўзининг яширин фикрини уларга ошкор қилди ва «умаро билан кенгаш» тақозосига кўра, кенгашмоқ лозим бўлган барча умароси ва уруш маъракасининг озимлари билан кенгаш қурди. Ул жамоатнинг барчаси хоқон Мансурнинг олий масир хотирида қарор топган ўша ниятни бирдамлик билан маъқулладилар ва рағбат билан бўйсуниб изҳорини баён қилиб, дуо ва сано лавозимини адо этдилар. Хоқони Мансур душманшикан ва филни йиқитувчи амирларнинг сўзларига тамом ишонч ҳосил қилиб, Тоғкандан равон бўлди ва Пули поён манзили ҳумоюн нузул шуъласидан букаламун осмон айвонининг рашкини келтирди. Шу ерда амир Пирмуҳаммад орлот, амир Сорбон ва бошқа бир неча кишига вожиб ул-изъон фармонга мувофиқ ўғруқни кўриқлаб туриш тавсия қилинди. Улардан бошқа аркони давлат саодат нисбатлик рикоб мулозиматида олдинга қараб юрдилар.

... Ўша кунларда мирзо Ёдгор Муҳаммад доруссалтана Хиротда тамом ҳашамат ва азимат билан мақом тутиб, минг-минг ва туман-туман баҳром интиқом баҳодирлари кеча-кундуз унинг хизматида эди. Аҳвол шу даражада эдики, Хуросондан то Бағдодгача бўлган барча ерлардан гуруҳ-гуруҳ кишилар пайдар-пай унинг хизматига келиб турардилар, давлатининг яқин орада қулаши эса ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди.

Абулғозий Султон Хусайн мирзо душманнинг кўплигидан мутлақо андиша қилмай, зафар нисбатлик узанги оз мулозими билан Мурғоб суви бўйларидан кўчиб, юриш тизгинини у тарафга қараб бурди ва бир неча кеча-кундуз йўл босиб, саҳар чоғи Боғи зоғонга кўниб, мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг жони мангулик оламига равона бўлди...

Бу воқеанинг баёни қуйидагича. Хоқон ҳазратларининг ўзи кўнгли таманноси ва қошидаги мулозимлари раъий тақозоси юришга қарор қилгандан кейин, Мурғоб суви бўйида баҳодирларга яроқ тарқатиб, ҳар бири ўткир найзасининг учи билан ойнанинг нуридан пардасини кўтариб, камон ўқи билан душманнинг шаҳоб каби ёруғ томиридан қон оқизадиган 850 отлиқ аскар билан... олдинга қараб юрди. Кўп манзилларни босиб ўтгандан кейин ярим кечада Боғи работга келиб кўнди. Сўнги куннинг чошгоҳида ундан Лангари Бобо Хокий йўли билан жўнади. Аммо фатху зафар тангрининг июнотига боғлиқ бўлиб, йўл устида юз кўрсатиб, бу шоҳу сипоҳнинг эътимоди ва мустаҳкамланиши бўлди. Бунинг бири шулки, жазаба аҳлининг пок кишиларидан ва ёшлигидан то қартайганига қадар ёшу улўғларнинг борди-келдисидан этак силтаб, ҳиммати баландлигидан бир тоғ ғорида тангри таоло амри билан ибодат қилиб ўлтирган Бобо Хокий жаҳонкушо байроқ вусулидан огоҳ бўлиб, одатига хилоф бўлса-да, хоқони Мансур мулоқотига чиқиб, ул ҳазратнинг назарига мансуб бўлди ва тухфа расми билан бир байроқ, бир қўй ва бир камончани тортиқ қилди ва бир соат бўлса ҳам ўзининг бахтиёр қадами ғубори сурмаси билан манзилини мунаввар қилишини илтимос қилди. Хоқони Мансур унинг тилагини қабул қилиб, ўша дарвиш қошида шунча кўп ўлтирдик, у нимаси бўлса унинг олдига қўйди. Сўнг йўлга тушиб, зафар асар лашкарнинг йўли мазкур бобонинг ибодатхонаси устидан тушди. Бобо Хокий яна илтифот қилиб, ўзининг найзасини ҳам хоқони Мансурнинг муборақ кўлига тутқазди ва шиддат билан Хирот тарафига уч бор ишорат қилдиким, бу тиф сурмоққа баробар эди. Сўнг сурон

солиб қайтди. Ҳоқон Мансур оламни равшан қилган сурий куч асари ва маънавий қудрат ёрдами билан от суриб Ҳаводаштак йўлига тушиб, кечаси Ширим қоровулни тил тутмоқ учун олдинга юборди. Намози дигардан сўнг мирзо Ёдгор Муҳаммад қошидан ташқарига чиққан бир кишини тутиб Ҳаводаштак саҳросига ҳумоюн мавкабга олиб келдилар. Уни сўроқ қилгандан кейин маълум бўлдики, ғолиб давлат душманлари ҳавода сайр қилувчи байроқнинг келишидан ғофил эдилар. Шу сабабдан нусрат нишон ҳоқон Атрок йўлига таважжуҳ қилиб, шу вақтда яна Ширим қоровул қошидан одам келиб, унинг Хизрдуқ чашмаси тепасигача боргани, ҳиротликлардан ғафлатдан ўзга хабар топмагани ҳақида хабар келтирди.

Шу тўнда, яъни ойнинг 23 да (1470 йил 23 июлида) ҳоқони Мансур вусул шуъласини Хизрдуқ қалъасига туширди. Ўша манзилда нусратпаноҳ сипоҳ совут кийиб, урушга отланди. Фармонга биноан, амир Музаффар барлос ва амир Абу Саиджон дўрмон, Иброҳим барлос ҳамда Дарвиш орлот 150 киши билан Боғи зоғоннинг катта дарвозасини очиш учун равона бўлдилар. Ҳожи Муҳаммад Хусрав тил олиб келиш учун мазкур амирларнинг ортидан боришга тайинланган ва то Боғи зоғонгача борган эди, қайтиб келиб «мирзо Ёдгор Муҳаммад ўзининг бахти янглиғ ғафлат уйқусига бориб, бошида ҳеч қандай ишнинг ғами йўқдир», деб арз қилди. Ҳоқон Мансур бу хабарни эшитгач, хурсанд бўлиб, Хиёбон кўчаси орқали сел каби шитоб билан йўлга тушди. Имом Фахруддин Розий... мозорига етгандан кейин, мирзо Кичикни амир Музаффар барлосга ёрдамга юборди. Султонхожа ўзбекни ўзбек жамоасига қўшиб боғнинг Гавҳаршод оға мадрасасига туташ дарвозасига юборди. Мирзо Султон Аҳмадни кўп киши билан боғнинг ягона пир хожа Абулвалид мозори тарафидаги дарвозаси тарафга юборди. Амир Носируддин Абулхолиқ ва амир Валибекни Фирузшоҳнинг олдига амир Алининг уйига юборди. Ҳоқон Мансурнинг ўзи қиёмат асарлик лашкардан 80 киши билан амир Музаффар барлос изидан юрди.

ҲОҚОНИ МАНСУРНИНГ АМИР НИЗОМУДДИН АЛИШЕРНИ АМИРЛИК МАНСАБИГА ЎТҚИЗГАНИ БАЁНИ

Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқлигидан жаҳонгир подшоҳнинг хотири ҳаммавақт унга мойил бўлиб, улуғлик, вазирлик ва амирлик мартабасини унга инъом этди. Сўзнинг қисқаси шулки, аввал ул ҳазрат улуғ муҳрни амир Алишернинг қўлига тутқазди ва ул амир бир неча вақт муҳрдорлик лавозимида қойим туриб,

хизматкорлик поясини юқори осмондан ҳам ўтказди. Бир неча вақтдан кейин, бу мансабни тарк этиш бобида илтимос қилиб, бу лавозимга амир Аҳмад Сухайлийни тайин қилишни илтимос қилди. Ҳоқони Мансур унинг бу илтимосини қабул қилди, лекин ҳижрий 876 йили шаъбон ойида (1472 йил январь ойида) банданавоз подшоҳ ул вожиб ул-атоб амирни аморат мансаби билан сарафроз қилмоқчи бўлди. Амир Низомуддин Алишер аввал бу мансабни қабул қилмай дедикки, мен энди улуғ остона ичкилари қаторидаман, улуғ мансаб эгасиман, осмон қадар тахт амирларининг барчасидан юқорироқ ўринда ўлтирибман. Борди-ю, аморат мансабига мутасадди бўлсам, барлос ва орлот амирларидан баъзилари турага биноан мендан юқори ўлтирадилар. Бас, бу амирларга кафиъл бўлмоқ мансабимдан пастроқдир. Ҳоқони Мансур унинг бу узрини қабул қилиб, бағоят иноятдан «барлос умаросидан амир Музаффар барлосдан бошқа бирон кимса амир Алишердан аввал муҳр босмасин», деган ҳумоюн ҳукм чиқарди. Шундан кейин амир Алишер мамлакат очувчи ҳоқон раъйини рёоя қилиб, аморат мансабини қабул қилди, тилладўз чопон, наврўзий кулоҳ кийиш билан фахр топди. Аммо ҳоқони Мансурнинг покиза кўнгли шу эдикки, амир Алишер вожиб ул-изъон фармонга кўра бошқа амирлардан юқори муҳр босса, лекин ул жанобнинг кўлига маълум соатда муҳр боссин учун нишон берганларида, нафси синиқ бўлганидан ва бағоят улуғ тавозулигидан, нишоннинг шундай жойига муҳр босдиким, ундан тубанроққа муҳр босишга жой қолмади... Бу воқеа сурати хосу авомнинг имтиҳонига сабаб бўлиб, исломпаноҳ подшоҳнинг эътиқодини оширди. Кейин соф кўнгилик амирнинг муҳри босилган ер муҳрга эга бўлган ҳар бир мансабдор орасида талаш бўлди ва уларнинг ҳар бири ўша ерга муҳр босиш иштиёқида бўлди... Фазилат маоб мавлоно Бурхонуддин Атоуллоҳ амир Низомуддин Алишер аморати тарихи хусусида мана буни ёзди.

Тарих:

Фалак мири жаноби Алишер улуғлигидан,
Камолоти етуклигини фаҳмлашга ақл ожизлик қилади.
Шаъбон ойи охирида дод-адл учун девонга ўлтирди,
Бу унинг ҳаққи эди одил подшоҳ лутфидан.
Замон султони давлатида муҳр босгани учун,
«Мир Алишер муҳр зад» сўзи бунга тарих бўлди.

Ва ўша куни амир Алишер девони аморатга ўлтирди. Амир Сайид Ҳасан Ардашер ҳам шундай мансаб билан сарафроз этилди. Яна ўша йили хожа Низомулмулк Ҳавофий девон вазирлигига тайинланди... Шу йил охирида ҳоқони

Мансурнинг хожа Маждуддин Муҳаммад ибн хожа Пир Аҳмад Ҳавофий парвоначилик мансабига тайинлансиң ва мулку мол парвонажотига муҳр урсин ва подшоҳ девонхонада ўлтирган пайтларда хилофотмасир тахт поясида ўлтирсин, додхоҳлар сўзи ва ҳокимларнинг ишлари хусусида бирон нарса маълум бўлса ёзиб борсин, фармонлар юзига, катта муҳр қаршисига «иттило ул-олия» («олий даракчи») деган сўзни ёзиб қўйсин», деган олий фармони содир бўлди. Хожа Маждуддин Султон Абу Саид замонида мавлоно Низомуддин Абдулҳақ билан бирга девони иншода хизмат қилган, хоқони Мансур ҳукмронлигининг аввалида эса мирзо Кичикнинг вазири бўлган. Унинг зўр қобилияти подшоҳнинг равшан дилига маълум бўлгач, уни шаҳзодадан сўраб олди ва мазкур мансабга (парвоначи мансабига) отаси билан бирга тайинлади.

Амир Алишер аморати ва хожа Маждуддин Муҳаммаднинг ноиблиги туфайли подшоҳлик салтанати ривож топиб, сипоҳи ва зарур ишлари тараққий этди... (варақ 41б—42а).

ХОҚОНИ МАНСУРНИНГ АМИР АЛИШЕРНИ АСТРОБОД АЁЛАТИ БИЛАН САРФАРОЗ ЭТИШИ, УЛ АДОЛАТ ШИОР АМИР АЛИШЕРНИНГ ҲУКМГА БИНОАН УША ВИЛОЯТГА ЖўНАБ КЕТИШИ

Ҳижрий 892 йилнинг қишида (1486 йил декабрь — 1487 йил январь-февраль ойларида) олий макон хоқон Марви шоҳижаҳонда қишлаб турган эди, унинг мамлакатни безовчи раъий амир Валибек вафотидан кейин Журжон волийси бўлган амир Мўғул ул мамлакатдан иқбол ошён остона хизматига чақирилиши ва амир Алишер дорулфатҳ Астробод ҳукумати билан сарафроз этилишини тақозо қилди. Ул ҳазратнинг фикри софкўнгил амирга яширин эди. Собит тадбир амир тангри таоллонинг ризолиги йўли сулукининг ҳозирлиги, хоқони Мансур муҳим ишларининг кифояти сарвига хушбўй хотирининг майли камолот даражасида бўлганлиги учун бу амрни қабул қилиш хусусида бирон нима демади. Кўп муболагадан сўнг ризо бошини тебратиб, таважжу юзини ул тарафга ўгириб, ва олампадох даргоҳ мулозимларидан амир Бобо Али ҳамда амир Бадруддинни ҳамроҳ қилиб Астрободга жўнади.

Амир Алишер Астрободга яқинлашгач, амир Мўғул шаҳарни қолдириб Марвга жўнади. Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг ғайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламози, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутфу марҳаматлари билан фахр ва қувонч топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг баракоти билан зулму бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик

фароғат ва осудаликка эришдилар. Мозандарон, Рустамдор ва Филон вилоятларининг ҳокимлари ул жанобнинг Астрободга ҳоким этиб тайинлангани хабарини эшитиб, итоат гарданларини унинг елкасига қўйиб, Астрободга мактуб билан элчилар орқали муносиб тухфа ва ҳадялар юбориб, ўзларининг ихлос жавоҳирларини арз тавоғига қўйдилар.

Астробод вилояти ул ҳашаматли амирнинг иззатли маснади бўлган ўша кунлари олий даражали подшоҳ, адолатпаноҳ Султон Яъқуб мирзо бир неча бор сўзамол ва ишончли одамларни фахрли чопонлар ва мўл-кўл тансиқ моллар иноятли ва марҳамат уйғотувчи мактублар билан юбориб, муҳаббат ва дўстликни камолотига етказди. Соҳиб тадбир амир барча вилоятларнинг элчиларини, жаҳонбонлиғ маслақларининг йўл бошловчиларини (шайхларини) от, чопон ва зар билан сийлаб, Яъқуб мирзо, Филон, Рустамдор ва Мозандарон ҳокимларига ҳам ўзининг баланд даражасига муносиб подшоҳона тортиқлар юборди. Ўзи сабру тоқат, ғоятда сарфарозлик, адолат ва ниҳоятда раъиятнавозлик билан ўша мамлакатнинг тахтига ўтирди, фақиру мискинларга мурувват ва шафқат юзасидан манфаат ва дилдорлик кўрсатди...

Ҳокони Мансур файзли ҳузурни нури билан Марв ўлкасини мунаввар қилган ўша қишда хожа Маждуддин Муҳаммад яна вазирлик маснадига чиқиб, эътиборли кишилар ва соҳиб ихтиёрлар сафига кирди. Бу қисқача ҳикоятнинг тафсилоти қуйидагича: илгари хожа Низомулмулк билан хожа Афзалуддин Муҳаммад одамлар орасида фитна кўзгатиб, хожа Маждуддинга нисбатан шикоятмуз сўзлар айтдилар. Натижада мансабидан бўшатилиб, тўққиз йил мобайнида амир Али тўшакчи билан бирга парвоначилик билан машғул бўлиб, султоннинг бошқа муҳим ишларига аралашолмади. Шу вақтда ҳоқон ҳазратлари бир неча марта ул баланд макон хожанинг тарбияти билан машғул бўлди. Амир Алишер бу маънини маъқул топмагани учун мамлакат ихтиёрининг жилови хожа Низомулмулк билан хожа Афзалуддиннинг иқтидорли тутамида қолди. Лекин амир Алишер подшоҳ мулозиматидан йироқлашиб, Астрободга жўнаб кетгандан кейин банданавоз ҳоконнинг хотири хожа Маждуддинни қайтадан баланд мартаба ва ҳурматли ўрин билан сарфароз қилишга қарор қилди. Лекин, бу андиша чуқур бўлмасдан илгари иттифоқо бир куни ҳокони Мансур хожа Маждуддин тахт поясида ўлтирган вақтда, хожа Низомулмулк билан хожа Афзалуддинга «бир муҳим ишга икки туман кепакий керак бўлиб қолди, топиш керак», деди. Аммо иккала вазир ҳам бирон жавоб қилолмадилар. Улар боргоҳдан чиқиб кетганларидан сўнг, хожа Маждуддин подшоҳ олдида тиз чўкиб, «бордию

ҳазратга 200 туман керак бўлганда ҳам бу икки хожа уни дарҳол топиши зарур эди, чунки улар ҳар йили тамом маблағни девондан оладилар. Шундай бўлгач, икки туман нима деган гап бўлди», деди. Хоқони Мансур ундан бу сўзни эшитгандан кейин, хушёр тортиб, бор ҳимматини хожа Маждуддин эътиборига сарфлашга майл кўрсатди. Шу важдан эртаси куни хожанинг қобилиятли қоматини қимматбаҳо чопон билан безаб, «собик дастурга кўра, ёрликларга муҳр босиш, арз қилувчиларга жавоб қилиш, додхоҳларнинг муҳим ишлари хожа Маждуддин Муҳаммадга топширилсин, амирлар, вазирлар, садрлар, ичкилар ва хос хизматкорлардан биронтаси ўзини ундан юқори тутмасин, аксинча, девони саркор саранжомининг барчасида уни ўзларидан афзал ва суянчиқ деб билсинлар» деб буюрди. Салтанат ошён муншийларга фармонларда олий мартабали хожани (хожа Маждуддинни) «мўътаман ас-салтана ва мўътамад ал-мулк»,¹ деб ёзиш муқаррар этилди. Қиссага келсак, хожа Маждуддин Муҳаммаднинг ишлари бир лаҳзада хоқони Мансур нур сочишидан шабнам сифат ердан кўтарилиб, баландлик авжига чиқди ва ҳашам билан кетган бахти тинчлик билан яна қошига келди...

Хоқони Мансур киш фаслини Марвда поёнига етказгандан сўнг, баҳор айёмида офтоб каби ўзининг шарофатли уйига, яъни доруссалтана Ҳиротга қараб жўнади. Шу аснода хожа Афзалуддин Муҳаммад фаросат нури билан яқин орада хожа Маждуддин интиқом олиб, уни ҳибсга олажагини сезди. Шу сабабдан, ўз рақибининг тадбирини кўриб, ул жанобга: (хожа Маждуддинга) «банда Астрободга бориб ўтган йилларнинг молларини (солиқларини) жамлаб, девонликнинг қолган молларини йиғиб келмоқчиман»,— деди. Хожа Маждуддин хожа Афзалуддин ғойиб бўлса унинг айбларини олий мартабалик хоқоннинг хотирига солиш онсонроқ бўлур, деган фикр билан унга ижозат бериб юборди.

Хожа Афзалуддин ёйдан отилган ўқ каби Астрободга чопиб кетгандан кейин ул баланд мартабали хожа Афзалуддиннинг ғийбати чоғида хожа Маждуддиннинг мартабаси олий даражага кўтарилиб, барча вазирлар, садрлар ва амирлар унга хизмат камарини боғладилар, раъият, деҳқонлар ва хунар аҳлининг барчаси девон хизматчиларининг кўмагидан нажот топиб, унинг адолати ва одиллиги остида форифболлик билан кун кечирдилар.

Хожа Маждуддин хожа Низомулмулкнинг эътибор ва ихтиёри вақтидаги подшолик ишига дахлдор бўлган барча хизматчиларини жавобгар қилиб ҳибсга олди ва қўлларида бор

¹«Салтанатнинг ишонган ва подшоликнинг эътимодли кишиси».

нарсаларини тортиб олди. Шу йўл билан қисқа вақт ичида умаро, вузаро ва девони олий амаласидан 2000 туман ҳосил бўлиб, давлат хазинасига топширилди. Битикчиларнинг кўпчилиги унга қарам бўлиб, аҳвол шунга бориб етдики, унинг сиёсати туфайли бирон амалдор раъиятдан яширин тарзда бирон ботмон ғаллани олишга журъат этолмасди, сиёсатининг ортиқлигидан бирон ясавул ёки аскарнинг бозор аҳлидан биронтасига қўл тегизишга юраги ботинмас эди; хожа Маждуддин ҳар куни тонгдан пешин намозигача султон давлати ва девон ишларининг саранжоми билан машғул бўларди, шундан кейин замоннинг уламолари ва фозиллари билан суҳбат курар эди... «Лекин бу қадар мақташга лойиқ феъли ва мақбул ишлари билан бирга, ўжар ва дағал киши эди, арзимаган нарсага ғазабланиб, фаҳш ва дашномга тил очар эди, арқони давлатнинг кўнглини ҳаммавақт фаҳш сўзлар билан ранжида қилиб, тилининг ранжи хилофат ошён остонанинг ичкилари ва яқинларига ҳам етар эди... Шу жиҳатдан амирларнинг кўпчилиги унга адоват камарини жон белларига боғлаб, хиёнат ва хиёнаткорликда фурсат пойлаб турдилар. Ул жаноб мустақиллик ва ихтиёр камолида уч йил ўлтиргандан сўнг, жазою қувғинга олиниб, Хуросондан қочиш йўлини тутди ва муборак Макка йўлида касалга чалиниб, дунёдан ўтди...» (варақ 43б—45б).

ХОЖА АФЗАЛУДДИН МУҲАММАДНИНГ ҲАЖГА БОРГАНИ ВА АМИР АЛИШЕРНИНГ АСТРОБОДДАН КЕЛИБ ШУ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДАН ОЗОД ҚИЛИШНИ ТАЛАБ ЭТГАНИ ҲАҚИДА

Хожа Афзалуддин Муҳаммад бир неча ой Астробод вилоятида, амир Алишернинг инояти соясида, осудалик билан кун кечиргандан кейин, унинг тарафидан содир бўлган жиноятлардан ҳокони Мансурни хабардор қилган хожа Маждуддин Муҳаммад уни талаб қилиб Астрободга фармонлар юборди. Хожа Афзалуддин Муҳаммад агар олий тахт поясига боргундай бўлса, ҳокони Мансурнинг хожа Маждуддин чопонининг этаги билан алаңгалаган ғазаб ўтида ҳаёт хирмони ёниб кетиши мумкинлигини билди. Ноилож мулоҳаза ва андиша қилиб кўриб, амир Алишернинг маслаҳати билан, Ироқ ва Озарбойжон тарафга қараб жўнади. Бир неча манзилни босиб ўтиб, Яъқуб мирзонинг шарофатли мулозаматига мушарраф бўлиб, унинг чексиз инъомидан баҳраманд бўлди. Сўнг Хижоз қарвонига қўшилиб, унинг ёрдами билан ҳаж қилиш ва пайғамбарнинг... равшан равзасини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлди, сўнг муродига етиб, Ироқ ва Озарбайжонга қайтди.

~~Аммо~~ амир Алишер бир йил муддат Журжон вилоятида мулку мол забти билан машғул бўлгандан кейин, хоқони Мансур билан ~~мулозимат~~ шавқи кўнглидан ўтиб, ижозат олгандан сўнг, амир Садриддинни Астрободда ўрнига қўйиб, доруссалтана Ҳиротга қараб йўналди ва Жамшид нишон хоқоннинг дийдорини кўриш билан кўзларини равшан қилди... ва ўша вилоят ҳокимлигини аркони давлатдан биронтасига берилишини илтимос қилди. Лекин хоқони Мансур унинг бу илтимосини ризо қулоғи билан тингламади ва бир неча кундан сўнг унга яна Астрободга қайтишига ижозат берди.

Амир Алишер яна бир неча ойни Астробод мамлакатида ўтказиб, кунлардан бир куни амир Ҳайдарни баъзи муҳим ишлар арзи учун осмон ҳашаматлик тахт поясига юборди. Амир Ҳайдар жунундан тамом баҳраманд эди. Шароб кайфи ортиб кетиб, «амир Алишер хилофот ошёнлик остонанинг мулозимларидан Кокилий баковул менга заҳар солинган овқат берди», деб гапирди. Шу ваҳждан унинг кўнглини зўр ваҳима босган ва тадбир хомаси билан кўнгли лавҳига муҳолифлик «андишасини нақш қилди», деб айтди. Хоқон Мансур бу гапларни эшитиб, изтиробга тушди ва Астрободга чакмоқ ва шамол каби елувчи чопар орқали ул олий манзиллик амир истимолати бобида фасоҳат билан тўла ҳумоюннома юборди ва унда «шарофатли хотирга бундай қасд асло келмаган, ул тарафга, шарофатли кулоқларига етган гаплар мутлақо бўлмаган гап», деб қасамёд қилди. Чопар олийшон нишонни ул жанобга (амир Алишерга) етказгандан кейин, амир Алишер нома мазмунидан хайрат денгизига шўнғиди, чунки бу гаплардан мутлақо хабари йўқ эди, сўнг олампаноҳ даргоҳини зиёрат қилиш учун йўлга чиқди ва ўн икки кун деганда Астрободдан Ҳиротга етиб борди ва жалодатманот палосини ўпиш саодатини топгандан кейин, «амир Ҳайдар шарофатли арзга етказган нарсалар очиқдан-очиқ ёлғон ва ўта бўҳтон бўлиб, буни мен мутлақо эшитмаганман», деди. Шу боисдан амир Ҳайдар тамом хижолат чекди ва шу ондаёқ жазо занжири билан кишанланиб, ҳибсга олинди. Низомуддин амир Алишер Астробод ҳокимлигидан тамом озод этилишини илтимос қилди. Бу хусусда унинг муболағаси мўътадиллик чегарасидан ўтиб кетгани учун хоқони Мансур мактовга муносиб, соф кўнглилик амирнинг хотири мулоҳазасини риоя қилиб, нимакин деган бўлса қабул қилди.

Соҳибтадбир амир форифболлик билан ўрганган ватани ва эски масканида кун кечирди. Амирлик ва ҳокимликни тарқ этиш воситаси билан, кун сари олий даражаси тоза, таъзиму такрими беандоза бўлиб, аҳвол шу ерга бориб етдики, хоқони Мансур унга йўллаган мактубларида ул жанобнинг лақаблари-

ни бундай деб ёзар эдилар: «жаноб хидоятмаоб, маоли оёт, зубдаи арбоб дину давлат, қуввати асҳоб мулку миллат, муассис ал-хайрот, муваффақ ул-мубаррот, рукн ус-салтана, эътизод ул-мулк, эътимод ад-давлати хоконий, муқарраби султоний, низоми ул-ҳақиқат, ва-д-дин амир Алишер... (яъни хидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайри эҳсон муассасаларига раванқ берувчи, салтанат устун, подшоларни қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон хазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишер...)

Мазкур амир ҳокимлигидан қутилгандан кейин, амир Мўғул ул адолатпаноҳ подшоҳнинг инояти билан яна ўша файзлик вилоятга ҳоким қилиб тайинланиб, Астрободга жўнаб кетди. (варақ 456—466.)

*АМИР МЎҒУЛНИНГ ХОЖА ФАХРУДДИН МУЗАФФАР БИТИКЧИ
БИЛАН ҚУШИЛИБ ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ОҒИБ ХОҚОНИ МАНСУРГА
ДУШМАНЛИК ҚИЛГАНИ*

Қора тусли қалам унинг ҳақида илгари тил очган эдиким, амир Алишер Астробод вилояти ҳокимлиги вазифасидан озод бўлгандан кейин, хоқони Мансур яна у мамлакат ҳукуматини Журжонда фармонбардор бўлиб турган амир Мўғулга марҳамат қилди. Шу билан бирга «Мозандарон улуғларининг мурожаатгоҳи бўлмиш Музаффар битикчи хилофат масир тахт поясига етиб келсин», деган ҳумоюн ҳукм ҳам содир бўлди. Ул жаноб вожиб мисол лозиматиға биноан, доруссалтана Хиротга келгандан кейин, баъзи бир бўҳтончиларнинг иғвоси билан Ихтиёруддин қалъасига қамаб қўйилди. Шундан кейин олиймакон хоқоннинг: «Амир Муҳаммад Амин Аббосийнинг ўғли амир Султон Аҳмад Кўчкунчи Амир Дарвиш Муҳаммад сувчи Астрободга бориб хожа Фахруддиннинг молларини қўлга олсин», деган лозим ул-изъон фармони эълон қилинди.

Мазкур амирлар Журжонга борганларида амир Мўғул икки-уч кун улар билан келишиб иш тутди. Кейин нафс иғвоси ва шайтон васвасаси билан исён ва бўйин товлаш дуррасини пешонасига боғлаб хожа Шамсуддин битикчи ҳамда хожа Фахруддиннинг баъзи ичкилари билан иттифоқ тузди ва илгари ҳибсага олинган одамларни банддан озод қилиб, бешарм қўли билан фитнаю фасод эшикларини очди. Насаб зарофати ва ҳасаб латофати билан тенгқурларидан мумтоз бўлган, ҳаж зиёратига эришган, тириклик манзилларидан саксон тўрт манзилни босиб ўтган олижаноб, сайёдат маоб, нақобат куббалик сайид Камолуддин Ажални шаҳодат даражасига

етказиб, амир Алишернинг соҳиб девони бўлган, ўша вақтда ул жанобнинг хосса саркори бўлиб турган хожа Шамсуддин Курдни саййид Камолуддиннинг изидан ажал комига топширди.

Амир Муҳаммад Амин ва унинг дўстлари бу аҳволни мушоҳада қилгач, дорулфатҳ Астрободдан доруссалтана Ҳиротга келиб, юз берган аҳволни хоқони Мансурнинг шарофатли кулоқларига арз қилдилар. Ул ҳазрат амир Мўғулнинг куфрони неъматлигига таажжуб қилиб, Астробод салтанатининг ихтиёрини Бадиуззамон мирзонинг қудратли тутамига топширди.

Ул ҳазрат Бадиуззамон мирзо Астрободга юзланди, амир Мўғул эса Ироқ ва Озарбайжон тарафга қараб кочди. Ҳижрий 896 (мелодий 1491 йилда) Султон Яъқуб мирзо уни ўзининг иноят ва илтифотли назарининг манзури тутиб, улуг амирлар қаторидан ўрин берди. Амир Мўғул бир неча ой мирзо Бойсункур тарбияти соясида кун кечиргандан кейин, шаҳзодага давлат душманларидан баъзилари билан уруш қилишга тўғри келган куни бевафолик йўлига қадам қўйиб, мухолифларга қўшилиб кетишга қасд қилди, лекин лашкарни сафлаш вақтида куфрони неъматлиги маълум бўлиб қолиб, шаҳзода Бойсункурнинг муҳим ишларига мутасадди бўлган Сўфи Халил унинг қочиб кетиш кайфиятини эшитиб шу ондаёқ ул кўрнамакни қошига чорлаб, орқадан уриб ўлдиришни буюрди. (варақ 48а—48б.)

АМИР АЛИШЕРНИНГ ИНИСИ ДАРВИШ АЛИНИНГ БАЛХ ВИЛОЯТИДА САРКАШЛИК ҚИЛГАНИ БАЁНИ

Дарвиш Али кўкалтош тўғри ва эътимодли кишилардан хожа Маждуддиннинг эътибори ва ихтиёри даражаси ортиб, оғаси амир Алишерга давлат ишларига аралашши имкони қолмаганлиги... ва хожа Маждуддин унга мухолиф бўлиб, исён эшикларини очганлиги ҳақида бир неча марта баъзи гапларни эшитгандан сўнг, шу важҳдан агар бу аҳвол яна бир неча вақт давом этадиган бўлса, албатта амир Алишернинг пасайганлиги унга ҳам таъсир қилиб, ҳукуматдан четлатилиши мумкинлигини андиша қилди. Шу пайт хоқони Мансур хожа Маждуддиннинг қўлини адолатпаноҳ амирларнинг пешидан олиб ташламагундек бўлса, унга душманлик йўлини тутишга қарор қилди. Шу важҳдан ўша вақтда Балхда ҳукумат қуриб ўтирган Иброҳим Ҳусайн мирзони шаҳардан йироқлаштириш чоратадбирини кўриб, хоқони Мансурнинг муҳрини ясаттирди ва шаҳзодани пойтахтга чақирилгани ҳақида бир нишон битиб, уни ўша муҳр билан беади ва Иброҳим Ҳусайнга йўллади.

Иброҳим Ҳусайн мирзо нишонни кўргач, уни хоқони Мансурнинг инояти билан содир бўлган, деб хаёл қилди ва шу ондаёқ жўнаш жиловини Ҳирот тарафга қараб бурди. Шундан кейин Султон Маҳмуд билан Дарвиш Али орасида элчилик ва бордикелди алоқалари содир бўлди.

Иброҳим Ҳусайн мирзо олий тахт поясига етиб боргач, амир Дарвиш Алининг баҳона ва макри хоқони Мансурнинг хотирига келди, чунки бундан аввал у билан Султон Маҳмуд орасида мувофиқлик алоқалари мустаҳкамланиб қолган эди. Балх ишларини ҳал қилишга қарор берди ва шу важдан: «Улуғ амирлар сафар тараддудини кўриб, кўшинни тўпласин», деб буюрди.

Бир куни амир Дарвиш Алининг хилофлик қилгани туфайли хоқони Мансурнинг шарофатли хотирига малолат ўтириб, илҳом баён тиллари билан: «Ажаб ҳолатким амир Дарвиш Али бизнинг шунча тарбият ва иноятимиз бўлатуриб, куфрони неъматлик тариқини зиммасига олиб, итоатсизлик қилди» дедилар. Фасод ахлидан баъзилари «Дарвиш Алининг барча ишлари оғаси амир Алишернинг маслаҳати билан бўлади», деб айтганликлари туфайли хоқони Мансур ўша мажлисда яна амир Алишердан ҳам бир оз шикоят қилдилар. Шу ҳолда амир Алишер олий тахт поясига келиб, бу сўзларни аниқлагандан кейин, бениҳоят таъсирланди ва ажабланди. Шу аснода фаросат ва закийлик камолоти бобида асрининг тенги йўқ сўзамоли ва латифагўйлари сардори ҳамда ҳамшиша ҳазиломуз сўзлар ва хурсандчиликни кўзгатувчи мутойиботлар сайқали билан подшоҳнинг ҳумоюн хотири ойнасидан хафалик зангини кетказувчи хожа Фиёсуддин Дехдор пешвоз чиқиб деди: «Султоним, сиз бу қулбачча китобдорнинг беодоблиги сабабидан хотирга бунчалик алам келишига йўл қўймангиз, мен шу лаҳзанинг ўзида Балхга бориб уни тамом занжирлаб ҳузурингизга олиб келаман, деб шарт ўйнайман». Хоқони Мансур ундан бу сўзни эшитиб кулди ва хожа Фиёсуддин Дехдорга Балхга жўнашга ижозат берди.

Хожа Фиёсуддин Дехдор шошилинич равишда ўша куниёқ амир Дарвиш Али билан учрашмоққа жўнаб кетди. Қисқа вақтдан кейин зафарли байроқ ҳам ана шу тарафга қараб кўтарилди ва бирин-кетин Мурғоб бўйига борди, ундан эса Тахти хотунга келиб тушди.

Хожа Фиёсуддин Дехдор Балх вилоятига келгач, амир Дарвиш Алини ҳар йўл билан маломат қилди, куфрони неъматлик қилганидан чўчитиб, хоқони Мансурнинг иноятида умидвор қилди. Ул жанобга яна мухолифлик қилгани учун надомат қилди. Амир Дарвиш Али хожа Фиёсуддин Муҳаммад

деҳдор билан зафар ҳашаматлик мавкаб истиқболига равона бўлди. Ҳумоюн ўрдуга уч фарсах қолганда хожа илгарироқ олий даражали ҳокон мулозаматига бориб, «китобдор қулбачани олий тахт поясига олиб келдим, аммо йўлда занжир ва кишан ясайдиган темирчи тополмаганимдан, энди ҳумоюн фармон содир бўлса ўрдубозордан кишан ва занжир ясовчи темирчи топсам, олиб бориб уни занжирлатиб мулозаматларига олиб келурман», деди. Хоқони Мансур хожа Ғиёсуддин Муҳаммад Деҳдорни ўзининг подшоҳона марҳаматлари билан сарбаланд қилиб, «Дарвиш Алининг жарималарини авф этдим, энди ҳеч хавотир олмай хизматимизга келсин», деб буюрди. Хожа Деҳдор эртаси куни Тахти хотунга бориб, Дарвиш Алини ҳумоюн баргоҳга олиб келди ва у олиҳазрат ҳоконнинг қўлларини ўпиш шарафига муяссар бўлиб, ҳокон аввалгидек, унга улуғ амирлар қаторидан жой бериб, илтифотлар кўрсатди.

Шу тариқа икки-уч кун мулозамат кўргузиб, хижолат ғубори подшоҳона марҳаматларининг тиниқ суви билан ювиб ташлангандан кейин, амир Дарвиш Али хоқони Мансурдан хонадонини ҳумоюн ҳузури нури билан мунаввар қилишини илтимос қилдиким, токи яхши ваҳж ва балоғатлик сурат билан ихлос ва хизматкорлик лавозимини тақдим қилсин. Банданавоз подшоҳ унинг бу илтимосини ижобат шарафига етказиб, унинг зиёфатхонасига ташриф буюрди... Амир Дарвиш Али зийнат тажаммул ва такаллуф асбобидан шу миқдорда ҳозир қилдики, кўргувчилар кўзига уни кўришдан ҳайрат пайдо бўлади... ҳар турлик емишлар ва ичимликлар шу қадар кўп эдики, қалам унинг таҳриридан ожизлик қилади. Мажлис охирида саноксиз нақд пулни подшоҳнинг қуёшдек равшан назаридан ўтказди, бор чодирларини, боргоҳини, ипак гиламларини, идиш-товоқларини унга пешкаш қилди. Унинг бу хизмати мақбул тушиб, хоқони Мансур унинг ҳақида яна иноят ва илтифот лавозимини ўрнига қўйди.

Шундан кейин Жамшид мартабалик ҳокон аста-секин Балх тарафга қараб юрди ва шаҳар ташқарисидаги амир Мазид арғин чорбоғига келиб тушди ва ҳумоюн вусули билан ул богнинг ривожига сабаб бўлди. Шу қишни ўша ерда ўтказиб, Ҳисорга бориш иштиёқи хаёлидан ўтди ва қамар сайрлик элчиларни лашкар тўплаш учун амир Зуннун арғин ва бошқа вилоят амирлари ҳузурига юборди. Қисқа вақт ичида катта қўшин лашкароҳга тўпланди... (варақ 49а—50б).

*ХОҚОНИ МАНСУРНИНГ ХИСОРИ ШОДМОН ТАРАФИГА СУЛТОН
МАҲМУД МУЛКИНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН БОРГАНИ ВА УНДАН ҚУНДУЗ-
ГА ҚАЙТГАНИНИНГ БАЁНИ*

Райҳонлар ва гуллар бўстон ва ариқ бўйлари сари юзланган ҳамда хушсухан булбул гул султони ишқига гирифтор бўлган, сабру қарор либосини пора-пора қилган баҳор аввалида хоқони Мансур Султон Маҳмуд мулкани эгаллашга жазм қилиб, амир Алишерни Балхда қолдириб ўзи зўр ҳашамат ва чексиз шавкат билан юришга жазм қилди. «Шу куни зафар дастгоҳли сипоҳни кўрик қилди ва фитна аҳли фасоди билан амир Дарвиш Али мулзам бўлди ва хоқони Мансур уни бир неча ишончли кишилар билан вилоят қалъасини қўриқлашни топшириб, Балх тарафга юборди...» (варақ 50б).

*БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ИНИСИ МУЗАФФАР ҲУСАЙН БИЛАН
ДУШМАНЛИГИ ТУФАЙЛИ ОТАСИГА МУХОЛИФЛИК ҚИЛИШИНING
БАЁНИ*

Аввал шундай бўлдики, султон Бадиуззамон мирзо отасининг вожиб ул-изъон фармониغا биноан Журжондан чақирилиб, Аму бўйларига юборилгач, ўша вилоят Журжоннинг аёллати тизгинини тўнғич ўғли Муҳаммад Мўмин мирзонинг қудратли қўлига топширган ва хоқони Мансур ҳам шу тариқа ўша мамлакатни саодатманд набирасига беради, деган хаёлда, буни бекор этилиши эса муаттар хаёлига ҳам келмаган эди. Аммо хоқони Мансур унинг ақидасига хилоф равишда Бадиуззамон мирзога чопон кийдириб Балх ҳукумати билан сарфароз қилган куни, ўша мажлиснинг ўзида Астробод аёллати учун Музаффар Ҳусайн мирзога тўн кийдирди. Бунинг устига Бадиуззамон мирзо Қундуз қалъаси қамали вақтида хоқони Мансур Музаффар Ҳусайндан ранжида бўлган, лекин ўғлини четлай олмаганидан ғоятда хафа бўлди. Яқин кишилари билан кенгашиб, отасига итоат этмасликка қарор қилди.

Қундуз қамалидан кейин хоқон Мансур Балхдан Хиротга борди, Бадиуззамон эса Астрободга чопар юбориб, Муҳаммад Мўмин мирзога Журжон мамлакатининг лашкарини тўплаб, уруш асбобларини ҳозирлашни ва борди-ю, Музаффар Ҳусайн у ерга боргудек бўлса, ҳукумат жиловини унга бермаслик ва зарур бўлса, у билан урушишга ҳиммат ва ғайрат кўрсатиш, уруш майдонида мардлик кўрсатишни буюрди. Шунингдек, хоқони Мансурдан хавфсираб ўтирган Хусравшоҳ ҳамда амир Шужоъуддин Зуннун арғин қошига ҳам мактуб юбориб, уларга ўз кўнглидаги фикрни англади. Ҳар иккала соҳибтадбир амир олий даражали подшоҳ Бадиуззамон

мирзо билан ихлос мақомига келиб, хизматкорлик йўлини тутдилар.

Бу ҳол доруссалтана Ҳиротда маълум бўлгач, ҳокони Мансур изтироб дарёсига чўмди. Бир неча бор султон Бадиуззамон қошига элчи юбориб, насиҳат шартини жойига қўйди, лекин бундан ҳеч қандай фойда чиқмади. Ҳокони Мансур ноилож ғайратга келиб, заифлиги, қувватсизлигига қарамай, ўша қишда Бадиуззамон мирзога енгилгина танбеҳ бериб, ёмон йўлдан қайтариш мақсадида, Балхга қараб юришга қарор қилди. Аммо амир Алишер: «Агар фармони олий берилса банда Балхга бориб мирзо Бадиуззамонга насиҳат қилсам ва уни подшоҳнинг мурувватларига умидвор қилиб, ҳарна бўлса ҳам, дилозорлик биёбонидан хизматкорлик бурчагига қайтарсам», деб илтимос қилди. Бу фикр подшоҳнинг ҳумоюн миждозига мувофиқ тушиб, амир Алишер мақсад тарафига юзланди. Балх яқинига боргач, шаҳзода истиқбол одатини тутиб, ул азиз меҳмоннинг шарофатлик қадамини бир бахт деб ҳисоблаб, таъзиму ҳурмат лавозими адоси бобида муболаға кўрсатди ва яхши умид билан зиёфат ва меҳмондорчилик маросимини жойига қўйди. Соҳиб тадбир амир Алишер яхши сўзлар билан Бадиуззамон мирзони отасига итоат этишга кўндирди. Мирзонинг кўнглига панд-насиҳат таъсир қилиб, Астробод ўлкасини Музаффар Ҳусайн мирзога бериб, амир Алишерга, тилакни ҳосил қилгандан кейин, қайтиб кетишга рухсат этди. Лекин шу вақтда тангри таоллонинг тақдири шарофати билан шундай бир воқеа содир бўлдики, Бадиуззамон сулҳдан яна қўл тортди.

Воқеанинг сурати бундай: Амир Алишер Балхда эди ва ҳикматли гаплар сайқали билан Бадиуззамоннинг кўнгли кўзгусидан душманлик зангини артган бир пайтда, ҳокони Мансур сулҳ амир Алишернинг саъйи-ҳаракати билан тузалишини истамайдиган Низомулмулк ва баъзи яқинларининг игвоси билан Балх қутволи амир Ислом барлосга «Бадиуззамон мирзо шикор расми билан шаҳар ташқарисига чиққудек бўлса, дарвозаларни унинг юзига ёпилсин, токи шу йўл билан бизнинг иноят ва илтифотимизга бундан ортиқроқ ихтисос топғусидир», деган мазмунда фармон юборди. Шу қазо жараён фармон султон Бадиуззамон мирзога маълум бўлгач, отасининг шафқатидан ноумид бўлиб, амир Алишерга бехусул ва мақсудсиз рухсат бериб, мувофиқликдан қўл тортди. Амир Алишер олий тахт поясига етишиб, кўрган ва эшитганларини подшоҳга арз қилди ва подшоҳнинг ғазаб ўтини ўчириш бобида саъйи кўшиш қилди. Аммо, бу уринишлар тамоман фойдасиз бўлди.

Ҳокони Мансур Музаффар Ҳусайн мирзони амир Муҳаммад Бурундуқ барлос ва амир Носируддин Умарбек билан қўшиб Астробод тарафига юбориб, ўзи Балхга боришга жазм этди. Баҳор аввалида дарахт япроқларидан ҳам қўп лашкар билан ўғлининг иқбол ниҳолини қўпориб ташлаш учун сафарга отланди. Бадиуззамон мирзо бу хабарни эшитиб, инъому эҳсон эшигини амирлар ва навкарлар юзига очиб, амир Низомуддин Шайх Али тағойини Балх қалъасининг ҳукумати-ни сақлашга тайин этиб, ҳижрий 902 йил шаъбон ойида (1497 йил апрель ойида) улуғ фарзанд истиқболи хаёли билан Балхдан чиқди ва уруш байроғини кўтарди; Журжон йўли билан Банги ўланги орқали Пули чироғнинг танг дараси оғзида чодирни ой ва қуёшга етказиб тикди. Бу тарафдан ҳокони Мансурнинг осмон мартабали мавкаби ҳам Майманадан ўтиб мазкур даранинг бу томонини лашкароҳ қилди. Шу кеча ота ва ўғил бир-бирининг қасдида бел боғлаб, тонг отгунча уруш андишасида турдилар... (варақ 61а—62а.)

МУҲАММАД МҶМИН МИРЗОНИНГ ҲАЁТ ОҒТОБИ ТАНГРИ ТАОЛЛОНИНГ ТАҚДИРИ БИЛАН КАМОЛ АВЖИДАН ТУПРОҚ ҚАЪРИГА ТУШИШИ

Султон Муҳаммад Мўмин мирзо офтоб талъат, шаҳзодалик бўстонида озода шаҳзода эди... Аммо йигитлик даврининг ибтидосида ҳаётининг ниҳоли ажалнинг аччиқ шамоли билан оёқдан йиқилди ва ёшлик замонида ҳаёт офтоби тангри таоллонинг тақдири билан камол даражасидан завол мартабасига етишди.

Воқеа сурати бундай: ул ор-номусли шаҳзода Музаффар Ҳусайн мирзонинг Астробод тарафга келаётганидан хабар топгандан кейин, итоат қадами билан амакиси истиқболига таважжуҳ қилиш ва юрт ихтиёри тизгинини унга топшириб Балхга бормоқчи бўлди. Лекин Бадиуззамон мирзодан кетмакет «ҳеч важҳдан инон-ихтиёрини қўлдан бермасин ва Журжон лашкарини жам қилиб Музаффар Ҳусайн лашкарига қарши урушга юз тутсин», деган вожиб ул-изъон фармонлар келди. Муҳаммад Мўмин мирзо шу сабабдан Астрободнинг жалодат асарлик лашкари билан ташқарига чиқиб, отининг жиловини уруш майдонига қараб сурди. У тарафдан Музаффар Ҳусайн мирзо, амир Шужоъуддин Муҳаммад Бурундуқ барлос билан бирга, зафар юришлик аскарини шайлаб, 902 йил рамазон ойининг биринчи (1497 йил 3 май) чоршанба куни Тошкўприк билан Меҳр анжуман оралиғида ҳар иккала лашкар тўқнашуви юз берди. Довюраклилар ҳимматидан ақлу хуш қуши

ошенидан қочди, сурон овози баландга кўтарилиб, ~~д~~оварларнинг бир нечаси талош ва саваш эшикларини очдилар... Шу аҳвол асносида Музаффар Хусайн мирзо жавоғоридан амир Умарбек Муҳаммад Мўминнинг баронгорига ҳамла қилиб, шаҳзоданинг ўнг қўли тарафидан ёриб ўтиб, ул ҳазратнинг орқасига ўтиб олди. Муҳаммад Мўмин мирзо бу аҳволни кўргач, муборизлар орасидан чиқиб, юқоридан қуйган сел каби амакиси лашкарининг қалбига ўзини отди ва қиёмат куни аломатини кўрсатиб, кўпгина довюррак баҳодирларни йўқлик сарманзилига етказди. Аммо шундай қаттиқ ҳужум ва ҳашамат асносида бемехр фалакнинг кажрафторлиги сабаби билан ногоҳ ул тожу тахт зубдаси — меваси отининг айили узилиб эгар билан ерга йиқилди. Шу ондаёқ Хуросон лашкаридан кимдир келиб унга ёпишди. Музаффар Хусайн мирзо бундан фатҳ суратини мушоҳада қилиш билан сарфароз бўлди, Муҳаммад Мўмин мирзо асир олиниб, Музаффар Хусайн тахти хузурига олиб келинди.

Музаффар Хусайн мирзо шаҳзодага тасалли бериб, меҳрибонлик оғушига олди. Сўнгра Астрободга кирди, сўнг уни қумуш кишан билан кишанлаб, бир неча кундан кейин амир Муҳаммад Бурундук билан Ҳиротга юборди. Амир Муҳаммад Бурундук барлос Муҳаммад Мўминни ҳижрий 903 йил сафар ойида (1497 йилнинг октябрь ойида) Ҳиротга етказиб Ихтиёриддин қальясига қамаб қўйди, сўнгра хоқони Мансур хузурига жўнаб кетди ва Мурғоб дарёси бўйида унинг этагини ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, юз берган аҳволни унинг арзига етказди. Аммо Музаффар Хусайн мирзонинг онаси Хадича беги ога шаҳзода Муҳаммад Мўмин мирзонинг бақосини ўглининг фаноси, оқибати деб билиб, барча ҳимматини ул икбол давлати боғининг тоза ниҳолини қаттиқ шамол кучи билан оёқдан йиқитишга, адолат сарчашмасининг соф ва ширин сувини бемурувватлик хаси билан ифлос қилишга сарф қилди. Шу важҳдан хожа Низомулмулкни ва ўша вақтда мулку молнинг соҳиб ихтиёри бўлган унинг ўғилларини ўзига иттифоқ қилиб, хоқони Мансурнинг ўша куни кечаси кўп ичиб хушсиз ва фаҳмсиз бўлиб қолганидан фойдаланиб, шаҳзодани қатл этиш тўғрисидаги фармонга имзо чектириб олди. Сўнг Ёрали бахши, Абдулхолик ясовул ва яна бошқа икки ишончли кишини ҳукми ижро қилиш учун Ихтиёриддин қальясига юборди.

Иккинчи куни эрталаб хоқони Мансур кеча оқшом қилган ҳукмидан воқиф бўлиб, афсус ўтига тушиб, бир девеуворни «салтанат кўнгли гулзорининг нури, хилофат боғининг нури жонига зарар етказилмасин» деган фармон билан уларнинг орқасидан юборди. Аммо, ўша тўрт нафар нобакор Хадича

оганинг таъкидлаши билан кўп масофани тез суръат билан босиб ўтиб, шаҳзода Муҳаммад Мўмин мирзо тиловат қилиб ўтирган вақтда унинг ҳузурига кириб келдилар. Шаҳзода аҳволни англаб сапчиб ўрнидан турди ва улар билан олишди. Охири ўша беокибат бадбахтлар Амир Темур кўрагон хонадо-нида тенгги йўқ бу йигитни ҳалокат сарнатижаси қилиб, қалъа буржидан хокрезга улоқтирдилар ва ул подшоҳлик бўстони сарвининг рухсори... тупроққа тушди...

Ушбу хунук ишни ўзларига мартаба деб билган бу нобакор-лар ўша тунда шаҳзодани ўлдириб, ўрду тарафга караб йўл олганларида Хиёбон кўчаси бошида Султоннинг бахшиш нишонини олиб келаётган чопарига рўбарў бўлдилар. Қазо ўз ишини қилиб қўйгандан кейин, афсус ва надоматдан бошқа илож қолмади. Шарқ подшоси нилуфар ёқасини чок қилиб, юлдуз қатраларини ашк ўрнида кўзидан оқизган ва бу ҳодиса даҳшатидан юзи сарғайиб, изтироб бармоғи билан Хулкарнинг бандини узган саҳар пайтида Хирот аҳли бу ҳодисадан огоҳ бўлиб, фарёду фиғонларини осмон авжига чиқариб, кўзлари чашмасидан қон селобини равон қилдилар ва бағоят тоқатсиз-ликдан тупроқ ва қон ичида тўлқинландилар. Шаҳзоданинг ғамга чўмган онаси Хоним Султон бегим бинти Султон Саид ва бечора ҳамшираси қора кигизларни бўйинларига ташлаб, яқо ўрнида жон либосларини чок этдилар, фиғону фарёддан қиёмат аломатини кўрсатдилар... Бешаку шубҳа бу даҳшатли ҳодисадан оламини ёрутувчи ой тупроққа кулаб тушса, бунга мувофиқ келиб, офтобни меҳр деса бўлмаским, ўша воқеадан сўнгра қадимги расмини тутса, Баҳромни қандай қилиб шаҳид ул-интиқом деса бўладиким, ул шаҳзоданинг қотиллари қонини тўкмаклик бошидан ўтди... Ўша вақтда шаҳарда турган амир Сорбоннинг таклифи билан шаҳзодани мадрасайи Бадиага дафн этиб, хатми қуръон, қилдилар.

Ушбу мусибатдан уч кун ўтгач, имом Ризо... ҳазратларининг мозори зиёрати учун Машҳадга кетган амир Алишер шаҳарга қайтди ва бу оғир хабарни эшитиб изтироб денгизига чўмди, кўзи жуйборидан қон селобини равон қилди. Ушбу сатрлар муаллифи ўша куни бир неча бор ул олишон амирнинг илҳом баён тилидан эшитдимки, Муҳаммад Мўмин мирзо воқе-аси шайх Маждуддин Бағдодий қатлининг ҳукмидадир, чунки ўша вақтда Мовароуннаҳр, хуросон ва Ироқнинг барча-си Чингизхоннинг лашкар тортиши туфайли Турону Эрон вайрон бўлиб, халқи қирғин қилинди...

Тўнғич ўглининг шаҳид этилганлиги хабари Бадиуззамон мирзонинг шарофатли кулоқларига етгач, ёруғ жаҳон кўзига қоронғу бўлиб, изтироб ва бетаоммуллик қилиб, интиқом измини жазм қилиб лашкар тўплашга тутинди. (варақ 656—666.)

ХОЖА АФЗЛУДДИН МУҲАММАДНИНГ ХИЖОЗ САФАРИДАН
ҚАЙТИБ ВАЗОРАТ МАСНАДИ УЗРА ТАМКИН ЭТИЛГАНЛИГИ
ВА ХОЖА НИЗОМУЛМУЛКНИНГ УЛ МАНСАБДАН БЎШАТИЛИВ
ҚАТЛ ЭТИЛИШИ

Илгари зикр этилганидек, хожа Афзалуддин Муҳаммад хижрий 902 (1496—1497 йилда) Марв кишлоғидан Астрободга, ундан Озарбайжонга, сўнгра ҳожилар қарвонига кўшилиб Маккага борди. Ул муборак асар сафардан қайтгач, бир неча кун фароғатлик билан Ироқ ва Озарбайжон вилоятларида кун кечирди. Сўнг ҳокон Мансур уни ёдлаб исмини муборак тилига олгани, марҳаматомиз сўзлар билан ҳолаҳволини суриштирганлиги, ундан ташқари, амир Алишер у билан кўришиш иштиёқида эканлигини эшитиб қолди. Хуллас, ул жанобнинг хотири она Ватанига қайтишга мойил бўлди... Шу вайдан жўнашга жазм қилиб, Хуросон йўлига тушди.

Хожа Низомулмулк авлоди ва қариндошларининг эътибор ва ихтиёри олийшўн ҳокон даргоҳида камол даражасида бўлиб, ўзларининг ҳиммат тухфаси деб билган ҳар бир ишни тавфиқ қасами билан мурод лавҳига битар эдилар.

Хожа Афзалуддин шундай кучли душмани бўлатуриб, тангри таолонинг қарамига эътимод қилиб, тез суръат билан манзилларни босиб ўтиб, хижрий 903 йил рамазон ойининг ўртасида (1498 йил 8 майда), тонгда ногоҳ Боғи Жаҳонорога кириб келди. Аркони давлат уни кўриб ҳайрат бармоқларини тишлади, аммо соф кўнгилли ҳокон пок тадбирлик ул вазирнинг хилофатмасир тахт поясига етиб келганидан ғоятда суюнди, чунки хожа Низомулмулкнинг Муҳаммад Мўмин мирзонинг қатли бобида саъй ҳаракати бўлгани учун кўнгли кўзгусига унга нисбатан қудуратлиғ гарди ўтирган эди. Зафаранжом подишоҳ Бобо Хокий яйлоқи азми билан иқбол соясини Тахти Сафарга солган куни ўша манзилда хожа Афзалнинг тарбияти ҳокони Мансурнинг офтоб тоблик хотирида қарор топиб, мазкур ойнинг 21 якшанба куни (1498 йил 16 май) да хожа Низомулмулкнинг авлоди аҳволининг рухсори ва йигирма йил муддатда ҳокони Мансурнинг вазоратида турган хожа Имодулисломни ҳибсга олиш ҳақида вожиб ул-изъон фармон эълон қилинди ва илгари хожа Низомуддин саркорга етказган футур унинг зиммасига тушди. Бобо Хокий яйлоқи ул салтанат куёшининг шарофати соясининг тушиши билан фалак қорхонасининг ғайратини орттирган куни хожа Афзалуддин Муҳаммад вазирлик либосини кийиб, бир неча йилдан кейин яна мулку мол ишига дахлдор бўлди...

Ҳокони Мансур бир неча кун Бобо Хокий манзилида бўлиб, Нишин яйлоқига кўчди ва ул жойда улуг қулоқларига Бадиуз-

замон мирзо амир Зуннун ва Шужоббек билан иттифокда кўп лашкар тўплаб, ҳумоюн аскаргоҳ тарафига келаётгани хабари эшитилди. Шу важҳдан, олий ҳукмга биноан, Фаридун Ҳусайн мирзо ва амир Абдуллатиф баҳши ва хожа Низомуддиннинг ўғли Умидуддин, сипоҳдан бир неча кўшилма Исфазор тарафига қараб жўнади. Шу аснода хоқони Мансур бу хусусда амир Алишер билан кенгашиб, уларни жазолашга қарор бериб, амир Абдуллатифга чопар орқали «хожа Умидуддинни фалон куни бандга олиб, хушёр кўриқчилар билан ҳумоюн ўрдуга жўнатилсин», деган маъмулда фармон юборганлиги маълум бўлди. Амир Алишер рухсат топиб, Ҳиротга борди ва муқаррар этилган куни тонгда шаҳар ҳокими Султон Аҳмадга хожа Низомулмулкнинг жиянлари ва ўша вақтда... Ҳиротда бўлган хожа Камолуддин Ҳусайн ва хожа Абдулазиз воқеанависни шунингдек, хожа Низомулмулкнинг қариндоши хожа Низомуддин Каррудийни бандга олишни буюрди. Шаввол ойи ўрталари (1498 йил 14—15 июнь) да бир куннинг ўзида улар Ҳиротда, хожа Умидуддин Исфазорда, хожа Низом эса Карруд йилоғида ҳибсга олиндилар. Хожа Афзалуддин Муҳаммад ул жамоанинг молу мулки тафтишига киришиб, шу қадар кўп олтин, жавоҳир, яхши китоблар, наслдор оту туялар, чодирлар, саропардалар, ипак гиламлар, шунингдек, Миср, Фаранг, Чин ашёларини мусодара қилдиларки, икки тиллик қалам уларнинг шарҳу баёнида ожиздирлар... Хожа Афзалуддин Муҳаммад қисқа вақт ичида жуда кўп мол жамлаб давлат хазинасини бойитишда тиришқоқлик кўрсатди. Хоқони Мансурнинг инояти унинг ахволига муносиб тушиб, ваъзирликнинг катта мансаби унга топширилди... ишлари тараққий топиб, девони олийнинг амирлиги мансаби ҳам унга берилди... (варақ 68а—69б.)

ХОҚОНИ МАНСУРНИНГ БАДИУЗЗАМОН МИРЗО УСТИДАН ЗАФАР ТОПГАНИНИНГ БАЁНИ

Зийрак закийларнинг ўткир кўнгилларига маълум ва машҳур бўлсинким, ҳар иккала давлатманднинг (Султон Ҳусайн ва Бадиуззамоннинг) иқбол куёши тангри таоло инояти воситаси билан фатҳу фирузлик матлаидан тулу қилур, ҳодисалар булути туркумлари матлуб юзининг нурларига парда бўла олмай...

Мушкин бўйлик қалам тили очмоқчи бўлган бу ҳикоятнинг баёни хоқони Мансурнинг Нешин йилоғида Бадиуззамон мирзо устидан ғалаба қилишидир. Бу таҳрирнинг ҳол кайфияти қисқача шундай: хоқони Мансур зафарпаноҳ сипоҳдан бир неча гуруҳ билан Нешин йилоғида давлат ва иқбол

Тахтада ўлтирган ва хожа Низомулмулк, унинг авлоди ва қариндошларини жазолаш масаласи билан машғул бўлиб турган бир пайтда зафар асарлик қўшиннинг паришонлиги хабари Гармсир вилоятида турган Султон Бадиуззамон мирзо ва амир Шужоъбекнинг кулоқларига етиб, улар фурсатни ғанимат билиб, уч-тўрт минг ханжар урувчи суворийлар билан ҳумоюн ўрдуга қараб юриш ва бирдан ҳужум қилиб, мардона қўллари билан фатху зафар эшикларини очишга қарор бердилар. Қамар сайр, шамолдек елувчи отларига миниб, бир соат ҳам тиним билмай, олти кун деганда Сабзаворга етиб келдилар. Қўшиннинг Фаридун Ҳусайн бошлиқ илғор қисми қалъага беркиниб, олампаҳоқ даргоҳга чопар юбордилар ва юз берган ҳодисани подшоҳнинг арзига етказдилар. Шаввол ойининг 24 (1498 йил 17 июнь) да жума куни чошгоҳ пайти эди, Нешин ўлангида турган хоқони Мансурнинг яқинлари бу хабарни эшитиб, лашкар озлиги ваҳждан андиша ва изтироб денгизига чўмдилар, аммо ул ҳазрат тангри таолонинг камоли қарамига... эътимод қилиб, Ҳиротга чопарлар юборди ва «амир Алишернинг ўзи отга миниб шаҳарнинг ичию ташқари-сидаги маҳаллаларни кидириб, қаерда лашкар ва навкар бўлса тўплаб ўрдуга юборсин», деб буюрди. Амир Алишер жума намозидан кейин, фармонга биноан иш кўрди. Кун охирида иттифоқо амир Муборизуддин Валибек, амир Умарбек ва амир Бобо Али Астробод томондан етиб келдилар ва ул жаноб амир Алишернинг ишорати билан ўрду томон жўнаб кетдилар. Лекин улар ҳали етиб келмасдан бурун зафар дастгоҳлик сипоҳнинг қоровули Султон Бадиуззамон мирзонинг Исфароин қалъаси қамалига илтифот қилмай, шамолу яшин тезлигида келаётган хабари етишди. Шу ваҳждан камёб наввобнинг (Султон Ҳусайннинг) изтироби яна ҳам кучайди. Борди-ю, мирзо Бадиуззамон шу тариқа от суриб аскаргоҳга етишганда ул ҳазратнинг (Султон Ҳусайннинг) ишини онсонгина ҳал қилиб кўяр эди, лекин Исфароин боғларидан бирида тўхтади ва ўша ерда тунаб қолди... Эрталаб... Бадиуззамон мирзо ва Шужоъбек зафар ҳашаматлик лашкар, аждаҳо суратлик аскар билан... хоқони Мансурнинг аскаргоҳига қараб юрдилар. Ул ҳазрат (Султон Ҳусайн) фалакнинг ёрдами ва яратганнинг эътимоди билан... уруш ва ўлдириш майдонида улуғ тоғдек турди... Шу вақтда ғойибдан келган кўмакнинг саодатлик офтоби лорайб матлайдан чиқиб, зафар асарлик лашкаргоҳ мунаввар бўлди...

Бу сўзнинг баёни шулки, амир Хусравшоҳ исёни туфайли умид юзини марҳаматпаҳоқ даргоҳга қўйган Султон Масъуд мирзо олишон хоқон душманни синдирувчи лашкарни ораста қилиш билан машғул бўлиб турган ўша тонгда ногоҳ уруш

чангалзорининг шерларидан 500 киши билан... хумоюн ўрдуга етишди. Ул музаффар байроқлик шаҳзоданинг қутлуғ қадами билан шоҳу сипоҳининг зафар юлдузи тулуга эътиمود қилиб, хурсандчилик қилдилар. Шу пайтнинг ўзида амир Муборизуддин Муҳаммад Валибек, амир Умарбек ва амир Бобо Алилар ҳам Астрободдан, Фаридун Ҳусайн мирзо ва амир Абдуллатиф баҳши Сабзавордан зафар асарлик лашкаргоҳга етишиб, урушга мунтазир бўлдилар ва жанг сафини ораста қилдилар...

Ул томондан Бадиуззамон мирзо ва Шужоъбек Нешин ўлангига келганларидан кейин, ўрдуни, тасаввурларига хилоф равишда, пиёда ва отликлар билан тўла кўрдилар ва тамоми ваҳшат ва ғайратларидан изтиробга тушиб шиддат билан уруш асбобларига қўл урдилар, кўкимтир осмон хумини карнаю сурнай садоси билан тўлдирдилар.

Нусрат асарлик лашкар баҳодирлари мудофаага ҳам эътибор бериб, уруш ўтини шундай алангалатдиларки, ханжар урувчи Баҳромнинг кўнгли маърака ўликлари учун қуюб офтобнинг нурбахш чашмасига бодпойлар расми губоридан соя солди... Чошгоҳга бормай олий даражалик хоқоннинг сипоҳи ғолиб келиб, хоксорлик асари Заминдовар ҳамда Қандаҳор лашкарининг ҳол саҳифасида бўлди ва Бадиуззамон уруш қилишдан ожиз бўлиб, Барсин йўли билан Ғур тоғи тарафига чекинди... Бу воқеа шаъбон ойининг 24 (1498 йил 17 апрели) да юз кўрсатди... (варақ 70а—71б.)

КАЙВОН ОШЁНЛИК ХОҚОН БИЛАН БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ СУЛҲ ТУЗГАНИ БАЁНИ

... Бу воқеанинг тафсили шулки, Нешин ўланги уруши бўлмасдан бир неча кун илгари хоқони Мансур Шайх Аҳмад Тафтазоний, Шайх Жалолуддин ва Фиёсуддин Муҳаммад садрни Бадиуззамон мирзога насиҳат қилиб, душманликдан дўстликка келтирсин учун Гармсирга юборган эди. Улар Фараҳга борганларида Бадиуззамон мирзонинг «илғор расми билан олий даражали отасига қарши урушга кетган», деган хабарни эшитдилар. Шу важҳдан Шайх Аҳмад Тафтазоний Ҳирот сари шошди, Шайх Жалолуддин ва Фиёсуддин Маҳаммад амир Зуннун қошига Ғурга бордилар. Улар ҳануз Ғурда эканликларида Бадиуззамон мирзо шикаст топиб амир Зуннун ҳузурига етиб келди.

Шайх Жалолуддин билан Фиёсуддин Муҳаммад сулҳ бобида шаҳзода билан сўзлашдилар. Шаҳзода «агар хоқон ҳазратлари отифат ва меҳрибонлик мақомига келиб, мамлакатнинг бирон қисмини бандага иноят қилса, саодат нисбатлик узанги мулозиматида бўлган барча кишиларнинг тирикчилиги

онсон ўтарди, шунда шу оннинг ўзидаёқ ўзимни ул ҳазратнинг бандалари каторига элтардим», деб жавоб қилди. Шайх Жалолуддин ижозат олиб, зулқаъда ойининг 20 (1498 йил 11 июль) чоршанба куни хоқони Мансур хануз Нешин яйлоғида турган эди, ҳашаматпаноҳ даргоҳга етиб борди ва Бадиуззамон мирзонинг сўзларини ҳумоюн арзга етказди.

Хоқони Мансур сулҳ асосини тузиш учун яна Шайх Жалолуддин билан бирга шу вақтда малоик ошён остона мулозимларидан бўлган Шайх Али Тогойини- Бадиуззамон мирзо қошига жўнатди. Улар иккаласи зулҳижжа ойининг боши (1498 йил 21 июль) да шаҳзода ҳузурига бориб қайтиб, Бадиуззамон мирзо Балх вилояти ҳукуматини аввалги дастурга биноан берилишини тама қилаётганлиги, шундан кейингина мувофиқлик доирасига кириб, душманликни тарк этажagini ҳумоюн арзга етказдилар.

Ул ҳазрат унинг бу тамасини қабул қулоғи билан эшитмади ва Нешин манзилдан кўчиб, Ҳиротга қараб йўл олди. «Хоқони Мансур Бадиуззамон мирзо билан урушмоқ учун Ҳиротга келаётир ва ундан Ғурга юриш қилиши муқаррардир», деган хабар доруссалтана Ҳиротда тарқалгандан кейин, амир Алишер «Сулҳ хайрлидир» оятига биноан, ҳижрий 904 йилнинг муҳаррам ойи (1498 йилнинг август ойи) да ярашиш ишини олдинга силжитиш учун жўнаб, Ғуён чашмаси тепасида олишон хоқоннинг мулозиматига мушарраф бўлиб, ул ҳазратнинг орғин кўнглини Бадиуззамон мирзонинг хотири тилагига тарғиб қилди. Амир Алишернинг сўзлари ихлосу давлатхоҳлик камолидан бўлгани учун ҳазрат хоқони Мансур муборак қулоғининг қабул пардасига етди ва хилофатошён остонанинг муншийларига Сеистон ва Фараҳ аёлатини бериш хусусида Бадиуззамон мирзо номига нишон ёзиш ҳақида ҳумоюн ҳукм содир бўлди... Шундан сўнг зафар асарлик байроқ муҳаррам ойининг учинчиси жума (1498 йил 21 август) куни салтанатнинг доимий тахти сари ҳаракат қилиб, мазкур ойининг 16 (1498 йил 4 сентябри) да душанба куни Боғи Жаҳонорога келиб тушди... (в. 726—736).

УЛУҒ АМИР АЛИШЕРНИНГ ҲАЖ НИЯТИ БИЛАН МУҚАДДАС МАШҲАД ШАҲАРИГА БОРГАНИ ВА УЛ ҲАЗРАТНИНГ ЖўНАШИ ҲАҚИДА ХОҚОНИ МАНСУРНИНГ ИНОЯТНОМА ЮБОРГАНИ

Ул фазилат ва донишда шукуҳлик ва етук амир Низомуддин Алишер миллату халқ ва мустақим шарият йўлининг ҳодиси далолати... билан кўп вақтдан бери, бошини оёқ қилиб ва уни барча муроднинг боши деб билиб, Ҳижоз тарафига боришни ва

ҳаж қилиб пайгамбарнинг муқаддас равшасини зиёрат қилишни истар эди. Аммо, шу боисдан ҳар сафар зиёрат қилиш ҳақида хилофат масир тахт поясида рухсат сўраб сўз очганда, хоқони Мансур, ул жанобнинг шарофатли суҳбатларига камоли майли бўлганидан, рухсат бермас эди. Осмон ҳашаматлик подшоҳ Марв атрофини зафарфаржом аскарнинг лашкаргоҳига айлантириб, Абулмуҳсин мирзони қамал қилиб турган кунлари, соҳиб тавфиқлик амир, фурсатни ғанимат билиб, фазлу камол аҳлидан кўплари билан бирга муқаддас Машҳад тарафига қараб равона ва олий мақсад сари шитоб бўлди ва подшоҳ даргоҳида очик гапириш ҳуқуқига эга бўлган зиёратгоҳлик мавлоно Абдулҳай табибни ижозат олиб бериш учун хилофатмасир тахт пойига юборди. Соф кўнгиллик амир муқаддас Машҳад шаҳарига етгач, мавлоно Абдулҳайнинг қайтишига кўз тутиб, бир неча кун ул муборак жойда туриб қолди.

Ўша кунлари олийшон хоқоннинг ҳукми билан Кепак мирзога қарши юборилган Ҳайдар Муҳаммад мирзо ва амир Шайх Аҳмад Суҳайлий мағлубиятга учраб Машҳадга келдилар ва амир Алишер Ҳайдар Муҳаммад мирзо ҳамда амир Шайхни овунтириш учун уларга яхши отлар ва нафис парчалар тортиқ қилиб, йиғилишга ҳозир бўлганларнинг юзига лутфу меҳрибонлик эшикларини очди. Шу аҳвол асносида мавлоно Абдулҳай табиб ҳумоюн ўрдудан қайтиб, хоқони Мансурнинг мактубини олиб келди. Мактуб мазмуни кўйидагича: «Мавлоно Абулҳай билан юборилган илтимоснома комёб наввобнинг назаридан ўтказилди ва ул жанобнинг муборак Макка зиёрати учун бориш хаёлида эканлиги маълум ва равшан бўлди. Файзасарлик хотири риояси бу илтимосни ижобат қилишни тақозо қилса-да, аммо ул муборак манзилга бормоқни ихтиёр этишда йўл тинчлиги ҳам шартдир. Бусиз, сизнинг раъйингизга равшан бўлсинким, ҳар иккала Ироқ ва Озарбайжон фитна ва ғавго ичида қолганким, уни тасаввур қилиб ҳам бўлмаслиги аниқ бўлиб турибди. Агар бу тарафнинг розилиги мулоҳазаси билан ушбу хаёлни яна бир навбатга қўйиб, бу тарафга ташриф буюрсаларким, ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ эшиклари очилгай, қачонки амният тариқининг хабари таҳқиқ бўлса, азимат буюрсалар яхши ахлоқидан ажиб ва йироқ бўлмагай». Мазкур ишоят услублик мактуб амир Алишернинг мутолаасига етишгандан кейин муқаддас Машҳад хонадонининг мужовирлари, нақиблари ва мусофирлари билан кенгаш ўтказди. Ул жамоатнинг барчаси иттифоқ бўлиб, ул жанобнинг ўрду тарафига боришини, нима бўлса ҳам хоқони Мансур билан Абулмуҳсин мирзони яраштириб қўйишни дину давлатнинг салоҳи», деб

ҳисобладилар. Қисқаси, шунга биноан, амир Алишер баҳор аввали (1499 йил май ойи) да олий даражалик имом Ризо машҳадидан Марв шоҳижаҳонга равона бўлди ва Сарахс атрофига етганда, ҳокони Мансурнинг ўрдуси Марв атрофидан кўчиб, бошқа томонга равона бўлганлиги маълум бўлди. Бу воқеанинг тафсили қуйидагича: Марв қамали уч-тўрт ойга чўзилиб, фатҳу зафар шоҳиди мурод кўзгусида кўринмагани учун ҳокони Мансур сулҳга майл қилди. Абулмуҳсин мирзо ҳам қалъадорликнинг чўзилиб кетганидан ғам чекиб отаси қошига чопар юборди ва амир Алишерни талаб қилдиким, то ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ иши воқе бўлсин. Соф кўнгиллик амир иродаси кучлик ҳокони Мансурнинг амри билан шаҳзоданинг ҳузурига борди. Шаҳзода унга «агар ҳокони Мансур гуноҳимни ўтиб Ҳиротга қайтсалар, мен пешкаш билан хилофотмасир тахт поясига борурман», деб айтди. Амир Алишер ундан бу сўзни эшитиб, яна олампаноҳ даргоҳига келиб Абулмуҳсин мирзонинг сўзларини подшоҳга арз қилди. Ҳокони Мансур шаҳзоданинг тилагини қабул қилиб, Сарахс тарафга равона бўлди ва Бозоргон манзилига келиб тушди.

Аmmo амир Алишер подшоҳнинг қўлларини ўпиш билан сарфароз бўлгандан ва унинг турлича лутфу эҳсонларига эришганидан икки-уч кун ўтгандан кейин, хожа Абдулла Ансорийнинг мозори жорубкашлиги мансабига ёрлик берилгандан сўнг, Ҳиротга қайтишга ижозат сўради. Ҳокони Мансур деди: «Модомики, Сиз менинг мамлакатимда бор экансиз, нимаики тиласангиз ва илтимос қилсангиз, муқаррарким, қабул шарафига мушарраф бўлғусидир». Сўнг ул жанобнинг қоматини фахрлик чопонлар билан ораста қилиб, амир Алишер ижозат шарафини топди. Шундан сўнг ул сўфий сифат, пок кўнгил амир она ватанига борди. Ҳиротнинг барча улуғ саййидлари, мухтарам шайхлари, соф кўнгиллик уламо ва фузалоси тез-тез пок қалбли амирнинг уйига келиб турдилар. Сўнг Ҳиротнинг улуғ саййидлари ва шайхлари учун Гозургоҳнинг файзасарлик мозори тепасида катта ош берди ва улардан дарвишлик ва гўшанишинлик йўлида кун кечириши бобида дуо сўради ва бор ҳимматини хожа Абдулла Ансорий... нинг мозорини оבוד қилишга сарфлаб, ўша руҳни ортдирувчи макомнинг ходимлари, саҳобалари ва арбобларига инъому эҳсонлар кўрсатиб, ул беҳиштнишон равзанинг дарвишлари ҳамда мужовирларининг рутбасини зиёда қилдилар.

Шу аҳвол асносида музаффар байроқлик подшонинг ҳукми билан кўп йилдан бери Ҳиротда доруға бўлиб турган Султон Аҳмад мирзо вафот этди... (варақ 74б—75б).

ХОНДАМИР

«ХУЛОСАТ УЛ-АХБОР» ДАН

БАЪЗИ ВОҚЕАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

... Осмон мартабали соҳибқирон (султон Хусайн мирзо) комронлик билан салтанат тахтига ўтирган кунларда болалигининг бошларидан то йигитлиги охиригача музаффар байроқли султоннинг мулозими ва ҳамсухбати бўлган, лекин ситамкор давр тақозоси билан узоқ муддат унинг хизматидан узоқлашган, олижаноб султон ҳазратларининг яқин дўсти (амир Алишер) Самарқанд тарафдан қайтиб келди ва давлатнавоз подшоҳнинг қўлларини ўпишга муяссар бўлди, унинг турли-туман подшоҳона лутф-эҳсони билан сарфароз этилиб, ўз тенгқурлари ичида мумтоз ва мустасно бўлди...

Ва ўша вақтларда соҳибқирон султон эгачисининг ўғли ва Кичик мирзо номи билан машҳур бўлган мирзо Муҳаммад Султон онаси ҳамда отаси Султон Аҳмад ибн мирзо Саййид Аҳмад ибн мирзо Мироншоҳ билан бирга Озарбайжон тарафдан келиб, подшоҳнинг турли-туман марҳамат ва мурувватига мансуб бўлдилар.

Шунингдек, ўша кунлари Шоҳ Яхё Систоний ва амир Ҳасаншайх Темуртош Қорабоғдан султон ҳазратлари ҳузурига келиб, унинг илтифот ва иноятлари билан сарфароз қилиндилар...

Олийҳазрат хоқон Хирот шаҳарида хурсанд ва комронлик билан ўтирган пайтда 874 йилнинг 14 муҳаррами куни (1469 йил 24 июль куни) онаси маҳд улё Фирузабегим фоний оламдан абадий жаҳонга кўчди... султон Хиёбон кўчасида унинг қабри устига жонга қувват берувчи бино қурдирди...

**ДОРУССАЛТАНА ҲИРОТ ШАҲАРИНИНГ БАЪЗИ СИФАТЛАРИ
БАЁНИДА ВА ОЛИЙ ДАРАЖАЛИК АМИР АЛИШЕР ЖАНОБЛАРИ ДАВ-
РИДА ЎТГАН ВА УНИНГ ҲИМОЯСИ ОСТИДА ТИНЧ ҲАЁТ КЕЧИРИБ
ТУРГАН БАЪЗИ АҲЛИ ФАЗЛ ВА ҲУНАР ЗИКРИДА**

Ҳирот Жоме масжидининг... сифати. Ушбу жаннатнишон шаҳардаги улуг ва юксак бинолардан бири Жоме масжидидир-ки, ҳақиқатан ҳам тангри марҳаматларининг жамъи ҳамда чексиз кудуратларни кеткизувчи манзилдир. Осмон қайта айлангунча ҳеч ким бундайин юксак бинони, бу сингари кўнгил очадиган ва пок жойни учратмагай, бирон собит ва сайёр подшоҳ ўз даврида бундайин мустаҳкам бинони кўрмаган. Жаҳоннинг маъмур қисмида осмонўпар тоқи ва мақсурасининг тенги йўқдир...

Бу шарофатли жойни султон Абулфатҳ Фиёсуддин Муҳаммад ибн Сом ўз ҳукмронлигининг сўнгги пайтларида бино қилдирган эди. Лекин олижаноб хотири бино қурилишининг тамомланишидан фориғ бўлмағи туриб тангрининг раҳматига етишди. Унинг иниси султон Шаҳобуддин ҳам хоразмшоҳ билан бўлган низолар туфайли ¹ масжид қурилишини охирига етказолмади. Лекин ўғли султон Фиёсуддин Маҳмуд тахтга ўтиргандан кейин ул табаррук манзил иморатини битказди. Шу тариқа кўп муддат ўтгандан кейин, Чингизхон исёни ва Хуросон вилоятларининг вайрон этилиши оқибатида бу юксак даражали манзил вайронгарчиликка юз тутди. Яхши одатли подшоҳ малик Фиёсуддин Куртнинг жидду жаҳди билан у тикланди. Унинг вафотидан кейин малик Муъизуддин Ҳусайн уни безаш ишларида тиришув шартларини бажо келтирди, мағфиратли ҳазрати хоқон Саъид Шохруҳ замонида амир Жалолуддин Фирузшоҳ ҳам уни тузатди... Ва султони соҳибкирон бахтиёр подшоҳ муъизз ус-салтана вал-хилофат Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон подшолиги даврида зилзила бўлиб, унинг тоқи ҳамда мақсураси бутунлай шикастланди; ул обод жой бошидан охиригача вайрон бўлди; баланд деворлари тиз чўкканларга ўхшаб букчайиб қолди; олий асар пил-поёлари сажда қилувчиларга ўхшаб юзини ерга қўйдилар, баланд шифтининг оппоқ ганчлари тўкилиб, нам тупроқ билан қоришиб кетди.

Бу аҳвол олижаноб султон ҳазратлари Султон Ҳусайн яқин дўсти амир Алишернинг равшан хотирига нур сочиб, тамоми олий ҳимматини ушбу шарофатли масжид биносини янгилаш ва ўша олий ибодатхонаниннг асосларини мустаҳкамлаш ишини жадаллатишга қаратди, сўнг мусулмонлар подшосидан ижозат,

¹ Гап Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад (1200—1220) хусусида бора-ётир.

улуг ва муқаддас машойихлар арвоҳидан кўмак олиб, 903 йилнинг рамазон оғи (1498 йилнинг апрель-май ойлари ораси) да дастлаб мақсуранинг қулаб тушган гумбаз ва пештоқини тиклашни буюрди, сўнгра тажрибали меъморлар ҳамда мудаққик муҳандисларнинг маъқуллаши билан мустаҳкам бўлмаган ўша бинони тузатишга амр қилди. Мақсура суфасининг икки томонига баланд кўш айвон ҳам қурдирди. Шу билан улкан тоқ мустаҳкамланди ва у таърифлаб бўлмайдиган даражада мустаҳкам бўлди. Хайру саховатли бинокор амир Алишер ўша иморатни тиклаш хусусида кўп ғамхўрлиги бўлганидан ҳар куни ўша шарофатли манзилга ташриф буюрар, кўп кунлари этакни белга қистириб, ёлланган ишчилар каби усталарга ғишт олиб берарди ҳамда бошқа юмушларни қиларди, тез-тез ўша ердаги меъморлар, усталар ва косибларга қимматбаҳо саруполар кийдирар ва уларни кўп сийлаш ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қиларди. Шу тариқа тангрининг қувватлаши ҳамда подшонинг чексиз ёрдами билан уч-тўрт йиллик иш олти ой муддат ичида охирига етказилди. Мақсура айвоннинг баландлиги дарё кароматли амирнинг ҳиммати билан илгаригига қараганда олти-етти зира ортик бўлди. Иш асосан тамомлангандан сўнг... фузало ва шуаро ўша бинонинг битказилиши тарихини назм ипига тиздилар... Ушбу сатрлар муаллифининг заиф хотирига ҳам бир қитъа келди.

Мазмуни:

Ушбу масжиднинг асоси мустаҳкам бўлди,
Банданавоз амирнинг ҳаракати билан
Ақл муршиди унинг тарихи борасида деди:
Жоменинг асоси қайта тикланди.

Алқисса, баланд мартабали амирнинг нурли хотири ул олмақом ибодатхона биносини мустаҳкамлаш ишларидан фориг бўлгандан сўнг, хушбўй хотиридан унга зебу зийнат бериш хаёли ва ҳашамат ҳамда кўрк бериш андишаси кечди. Олий ишоратга биноан, муборак асарлик муҳандислар, хушмуомала кошинкорлар, моҳир наққошлар, эпчил сангтарошлар жону жаҳд билан ўша файзасарлик масжидни безашга тутиндилар ва қиёс қилиб ва тахминлаб айтганда, кам деганда беш йил ичида битириш мумкин бўлган ишни бир йил ичида бағоят покиза ва ораста қилиб битирдилар. Тоқу равоқлари ислимий ва хитойи нақшлар билан пурсафо, суфаларининг тарафлари ғаройиб такаллуфлару ажойиб ихтироётлар билан безатилганидан бу жой бошқа манзиллардан мумтоз ва мустанос бўлди...

Масжиднинг ёнғоқ ёғочидан ишланган эски минбари ҳам

чикастлангани учун равшандиллик амирнинг олинёмат ҳиммати минбарни мрамартошдан ясалишини тақозо қилди. Шунинг учун баланд ошён олий остонанинг мулозимлари ҳар тарафга чопиб ва қидириб, ниҳоят Хавоф вилоятидан мрамартош топдилар ва эгасини рози қилиб уни сотиб олдилар ва қисқа фурсат ичида ушбу муборак манзилга олиб келдилар. Устод Шамсуддин сангтарош минбар тарошлашга киришди ва олий даражалик амирнинг ҳиммати билан шундай бир минбар ясалдики, кулоқ ҳанузгача бундайини эшитмаган. Замон фозилларининг сараси саййид Ихтиёруддин Ҳасан ул олимақом минбарнинг ясалиши ҳақида ушбу байтларни назм ипига тизган.

Қитъа:

Аз ҳиммати бузурги шуд минбар мукамал,
К-аз ғояти ба арш сар кашида.
Та'рихи ин ҳумоюн минбар зи-ақл жустам,
«Минбар зи-санги мрамар», гуфто каси надида.¹

Таржимаси:

Унинг олий ҳимматидан минбар мукамал бўлди,
Бағоят баландлигидан аршга буй чўзди.
Ушбу муборак минбар тарихин ақлдан сўрадим,
Деди: «киши кўрмаган мрамартошдан бунақа минбарни».

Бу шарофатли жоме масжиди 408 гумбаз, 130 равоқ ҳамда 444 пилпоядан иборат; узунлиги девор тарафдан 254, эни 150 зиръа, мақсура суфасининг узунлиги 65 ва эни 20 зиръа; тоқининг айланаси 26 зиръа; шимол тарафдаги суфанинг узунлиги 23, кенглиги 15 зиръа; жануб тарафдаги суфанинг узунлиги 22 ва эни 13,5 зиръа; подшоҳ мақбараси гумбазининг узунлиги 24, эни 23 зиръа; масжид саҳнининг узунлиги 114, эни 74 зиръа.

Жоме масжидининг олти дарвозаси борки... унақаларни етти иқлимда ҳам топиб бўлмайти. Жаннат ойинлик бу масжид 905 йил 14 шаъбон шанба (1500 йил 16 март) куни такаллуф ва безакдан чиқарилди. Тавфиқ ва тадбир эгаси амир Алишер ўша куни катта ош берди, хатиб, имом, воъиз, ҳофиз, мутавалли, ходим ҳамда иморатни битирган барча усталарни, улар қарийб 100 киши эди, ўша жойга чақиртириб зиёфат берди ва ўша пайтнинг ўзида уларнинг қобилиятли қоматини қимматли либослар билан безади...

¹ Бу ерда «Минбар зи-санги мрамар» сўзлари тарих моддаси бўлиб, ҳарфлари қиммати абжод ҳисобида 909 дир. Милодий 1503 йилга тўғри келади.

Ақл эгаларининг равшан хотири учун махфий қолмасинки, фахрли шаҳар Ҳиротнинг ичкари қисмида, хусусан баракотли ўша Жоме масжиди атрофида машҳур жойлар ва иморатлар кўпдир. Агар уларнинг ҳар бири алоҳида зикр этиладиган бўлса қисса чўзилиб кетади; шунинг учун уларни фақат қайд этиб ўтамиз.

Ғиёсия мадрасаси. Малик Ғиёсуддин қурт қурдирган.

Янги хонақоҳ. Малик Муъиззуддин қурт бино қилдирган.

Дорулҳадис ва Дорушшифо. Маҳд улё Милкат оға биноларидан. Ҳозирда дарёдил олижаноб ҳокон ҳазратлари яқин дўсти амир Алишернинг диққат-эътибори туфайли обод бўлиб турибди...

ҲИРОТ ШАҲАРИНИНГ ТАШҚАРИ ҚИСМИДАГИ МЎЪТАБАР ЖОЙЛАРНИНГ ҚАЙДИ

Амир Фирузшоҳ масжиди: ҳозирда олижаноб, султон ҳазратлари яқин дўстининг саъйи ҳаракати билан янгиланди.

Шайх Яҳё Лангари. Олижаноб султон ҳазратлари яқин дўстининг олиҳиммати билан қайтадан янгиланди.

Хожа Чиҳилгаз мазори устига қурилган гумбаз. Олиҳиммат амир Алишернинг эътибори билан обод бўлди ва олимлардан бири у жойда муаллимлик мансабида турибди.

Мирзо Аловуддавланинг Чорсудаги масжиди. Олижаноб, султон ҳазратларининг яқин дўсти бино қилдирган.

Сарипули Инжил масжиди. Тенги йўқ амир Алишернинг ҳиммати билан қурилган ва шак-шубҳасиз бағоят улкан, гўзал ва тенги йўқ бино.

Доруссалтана Ҳиротнинг ташқари қисмида, Сарипули Инжилда султони соҳибқирон қурдирган мадраса ва хонақоҳ ҳам бор...

Жоме масжиди. Ҳиротнинг ташқари қисмидаги муҳташам бинолардан бўлиб, султон ҳазратлари яқин дўстининг ҳиммати билан шарофатли жойга айланган... Ушбу тенги йўқ жойнинг шимол тарафида муҳташам Дорулҳуффоз бино қилинган. Унинг девор ва шифти ложувард ва тилло суви бериб безатилган ва ўша ерда аҳли мўмин олиҳиммат амирни дуо қилиб турибдилар... Мазкур жоме масжидининг жануб тарафида бағоят латофат ва назокат билан Дорушшифо қурилган. Ўша жаннат мисол бинолар оралиғида кавсар мисол бир ҳовуз ҳам қурилган бўлиб, хизрмақом ҳақимлар ҳамда исодамлик табиблар доимо ғариблар ва беморларни муолажа қилиш билан машғулдилар...

Султон ҳазратлари яқин дўсти қурдирган бинолардан яна бири юқорида қайд этилган Дорушшифо рўбарўсида қад кўтариб турган Халосия хонақоҳи ва Ихлосия мадрасасидир. Бу шарофатли жой нафис безаклар ва гаройиб ихтироотлар билан ораста қилингандир. Ўртасидан суви тотли Инжил ариғи оқиб ўтади. Фазилатпаноҳ хонақоҳда ҳар куни қуръон тиловат қилиниб, фақир ва заифларга таом берилади ва ҳар йили қарийб икки минг пўстин, чакмон, кўйлак, чолвор, тоқия ва кафш тарқатилади. Ва ҳар иккала шарофатли жойда олам уламоларидан ҳамда эҳтиромли фозиллардан етти нафари диний масалаларни ечиш ва яқин илмларни синчиклаб текшириш билан машғулдирлар. Ул жойнинг талабалари хотиржамлик билан илм касб қиладилар. Ул манзилнинг толеи ва баракоти шу даражадаки, қурилгандан то шу кунларгача бир неча минг киши жаҳоннинг турли тарафидан бу ерга келиб ўқидилар ва қисқа вақт ичида донишманд бўлиб ватанларига қайтиб кетдилар. Мана шу манзилда таълим олган ҳиротликлардан кўплари мударрислик мансабига етишганлар. Чунончи, улардан баъзиларининг исмлари, тангри хоҳласа, қуйида келтирилади.

Хонақоҳ ва чўмоқхона. Пок сулукли дину миллат офтоби мавлоно Муҳаммад Табодгонийнинг мозори устига қурилган, султон ҳазратларининг яқин дўсти, олижаноб амир Алишер иморатлари жумласидан...

Чашмайи Моҳиёнда қурилган иморат. Бахтиёр амир Алишернинг иморатларидан.

Тўққиз работ. Ул ҳазрат амир Алишернинг иморатлари жумласидан; муҳташамлиги, кенглиги, баландлиги ҳамда латофат ва чиройлилиги билан машҳур.

Тангрининг яқин дўсти хожа Абдулла Ансорийнинг файз асарлик мозорига қурилган хонақоҳ.

Шарофатли ва чиройли манзил, об-ҳавоси жаннат насими билан кўнгиш очувчи, суви жаннат булоғининг сувидай тозадир. Ушбу муборак жойда хосу авом учун ҳаммавақт турли-туман таомлар муҳайё... 904 (1498—99) йили олижаноб султон ҳазратларининг яқин дўсти ул жойнинг жорубкашлиги мансабини ихтиёр қилган вақтда Ихлосия мадрасасида ўқиган ва қасабусабакда замондошларидан ўзиб кетган фазилат эгаси жаноби мавлона Шамсуддин Муҳаммадни ушбу хонақоҳга мударрис ва бир неча хушовоз ҳофизни ўша файзли манзилда қуръон тиловат қилиб туришга тайин қилдилар, яна муаззин ҳам тайинланди...

Пули Корддаги жоме масжиди. Ҳидоятли амир Алишернинг бинолари жумласидан.

Сарипули Қародаги жоме масжиди. Яхши сифатли амирнинг биноларидан.

Алошат кўчасидаги работ. Олиҳимматли амир қурдирган хайрли жойлардан бири.

Зиёратгоҳдаги хонақо. У ҳам олий сифатли амирнинг ҳиммати билан қурилган.

Амир Абдуллоҳид ибн Мусалламнинг файзасарлик мазори устига қурилган иморат. У ҳам олий даражали амирнинг биноларидан.

Ҳақиқатлар суянчиги ҳазрат Маҳдумийнинг (Абдураҳмон Жомийнинг) файзли мазори устига қурилган иморат. У ҳам олижаноб, саодат иқтидорли амир қурдирган бинолардан. Дарҳақиқат, жаннат боғининг хуш ислари ўша макон атрофидан эсиб туради, унинг гулистонлари жаннат баҳористонининг шуълалари каби нур сочиб туради...

Ягона пир хожа Абулвалид Аҳмаднинг мазори устига қурилган иморат. Султон ҳазратларининг яқин дўсти қурдирган бинолар жумласидан. У шарофатли жойга чоршанба кунлари кўп халқ тўпланади, шайх ва ходимлар уларни зиёфат қилиш билан машғулдирлар. Олий макон амир Алишернинг тарбиясини топганлардан бири ва куфрони неъматлик қилиб султони соҳибқироннинг ғазабига дучор бўлган хожа Низомулмулк Хавофий ушбу иморатга туташ қилиб кенг бир жамоатхона ҳам қурдирган. Шу кунларда маҳаллий халқ у ерда жума намозини ўқийдилар. Яна шу олий манзил атрофида султон ҳазратлари яқин дўстининг мулозимлари ажойиб бир работ ҳам бино қилганлар. Мусофирлар ҳамиша ўша кутлуғ манзилда тўхтайдилар ва боқий ҳазратни дуо қиладилар, унга ҳамду сано ўқийдилар.

Доруссалтана Ҳирот ташқарисидаги баъзи бўстон ва боғлар зикрида.

... Олижаноб, султон ҳазратларининг яқин дўсти амир Алишер ҳам соҳибқирон Султон Ҳусайн ҳазратлари ҳукмронлигининг бошларида Мурғаний боғини қуришга киришган ва ҳозирда, тангрига шукрким, ул дилни очувчи манзил ниҳоятда ободдир...

Соҳиби тамкин амир ул жаннат монанд шаҳарнинг атрофида яна бир талай боғу бўстонлар қурдирганлар. Улардан баъзиларини қайд этиб ўтамиз.

Тахти Сарипули Сангқашон. Беҳишт нишонлик манзил, билки ундайин гаштгоҳ Хуросон мамлақатида йўқдир.

Боғчайи Шавқия. Ниҳоят тоза жой, ўртасидан сув ўтади.

Боғчайи Гозургоҳ. Шубҳасиз Хуросон юртида, балки оламнинг аксари обод ерларида бундайин суви мазалик ва ҳавоси латиф жаннат мисол жой топилмайди, чунки у руҳ бағишловчи Гозургоҳ даштида жойлашган бўлиб, подшоҳ қаздирган ариғ унинг ўртасидан ўтади.

Тахти Бобо сўхта. Юқорида зикр этилган қутлуғ манзил (Боғчайи Гозургоҳ) нинг шимолий тарафида жойлашган ва тавсифу таърифга муҳтож эмасдир. Тангрининг тўла қарамидан умид шулки султон ҳазратларининг яқин дўсти бўлмиш жаноб амир Алишер кўп замон ва йиллар ушбу жаннатасар манзилда роҳату фароғатда кун кечирсин, хусуматли ҳаётнинг қайгуларидан ва маккор ҳодисаларнинг ташвишларидан омон бўлсинлар.

ҲИДОЯТЛИ АМИРНИНГ АЙЁМИ ДАВЛАТИДА ДОРУССАЛТАНА ҲИРОТДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛГАН ВА ҲОЗИРДА, ЯЪНИ 905 (1499—1500) ЙИЛИ ТАНГРИ ТАЛОНИНГ ҲУКМИ БИЛАН ДУНЁНИНГ МЕҲНАТ САРОЙИДАН ЖАННАТГА КЎЧГАН УЛАМО, МАШОЙИХ ВА ФУЗАЛОДАН БАЪЗИЛАРИНИНГ ЗИКРИ

... **Мавлоно Муҳаммад Муъин.** Машҳур табиблар жумласидан; бирмунча вақт жаноб султон ҳазратлари яқин дўстининг дорущифосида беморларни даволаш билан машғул бўлган; ул олижаноб амир Алишернинг илтифот ва эътибори туфайли унинг олий мажлисларига йўл топиб, яқин маҳрамига айланган, 894 (1489) йили вафот этган...

Мавлоно Юсуф Бадеий. Таъби ва зехнининг нуқсонсизлиги билан маълум, доимо олижаноб, султон ҳазратларининг яқин дўсти амир Алишер мулозиматида кун кечирган, унинг инъому эҳсонларидан баҳраманд бўлган. Вафоти 897 (1492) йили содир бўлган...

Мир Сарбараҳна лақаблик саййид Шамсуддин Муҳаммад Андижоний. Феълининг хушлиги, сўзларининг мулојимлиги, фаҳмининг тезлиги ҳамда зехнининг ўтқирлиги билан замон фозиллари ва давроннинг зийрак кишилари орасида тамом ажралиб туради. Ҳаммавақт сўзлари ширин ва маъноли, ҳикоятлари гўзал, суҳбатлари ажойиб ва ғаройибдир.

Ҳаётининг бошларида кўп вақт Мовароуннаҳр мамлакатада илм толиблари орасида кун кечирди. Ҳиротга келганидан кейин ҳидоятли амир Алишернинг инояти ва тарбияти туфайли боши Фирқадондан ҳам юқори бўлди. Султони соҳибқирон ҳам ул жанобни мақбул кўрди ва олий мансаблардан садрлик мансабига, хожа Камолуддин Ҳусайн Гирангийга шерик қилиб тайинлади. Хожа Камолуддин Ҳусайн жаноб саъдатмаоб билан сидқидилдан хизмат қилди. Мир Сарбараҳна ўз мураббийси, яъни дўстнавоз, хуш андишалик амир Алишер ҳузурига бориб арз қилди: «Банда саййид бўлиши ва ёши улуғлигига қарамасдан олимақом даргоҳ ходимлари орасида хизматдадир, лекин хожа Ҳусайн мендан юқори туришни орзу қилмоқда, шу кунларда хизматкорлар у нимани буюрса шунга амал

қилишмоқда». Шу пайт бир гадо аҳволи ва саъдатмаоб жанобнинг саволи ул ҳазратнинг кўнглидан ўтиб бундай дедилар: Шеър, Садрлик гадойларга инъом қилинган жойда унинг ҳаммадан ортиқ бўлишини кўрасан. Амир Сарбараҳна бу байтни эшитиб уялди, лекин хурсанд бўлди, умид юлдузи иқбол даражасига кўтарилди. Ул жанобнинг вафоти 898 (1492—93) йили содир бўлди...

Паҳлавон Муҳаммад Абу Саид... Сухбатлари завқли, нишонлари ажойиб, мақташга лойиқ ахлоқининг ва мақбул хулқининг ортиқлиги шубҳадан холи ва тенгсиздир. Ҳамиша олиҳазрат хоқон мажлисларида ва олижаноб султон ҳазратлари яқин дўстининг йиғинларида сўзамоллик билан машғулдир; соф таъблик ва тугал идроклик одам, баъзан яхши шеърлар ва ёқимли муаммолар ҳам битарди. Вафот этгандан кейин... Неъматободда дафн этилди. Жаноб султон ҳазратларининг яқин дўсти ул жон мухлисининг вафоти тарихига қуйидаги қитъани назм ипига тизди:

Назм:

Муҳаммад паҳлавони хафт кишвар,
Ки дар дахраш набуд акрону амсол...
Агар пурсад кас таърихи фавташ
Бигўяш баъди махдуме ба як сол¹.

Мазмуни: Муҳаммад етти иқлим паҳлавони, дунёда тенги ва ўхшаши йўқдир. Бирон шахс агар унинг вафоти тарихини сўраса, дегинки Махдумдан бир йил сўнг.

Балоғатли шоирларга маълум бўлсинким, бу тарих ажойиб услубда ёзилган, чунки бир иборада икки кишининг (Абдураҳмон Жомий ва паҳлавон Муҳаммад Абу Саид) вафоти кўрсатилган.

Қози Низомуддин Муҳаммад... Зухду тақво аҳлининг сараси ва олимлар етакчиси эди ва кўп йиллар шарофатли Ихлосия мадрасасида диний масалаларни таҳқиқ этиш ва яқин илмларни тадқиқ қилиш билан машғул бўлган. Бу мансабдан истеъфо бергандан кейин, амир Алишернинг қатъий ва эътироз билдириб бўлмайдиган таклифи билан Ҳирот шаҳрининг қозиси лавозимига ўлтирди... Ул жанобнинг вафоти 900 йилнинг муҳаррам (1494 йилнинг октябрь) ойида юз берди...

Мавлоно Бурҳонуддин Атоуллоҳ. Хулқининг яхшилиги, фазилатининг кўплиги, таъбининг бенуқсонлиги, фаҳму фаро-

¹ Бу ерда «баъди махдуми ба як сол» сўзлари тарих моддаси бўлиб, қиммати 899 (милодий 1494 йил) га баробар.

сатининг тезлиги билан замондошларидан мумтоздир. Бирмунча вақт хоқони Саид ҳазратлари Шохруҳнинг мадрасасида ҳамда султон ҳазратлари яқин дўстининг Халосия хонақоҳида дарс бериш билан машғул бўлди. Ул жанобнинг вафоти 902 йилнинг рамазон (1497 йил май) ойида содир бўлди.

Маҳдум бобомиз жаноб амир Хованд Муҳаммад... Йигитлик чоғларида тамом ва шубҳасиз тиришқоқлик билан турли илмларни ўрганди ва зарур фазилатларни камолотга етказди, тангрининг ёрдами ва подшоҳнинг чексиз лутфу қарами билан қисқа вақт ичида илмда давр фозилларидан ўзиб кетди. Ўша вақтларда кўпроқ тарих илмини ўрганди ва дунё аҳволи ва нишоналарини таҳқиқ қилишга тутинди. Муаттар хотирини тез фурсат ичида бу фанни эгаллашдан фориғ қилди, аммо табиатининг имкони ва маишат аҳли билан кўп қўшилмаслиги туфайли аввалида китоб ёки иншо ёзишга эътибор қилмади, дарс бериш ҳам асло унинг равшан хотирида порламади. Бу аҳвол бедор бахтнинг йўллаши, балки ҳазрати парвардигорнинг соф инояти билан ул умидлар ва омонлик қибласининг, яъни олижаноб султон ҳазратлари яқин дўстининг остонасига боргунча ҳамда унинг турли сийлашлари, марҳамат, илтифот ва муруватларини топгунларича давом этди. Шундан кейин хисравнишон амир Алишер Халосия хонақоҳида ўзининг ҳузур-ҳаловати учун ажратилган хонани ул жанобга бериб, «Равзат ус-сафо» ни ёзишни буюрди.

Жаноб бобом иззат ва баракот эгасининг қўллаб-қувватлаши ҳамда ҳидоят хислатли амир Алишернинг хайрихоҳлигига таяниб, ўша қимматли китобни ёзишга тиришиб ҳаракат қилди ва қисқа вақт ичида бу етти иклимда тенги йўқ фойдали китобнинг олти дафтарини (жилдини) ёзиб тамомлади... «Равзат ус-сафо» нинг еттинчи дафтари мамлакатда содир бўлган воқеалар ва тенги йўқ соҳибқирон билан юз берган аҳвол туфайли тамом бўлмай мусаввада ҳолида қолиб кетган эди. Қатъий ва содиқ ишонч шулки, агар тангри қўллаб-қувватласа ва ўша мусаввада қўлга тушгундай бўлса, бу фақир банда уни тамомлаш йўлини тутати.

Қисқаси, жаноби мухлисनावоз амир жаноби маҳдум бобомни ўша китобни ёзиш вақтида ҳам, ундан кейин ҳам иззат-ҳурмат қилди, қимматли инъомлар билан сийлади ва сарфароз қилди. Табиати ул жаноб (Мирхонд) нинг табиатидан устун бўлгани учун олиҳазрат амир Алишер унинг сўзларини тингларди ва ҳазиломуз ва мутоибали гапларни муборакбаён тилларига олардилар.

Жаноб бобом ҳаётининг сўнгги йилларида танҳоликка майл қилди ва ўзини халқдан тортиб, бир йил муддат ичида Гозургоҳ манзилида туриб қолдилар ва тамоми вақтини

охират саодатини касб этишга сарфладилар ва 902 йилнинг рамазон (1497 йил май) ойда зот шарифлари истиско касалига мубтало бўлиб, шаҳарга кўчиб келдилар, лекин жон олувчи бу касаллик кун сайин, балки соат сайин кучайиб борди ва 903 йил зулқайда ойининг иккинчисида (1498 йил 23 июнда) унинг пок руҳи бадан қафасини синдириб, жаннат боғи сари парвоз қилди... Олиҳазрат султон ҳазратларининг яқин дўсти мусибат чеккан бу бандага мурувват ва шафқат кўрсатиб, шу қадар кўп иноят ва илтифотлар қилдики, ўша олий остонанинг мулозими бўлишликни ифтихор ва қувонч сармоясини қилиб олдим ва ўша саодат осёналик остона хизматини дунёвий ҳаётнинг сабаби ҳамда охират мақсудига етишув воситасини деб билиб, ўзга ишга қўл урмадим...

Мавлоно Қутбиддин Одам. Вақту замоннинг Жолинуси, давру давроннинг Букроти эди, олимақом амир Алишернинг зўр ғамхўрлиги ва эътибори орқасида шон-шуҳрат чўққисига қадам кўйиб, бирмунча вақт он ҳазратнинг Дорушшифосида дарс берди. Охири одамларнинг иғвосини туфайли истеъфога чиқди ва 903 йилнинг бошларида (1497 йилнинг август-сентябрь ойларида) чин дунёга равона бўлди.

НАСЛУ НАСАБИ ОЛИЙ АМИР (АЛИШЕР) НИНГ ЛУТФУ МАРҲАМАТЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛГАН ВА ШУ КУНЛАРДА ҲАЁТ БЎЛИБ, ЎЗЛАРИНИ УНИНГ ДУОГЎЙЛАРИ ҲИСОБЛАБ ЮРГАН МУСУЛМОН АКОБИРЛАРИ, БУЮК ОЛИМЛАР ВА МАШҲУР ФАЗЛ ЭҒАЛАРИ ЗИКРИДА

Олижаноб, нақобатпаноҳ амир жамол ул-миллат ва-д-дин Атоуллоҳ

Диний ва яқиний илмлар бўйича зўр камолот ҳосил қилган, шарофатли ҳадис илмини таҳқиқ қилишда шак-шубҳасиз Хуросон диёрида унга тенг келадиган йўқдир... Кўп вақтлардан буён шарофатли Султония мадрасасида ва фазилатли Халосия хонақоҳида дарс бериш билан банд. Олижаноб амирга бағишлаб, ҳазрати хайрулбашар амир Алишернинг хислатлари ҳақида «Равзат ул-аҳбоб» номли китоб ҳам ёзганким, бундайини ҳали бирон киши ёзмаган бўлиши керак. Дарёдил амир Алишер одил подшоҳ Султон Хусайн ҳукмронлигининг бошларидан то шу кунгача улуғ ва баланд мартабалик ул жаноб ҳақида кўп ғамхўрликлар қилдиким, узоқ ва яқин, турку тожик бундан ҳайрат бармоғини тишлаб турмоқдалар...

Амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ... Салим таъби гулзорининг яхши ҳидлари ва мустақим зеҳнидан эсан мушкиншиор шаббода жон димоғини муаттар қилғувчидир. Ул жаноб йигитлигининг аввалида Нишопур шаҳридан доруссалтана Ҳиротга келиб, илм ўрганиш билан машғул бўлди ва дарёдил

амир Алишернинг тарбият ва иноятдан баҳраманд бўлиб, замондошларидан ўзиб кетди. Касбу камолотини оширишда ниҳоятда жидду жаҳд кўрсатиб 902 (1497) йили бир неча ой мобайнида олижаноб, султон ҳазратлари яқин дўстининг йиғилишларида ваъз айтди ва ул жаноб амир Алишер унинг қўлини олиб ўзини ўша ифодатмаобнинг мухлислари сафига қўшди. Ҳозирда у шарофатли Султония ва юқори мартабали Ихлосия мадрасаларида дарс бериш билан машғулдир. Талабаларнинг кўпчилиги унинг хизматида бўлиб, ундан турлитуман соҳада нафланиб турадилар. Ул жаноб шеър санъати, шарофатли қофия илмида моҳир ҳамда султон ҳазратлари яқин дўстига атаб рисола ҳам битган... Султони соҳибқирон хисравнишон амир Алишерни Мозандарон вилоятига ҳоким қилиб юборганда сайёдатмаоб жаноб Бурҳонуддин Атоуллоҳ мана бу қитъада унинг тарихини назм ипига тизганлар.

Қитъа:

Он Мир Низомуддин Алишер,
Авсоф бирун зи-ҳадди тақрир.
Чун кард қабул боз аморат,
Таърихе шуд аморати мир.

Таржимаси: Низомуддин амир Алишер, сифатлари ҳаддан ортиқдир. Амирлик мансабини яна қабул қилгани учун, таърихи «аморати Мир»¹ бўлди.

Мир Камолуддин Ҳусайн... Фазилати ва донишмандлиги, айниқса тасаввуф илмида машҳур ва маъруф бўлгани учун кўп йиллардан бери ҳидоятли амирнинг тамоми иноят ва илтифотига сазовордир. Шинингдек, олий даражали соҳибқирон Султон Ҳусайннинг марҳамати туфайли садрлик лавозимида ҳам турган. Ҳозир Гозургоҳ мазорининг шайхи бўлиб, Каъба иштибоҳли ул жойнинг мутаваллилиги ҳам ул жанобга тааллуқли...

Амир Иброҳим машҳадий. Султония мадрасасида ҳамда фазилатли Халосия хонақоҳида дарс бериш билан машғул, талабаларнинг кўпчилиги ул жанобга мулозим бўлиб, ундан кўп баҳра олмоқдалар.

Амир Шамсуддин Муҳаммад Ибн Амир Юсуф. Илму фазилатга бой, зеҳнининг равшанлиги ва табиатининг софлиги билан ораста ҳамда хубсурат ва хушхислат билан зийнатлангандир. Ул жаноб шарофатли Ихлосия мадрасасида ўқиб ва

Бу ерда «аморати Мир» сўзлари тарих моддаси бўлиб, ҳарфлар қиймати 892 (1487) га тенгдир.

камолотга етишиб, ҳамиша бемонанд амирнинг тарбияти ва мурувватига сазовор бўлган эди. Шу кунларда олий даражали Султония мадрасасининг суфаларидан бири ҳамда Алоуддин Алайка кўкалтош мадрасасининг мударрислиги унга тегишлидир...

Амир Ихтиёруддин Ҳасан. Таъбининг бенуксонлиги, фаҳму фаросатининг ўткирлиги, ахлоқу одобининг яхшилиги билан тенгқурларидан ажралиб туради. Хол-аҳволи фикҳ ва илоҳият ҳамда иншо илми билан зийнатланган, лавҳига олиҳазрат амир Алишерни мадҳ қилиш, унга ҳамду сано айтиш ёзилган, кўп вақтлардан бери ул ҳазратнинг шафқат ва марҳамати туфайли шарофатли Ихлосия ва хожа Малик заргар мадрасаларида дарс бериш билан машғулдир.

Амир Муртазо. Истеъмолдаги тамоми илмлардан баҳраманд, ҳикмат ва риёзиёт фанлари бўйича эса тенги йўқ олимдир... Кўп вақт Ихлосия мадрасасида фазлу камол касб этди. Ҳозир ўша ерда дарс беради ва кўп вақтини илмга сарф қилади.

Сайид Разиуддин. Ота тарафдан машҳур саййидлар жумласидан бўлмиш Амир Абдулавалга, она томонидан жаҳон фозилларининг етакчиси мавлоно Камолуддин Абдурразоққа набира бўлади... Ҳозирги вақтда олиҳазрат амир Алишернинг файзга тўла илтифоти билан ўсди. Умид қиламизки, яқин орада йирик олимлар қаторидан ўрин олур.

Амир Низомуддин Машҳадий. Фазилатпаноҳ амирнинг Ихлосия мадрасаси ҳамда Халосия хонақоҳида таълим олган. Ҳозирги вақтда мағфират қилинган хоқон (Шоҳруҳ) нинг муқаддас Машҳад шаҳридаги мадрасасининг мударрислиги унинг зиммасидадир.

Мавлоно Муъинуддин Воъиз. Зухду ибодат, ҳамда дину диёнати ортиқлиги билан сифатланган ва машҳурдир. Ҳар жума намоз ўқилгандан кейин жоме масжидида халойиққа ваъз-насиҳат қилади, одамларни тангрининг раҳмати ва мағфиратларидан умидвор қилади, лекин ҳеч вақт умаро ва аркони давлатдан биронтасининг уйига шарофатли қадамини қўймайди, мутлақо ўша тоифадан тухфа ва ҳадя олмайди, улар нимаики бериб юбормасин барибир қабул қилмайди. Аммо қачонки олиҳазрат амир Алишер ҳузуридан ул жанобга бирон нарса олиб келинадиган бўлса, мамнуният билан қабул қилар ва ҳамиша ўзини ул ҳазратнинг дуоғўйларидан ҳисобларди. Оғаси қози Низомуддиннинг вафотидан кейин унинг оғир вазифасини қабул қилиб олган эди, уни масъулият ва рағбат билан адо қилиб турди. Аркони давлат ва боёнлар уни бу мансабдан истеъфога чиқишини қанчайин муболаға қилмасинлар, бунга муяссар бўлолмадилар ва мавлона Муъинуддин уларнинг сўзларига кулоқ солмади.

Мавлоно Камолуддин Ҳусайн Воъиз. Маъқул ва махсус

илмларнинг барчасидан тўла нафланган ва бахраманддир. Ҳозирги вақтда шарҳда Хуросон диёрида ул жанобга тенг келадиган киши топилмайди. Тангри каломининг тафсири ҳамда ҳазрати рисолатпаноҳ пайгамбар ҳадисларининг маъниларини минбардан туриб ғоятда покиза ва маъноли қилиб тушунтиради. Ҳафтада уч марта: сешанба куни султоннинг хонақоҳида, жума куни эрталаб доруссаёдат Султонияда, намоз ўқилгандан кейин олиҳазратнинг жоме масжидида ҳалойиққа ваъз-насиҳат қилиш билан машғул. Илгари чоршанба ва пайшанба кунлари ягона пир хожа Абулвалид Аҳмад мазоридида ҳамда салтанатшиорлик жаноб мирзо Султон Аҳмад қабристонидида ҳалойиққа тўғри йўл кўрсатиш билан ҳам банд бўларди. Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эга эди, чунончи унинг таъбирлари қазо ўқи сингари беҳато бўларди. Унинг балоғатоётлик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олимақом амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг иноят ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳаммавақт тушиб туради...

Махдумимиз Мавлоно Фасиҳуддин Муҳаммад Низомий. Турмушининг бенуқсонлиги ва насабининг яхшилиги, илму фанда мукамаллиги билан фазилатпеша ва беназирдир... Олиҳазрат амир Алишер зарур илмларнинг барчасини жаноб мавлавий ҳузурида ўрганган ва ҳаммавақт у кишини охунд деб чақирар эдилар. Қисқаси, қарийб 33 йилдан бери ҳашамат эгаси бўлмиш амир Алишернинг тарбияти ва сийлашлари билан руҳонийлар остонасининг охунди, ислом машойихлари ва жаҳон уламолари ҳамда инсоният фозилларининг мурожаатгоҳи ва паноҳи, балки хосу авомнинг мажмуи ҳисобландилар. Кейинроқ тақдир ва тангри таоло инояти тақозоси билан ул комёб амирнинг равшан хотирига унинг туриш-турмуши хусусида бир оз ғубор ўтириб қолган эди, ул жаноб ғоят қарамли ва мурувватли бўлгани учун ўша вақтнинг ўзидаёқ ғуборни авф суви билан ювиб, охунд жанобларини қайтадан эъзозу икром назари билан сийладилар ва қадимги дастурга биноан яна олий йиғинларда ваъз айтишга руҳсат бердилар. Ул жаноб буни мамнуният билан қабул қилди ва ҳар куни султон ҳазратлари яқин дўстининг остонасига бориб турдилар ва диний масалаларни таҳқиқ қилиш билан банд бўладилар. Охунд Фасиҳуддин Муҳаммад Низомийнинг ҳикмат, риёзиёт, маънилар баёни, сарф ҳамда наҳв илмлари бўйича ёзган асарлари кўп ва уларнинг ақсарияти талабалар орасида машҳурдир. Ул жаноб фикҳ ва ҳадис илмлари бўйича ҳам бениҳоят моҳир бўлгани учун шу кунларда «Виқоя» га шарҳ ёзиш билан банддир, иншоолло тамомланиш зийнатиға муяссар бўлғай...

Мавлоно Ҳамидулло Табодгоний. Бағоят дарвишваш, тавозелик, ахлоқлик, покисарўзгор киши... Отаси мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Табодгоний, замонаси ва асрининг ваъиди эди ва ҳамиша ҳидоят сифатлик амир Алишерга нисбатан муҳаббат ва дўстлик йўлини тутарди. Касали зўрайиб кетгандан кейин, мазкур азиз фарзандини ул ҳазрат амир Алишерга топширди. Бинобарин, олимakon амир ул жанобга тамоми эътиқод билан қаради ва ҳаммавақт унга тўғри йўл кўрсатиб турди ва илтимосларини инобатга олиб қўллаб-қувватлади.

Мавлонозода Абҳарий номи билан машҳур бўлган Хожа Имомуддин Абдулазиз. Етук олим, ҳанафий ва шофеийлар фикҳи ва ҳадис илмида моҳир киши. Ғоят софлик билан Мишкотга шарҳ ёзиб, уни олиҳазрат амир Алишернинг азиз исми билан беади. Кўп йиллар отаси ўрнида мағфиратланган хоқон (Шохрух) мадрасасида мударрислик қилди. Ҳозирги вақтда олий даражалик Султония мадрасасида ҳамда фозиллар мурожаатгоҳи бўлмиш Халосия хонақоҳида дарс бериш билан машғул...

Мавлонозода Фазл номи билан машҳур бўлган Мавлоно Ҳалилулло. Таъбининг мулоимлиги ва зеҳнининг равшанлиги билан машҳурдир. Кўп вақт мағфират қилинган маҳд улё Гавҳаршод оға мадрасаси ҳамда ҳидоятлик амир Алишернинг хонақоҳида мударрислик қилди, лекин баъзи номуносиб ишлар туфайли мазкур мансабдан бўшатилиб, Балхга кетиб қолди, у ердан Қундузга борди ва ҳозирда ўша вилоятда кўнгли истаган иш билан машғулдир.

Мавлоно Асомуддин Иброҳим. Таъбининг салимлиги, ўтқир зеҳнининг мустақимлиги билан сифатланган, кўп мутолаа қилиши, фазилатининг ортиқлиги билан машҳурдир. Ул жаноб тангрининг қўллаб-қувватлаши билан ёшлик ва йигитлик чоғларидан илм касб қилиш билан машғул бўлди ва соҳибқирон Султон Ҳусайн ҳукмронлиги вақтида ўқиган барча фозиллардан ўзиб кетди. Кўп йиллар Ихлосия мадрасасида мавлоно Камолуддиндан, Масъуд Ширвонийдан илм ўрганди ва ўша шарофатли жойнинг даромадидан фойдаланди. Ҳозирда дарё карамлик амир Алишернинг меҳру шафқати билан мағфиратли хоқон Шохрух ҳазратларининг мадрасасида мавлонозодаий Абҳарий ўрнида мударрисдир ва талабаларнинг кўпчилиги ундан дарс эшитмоқдалар...

Мавлоно Ҳайдар. Кўп вақт Халосия хонақоҳида сокин бўлди ва ўқишни битиргач Жом вилоятига жўнаб кетди. Шу қуёнларда ўша вилоятда дарс бериш билан машғул.

Мавлоно Зоҳир. Ўта донишманд киши ва мазкур Халосия хонақоҳида истиқомат қилиб, унинг вазифаларидан баҳраманд бўлиб туради.

Мавлоно Мунтаҳий. У ҳам мазкур фазилатпаноҳ хонақода таълим олган ва ҳозирда хожа Камолуддин Ҳусайн Кирангий мадрасасида дарс бериш билан машғул.

Мавлоно Шамсулло. Ўша жойда таълим олиб, ҳозир амир Низомуддин Шайх Аҳмад Суҳайлий мадрасасида мударрислик қилмоқда.

Малано Ғиёсуддин Муҳаммад Табиб. Ҳол-аҳволининг чеҳраси турли илм ва фазилатли фанлар билан безатилган, айниқса, шарофатли тибб илмида зўр маҳорат ҳосил қилган. Чунончи шу вақтда Илоқийнинг «Даво усуллари» китобига ғоятда аниқ ва латофат билан шарҳ ёзган ҳамда мавлоно Нафиснинг... муъжизали «Шарҳи куллиёт» ига вақт талабига лойиқ ҳошия ёзиб, уни аъло ҳазрат амир Алишернинг шарофатли исмлари билан беади. Кўп вақт бўлдики, у султон ҳазратлари яқин дўстининг Дорушшифосида амалдаги тибб китобларини ўргатиш ва беморларни даволаш билан машғулдир...

Мавлоно Дарвишали табиб. Яхши сифатлари ва мақбул химматлари, ширин сўзлилиги ва яхши хулқлари, поклиги ва хуштабаиати билан замон табибларининг саромади ҳисобланади. Турли касалликларни даволашда маҳсус кашфиётлар қилмоқда ва уларнинг аксарияти тўғри топилмоқда. Шунинг учун ҳам олиҳазрат амир Алишернинг унга нисбатан илтифот ва иноятлари, кўп мурувват ва сийлашлари ҳад-ҳисобсиздир. Чунончи, шу кунларда маҳд улё Милкат ога Дорушшифосининг мударрислиги мансаби ва беморларни муолажа қилиш ишлари ул жанобга топширилган, унга лутфан маош ҳам тайинланган. Мавлоно Дарвишали муаммо фанида ҳам маҳорат эгасидир...

Мавлоно Муҳаммад табиб. Касалларни муолажа қилиш, хусусан, ғарибларни доривор ўтлар билан даволашга ўта ҳарис киши. Ҳақиқатан ҳам тибб илмида зўр маҳоратга эга ва ҳаммавақт олиҳазрат амир Алишернинг Дорушшифосида ўз иши билан банд ва ўша жойнинг белгиланган маошидан баҳраманддир.

Мавлоно Абдулҳай Туний. Таъбининг софлиги ва зехнининг зукколиги билан сифатланган. Унинг тибб илмига уйғунлиги ортиқдир, муолажалари эса фақат савоб учундир. Шу кунларда шахзода Иброҳим Ҳусайн мирзонинг садри лавозими билан мушаррафдир. Кўп вақт унинг мулозаматида бўлиши ва айшу ишратга берилиб кетганлиги учун табобат ишларига бепарво бўлиб қолди.

Амир Низомуддин Шайх Аҳмад Суҳайлий. Олижаноблиги, баланд мартабалилиги, зехнининг софлиги, таъбининг латифлиги билан машҳурдир, доимо фасоҳатли байтлар ва балоғат асарлик шеърлар ёзиб туради. Унинг қасидалари, ғазаллари

ва девони машхурдир, маснуъот ва макнунотлари халқ оғзида мазкурдир. Йигитлигидан то шу кунларгача олиҳазрат амир Алишер билан унинг ўртасида биродарлик ва яқин суҳбатдошлик муносабатлари мавжуд ва амир Алишер доимо унинг мартабаси юқори бўлиши борасида ғайрат кўрсатиб келадилар. Ҳар икки ўртада бўлиб ўтган ғаройиб воқеалардан бири шулки, бир вақт амир Низомуддин Шайхим мирзо Султон Аҳмад Самарқандий мадҳида қасида битиб ислоҳ қилиб берсин учун олий даражали амир Алишер ҳузурига олиб келди...

Амир Камолуддин Ҳусайн Али Жалойир. Фаҳму фаросатининг тезлиги, таъбининг хушлиги билан сифатланган, яхши хулқи ва одоби билан машхурдир. Ажойиб қасида ёзиб унга рангин маъноларни киритган. Олижаноб амир Алишер кўп меҳрибонлигидан уни фарзанд деб атаган ва ана шу олийҳиммат орқасида девони олийга бошлиқ бўлиб ўлтирур...

Мавлоно Абдулла Жомий. Замоннинг йирик шоирлари ҳамда даврнинг машхур фозиллари жумласидандир, азиз вақтининг кўп қисмини ёқимли маснавийлар ёзишга сарфламоқда. «Хамса»га татаббуъ боғлаб, унда рангин маъноли ажойиб шеърларни назм ипига тизган. Асарларидан «Лайли ва Мажнун», «Хусрав ва Ширин» кўп машхурдир. Фасоҳат сифатлик байтларидан икки қимматли байт халқ орасида машхурдир.

Мавлоно Осафий. Соғлом зеҳнининг софлиги, мустақим таъбининг зукколиги билан замонанинг тамоми шоирлари ҳамда баланд мартабали фозилларидан мумтоз ва мустаснодир. Кўп вақтлардан бери олиҳазрат амир Алишернинг хос мулозимлари қаторида туради ҳамда унинг тарбияси ва мурувати остида фароғатда ташвишсиз кун кечиради. Ҳозир кубба тулислом Балхда шаҳзода Бадиуззамон мирзо хизматидадир...

Мавлоно Сайфий. Галайгина хос маъонийлари ҳамда рангин шеърлари бор. Кўп вақт Ҳиротда сокин ва олишон амир Алишернинг инъому эҳсонларидан баҳраманд бўлди. Шу кунларда «Ватан яхши» деган ҳадисга биноан Мовароуннаҳр мамлакатаида истиқомат қилмоқда...

Мавлоно Низом Астрободий. Замон қасидагўйларининг етакчиси, олиҳазрат амир Алишер мадҳида ажойиб қасидаларни назм ипига тизган ва унинг инъому эҳсонларидан баҳраманд бўлган...

Мавлоно Оҳий. Равон байтлари ва покиза шеърлари кўп. Кўп йиллар марҳум шаҳзода Шоҳ Ғариб Мирзо хизматида бўлган ва олиҳазрат амир Алишернинг инъому эҳсонларидан баҳраманд бўлган. Лекин шу кунларда Муҳаммад Муҳсин мирзо хизматида кетиб қолган...

Мавлоно Шаҳоб. Муаммо фанида тенгқурлари ва замондошларидан мумтоз ва мустаснодир. Шунга кўра, мархум Камолуддин Ҳусайн Ҳоразмийнинг... Ихлосия мадрасасидаги хужрасини унга инъом қилинди...

Мавлоно Асирий. У ҳам муаммони яхши айтган ва доимо кенг карамлик амир Алишернинг назоратига манзур, илтифот ва иноятларига мушаррафдир...

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахший. Бағоят хушсухбат, ширин сўз, хушчақчақ, дарвишваш, хўш хулқлик, латиф таъб ва фозил киши. Кўпроқ муаммо фанида катта маҳоратга эга бўлиб, қарийб 30 йилдан буён бахту саодатга чўмиб олиҳазрат амир Алишер мулозаматида кун кечирмоқда ва унинг тарбияти ҳамда инояти билан кунни тунга, тунни кунга улаб фароғат ва осойишталикда ҳаёт ўтказмоқда. Муаммо илми баёнида мукамал бир тазкира битган...

Мавлоно Шайх Абдулла Котиб. Қарийб 45 йилдан бери олиҳазрат амир Алишер хизматидадир ва ул ҳазратнинг суҳбат ва дўстлигидан тўла баҳраманд бўлмоқда, доимо машхур фозиллар ва зарифлар сафидадир... Таълик, настаълик хатларини бағоят латофат билан битади, илгари ўтган хаттотлар санъатини кўп яхши билади.

Мавлоно Низомуддин Абдулхай Табиб. Дастлаб ҳидоятли амир Алишернинг «Дорушшифо»сида беморларни даволаш билан машгул бўлган. Валийлар мурожаатгоҳи хожа Убайдулла Аҳрор ҳазратлари... оғриб қолиб Ҳиротга одам юборди ва олижаноб султон ҳазратларининг яқин дўсти амир Алишердан табиб юборишини илтимос қилди. Ҳикматли ҳазрат Абдулхай Табиб буйруққа биноан Самарқандга борди ва ўша тарафдан хурсандчилик билан Ҳиротга қайтиб келгандан кейин амир Алишернинг унга бўлган иноят ва сийлови янада ортиб, мартабаси кун сайин ортиб борди, бахту толе юдузи соат сари порлади. Охири иш шунга бориб етдики, макбул сифатли соҳибқирон Султон Ҳусайннинг илтифотларига ҳам манзур бўлди, унинг ҳарамига ҳам киритилиб сағиру кабирнинг сирларига маҳрам бўлди. Ҳозирда кўп вақтини олиҳазрат амир Алишер ҳузурда ўтказмоқда.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Нигорон кўп муддат ва узоқ замонлардан бери ёрдамини аямайдиган амир Алишерга ихлос қўйган бўлиб, унинг мулозаматида кун кечирмоқда ва инояти соясида ва чексиз марҳамати остидадир. Ул жаноб барча зарур илмларни мутолаа қилиб, доимо улуғ олимлар ва ҳурматли шоирлар қаторидадир. Шу кунларда Халосия хонақоҳининг шайхи мансабида туради...

Мавлоно Камолуддин шоҳ Ҳусайн ҳол-аҳволининг чехраси фазилат ва билим билан ораста, камчилик ва нуқсонлардан

холидир. Ақлу хушини йиғиштириб олгандан кейин мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахшийнинг воситачилиги билан олиҳазрат амир Алишернинг мулозаматиға етишди ва таъбининг софлиги, зехнининг ўткирлиги туфайли унинг илтифот ва иноятиға манзур бўлди. Шу кунларда ул ҳазрат амир Алишернинг махсус ходимлари қаторида ва ягона пир хожа Абулвалид Аҳмад мазоридида шайхлик мансабидадир...

Мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро. феъл-атвори ва хулқининг яхшилиги, таъбининг мулоимлиги, зехнининг тозаллиги билан олиҳазрат амир Алишер мулозимларидан мумтоз ва мустаснодир. Ажойиб қасидалар назм қилишда, муаммолар айтишда балоғатли ва тенги йўқ. Надимлик шеvasини ҳамда суҳбат қуришни яхши билади. Элчиликнинг мушкул юмушлари ва унда айтиладиган гапларни ўз ҳолиға яраша билади. Шатранж ўйнаш илмида кўп машаққатлар чекиб, уни тўғриси айтганда ҳам, ғойибона айтганда ҳам яхши эгаллаб олган. Мартабаси ҳидоятли амир Алишернинг тарбияти орқасида Фирқадондан ҳам юқорилаб кетди ва шу сабабдан бузурғвор соҳибқирон Султон Ҳусайннинг ва номдор шаҳзодаларнинг сирдош маҳрами бўлиб қолди...

ОЛИҲАЗРАТ КУТУБХОНАСИДА ИШЛАГАН БАЪЗИ ХУШХАТ КОТИБЛАР ЗАКРИДА

Аҳли донишнинг иксирлик хотири учун махфий қолмасинки, бахтиёр амир балоғат оётли маънолар, фасоҳат сифатли таснифларға шу қадар берилиб рағбат қилардики, ақлу тасаввур бунга ҳайрон қолади ва таажжубланади. Бинобарин, у иқбол ва саодат офтоби тулу қилгандан то шу кунларгача тамоми олиҳимматини хаттотлар ҳамда хушнавислар тарбиясига сарфламоқдалар ва ҳамиша ўша табақанинг фароғати, хотиржамлиги офтоб шарофатли кўнглидан жой оларди. Куйидаги ахборот ул ҳазратнинг обод кутубхонасида китобат билан машғул бўлган котибларнинг ҳаммасини ўз ичига олмайди, ҳозирда ҳаёт бўлганларидан баъзиларининг номларинигина қисқача баён этади. •

Мавлоно Султонали Машҳадий яхши хулқ-атвор, латиф хислат билан сифатланган ва етук фазилати ва яхши табиати билан машҳурдир. Настаълиқ хатини ёзишда мавлоно Жаъфардан кейин унга баробар келадиган киши йўқдир, балки, у барча хушнависларнинг хати устиға насх рақамини чизиб, кўп вақтлардан бери олиҳазрат амир Алишернинг кутубхонасида китобат ишлари билан машғул ва унинг беҳисоб инъому эҳсонидан баҳраманддир. Ҳозир ҳам ул ҳазратнинг муруват-

ларига манзур бўлиб, у ёзган ҳар бир китобни найқаламда ўхшатиб кўчиришда бел боғлаб хизмат қилмоқда...

Хожа Ҳофиз Муҳаммад хаттотлар етакчиси-ва кўпчилик хушнависларнинг доносидир. Олти хил хат услубининг ҳаммасида яхши ёзади. Олиҳазрат амир Алишерга бошқа замондошларидан кўра яқинроқдир. Жоме масжидининг имомлиги ва хатиблиги ҳамда амир Алишер ўзининг шарофатли манзили ичига қурдирган масжиднинг имомлиги ҳам ул жанобга тегишлидир...

Мавлоно Султонали Коиний настаълиқни бағоят тоза ва яхши услубда ёзади. Кўп йиллардан буён ана шу обод кутубхонада китобат ишлари билан машғул. Ҳидоят сифатли амирнинг тарбият ва инояти остидадир.

Мавлоно Зайнулдин Маҳмуд. У ҳам настаълиқни бағоят латофат билан ёзади, Султонали Машҳадийнинг шоғирдлари жумласидан бўлиб, ундан хушнависликни ўрганган, олимакон амир Алишернинг лутфу эҳсонидан баҳраманддир.

Мавлоно Султонали Сабз Машҳадий настаълиқ билан ёзувчиларнинг машҳурларидан, хусниҳатда уларнинг етакчиси-дир.

Мавлоно Султон Муҳаммад. Султон ҳазратлари яқин дўсти амир Алишернинг инояти остида бўлган котиблар қатори ҳунари ривож топган; хусниҳатда етакчидир. Ул ҳазрат амир Алишернинг илҳом баён оғзидан кўп бор: «настаълиқ ёзишда ҳеч ким унга тенг келолмайди», деган сўзларни эшитганман.

Мавлоно Аловуддин Муҳаммад мазкур кутубхонада настаълиқ билан хат битиб, бу ишда кўп равақ топган.

Мавлоно Султон Муҳаммад Хандон настаълиқ билан хат ёзишда катта қобилиятга эга, найни ҳам яхши чалади, лекин ҳозир табиатига жунулик кайфияти ўтириб, бу ишнинг биронтасига ҳам рағбат қилмай кўйди.

Мавлоно Ҳижроний машҳур настаълиқ ёзувчилар жумласидандир, баъзан шеър ёзиш ҳам хотирига келиб туради...

БАЪЗИ НАҚҚОШЛАР ВА МУҲАНДИСЛАР ЗИКРИДА Замон... наққошлари ва давр муҳандисларининг кўпчилиги ул ҳазрат амир Алишернинг таълим-тарбияти остида бу фанни эгаллаб олганлар ва теварак-атрофга машҳур бўлганлар. Булар қуйидагилар:

Хожа Мирак Наққош китоб саҳифаларига зар бериш, уларга сурат солиш ҳамда китобат қилиш фани соҳасидаги маҳорати билан тенги йўқдир, балки хусниҳати билан пешқадам, китобат қилувчиларни бекор қилади. Дарё ҳимматлик амирнинг илтифот ва марҳамати билан мартабаси осмон авжига кўтарилди.

Мавлоно Хожи Муҳаммад турли фанлар ва илмлар бўйича зўр маҳорати бор, хотири доимо ғаройиб ўйлар ва ажиб ишларнинг сурати билан банд. Бирмунча вақт азиз умрини хитойи кўзача ясашга сарф қилди ва тўғриси дастасини кўп камолотга етказиб ясади, лекин нақшларини аслига ўхшатолмади. Мавлононинг ихтироларидан яна бири ҳозир олиҳазрат амир Алишернинг кутубхонасига қўйилган сандуқ соатдир. Унинг ичига қандайдир бир шакл жойлаштирилган бўлиб, у ҳар соатдан кейин ташқарига чиқиб қўлидаги чўб билан соат устига ўрнатилган кичик нақорага уради. Бир қанча вақт ҳидоят шиорлик олиҳазрат кутубхонасида китобдорлик мансабида турди. 904 (1498—99) йили номаълум сабаб билан бу ишдан этак йиғиштириб, олам аҳлининг шахзодаси мирзо Бадиуззамон ҳузурига кетиб қолди. Шу кунларда қуббатулислом Балхда истиқомат қилиб турибди.

Мавлоно Муҳаммад Исфаҳоний ўзини муҳандислар жумласидан деб биледи. Ҳар дам хаёл қилиб юриб у ҳам сандуқ соат ясади, лекин унинг соат кўринадиган тоси жуда мукамал.

Устод Бехзод замонанинг комил сураткашларидан, балки бу ишни ниҳоятда камолига етказиб, кўп вақтдан бери ҳидоят сифатли амир Алишернинг тарбияти остида ажойиб иш билан машғул бўлди, аммо шу кунларда олий манзиллик соҳибқирон Султон Ҳусайн Бойқаронинг хизматидадир.

Устод Қосим Али Чехрақушо замоннинг етук мусаввири бўлиб, нозик таъб наққошлар етакчисидир. Бу фанни ҳидоят сифатли амир Алишер кутубхонасида ўрганган. Он ҳазратнинг таълим-тарбияси орқасида оқил тенгдошларидан ўзиб кетди ва доимо унинг хизматига бел боғлаб, унинг катта инъом ва эҳсонидан баҳраманд, фароғат ҳамда хотиржамликда яшамоқда...

БАНДАНАВОЗ АМИРНИНГ ТАРБИЯТИ ОСТИДА ПАНОҲ ТОПИВ ЕТИШГАН СОЗАНДАЛАРНИНГ БАЪЗИЛАРИ ЗИКРИДА

... Олиҳазрат амир Алишер мусика илмида ҳам шу қадар маҳорат хосил қилган эдиларки, агар муаллими соний Абу Наср Форобий ҳаёт бўлганларида унга шогирдлик сирғасини қулоғига тақиб оларди. Конуну уdda зўр таълим олган. Бинобарин, созанда аҳлининг кўпчилиги ҳамиша олиҳазратнинг мулозаматида бўладилар.

Ҳофиз Қозок ёши улғайиб оку қорани ажратадиган бўлиб қолганда олиҳазрат амир Алишер хизматига кирди ва унинг диққат-эътибори орқасида қонун чалишда тенги йўқ кишига айланди. Яхши овози ҳам бор эди. Каттаю кичик унинг сози ва овозини эшитиб кўп хушҳол бўлардилар.

Устод Сайид Аҳмад хушчақчақ, хушсуҳбат ва ширин сўз киши, ғижжакний кўп яхши чаларди.

Устод Шоҳқули у ҳам ғижжакчи эди. Шу кунларда соҳибкирон Султон Ҳусайн хизматида мартабаси баланд бўлди. Ёшлигида олиҳазрат амир Алишер хизматида эди ва ул соҳиб фаросатнинг ишорати билан уд ва бошқа мусиқа асбобларини машқ қилди, қисқа вақт ичида буни тўла эгаллаб олди. Чунончи, бир куй тасниф этдиким, пешрави пуркордир. Унинг созандалик ва хонандалик шуҳрати оламнинг теварак-атрофига ёйилди. Ҳунарпарвар амир ўзининг мақбул одати талабига кўра, унинг тарбиясига шу қадар киришдики, бундан ортигини тасаввур этиб бўлмайди, балки бедағдага ва шубҳасиз айтиш мумкинки, оламнинг яратилишидан то шу вақтгача бирон соҳиби давлат созандани бу қадар баланд мартабага кўтарган эмас. Бинобарин, устод Шоҳқули маҳоратига берилиб кетиб, машқ қилмай кўйди ва номуносиб ишлар билан машғул бўлди. Шу жиҳатдан олиҳазратнинг офтоб шарофатли хотири ундан ранжиб, у бирмунча таназзулга юз тутди, лекин шу кунларда яна ул ҳазратнинг кимё асарлик эътиборини қозонди, уд, кўбиз ва ғижжакни ғоят усталик билан чалмоқда.

Устод Ҳусайн болалигидан то йигитлиги бошларигача султон ҳазратларининг яқин дўсти амир Алишер остонасида бўлди ва ул ҳазратнинг кўрсатмасига биноан, уд чалиш билан машғул бўлди ва қисқа вақт ичида бу фанда тўла маҳорат ҳосил қилди. Ҳозир удни яхши чалади, овози уд овозига ниҳоятда мос тушади, устодлик ишлари ва нақшу амални ёд билади... Биродари устод Муҳаммад ҳам конун чалишда баланд мартабага эришди...

Устод Шайхий Ноий. У ҳам ёшлигидан ҳидоят мартабали амир Алишернинг хизматида етишган ва ул ҳазрат табиатининг фаросат нурини най чалишга уйғунлаштирдилар ва шунга тарғиб қилдилар. Устод буйруққа амал қилиб ва қисқа вақт ичида узоғу яқин билан иттифоқлашди. Шу кунларда бу фанда унга тенг келадиган йўқдир... (в. 460а, 479б—498б.)

«МАКОРИМ УЛ-АХЛОҚ» ДАН

МУҚАДДИМА

... Ўткир кўз эгаларининг хузурида махфий ва яширин қолмасинки, шараф ва улуғлик осмонининг куёши, дунё буюкларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи... илм ва ирфон эгаларининг намояндаси, таҳқиқ ва ишонч аҳлларининг қибласи, хоқон

давлатининг таянчи ва ҳазрати султоннинг яқини, фақирликка бою, ҳимматга ботир, олий ҳазрат низомулҳақ вал-ҳақиқат вад-дунё ваддин амир Алишернинг... узлуксиз меҳрибончиликлари шуъласи, илтифот ва ғамхўрликлари офтоби Хондамир деб шуҳрат қозонган бу фақир банда ва ҳақир зарра Фиёсуддин ибн Хумомуддин бошига тобланди, балки вужудининг ниҳоли ёш чоғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳазратнинг лутфу эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб, унди. «Неъмат берувчига шукрона қилмоқ лозим», деган сўз тақозосича, ҳар доим унинг берган чексиз неъматларидан лоақал баъзисининг шукрини адо этиш, уҳдасидан чиқа олиш учун «қандай хизматга бел боғласам экан», деган фикр кўнгилда айланар ва хотирдан ўтиб турарди.

Ахири йўл кўрсатувчи ақл жон қулоғига айтдики, ҳарчанд бу хайру эҳсон эгаси бўлмиш одил амирнинг яхшиликлари зикри ва тавсифларининг овозаси дунёнинг ҳамма томонига ёйилган ва одам болалари орасида тилдан-тилга ўтиб, оғиздан-оғизга кўчиб юрган, чехраларидан улуғлик ва юксаклик нурлари порлаб турган бўлса-да:

Қитъа:

Сухан ба мадҳи ту орастан ғараз он аст,
Ки назди аҳли ҳунар равнаке бувад моро
Ва гарна манқабати офтоб маълум аст,
Чи ҳожат аст ба машшота рўйи эсборо.

Таржимаси: сўзни мадҳинг билан безашдан мақсад шулки, ҳунар эгалари орасида бизга равнақ ортсин. Йўкса қуёшнинг ҳислати ҳаммага маълумдир, гўзал чехрага машшотанинг не ҳожати бор.

Бирок, ушбу қудратли ва бахтли Амирнинг яхши ахлоқ ва гўзал одоблари фазилатидан, шунингдек, муборак аҳволлари ва мақбул одатларидан, бадиали аҳвол ва ажойиб воқеалардан, сеҳрдек таъсирчан хос таъбларидан ва латифликларга безак берувчи каломлари натижаларидан бир озгинасини ўз ичига оладиган парчаларни тартибга солиб шарҳланса, ҳақ ўташ вазибалари бир қадар бажарилган ва заррача бўлса-да тўғри йўл кўрсатувчи олиҳазрат неъматлари шукронасининг уҳдасидан чиқилган бўлур эди.

Бу гап шунга сабаб бўладики, то қиёматгача ва қиёматда ҳам улуғ ҳазратнинг яхши ишлари ва ёқимли феълларининг зикри замон саҳифаларида, кечаю кундуз варақларида мангу қолур. Мисра: номи некуро бузургон умри соний гўфтанд.

(Улуғлар яхши ном қолдиришни иккинчи бор умр кечириш деганлар.)

Шубҳасиз, мен қулваччанинг улуғлик осмонийнинг қуёшини мақташдан ўзга ҳунарим бўлмаганидан.

Байт:

Ман надорам жуз сано худ пешае,
Жуз дуо хуш ноядам андешае.

Мазмуни:

Мақташдан бошқа ҳунарим бўлмагач,
Дуодан ўзгани топмадим.

кўнглимдагиларни ёзишга киришдим ва бу парчаларни бир муқаддима, ўн мақсад ва бир хотима билан тартибга солиб, «Мақорим ул-ахлоқ» деб атадим.

Аммо ушбу асар оққа кўчирилиши ва ақл эгаларининг файзли назарларига манзур бўлишидан аввал бу улуғ мартабали амирнинг сезгир қулоқларига «эй, ором олувчи нафс, умринг тугади. Энди розилик билан раббингга қайт», деган нидо етишди ва ҳақ қақирғига «лаббай» жавобини бериб, азиз руҳларининг куши муқаддас гумбазга жойлашишни ихтиёр қилди.

Байт:

Дардоки, покбози жаҳон аз жаҳон бирафт,
Пок ончунон ки омади буд он чунон бирафт.

Мазмуни:

Э вох, ки жаҳоннинг ошиғи оламдан ўтди,
Қандай келган бўлса шундай пок кетди.

Бу қайғули воқеанинг ташвиши бу бечоранинг жонига изтироб селобини оқизди. Чидаб бўлмайдиган бу ҳодисанинг даҳшати ҳайрат водийсида овора бўлган бу ғарибнинг кўрар кўзларини хира қилди.

Рубой:

Ёраб, чи қунам, бо ки хўрам ин ғамро,
К-аз дил ба чи берун бирам ин мотахро.

Ҳайратзадаам, жуз ин надонам, ки фитод,
Жонсӯз мусибате ҳама оламро.

Мазмуни: ёраб, қандай қилай, бу ғамни ким билан баҳам кўрай, бу мотамни дилдан нима билан чиқарай. Ҳайратда қолганман, шундан бошқани билмайманки, бутун оламга жон ёқувчи мусибат тушди. Қўл ишдан, тил эса сўзлашдан тамом тўхтади. Ўзини йўқотган кўнгил сабру оромдан ажраб тоқат-сизлана бошлади.

Назм:

Аз мушкули ғамҳои ту фарёд, эй дил.
Омад ҳама саъийҳот барбод, эй дил.
Андар талаби умеди бе ҳосили ту,
Жуз хуни жигар зи дида накушод, эй дил.

Мазмуни: ғамларинг мушкулидан фарёд, эй дил. Ҳама ғайратларинг бўлди барбод, эй дил. Сенинг пуч умидинг талаби йўлида кўз жигар қонидан бошқани тўкмади, эй дил.

Ўзимни овутиб, шунга қарор бердимки, ёзиб қўйилган қораламаларни оққа кўчирай ва у баракот сочқувчи зотининг хасталик ва вафот кайфиятини баён лавҳасига нақш қилай. Қоғоз мулоимлик кўрсатиб, сиёҳ равон қуюла бошлади, мушкин саллали қалам шу сўзларни баён қилмоқ учун тилга кириб дедики; бирмунча муддат сенинг фикринг гўзал натижаларини мушку анбар билан парваришлаб, оқ қоғоз юзида жилолантирдим. Оқибатда тилак дарахти ҳасрат ҳосилини бериб хотирни у андишалар дағдағасидан бирданнига тўхтатдим, чунки аниқ биламан: бундан кейин ҳар бир чуқур ўйловчи фикр эгаси ўз кўнглининг яширин уйида ёқимли гўзал иборалар билан ҳамоҳанг бўлганда, шу восита билан балоғат чаманининг тўтилари булбул каби ҳамовоз бўлиб сайраганда, замон душманларининг кўплигидан ва мададкор дўстларнинг камлигидан қимматбаҳо умрларини шу атоқли байтларни ўқишга сарф қилажаклар.

Маро дилест чу бунёди даҳр кори хароб,
Чу зулфи ёр мушавваш, чу бахти ман дар тоб.
Диле ба офати бе интиҳойи чархи асир,
Диле бар оташи хирмони рўзгор кабоб.
Диле ки чун ҳаваси базм бошадаш бошад,
Ғаҳе зи нола рубобу, ғаҳе зи ашк шароб.

Мазмуни: кўнглим уйи замон биноси каби вайрона, ёр зулфидек паришон, бахтим каби сиқикда. Кўнглим баланд

осмоннинг чексиз офатларидан, турмушнинг куйдирувчи ўтида кабоб. Кўнгил агар базми ҳавас қилса, унинг ўзи. Гоҳ нола билан рубоб, гоҳ кўз ёш тўкиш билан шароб. (19—24-бетлар.)

БИРИНЧИ МАҚСАД. АҚЛ ВА ИДРОКНИНГ ШАРАФ ВА ДАРАЖАСИ ҲАҚИДА

«**Ҳикоя.** Мирзо Ёдгор Муҳаммад пойтахт Ҳиротни босиб олган пайтда Султони соҳибқирон замон тақозосига кўра, Маймана ва Форёб томонга йўлланди. У бир куни шу вилоятда тадбирли ва йўл кўрсатувчи Амирни яширин бир жойга чақириб, маслаҳат билан унга шундай деди: «Эшитилишича туркманлар пойтахт Ҳиротда зулм ва зўровонлик байроғини тикканлар, мирзо Ёдгор Муҳаммад эса фароғат ва ғафлатда кайфу сафо чироғини ёқмоқда экан. Шунинг учун ўйлайманки, агар сиз мувофиқ кўрсангиз, у томонга юриш қилсак, шояд иш илгари босиб, яратувчи тангрининг омонати бўлган фуқаро зулму алам чангалидан қутулсалар».

Он ҳазрат бу фикрни маъқул топиб, уни мумкин қадар яширин тутишни уқдирди ва илҳом берувчи тил билан: «Агар бу сўз менга ҳам айтилмаса яхшироқ бўлур эди», деди. Султони соҳибқирон сўради:

— Бу ҳақда шу қадар муболага ва таъкид қилишнинг сабаби нима?

Олижаноб Амир шундай жавоб берди:

— Бу сўзларни яширин тутиш гоҳда зарурдир, чунки ҳар куни бизнинг бир гуруҳ кишиларимиз Ёдгор Муҳаммад мирзо томонига қочиб ўтмоқдалар, улар бу хабарни етқизишдан кўра қимматлироқ совға тополмайдилар. Ақлдан узоқ эмаски, бизнинг ниятларимизни сезиб қолса, эҳтиёт билан иш кўрар, балки бу томонга кўшин юбориб қолар.

Қисқаси, бу гаплардан кейин соҳибқирон тезлик билан Ҳирот томонга юриш қилди. Баланд мартабали амирнинг маслаҳатларига мувофиқ, то Лангари Бўканга етгунча бу сирни ҳеч кимга айтмади. Шу манзилга етгандагина бошқа амир ва аркони давлатни бу юришдан хабардор қилди, ҳаммалари хурсанд бўлдилар. Аммо кўпчилик султонлар (Ёдгор Муҳаммад мирзонинг) эшик олди бўш қолганида, яъни туш пайтида Боғи зоғонга кириш керак, деган фикрда эдилар. Тадбирли амир Алишер бу таклифни маъқулламади ва дедик: «Энг яхшиси, боққа тунда кирайлик, чунки кундузи бўлса мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг одамлари бизнинг хужумимиздан хабардор бўлиб қолиб, тезлик билан тайёргарлик кўриши ва ишни бой бериб қўйишимиз эҳтимолдан узоқ эмас. Душман

кечаси бизнинг ҳаракатимиздан хабардор бўлганда ҳам, тўплана олиши ақдан жуда узоқдир. Иккинчидан, мақсадимиз юзага чиқмаган тақдирда, инсоннинг кўз олдига қоронғулик пардаси тутилган бўлиб, бир томонга чекинишимиз мумкин бўлади. Аксинча, кундуз куни бу ҳол муяссар бўлмайди. Султони соҳибқирон бу таклифни қабул қилиб, кечаси Боғи зоғонга кирди. Соф кўнгилли Амирнинг тадбирлари муваффақиятли чиқиб, «Хулосат ул-ахбор» да ёзилишича «мирзо Ёдгор Муҳаммад қўлга тушиб охиратга сафар қилди» (35—36-бетлар).

ИККИНЧИ МАҚСАД. ИЛМНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА ОЛИМЛАРНИНГ МАРТАБАСИ ҲАҚИДА

«.. Таҳқиқ ва ишонч арбобларининг қибласи бўлган бу зот зафарли соҳибқироннинг подшолик даврида атоқли олимлар ва ҳурматга лойиқ фозил кишиларнинг даражаларини юксалтиришга ва мартабаларини оширишга қўлдан келган қадар саъйи-ҳаракат қилди. Талабаларнинг тинч ва ташвишсиз илм олишлари учун уларга нафақалар белгилаб, мадраса ва хонақолар бино қилди. Булар қуйидагича:

Ихлосия мадрасаси. Инжил ариғи бўйида ниҳоятда зебзийнатли қилиб ишланган Ихлосия мадрасаси солинди ва ҳозир 906 ҳижрий (мелодий 1500-1501) йилда кенг маълумотли донишмандлардан тўрт нафари ул шарофатли жойда дарс бериш билан мамнун бўлиб, фахрланадилар ва унинг вақфидан тўла ҳисса ва кўп насиба оладилар. Уларнинг исмлари: Амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ Нишопурий, қози Ихтиёруддин Ҳасан Турбатий, Амир Муртазо, мавлоно Фасихуддин Муҳаммад Низомий.

Халосия хонақоси. Юқорида зикр этилган мадрасанинг каршисида бўлиб, ғоятда гўзал ва кўркам қилиб қурилган. Бу ерда ҳам йирик олимлардан уч нафари илм ўргатиш ва дарс бериш билан машғулдирлар. Уларнинг номлари: амир Атоуллоҳ Асилий, амир Садруддин Иброҳим Машҳадий, хожа Имодуддин Абдулазиз Абҳарий.

Шифоия (шифохонаси). Мазкур мадрасанинг ғарб томонида, ниҳоятда чиройли қилиб қурилган. Ҳозир унда мавлоно Фиёсуддин Муҳаммад ибн мавлоно Жалолуддин тиб илмларидан дарс бериш билан машғулдир.

Низомия мадрасаси. Ҳирот шахрининг ичида бўлиб, бу жойда мазкур тарихда 906 (1500—1501) йили амир Асилбекнинг етук авлоди амир Бурҳонуддин ва мавлоно Каримуддин Даштибаёзийлар дарс бериш билан шуғулланадилар.

Хусравия мадрасаси. Гўзал Марв шаҳрида бино қилинган. Унинг шу ном билан аталашининг сабаби шуки, соҳибқирон подшонинг жияни мўрзо Кичик деб машҳур бўлган марҳум шахзода мўрзо Муҳаммад Султон бинонинг биринчи ғиштини қўйган эди. Шунингдек, Хусравия сўзи жумал ҳисоби билан унинг қурилиш йили тарихини билдиради.

Донишманд арбобларнинг хотирида яширин қолмасинки, юқорида зикр қилинган биноларнинг шарофати, баракоти бутун дунёга шу қадар машҳурки, бундан зиёдани хотирга келтириб бўлмайди. Айниқса, Ихлосия мадрасаси билан Халосия хонақоҳи бино қилинган замондан то шу кунга қадар йигирма йил муддат ичида дунёнинг ҳар тараф ва ҳар бурчагидан бу икки муборак жойга минглаб талабалар келиб, оз фурсатда турли илм ва фанларни ўрганишга муваффақ бўлиб, олқишлар ва мақташлар билан ўз ватанларига қайтganлар. Улардан кўплари, ҳозирда Ҳирот шаҳрида мудarrisлик мансабига эришиш билан фахрланадилар. Улардан баъзиларининг исмлари «Хулосат ул-аҳбор» нинг охирида ёзилгандир.

Энди мавзунинг талабига мувофиқ, улуғ мартабали амирнинг номи шарифларига атаб замон олимлари тасниф қилган китобларнинг исмларини кўрсатиб ўтмоқчимиз...

«**Шарҳи Фароиз**». Олий ҳазрат шайхулислом... Сайфуддин Аҳмад Тафтазоний асари.

«**Равзат ул-аҳбоб фи сияр ун-наби вал-асҳоб**». Икки жилдлик... Амир Жамолуддин Атоуллоҳ Асилий асари.

«**Тафсири форсий**». Олижаноб файз эгаси мавлоно Камолуддин Хусайн ал-воиз ал-Кошифий асари.

«**Шарҳи арбаъин**». Имом Нававий асари.

«**Ҳошияйи мухтасар**», «**Ҳошияйи Чағминий**», «**Ҳошияйи шарҳи**», «**Ҳидоя-йи ҳикмат**», «**Ҳошияйи шарҳи ашкол**», «**Таъсис шарҳи бист боби устурлоб**», «**Ҳошияйи мавоқиф**», «**Шарҳи миат ул-омил**». Булар маҳдумий мавлоно Фасихуддин Муҳаммад Низомий таснифлари.¹

«**Шарҳи мишкот**». Фазилат эгаси жаноб хожа Имодуддин Абдулазиз Абҳарий асари.

¹ Бу ерда олимнинг астрономия ва фикҳга оид бирмунча машҳур асарлари, масалан: Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Чағминийнинг (XII—XIII аср) «Ал-мулаҳхас фи-л-хайъат» («Астрономияга оид мухтасар китоб»), Носируддин Тусий (1201—1274) нинг «Бист боб дар маърифат ул-устурлоб» (Астрономиянинг маърифати ҳақида йигирма боблик китоб), Шамсуддин Муҳаммад ал-Хусайний ас-Самарқандийнинг (XII аср) планометрия асосларига бағишланган «ал-Ашкол ат-таъсис» китоблари, шунингдек, Шарқнинг машҳур ҳуқуқшунос олими Бурхонуддин Марғинонийнинг (593/1197 й. вафот этган) «Ал-ҳидоя» («Қўлланма») ва бошқа олимларнинг асарларига ёзган шарҳлари ҳақида сўз боради.

«Хошияйи шарҳи ҳикмати айн». Жаноби марҳум мавлоно Камолуддин Масъуд Ширвоний асари.¹

«Рисола дар илми фаросат». Мавлоно Абдурраззоқ Кирмоний ёзган.

«Хошияйи шарҳи муъжизи мавлоно Нафис». Ҳикмат эгаси мавлоно Фиёсуддин Муҳаммад асари.

«Таржимайи адабиёти нафаҳот». Мавлоно Низомуддин Аҳмад Пир Шамс асари.

«Тазкират ун-нуфус». Мавлоно Дарвиш Али табиб тузган.²

«Хошияйи Мутававал». Хожа Абулқосим Абуллайсий қалами билан ёзилган.

«Хошияйи Мифтоҳ», «Хошияйи Талвиҳ». Хожа Хованд Абуллайсий асарлари.

«Шарҳи Мўъжаз». Сабзавор қозиси мавлоно Фиёсуддин асари.

УЧИНЧИ МАҚСАД. ШЕЪР ФАЗИЛАТИ ВА ШОИРЛАРНИНГ УЛУҒ ДА- РАЖАЛАРИ ҲАҚИДА

Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди. Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган. Олиҳазрат Навоий эндигина етилиб, йиғитлик даври бошланган пайтларда, бир куни Лутфий хизматига борди. Лутфий: «Нозик фикрларингизнинг натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилсангиз», деб илтимос қилди. Ул ҳазрат бир ғазал ўқидики, унинг матлаи мана будир:

Оразинг ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз нихон бўлгач қуёш.

Мавлавий жаноблари бу алангали ғазални эшитиш билан хайрат денгизига чўмиб, шундай деди: «Воллоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтим-

¹ Намжуддин Али ибн Умар ал-Казвиний ал-Котибийнинг (675) 1276 йили вафот этган, метафизика ва физика масалаларига бағишланган «Ҳикмат ул-айн» («Ҳикматлар булоғи») асарига ёзилган шарҳлардан бири... Мавлоно Камолуддин Ширвоний (905/1499—1500 й. вафот этган)нинг бу ва бошқа асарлари айниқса мадраса ўқувчилари орасида машҳур бўлган...

² Навоий унинг ҳақида мана бу маълумотларни келтирган: «Мавлоно Дервиш Али табобатқа машғулдир ва бу фаннинг ҳозик ва мохирлари анинг таъбин таъриф қиладурлар. Муолажасин ҳам кўрганлар уқадирлар. Таъби ҳам яхшидур. Аммо муаммога кўпроқ машғулдир (Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис», т.12, Тошкент, 1966, 107-бет). Мавлоно Дарвиш Али ҳақида бундан бошқа маълумот учратмадик.

ни шу ғазалга алмаштирар эдим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблар эдим».

Гўзал сифатли амирнинг манзум асарларидан бири туркий «Хамса» бўлиб, 27.000 байтни ўз ичига олади. Шайх Низомийнинг «Панж ганж» и муқобилида тузилган. Бу китобга нозик маънолар ва гўзал фикрлар жойлаштирганлар.

... пок кўнгилли Амирнинг яхши аҳамият бериши ва файз сочувчи дилининг йўналиши баракотидан жаҳон тожи бўлмиш соҳибқироннинг подшолик даврида шоир ва олимларнинг даража ва мартабалари юкори кўтарилиб, мақсад ва истакларининг охирги чекига эришдилар ва имкон борича фасоҳат ва балоғат соҳасида кўп куч сарф этиб, ул ҳазрат мадҳида манзум китоблар ёздилар, балки ҳақиқат эгаси Махдумий Жомий ўзларининг кўп шеърый асарларида бу равшан фикрли Амирни мақтаганлар. Шунинг оқибатида ўз нафис шеърларининг пардоз ва безагини орттирганлар. У қимматли асарлардан баъзиларининг номлари куйдагича: «Тухфат ул-ахрор», «Субҳат ул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо», «Хирадномайи Искандарий».

Ул ҳазратнинг (Навоийнинг) улуғ номи билан тугаллашиш шарафига эга бўлган бошқа китобларнинг номларини баён қилиш мақсадга мувофиқдир. Куйдагилар шу жумладандир:

«Рисолайи қофия». Олижаноб амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ асари.

«Лайли ва Мажнун», «Хисрав ва Ширин» китоблари. Мавлоно Шихобуддин Абдурахмон Жомий сеҳрли қаламининг натижалари.

Мавлоно Алоуддин Кирмонийнинг «Маснавиёт» и.

Мавлоно Аҳлий Шерозийнинг «Қасидаи масну» асари.

Хожа Масъуд Гулистонийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» си. «Сеҳрли ҳилол». Мавлоно Фиёсуддин Муҳаммад Ибн мавлоно Жалол асари.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахшийнинг «Рисолайи муаммо» си.

Шунингдек, амир Низомуддин Шайх Аҳмад Суҳайлий ва амир Камолуддин Ҳусайн Али жалоир, мавлоно Низомуддин Астрободий, мавлоно Фасихуддин Соҳибдоро ва бошқа фозиллар ва шоирлар бу ҳидоят насабли давлат эгасига мадҳу миннатдорлик юзасидан кўпгина ўткир қасидалар бағишлаганлар. Уларнинг ҳаммасини баён қилиш сўзнинг узайишига сабаб бўлади.

**ТўРТИНЧИ МАҚСАД. ИНШОНИНГ ФАЗИЛАТИ, СЎЗ УСТАЛАРИНИНГ
МАРТАБАСИ ҲАҚИДА,**

Закийларга яширин қолмасинки, ёзувчиларнинг касод моллари бу шарофатли замонда фазилатли Амирнинг илтифотлари соясида тўлиқ қимматга эга бўлиб, ул ҳазратнинг номи шарифларига бағишланган балоғат нишонли китоблар ва фасоҳатли таснифотлар юзага чиқди. Уларнинг баъзиларини келтирамиз:

«Шавоҳид ун-нубуват», «Рисола дар илми мусиқий». Ҳақиқат эгаси ҳазрати Мухдуми Жомийнинг гўзал ва нозик қаламлари натижасидир.

«Иқтибосат». Шариат ҳомийси жаноб амир Ихтиёриддин Ҳасан Турбатий асари.

«Ҳолоти ҳазрати Махдуми». Мавлоно Камолуддин Абдулвосеъ асари.

«Равзат ус-сафо фи сияр-ал-анбиё в-ал-мулук ва-л-хулафо». Етти жилддан иборат. Жаноби отамиз Амир Хонд (Мирхонд) Муҳаммад асари.

«Маосир-ул-мулук», «Хулосат ул-ахбор». Бу фақирнинг таснифидир.

**БЕШИНЧИ МАҚСАД. ОХИРАТ ЗАҲИРАЛАРИНИ ТЎПЛАШ, ДУНЁ ВА
УНДАГИЛАРДАН ЮЗ ЎГИРИШ БАЁНИДА**

Навоий: бир неча йил «халқ ўртасида ҳукмронлик қилсангиз, адолат билан ҳукм юритинг», сўзларига амал қилиб;

Байт:

Зи мансаб рўй дар бемансаби нех,
Ки аз ҳар мансабе бемансаби беҳ.

Мазмуни:

Мансабдан мансабсизликка юз тут,
Чунки ҳар қандай мансабдан мансабсизлик яхши,—

деган нақлнинг мазмунини хотирдан ўтказиб, амирлик мансабидан истеъфо берди. Султони соҳибқирон ҳам ул ҳазратнинг кўнгил истагини муборак кўнгил ордусидан юқори кўйганликдан, бу хусусда унга ҳамфикр бўлди. Аммо, 892/1487 йили Мозандарон вилояти инон-ихтиёрини қатъий таклиф билан қудратли амирнинг кўлига топширди. Ул ҳазрат олий кадр

соҳибкироннинг юзидан ўтолмай, ул томонга ташриф буюрди. Гул сочувчи Астробод ул кишининг шарофатли қадами баракотидан гулистони Эрамнинг рашкини келтирди... Соф кўнгилли амир у мамлакатда икки йилга яқин адолат маснадида ўтириб, сўнгра ҳукумат ишларидан этак йиғиштириб пойтахт Ҳиротга қайтди...»

Қисқаси шулки, ул ҳазрат шу каби машғулотларга қарамай, ҳеч вақт аҳли диллар ҳаракатига пайровлик қилишдан бирон соат ҳам ғофил қолмас эди. Ҳар доим илму ирфён аҳлларига ихлос ва эътиқод қадами билан хизмат қиларди. Хусусан, олижаноб махдуми Жомийга яқин мулозаматда бўлиб, у кишининг ҳузурида дарвиш ва сўфийларнинг китобларини ўқиш билан шуғулланар эди. Ул жаноб Жомий ҳам бу бобда қилган таснифларини амир ҳузурида мутолаа қилар ва бу киши (Навоий) у китобларнинг нозик нуқталарини файзли хотири лавҳига нақшларди, балки ул олижаноб бу асарларни ҳидоятли амирнинг исми шарифига бағишлаб ёзгандир. «Нафаҳот ул-унс» ва «Ашиъат ул-ламаот» муқаддимасини ўқилса бу нарса куёшдай равшан ва ошкора бўлади.

... бу каромат эгаси бўлмиш амир мансабдорлик вақтида фуқаро ва дарвишларнинг фаровонлиги, ғариб ҳамда мусофирларнинг фароғати учун Хуросон атрофларида кўп миқдорда хонақо, работ, ҳовуз ва ҳаммомлар қурган. Шулардан баъзиларини санаб ўтилади:

«Халосия» хонақоси. «Ихлосия» мадрасаси қаршисида. Ул файзли жойда ҳар куни мингдан ортиқ заифалар ва мискинларни зиёрат қилиб ширин таомлар билан тўйдирилади. Ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак, иштон, тақия ва кафш улашилади.

«Жамоатхона» хонақоси. Ҳирот Хиёбонида бўлган мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Табодконий сармозорида.

Ҳақиқат эгаси ҳазрати Махдуми Жомий сармозоридаги иморат. Кенглиги, юксаклиги ва хушҳаволиги билан машҳурдир.

«Фаноия». Ўша мазор доирасида.

«Хавзи моҳиён» иморати. Хуросон халқининг сайргоҳи, дарвишлар ва фақирлар маскани.

Пири мужаррад хожа Абулвалид Аҳмаднинг муборак сармозори иморати. Сайргоҳининг кенглиги ва ҳашамати билан машҳурдир.

Шайх Муҳйи сармозори лангари. Анча дабдабалидир.

Амир Абдулвоҳид Ибн Муслим сармозорининг иморати. Хумчайи Бодда жойлашган.

Зиёратгоҳ хонақоси. Бу ерда ҳам фақир ва мискинларга овқат берадилар.

Хожа Юсуф Ҳамадоний сармозори иморати.

Дорул-хуффаз. Машҳадда имом Ризо равзасида қурилган. Ул жойни ложувард тош ва олтин билан мусулмон ва чиний услубида ғоятда ҳашаматли қилиб нақшлаганлар. Шунингдек, ўша равзада ғоят юксак ва бениҳоят зеб-зийнатли бир айвон бино қилинган. Ҳар куни фақир, заиф ва етимларга овқат бериш учун ғалвурхона ҳам қурилган.

Шайх Фариуддин Аттот сармозоридаги хонақоҳ. Хушманзара жойдир. Ул ҳазрат 902 (1496—1497) йили Нишопур шаҳрини ўзининг муборак шуъласи билан нурлантирган эди. Бир куни у ердаги машойхлар қабрини зиёрат қилишга борди. У қабрларнинг кўпчилиги бузилишга яқинлашганини кўриб, уларни тузатишни буюрди. Шунга мувофиқ, ҳозирда одат бўлган услубда, қабрларни тикладилар.

Мавлоно Сиррий лангари. Марв шаҳрида бино қилинган.

Хайрли бинолар қурувчи Алишер Навоий солган работларнинг тафсилоти куйдагича: Работи Сари Хиёбон, Туфур (Тайфур) работ, Работи ҳавзак, Работи Дарайи занг, Работи Чихилдухтарон, Работи Тарноб, Работи Панждех, Работи Катлиш Мурғоб, Работи Маричоқ, Работи Пули Аҳмад, Мушток, Работи Бойқур, Работи Зоҳид, Работи Хожа Дукка, Работи Дашти Шорахт, Работи Адраскан, Работи Фармон Курқуш, Работи Кандаги, Работи Оқработ, Работи Ёнбулоғ Работи Дашти Шорахт, Работи Адраскан, Работи Фармон Шайх, Работи хожа Абдулвалид, Работи Муздурон, Работи Парийан, Работи Пули ғуриён, Работи Поёбак, Работи Нузпул, Работи Шутурхонайи Тирпул, Работи Саҳройи боғанда, Работи Жом, Работи Харгирд (Ҳаржирд), Работи Мараммат, Работи Бакрабод, Работи Саъдобод, Работи Ҳазира, Работи Сангбаст, Работи Машҳади муқаддаса, Работи Тепайи чавк, Работи Дизобод, Работи Гулидар, Работи сангликлар, Работи Руниз, Работи Исфаройин, Работи чинорон, Работи ишк, Работи даҳани Тахти Сулаймон, Работи Журмжўй, Работи сари кўчайи Аломат, Работи Пули нигор, Работи Баҳра, Работи Диягар.

Қурилган ҳовузлар тафсилоти:

Ҳавзи маҳаллайи Пойидарахти меросий, Ихтиёридин қалъаси олдидаги ҳовуз, Ҳавзи Маҳаллайи шолбофон, Ҳавзи Сари пушта, Ҳавзи маҳаллайи Чехилгази, Ҳавзи хожайи Калла, Ҳавзи Пир Қивом, Ҳавзи маҳаллайи Қаландарон, Шифоия ёнидаги ҳавз, Махдуми (Жомий) сар мозоридаги ҳавз, Париёндаги ҳавз, Қушанж (Фушанж) масжидидаги ҳавз, Чорраҳа ҳавзи, Саҳройи боғандадаги ҳавз, Шоҳони гармобдаги ҳавз, Зурободдаги ҳавз, Зиёратгоҳдаги ҳавз, Андхуддаги ҳавз, Хоразм йўли устидаги ҳавз.

Кўприклар тафсилоти: Сепулак, Тулки, Соқи Салмон, Чеҳилдухтарон, Тарноб, Қаландарон, Қозбонон, Бойхожа, Ҳайробод кўприги ва тўғони, Журжонон, Нигор (мармардан), Қўшанж, Тир (мармардан), Нахри араб, Чақчарон, Турук кўприги ва тўғони.

Ҳаммомлар саноғи қуйидагича: Шифоия ёнидаги ҳаммом, Зиёратгоҳ ҳаммоми, Дара-йи занг ҳаммоми, Тувурчи (тевачи) ҳаммоми, Чеҳилдухтарон ҳаммоми, Тарноб ҳаммоми, Панж-деҳ ҳаммоми, Файзобод ҳаммоми, Саъдобод ҳаммоми.

ОЛТИНЧИ МАҚСАД. ШАРИАТ АРКОНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ БАЁНИДА

... Мурғани боғида бағоят зийнатли бир масжид бино қилиб, замонасининг атоқли қориларидан хожа Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳни имом қилиб тайинлади... Шунингдек, эшикдаги мулозимларни намоз адосига тарғиб қилиш, бирор кишидан ноўрин иш содир бўлса жазолаш учун бир мухтасиб белгилади.

Шунингдек, Мурғани боғи қаршисида бир маҳобатли масжид курган. Ҳақиқатан бу бинонинг дилқушо фазоси қурувчи қалбининг поклигидан дарак беради...

Бу хайрли бинолар қурувчининг қайта курган масжидларидан бири Ҳиротнинг жоме масжидидирки, ҳақиқатан ҳам илоҳий файзлар тўплаган жой ва тамоми кудуратларни кеткизувчидир. Бу муборак жойни Сом давлатининг охириги кунларида қура бошлаган эди. У бу олий бинони қуриб тамомлашдан илгари вафот қилди. Тахт вориси бўлган биродари султон Шихобуддин бино қурилишини давом эттирди. Аммо ўғли Гиёсуддин Маҳмуд подшолик тахтига ўтиргандан кейин қурилишни поёнига етказди. Бир неча вақт шу ҳолда ўтди. Чингизхон хуружи ва Хуросоннинг харобага айланиши билан бу олий манзил ҳам вайронага юз тутди. Масжидни тузатиш ва қайта қуриш ишлари малик Гиёсуддин Куртга тўғри келди. Унинг вафотидан кейин, ўғли малик Муъиззуддин Ҳусайн безатиш ишларини тугаллади. Ҳазрати хокони Саййид Шохруҳ замонида амир Жалолуддин Фирузшоҳ қайтадан таъмир қилди...

Султони соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида мақсура суфасининг айвони қаттиқ шикастланди, гумбазнинг шифти хароблашди, баланд деворлар намозхонлар белидай букилди, пилпоя устунлари сажда қилувчилар каби юзини ерга қўйди. Оппоқ ганч сувоклар баланд шифтлардан кўчиб тушди, сахн юзасига қора тупроқ уюлди.

Бу ҳол ул илҳоми илоҳий (Навоий) нинг равшан кўнглидан жой олиб, ўша бинони қайта тиклашга бел боғлади. Подшоҳи ислом Султон Хусайн Бойқародан ижозат олиб, улуғ машойхларнинг муқаддас арвоҳидан мадад тилаб, 903 йил шаъбон ойида (1498 йил 25 март — 23 апрелда) мақсура ва гумбаз тоқини очишга амр қилди. Шундан кейин ўткир меъморлар ва диққат билан иш кўрувчи муҳандисларнинг маслаҳати билан аввалгисидан мустаҳкамроқ қилиб тиклашни буюрди, Мақсура суфасининг икки тарафига иккита юксак айвон вужудга келтирилиб, натижада катта тоқ суянчиққа эга бўлди ва мустаҳкамланди ва ул қурувчи Навоий бинонинг тез фурсатда тамомланишига катта эътибор берганлигидан, ҳар куни иш бошига ташриф буюрар, кўпинча этакни бар уриб, мардикорлар қатори ишлар эди. Ҳар неча кунда меъморлар, усталар, балки барча ҳунармандларга қимматбаҳо тўнлар кийгизар ва беҳад инъому эҳсонлар билан уларнинг кўнглини оларди.

Шундай қилиб, худонинг марҳамати ва подшонинг узлуксиз кузатиши билан, уч-тўрт йилда битадиган иш олти-етти ойда тугади. Мақсура айвонининг баландлиги, улуғ амирнинг ҳимматига мувофиқ илгарисидан олти-етти зиро ортди. Ишнинг асли охирига етиб, бинонинг асоси мустаҳкамлангач, устки томондан безаш ва кўркамлаш фикри кўзгалди. Қилинган ишорат юзасидан билимдон муҳандислар, ишчан кошинтарошлар, билимдон наққошу сангтарош усталар безаш ишига жиддий киришдилар. Қилинган тахминларга қараганда беш йилда бажариладиган ишни бир йилда тамомладилар. Тоқ ва равоқларнинг ҳар томони мусулмон ва чиний услубида зийнатланди ва зарҳалланди. Сафобахш супаларнинг саҳнлари ажойиб санъат ва гаройиб ихтиролар билан бошқа бинолардан мумтоз ва мустасно бўлди. Баланд гумбазларнинг шифтлари яхшиларнинг номаи аъмолидек [қайтадан] оқлик ва равшанликка эришди. Айвонлар деворининг пастки айланаси қизил тошлар билан қопланиб, мустаҳкамланди...

Аввалги минбар ёнғоқ ёғочидан ишланган ва синиб кетган эди. Софдил амирнинг кўнгли мраммар минбар яшашга майл қилди. Улуғ д ргоҳ мулозимлари қидира-қидира Хоф вилоятидан мраммартош топдилар. Эгасига тўла нарҳини бериб, уни шаҳарга келтирдилар. Устод Шамсуддин сангтарош бу тошдан минбар яшашга киришди. Олий насабли амирнинг ҳимматлари соясида шундай бир минбар қурилдики, оламини безовчи қуёш хатиб каби ҳар тонг кўм-кўк осмон минбарига чиққанда бу минбарнинг тенги ва ўхшашини тополмайди...

Хулоса шулки, ушбу жаннатмисол масжидни безаш ва пардозлаш ишлари поёнига етгандан кейин, 905 йил шаъбон ойининг ўн тўртинчиси чоршанба (1500 йил 13 март) куни

тадбир эгаси Амир Алишер ош тортиш маросимини ўтказиб, хатиб, имом воизлар, қорилар, мутавалли, ходимлар, усталар ва иморат ишчилари бу маросимга чақирилиб, зиёфат маросимлари амалга оширилди. Қарийб 100 кишидан иборат гуруҳнинг қобилиятли қоматлари қимматбаҳо пўстинлар, аъло тикилган чакмонлар ва бошқа хил либослар билан безатилди.

Шундан кейин бу табаррук мақомнинг томи юзасини мустаҳкамлаш ва чидамлилигини оширишга ишора қилди. Иморат ишчилари асбоб-ускуна тайёрлаш, усталар эса уларни ишга солишга киришиб, бир оз вақт ичида саҳни тахминан ўн тўрт жариб миқдордаги бино томларини икки қават қилиб ёпиб, устини сомонли лой билан сувадилар, кўнгилни бу ишлардан батамом фориг қилдилар. Шу пайтда ҳидоятли Амир яна бир тўй керак-яроғини ҳозирлаш тўғрисида қайта-қайта фармон берди. Фармонбардорлар бу ишга машғул бўлиб, бу чақириққа 50 бош қўй ва 9 бош от сарфладилар...

Бу Амирнинг ҳиммати билан қурилган ҳар бир масжид тўғрисида алоҳида тафсилот бериб борилса, бу қисқа рисола узайиб кетади. Шунинг учун бошқа масжидларни фақатгина номма-ном санаб ўтилади: Сарипули Инжил масжиди, Сари кўчайи Улуғ ота масжиди, Сари кучайи амир Ислом масжиди, Чорсуйи мирзо Алоуддавла масжиди (Кўшки Жаҳоннамо, тарафида), маҳаллайи Қаландарон масжиди (Боғи зоғон ичида), маҳаллайи Тархониён масжиди, маҳаллайи Мир Одил масжиди, Пули Корд жоме масжиди, Ийдгоҳ қишлоғидаги жоме масжиди, Баҳра қишлоғидаги масжид, Исфазор жоме масжиди, Фурдаги масжид, Кўшанж (Фушанж) қишлоғидаги жоме масжиди, Сарахсдаги масжид, Қароти Туршиздаги масжид, Астрободдаги жоме масжиди. Булардан бошқа бино қилинган барча мадраса, хонақо ва работларда ҳам масжид қурилган...

... Ул ҳазратда ўсиб-униш кунлари бошланишидан то ҳаётининг охириги дамларигача бошида мусулмонлик ҳажини ўташ ҳаваси ва хотирида пайғамбар қабрини зиёрат қилиш фикри ўрин олган эди. Ҳар вақт имкони бўлганича бу хусусда ҳаракат қиларди ва узлуксиз ўз ҳолича қуйидаги икки байтни тилга оларди.

Назм:

Кай бувад, ёраб, ки рў дар Ясрибу Батҳо кунам,
Гаҳ ба Макка манзилу, гаҳ дар Мадина жо кунам.
Бар канори Замзам аз дил бар кашам як замзама,
В-аз ду чашми хунфишон он чашмаро дарёе кунам.

Ёраб, Ясриб билан Батхога қачон бораркинман?
 Гоҳ Маккада турсаму, гоҳ Мадинада жойлашсам эди.
 Замзам бўйида қалб таронасини куйласам.
 Кон сочувчи икки кўзимдан у чашмани дарё қилсам эди.

Неча бор бу сафарга рухсат олиш учун муборак оёғини узангига қўйиб тўғри саройга йўлланар, ҳар бор қудратли соҳибқироннинг илтимоси билан қайтар ва бу истакнинг юзага чиқишидан чекланар эди.

904 (1498—1499) йили султони соҳибқирон мамлакатнинг баъзи бир манфаатини кўзлаб Марвда туриб қолган эди. Бу муборак сафар орзуси асли пок Амирнинг бошини тамом эгаллаб, мавлоно Низомуддин Абдулхай табибни рухсат сўраш учун лашкаргоҳга йўллади. Ўзи эса юз минглаб ўтган кун бу савдо билан шу кунга улашди. Бундан кейин бу кунни эртага ўтказишга тоқатим қолмади, деган байт мазмунини тилга олиб, саодатли олимлар, фозиллар тоифаси ҳамда кўпчилик мулозимлар билан бирга Машҳад томонга йўл олди. Ул жанобнинг келиши билан ўша диёрга подшо ҳузуридан мавлоно Абдулхай ҳам келди ва зафар байроқли соҳибқироннинг бу хусусда олижаноб Амирга ёзган мактубини топширди. Ўша мактубнинг нусхаси будир:

«Салтанат устун, мамлакат таянчи, дину давлат арбобининг зубдаси, мулку миллат соҳибларининг пешвоси, хайрли бинолар муассиси, покиза ишларга йўлланган, хоқоний давлатининг мададкори, султон ҳазратларининг яқини Низомуддин амир Алишер жанобларига лутфомиз кўп дуолар ҳамда шавк кўзғатувчи саломларни етказамиз, файзли мулоқотлари орзуси шарҳу баён доирасидан ортиқдир. Сўнгра, равшан кўнгиллариға маълум бўлсинким, жума куни ражаб ойининг ўн бири (1499 йил 23 февраль) да улуғ мавлоно Абдулхай келиб, шариф мизожларининг кайфияти, соғ-саломатлик, яхши ҳолатларини етказди. Бундан хабар топиш беҳад шодликка сабаб бўлди. Унинг етишувидан илгари кўнгилларида қарор топган Ҳижоз тарафга жўнаш тўғрисидаги хабар оғизма-оғиз келиб турарди, аммо ишончли кишилардан эшитилмагани учун ишонарли бўлмас эди. Лекин ўша киши мавлоно Абдулхай суҳбатида хожа Афзалуддин Муҳаммадга ёзилган хат мазмунидан ҳам маълум бўлдики, шу кунларда у тилак мустаҳкамланиб ва янгиланиб, жўнаш хаёли жазмга айланган.

Гап шулки, барчага, балки оламу олам аҳлига маълумдирки, ул жаноб билан бирлик ҳамда ҳамжиҳатлик юзасидан боғланиш ва боғланиш алоқаси ҳамда ҳамнафасликни кичик-

ликдан то шунгача қай тарзда олиб борганмиз ва олиб бора-ётирмиз. Ҳаммавақт ва ҳар қандай ҳолда ул жанобнинг шариф хотири розилигини ўзимизнинг муддао ва талабларимиздан устун билиб, бу жиҳатни мислсиз давлат далилларидан ҳисобладик ва ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам унинг қаршисида ул жанобдан давлатхоҳлик белгилари, ихлос, яхши фикрда бўлиш ва яқинлик каби хислатлар юзага келган ва юзага келади. Бу қуёшдан ҳам равшанроқ бўлгани учун ортиқча тафсилга эҳтиёжи йўқдир. Ўзлари биладиларки, ҳеч қачон ўртада такаллуф ва ўзгалик бўлмай, ҳаммавақт сўз шу тариқа кечардики, ул салтанат таянчининг хотирига, хайрихоҳлик ва яхши фикрда бўлиш йўли билан, нимаики келса тўққиз мартагача уни айтишга ижозат берилган эди. Бизнинг ҳам ҳаммавақт хотиримизга нимаики келган бўлса, меҳрибонлик юзасидан изҳор қилардик. Шу вақтларда савоб учун ҳижрат қилишга жазм қилганликлари кўнгилга аллақандай оғир тушишига қарамай, ундан афзал иш тасаввур этилмайди. Шундай бўлса ҳам, ул кишининг розилигини хусусий манфаатимиздан устун кўямиз, берилган рухсат ва ижозатдан қайтмаймиз, аммо кўнгилга нимаики келса огоҳлантиришимиз лозим. Маълумки, бу хусусда йўл тинчлиги шартдир. Маълум бўлсинки, шу кунларда ҳажга ўтиш йўли бўлган Ироқ ва Боғдодда аҳвол нақадар паришон ва беқарордир. Миср ва Шом чегараларида ҳам турли бошбошдоқлик мавжудлиги эшитилмоқда. Гап шулки, агар йўл хавфи шу даражага етиб, кимнингдир сабабсиз кимсага қўл чўзиши мумкин бўлган тақдирда йўлга тушмоқ вожиб кўринмайди. Агар шу кунларда йўл хавфидан бирор фикр хотирга келмаса қанақа бўлади? Чунки, ўзлари айтардиларки, йўллар нотинчлиги жиҳатидан бир оз фулурий жамғариб, зарур бўлиб қолганда, хатарли жойга етганда, мулозимлардан ҳар бирининг ёнида ўшандан бир оз бўлиши керак, деб.

Яна гап шулки, сафарнинг узоққа чўзилиши маълум, умрга эса ишонч йўқ. Шунинг учун ҳам яна бир марта учрашиб, хайрлашиш қондаси юзага келса бўларди. Аммо, бу икки ҳолнинг бўлиши билан бирга, бу муқаддималарнинг ёзилишидан шундай ҳарос ҳам борки, мабодо муборак хотирга андак ғубор етишиб, бу сўзлардан ғараз ҳажга боришни ман этиш экан, деган хаёлга бормасмиканлар.

Доимий давлатхоҳлик юзасидан хотирларига нимаики келса, бетакаллуф айтаверсинлар. Бизга ҳам бу хусусда хотирга нима келса, маълум қилиш лозим кўрилди.

Боқий, тўғри фикрда ихтиёрлидирлар ва икки дунё яхшилиги учун нимаики лозим бўлса тақдим қилиб турилур. Икки дунё саодати ёр бўлсин. Вассалом».

Бу ёзилганлар зимнида шу нарса аниқ кўринардик, олий

ҳазрат Султоннинг хоотири икки ўртада яна бир бор мулоқот ҳосил бўлишига мойил эканлиги туфайли, ул ҳазрат Навоий у томонга жўнашни кечиктириб, йўналиш байроғини Марв томонига бурди. Аммо Сарахс атрофига тушган пайтда у томондан подшо ҳам етишиб, олий даражали Амир олий қадрли соҳибқироннинг хизматига етишди. Ҳеч қандай муболағасиз, ҳашаматли подшо ҳидоятли Амирнинг мулоқотига эришуви сабабли шу даражада шоду хуррамлик изҳор қилдики, агар мингидан бири ва кўпидан озгинаси баён этилса эҳтимолки лоф-қоф деб ўйланарди. Олий даражали Амир улўф қароргоҳда уч кун туриб, ўша кунлари подшога, шаҳзодаларга ва ҳарам аҳлларига ажойиб чопқир отлар, юкташир туялар, беҳисоб молу маблағ тортиқ қилдилар. Амирлар, вазирлар, садрлар ва ичкиларни, балки подшо даргоҳидаги мулозимларнинг кўпчилигини инъому эҳсон мевалари билан мамнун қилдилар. Сўнг аъло ҳазратга арз қилдилар: «Сиз бир вақт айтган эдингизки, мен подшолик ишлари билан шуғулланишдан қўл тортадиган бўлсам, шайх Нажмуддин Кубро мозорида тураман ёки хожа Абдуллоҳ Ансорий остонасини супурувчи бўламан» деб. Эндиликда бу иш сизга муяссар бўлмайди, менга эса Ҳижоз сафарига хоҳиш ва рағбат билан ижозат бермайсиз. Шундай бўлгач энди рухсат берсаларки, сизнинг ваколатингиз билан қолган умримни Ансория остонасини супуришга сарф қилсам, мулозимлик ишларидан батамом озод бўлсам, чунки қариллик мадорсизлиги вужудимга таъсир кўрсатиб, қувват кетган, бадан заифлашган.

Назм:

Расм аст, ки моликони таҳрир,
Озод кунанд бандаи пир.

Мазмуни: Расмдирки қул эгалари кекса қулларини озод қиладилар.

Ҳазрати соҳибқирон лутфу меҳрибонлик кўрсатиб ва бу илтимосни яхши қабул қилиб дедикки, «модомики сиз Хуросонда турар бўлсангиз, ҳар қандай илтимосингиз ўринлатилади, чунки аниқ биламанки, агар сизнинг шариф вужудингиздан бу мулк холи қолса, катта-кичик, барча халойиқнинг аҳволида кўзғолон юз беради». Шу онда соф кўнгил Амирнинг қобил қоматини тугмалари олтин, авраси зардор қора қундузий пўстин, мазкур мансабга муносиб бошқа қимматбаҳо тўнлар билан безади ва пойтахт Ҳиротга қайтишга ижозат берди.

Ул ҳазрат Навоий мазкур йилнинг шаъбон ойи ўрталари (1499 йил март ойи охири) да яна бир бор фахрли шаҳар

Ҳиротни ўзининг муборак чеҳраси билан нурга тўлдирди. Шу сабабдан, машойих, саййид ва олимлардан тортиб барча аҳоли ва фуқаро ғоятда шоду хуррам бўлдилар... Шу аснода ҳидоятли Амирнинг кўнгли Ансория остонасида¹ катта йиғин қилиб, Ҳирот шаҳри улуғларини меҳмон қилишни, улардан фотиҳа сўрашни тилаб қолди. Мулозимлари чақириқни тартибга солиш ишлари билан шуғулланиб, 75 кўй, 20 бош от ва 30 ботмон қанд сарфладилар. Бошқа харжларни шунга қиёслаш лозим...

Ўша йили улуғ амир кўп вақт Гозургоҳда бўларди, Ансория остонасининг кун чиқиш тарафига хонақо бино қилди, имкони борича ул улуғ зот мазорининг ободончилигига уринарди. Аммо, шунга қарамадан, ҳарамайнга бориш орзуси, ҳазрати пайгамбар қабрини тавоф қилиш хаёли қутлуғ амирнинг дилидан кетмади. 905 (1499—1500) йили неча бор билвосита ва бевосита олий даражали соҳибқирондан рухсат талаб қилди ва ул ҳазрат ҳар сафар розилик берар, аммо яна пушаймон бўлиб, софдил амир манзилига ташриф буюриб, тўхтаб туришни илтимос қиларди. Охирида султон ўз муборак хотири хоҳишидан кечди ва ижозат бериб қуйидаги ёзилган йўл фармонини марҳамат қилди...²

Аммо бу ҳукм қўлга кирганда, офтоб жавзо охирларида эди, ҳаво ҳароратининг шиддати сабабли сафар ғоятда қийин кўринарди. Ҳарамайга жўнашни сунбуланинг аввалларида бошлашга қарор қилинди.

Шу аснода зафар байроқли соҳибқирон шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн миззонинг бош кўтаргани сабабли, Астробод томонга юриш қилди. Ҳидоятли амир Навоийнинг мулозимлари зўр ғайрат билан ҳижоз сафарига ҳозирлик кўришга машғул бўлдилар.

Байт:

Беҳабар э-онки нақшбанди қазо,
Дар пасипарда нақшхо дорад.

Мазмуни: шундан беҳабар эдики, тақдир наққошининг, парда орқасида ҳам нақшлари бор.

Қисқаси, оламни кезувчи Миррих Аторуд уйини ўз нури билан мунаввар қилгач, ҳавода бир қадар мўътадиллик пайдо бўлди. Олий ҳазрат Навоий 906 йил муҳаррам ойининг охириги чоршанба куни (1500 йили 25 августда) отланди ва шу юриш

¹ Шайхулислом Абдуллоҳ Ансорий мазориди.

² «Мақорим ул-ахлоқ» нинг мазкур таржимасида бу фармон тушириб қолдирилган («Мақорим ул-ахлоқ», 82—83-бетлар).

билан Айн ул-хаётда тушиб, жума намозидан кейин у ердан Машҳад томонга, балки энг муқаддас водийга равона бўлмоқчи эди. Лекин шу аснода соғлом кўнгилга ёқимсиз бўлган ҳодисалар юз бериб, нужум аҳллари ҳукмига кўра бахтли соат бўлган саккизинчи сафар панжшанба (1500 йил 3 сентябрь) куни у юришни амалга ошириш хаёли билан шарафли манзилга қайтди. Аммо мазкур ойнинг ўн иккинчиси (1500 йил 7 сентябрь) жума куни намоз адосидан сўнг машойих, уламо ва аҳли иршод жумласидан шайх Жалолуддин Абу Саид Пуроний, жаноби шайхулислом Сайфуддин Аҳмад Тафтазоний, шайх Сўфи Али, мавлоно Муъинуддин Фараҳий, Мавлоно Камолуддин Ҳусайн Кошифий, мавлоно Ҳамидуддин Табодконий, хожа Имодуддин Абдулазиз Абҳарий, саййид ва нақиблардан амир Қувомуддин Ҳусайн Мозандароний, амир Жамолуддин Атоуллоҳ Асилий, амир Низомуддин Абулқодир, амир Шамсуддин Муҳаммад ибн амир Юсуф Розий ҳамда Ҳирот шаҳри ва атрофнинг бошқа аъён, ашроф, раис ва акобирлари ул ҳазратнинг хизматига етишиб арз қилдиларки, «сизнинг файз баракали зотингиз Хуросон ўлкаси тинчлигининг сабаби ва инсонлар осойишининг боисидир. Ҳозирги вақтда бу диёр Султони соҳибқирон вужудидан холидир. Агар юрт сизнинг ҳам муборак файзли нурингиздан четда қолса, мумкинки, фитналар юз бериб, унинг тадоруки имконсиз бўлиб қолади. Айниқса ўзбек подшоси Шайбониҳон Мовароуннаҳрни истило қилган, Амудан ўтиш хоҳиши бордир. Эндиликда Ироқ ва Шом аҳволи гоятда паришон ва йўллар ниҳоятда нотинч бўлганидан, шарият юзасидан шундай пайтларда ҳаж вожиб эмасдир. Бу фақирларнинг илтимоси шулки, яна бир бор хуросонликлар жонига яхшилик қилиб, бу йил ҳаж сафари ниятидан қайтсинлар ва бу хайрли иш савобини етмиш бор пиёда ҳаж қилишдан ортик кўрсинлар».

Қудратли олий ҳазрат мулоимлик билан дедилар: «Барчага, балки олам ва жаҳон аҳлига равшан ва аниқдирки, узоқ муддат ва вақтлардан бери муборак сафарни ўташ ҳавоси бошда ва шу фикр хотирда (маҳкам) ўрнашиб қолган. Ҳар сафар у томонга жўнаш нияти устида баҳоли қудрат ҳозирлик кўрила бошлаганда соҳибқирон монёъ бўлди, ваҳоланки, пухта хийлалар билан ижозат бериб, муборак фармон марҳамат қилган, ўзимиз ҳамда мулозимлар ҳозирлиги учун катта маблағ сарф бўлган... Шундай бўлса ҳам «Муъмин қалбига хурсандчилик киритиш бутун инсонлар ибодатидан хайрлироқдир», деган сўз тақозоси билан илтимосларингизни қабул қилурмиз ва инсонлар манфаати учун бу сафар ҳам ўзимизни бу хоҳишдан қайтардик». Бу сўзларни эшитиш билан ҳаммада бениҳоят мамнуният содир бўлиб, севинч ва шодлик билан ўз жойларига

қайтдилар, қайтадан олий даражали амирга бўлган ихлос камарини жон белларига боғлаб, оғизларини дуо ва санога очдилар.

Қисқаси, агарчи мазкур бўлган сабабларга биноан, ул ҳазратга Маккайи муқаррамага ва Мадинайи таййибага етишиш саодати ҳосил бўлмаган бўлса-да, аммо қайта-қайта эътимодли ва ишончли кишиларни кўп яхшиликлар қилиб ўз тарафидан ҳаж қилмоқ учун юборди, бу хусусда ўша шарафли мақом улуғлари номига мактублар йўллади.

ТУҶҚЗИНЧИ МАҚСАД. КАРАМ ВА САХОВАТНИНГ ШАРАФИ ҲАҚИДА

Ҳикоя. Бир вақтлар зафар байроқли соҳибқирон томонидан Астробод вилоятини идора қилиш султон Бадиуззамон мирзо қўлига топширилган эди. Кунлардан бир куни саодатли шахзода сайр қилиб юрган пайтда хуш хулқли Амир Навоий мулкларидан бўлган Хайрабод қишлоғига келиб қолди. Бу ерда яшовчиларнинг феъл-атворини ёқтириб қолиб, орзу-ҳавас юзасидан: «ё раб, ҳазрати султоннинг яқин дўстидан бу қишлоқни бирор киши восита бўлиб бизга сотиб олиб берса нима бўлади», деган гапни айтиб қолди. Бу йиғинда Амир хизматчилари жумласидан бўлган хожа Ғиёсуддин Муҳаммад Дехдор ҳозир эди. У киши бу сўзни эшитиб, арз қилди: «Валинеъматим ва махдумимга менинг яқинлик ва ноиблигим шу қадарки, ул ҳазратнинг молу ашёсини истаганча тасарруф қилишим мумкин. Эндиликда ул киши тарафларидан бу қишлоқни шахзодага тортиқ қилдим». Султон Бадиуззамон мирзо хурсанд бўлиб, ҳазил тариқасида мазкур хожага тизза уриб қўйди.¹

Бу хабар олий табиатли Амирнинг қулоғига етгач, хожа Ғиёсуддиндан мамнун бўлиб, бу қилган яхши хизмати учун у кишига махсус сарупо ва бир от пули деб 1000 кепакийни Астрободга юбордилар (101—102-бетлар).

Ҳикоя. 905 (1499—1500) йили шахзода Муҳаммад Муҳсин мирзо мамлакатнинг баъзи эҳтиёжлари учун Сабзавор қалъасига маълум миқдорда ғалла жамғармоқчи бўлди. У вилоятда эса ғалла топилмас эди. Амир ва ноиблардан бир гуруҳи, «ҳазрати султон муқаррабининг бу шахарда ғалласи кўплигини ва олий фармон билан ундан эҳтиёжга лойиғини олайлик ва ғалла топганимизда ул жанобнинг вакилларига

¹ Яъни, бир тиззасини ерга уриб, қуллук қилиб қўйди.

эвазини қайтариб берайлик», деб арз қилдилар. Чиройли хулқли шахзода уларга жавоб қилди:

— Амир жанобларининг ғалласидан маълум миқдорда олиш у ёқда турсин, ҳатто унга ҳеч ким тўғридан-тўғри кўз ташлай олмайди ҳам.

Бу хабар олий табиатли Амирга етиб боргач, маҳдумзода ҳақида яхши дуолар ўқиб, Сабзавордаги ҳамма ғаллаларини шахзодага тортиқ қилди. Бу ҳақда ноиблардан бирига мактуб ёзиб, унда шулар айтилди: «Воллоҳким гарчи ҳар бир дона бугдой ўрнида бир донадан марварид бўлганда ҳам у зотдан аямай, ҳаммасини назр қилиб, меҳр-муҳаббат уругини маҳдумзоданинг дилларига сочар эдим» (102—103-бетлар).

Ҳикоя. Бир куни мактовга муносиб Амир Навоий фикрини кенгайтириш учун мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро билан шатранж ўйнамоқда эди. Шу пайтда тўсатдан амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ мажлисга кириб келди. Ул ҳазрат иззату ҳурмат маросимларини бажо келтириб, илтифот ва кўнгил сўраш йўли билан «қаердан ташриф буюрдилар ва қандай хизматлари бор», деб сўради. Амир Бурҳонуддин жавоб берди:

— Ҳар кун шаҳардан мадрасайи Ихлосияга қатнашдан кутулиш учун кўп вақтлардан бери унинг атрофидан бир ҳовли олиш мақсадида эдим. Ҳозир шунақа жой топдим ва уни 3.000 динор кепакийга сотиб олмоқчиман. Бироқ, бу орада бир мансабдор пайдо бўлиб, бу маблағ устига бир оз пул кўшиб турибди. Сотувчи бўлса жойини унга сотмоқчи. Умид шулким, мулозимларингиз у кишига мазкур ҳовлини сотиб олиш иштиёқидан воз кечиш ва уни менга қолдириши тўғрисида, шафқат юзасидан, бир қоғоз ёзиб берсалар.

Дарё кўнгилли амир бу сўзларга жавоб қилмай ўртадаги шатранж машғулотини тугатишда давом этди. Шу туфайли ул жаноб Бурҳонуддин Атоуллоҳ ташвишга тушиб «бу илтимосим олий ҳазратнинг кўнглига оғир ботди», деб гумон қилди. Ҳар ҳолда шатранж ўйини тамом бўлди. Эҳсону саховат манбаи бўлмиш Амир ул зотга хитоб қилиб, «агар фақирлардан бири саҳни кенг, иморати кўп, хуш ҳаво ва суви ширин ҳамда мадрасага яқин бирон ҳовлини сизга тортиқ қилса муносиброқ бўладими ёки ўша ўзингиз айтган ҳовлини кўлингизга кириши учун ҳаракат қилинсинми?» деди. Улуғ насабли жаноб бу сўзларни эшитиб, шодлик ва хурсандлик изҳор қилиб умидвор бўлди.

Ўша вақтларда баланд мартабали мавлоно Муҳаммад Муъиннинг ҳовлиси ул ҳазрат Навоий девонига тааллуқдор эди. Ҳақиқатан ҳам у кўнгил очар ва хушҳаво бир жой эди. Мана шу жойни ул жанобга инъом қилиб, муродини ҳосил қилиб жўнатди...

Шунингдек, бу ҳашаматли Амир сон-саноксиз кўнгил очар боғлар, хурсандликни орттирувчи манзилларни саййидларга, олим ва фозилларга инъом қилганлар. Яхши ёрлар ва гўзал коризлардан махдумзодаларга ва парда ичида ўтирган пошшо оймларга шунчалик кўп тортиқ қилганларки, бунинг ҳам ҳисобига етишга ақл ожизлик қилади...

Шундай воқеалар ҳам кўп бўлганки, ҳазрати соҳибқироннинг девон хизматчилари баъзи бир зарур харажатлар учун халқ устига оғир солиқлар юкламоқчи бўлганларида улуғ амир халқнинг қийналмаслиги ва бу ҳол салтанат низомига бузуқлик солмасин учун бу маблағларни ўз ҳисобидан тўлаб юборарди.

Шу жумладан, ушбу сатрларни ёзувчига маълум бўлишича, 906 ҳижрий йил бошларида (1500 йилнинг август ойида) султони соҳибқирон Мозандарон вилоятига ташриф буюрган эдилар. Ҳукумат эгаси амир Муборизуддин Валибек жаноблари номига Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажат учун 100.000 динор кепакӣ ундириб етказиш ҳақида фармон келди. Ул жаноб шу маблағдан 50.000 динорни булукот дехқонлари ва молдорларидан ундириб, қолган қисмини, хона бошига сочиш йўли билан Ҳирот ичида истиқомат қилувчилардан ундиришни хаёл қилди. Лекин, бирон ишга давлатли Амирнинг фикрисиз ва маслаҳатисиз қўл урмас эдилар. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг ноибларидан бирини чақириб, бу фикр ул кишига — Навоӣга етказилди. Ул киши «бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражали соҳибқирон давлатига муносиб кўрмаймиз», дедилар ва шу вақтнинг ўзидаёқ мазкур маблағни ўзларининг хусусий пулларидан бердилар. Халқ эса ул ҳазратни дуо қилиб, унга кўпдан-кўп раҳматлар айтди... (102—107-бетлар).

ЎНИНЧИ МАҚСАД. ЛАТИФАЛАР ВА МУТОЙИБАЛАР

Латифа. Бир куни соф кўнгилли Амир фасоҳат ва зарофат бобида замон шоирларининг пешқадами хожа Осафийга насихат қилиш учун муборак тилини баёнга келтириб деди:

— Сенга ҳайронманки, ўткир зеҳнинг ва баланд таъбинг бўлатуриб, шеър айтиш билан кам шуғулланасан, бор вақтинги ни бефойда ишларга сарфлайсан,
umid— Шу кунларда кўпроқ шеър айтишга машғул бўлаётirman. Масалан, ўтган кеча икки пуллик шам ёниб битгунча икки юз байт айтдим,

Шунда олий ҳазрат дедилар:

— Демак ёзган шеърларингнинг юз байти бир пул экан-да,

Латифа. Мусиқий илмида замонасининг яғонаси бўлмиш мавлоно Алишоҳ бир куни давлатманд олий ҳазрат Навоийга арз қилиб, {сизнинг олий илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шулки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига берсалар, ҳар ойда уларга бош оғриғи бўлиб юрмасам} деди. Олий ҳазрат жавоб қилди:

— Мавлоно, умримиздан олти кун қолганми, йўқми, билмаймиз. Нима учун сиз омонат ҳаётга бу қадар эътиқод қилиб, олти ойлик маошни олдиндан талаб қиласиз?

Мавлавий жаноблари деди:

— Сиз буйруқ бераверинг, улар пулни бераверсинлар. Бордию ўлиб қолсам, ўша пул гўру кафанимга яраб қолар! Шунда он ҳазрат дедилар:

! — Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало деганлари сиз экансиз-да?!

Мутойиба. Бир куни саховат майдонининг эгаси Навоий аввалги зариф кимсалардан ўзининг қизиқ кўриниши ва ажойиб сўзлари билан мумтоз ва мустасно бўлган мавлоно Шиҳобуддин Мудаввинга марҳамат юзасидан эгар-жабдуқли бир от инъом қилди. Бу илтифот муносабати билан мавлавий ўзини олий ҳазратнинг хос кишилари қаторида ҳисоблаб, хизмат ва мулозаматни ҳаддан ошириб юборди. Масалан, қачонки Навоий отга миниб бирор ерга борадиган бўлса, у ҳам хизматда бўлар, уйга қайтиб келганда эса дарвоза ёнидан бир дақиқа ҳам нарига кетмас эди. Шу сабабдан, лутфу карам манбаи Навоий ундан жуда қисилди, бироқ олий хулқи унинг дилини оғритишга ва очикдан-очик ўз мулозиматидан узоқлаштиришга йўл қўймас эди. Охири хизматкорлардан бири Амирнинг кўрсатмаси билан, ўғри тариқида унинг олдига борди ва отини олиб, тезлик билан бозорга олиб бориб сотди. Мавлавий Шиҳобуддин Мудаввин уни ҳақиқий ўғри деб ҳисоблади, орқасидан қидириб, икки тош йўлни пиёда босди, лекин отдан ҳеч қандай асар топмагач, юз берган воқеадан ҳайрон бўлиб, чопиб иззат денгизи бўлмиш Амир ҳузурига келди ва ўзининг саргардонлик кайфиятини арз қилди. Олий ҳазрат дедилар:

— Биз отингнинг баҳосини берамиз, фақат шу шарт биланки, бундан кейин от сақламайсан ва отланган чоғимизда бизга ҳам бош оғриғи бўлмайсан.

У бунга рози эканлигини маълум қилди. Шу вақт амир хизматкорга деди:

— Маълум микдор ақчани мавлонога берингиз.

Ҳийлакорлик қилган киши унга 94 танга санаб берди. Мавлавий таажжубланиб:

— Инъом қилинган ақча 100 танга бўлиши керак, не сабабдан 6 танга кам? — деди. Ҳозир бўлганлардан бири деди:

— Отингизни бундан ортиққа олмадилар.

* * *

Мутойиба...хайрли бинолар қурувчиси Навоий 904 (1498—1499) йилда Ҳиротнинг жоме масжиди биносини янгилаш ва безаш ишига қаттиқ урунмоқда эди. Ўша шарофатли бинонинг ёзувларини ёзиб беришни хожа Мирак наққош тахаллуси билан машҳур бўлган Сайид Рухуллога юкладди. У киши бу борада бепарволик йўлини тутиб, қоғозу қаламга кечикиброқ қўл урди. Наққошлар унга қараб ишлолмайд турдилар. Бу аҳвол ҳаддан ошди, унга на насихат ва на оғир сўз қор қилди... соф кўнгилли амир қизиқ бир тадбир ишлатди — хожа Мирак наққош Ҳирот атрофидаги Сайидравон қишлоғида дам олаётган пайтда хожа Жалолуддин Муҳаммадга девони олийдан олган 5.000 динор кепакийни қайтариш хусусида Сайид Рухулло жанобларига барот ёзишни буюрди. Баротни Сайид жаноблари танимайдиган икки мулозимга бериб, уларга «ўша қишлоққа бориб хожа Миракни тутиб зикр этилган маблағни сиёсат билан талаб қилсинлар ва биз шахзода Фаридун Хусайн мирзонинг навкарларимиз десинлар», деган амр берилди. Ўша икки киши мазкур қишлоққа чопиб бордилар ва хожа Миракни топиб, дағаллик билан маблағни талаб қилдилар. Сайид Рухулло жаноблари бу ҳодисани кўриб ҳайрат дарёсига чўмдилар ва «мени масжиди жомега олиб боринглар, ё баротни қайтарай, ёки пулни топишга ҳаракат қилай», дедилар. Мулозимлар уни ўз уйига олиб бориб, ўша ерда кечаси билан сақладилар. Эртаси куни Сайид Рухулло қаттиқ зорланиб, сохта ясовуллардан илтимос қилди: «мени масжиди жомега олиб боринглар, шояд Амир ҳолимга раҳм қилиб девон мансабдорларига одам юборар, қўлингиздаги баротни бошқага ўтқазиб, бу маблағни бўйнимдан соқит қилар».

Мулозимлар бу илтимосни қабул қилиб, хожа Миракни масжидга олиб бордилар. Ул жаноб олий ҳазратнинг хузурларига етишиб, кўз ёш қилиб арз қилдилар:

— Ўта камбағаллик ниҳоясига етган шундай бир вақтда

5.000 динор кепакий маблағни банданинг номига ёзибдирлар. Агар марҳамат қилиб ушбу қоғозни қайтариш чорасини кўрсалар, умид қиламанки, қиёматда улуғ боболарим сизга нисбатан узрхоҳлик маросимини бажарурлар.

Олий ҳазрат:

— Қоғозни қайтариш анча мушкул, шундай бўлса-да, мумкин қадар уриниб кўрамиз, фақат шу шарт биланки, сиз ҳам 15 кун муддат ичида бу муборак манзилнинг ёзуви ташвишидан бизнинг кўнглимизни тинчитиб қўйсангиз,— дедилар.

Ҳожа Мирак қабул бармоқларини дил кўзига қўйиб, бу хусусда бир тилхат ҳам битиб, унда қуйидагиларни ёзди: «Агар белгиланган муддатдан бирор кун ўтса, маблағ хусусида узрсиз жавобгар бўламан». Шундан кейин олий ҳазрат амир Камолуддин Хусайнга буюрди:

— Ҳожа Миракни олиб келган мулозимлар билан девонга олиб бориб, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ушбу баротни қайтаринг.

Сайид Рухулло жаноблари шоду хурсанд бўлиб, ўз уйига чопиб борди, ёзув ишларига киришди ва бу ишдан тамом фориғ бўлмагунча ҳалиги барот ваҳимасидан ташқарига чиқмади.

ХОТИМА

Ҳикоя. Бир вақтлар олий ҳазрат амирнинг китобхонасида Ёқут деган котиб хати билан ёзилган ва бир неча саҳифаси йўқолган Қуръон бор эди. Ул ҳазратнинг муборак хотири ўша нафис тухфани такомиллаштиришни истаб, тушиб қолган саҳифаларини ёзиб чиқишни хожа Ҳофиз Муҳаммад ҳуффога топширди. Хожа Ҳофиз Муҳаммад бир неча кун мобайнида қандай йўл билан ортиқ-камлик қилмайдиган, саҳифаси саҳифасига тўғри келадиган қилиб қай йўсин билан ёзиш чорасини ахтарди. Шу пайт ул ҳазратнинг қўлига мавлоно Шамс Маъруф қаламига мансуб Қуръон нусхаси тушди. Унинг хати ва кўринишини саҳифалари йўқолган ўша Қуръонга яқин кўриб, «тушиб қолган саҳифаларини шундан кўрсангиз, эҳтимол мос тушар», деб хожа Ҳофиз Муҳаммадга юборди. Иттифоқо, мавлоно Шамс Маъруф буни илгари ўша хожа Ёқут Қуръонидан бетма-бет, йўлма-йўл, биронта ҳарфини ўзгартирмасдан, кўчирган экан. Шунинг билан бу саҳифаларни кўчириш осон бўлди.

Гуфтам, ки зи қиссаи мушқуле бинависам,
В-аз дарди фироқ ҳосиле бинависам.
Кў ақл, ки бадон ҳоси ғаме шарҳ диҳам,
Кў даст, к-аз он дарди диле бинависам.

Мазмуни:

Айтдимки мушқул қиссадан ёзай,
Ва фироқ дарди ҳосилидан ёзай.
Ақл қани, у билан қайғуларимни шарҳласам,
Қўл қани, у билан дил дардидан ёзсам.

Ақл эгаларига маълумки, ситамкор замона инсонларга жафо сармоясини узлуксиз орттириб борди. Фозиллар гуруҳига аниқдирки, жанжалкаш фалак вафо аҳлларини тинч ва барқарор қолдиролмайди...

Аммо бу сўзларнинг шарҳи шулки, 906 йил жумоди ул-аввал ойи охирлари (1500 йил 23 декабрь) да адолатли соҳибқироннинг муборак байроғи Астробод юришидан салтанат тахтининг қароргоҳига юзланди. Бу шодлик хабари кетмакет Ҳирот халқига келиб турди. Ҳидоят насабли, баланд даражали, хоқоний давлатининг суянчиғи, султон ҳазратларининг дўсти олий ҳазрат Алишер Навоий хоқонни кутиб олиш учун жумоди ул-охир ойининг еттинчисига сешанба (1500 йил 29 декабрь) куни Қавсия қасабасига жўнаб, Париён работини муборак юзининг нури билан жаннатга айлантирди. У кеча ўша ерда тўхтаб, чоршанба куни (1500 йил 30 декабрда) эрталаб, бирон сабабсиз, работнинг эшик ва деворларига ҳар кимлар тарафидан ёзилган байтларни ўқимоқ мақсадида унинг бир томонидан кирди, тўсатдан ул ҳазратнинг муборак кўзи шу қитъага тушди.

Қитъа:

Дар ин дақиқа бимонданд жумлаи ҳукамо,
Ки одами чи қунад ба қазои кун фаякун.
Фуруғи набз чу шуд мунҳариф зи жумбиши асл,
Ба лон ажз фуру рафт пойи Афлотун.
Салоҳи гаъб чу суйи фасод руй ниҳод,
Бимонд беҳуда дар дасти Бу-Али «Қонун».

Мазмуни: шу дақиқада ҳукамо жумласи ожиз қолди, инсон тангри қазосига қарши нима ҳам қила олади. Томир уриши асл ҳаракатдан четга чиққанда, Афлотун оёғи ҳам ожизлик лойига ботиб қолди. Таъб дурустлиги фасодга юз тутганда, бу Али қўлида «Қонун» беҳуда нарса бўлиб қолди. Бинобарин, таассуф ва ачиниш изҳор қилиб, илҳом тили билан айтдиларки, «тўғри, барча одам нариги дунёга юз ўгириши лозим. Ўлим ва ҳаёт яратғувчисининг истагини ҳеч ким қайтара олмайди».

Шу пайтда у ердан кўчиб, Поёб работига борди, панжшанба кечаси (1500 йил 31 декабрда) бу жойга лашкаргоҳдан мавлоно Вайс келиб, аъло ҳазрат бу кечаси амир Шоҳ Малик работига ташриф буюрдилар, у ердан эрталаб жўнайдилар, деган хабарни етказди...

Манзили васл чун шавад наздик,
Оташи шавқ тезтар гардад,

Мазмуни: васл манзили яқинлашгач, шавқ ўти тезлашади, байтига мувофик, мақтовли соҳибқиронга етишиш давлати билан шавқ суви аркон ва унсурларини бирлаштирган ул Амир шу сувни кўзларидан равон қилиб, бомдод намозини эртароқ адо қилиб, (1501 йил 1 январь куни) эрталаб, дарҳол отга миниб, амир Шоҳ Малик работига қараб йўналди. Йўл асносида ҳар дам муборак пешонасидан шодлик ва хурсандлик нурлари порлади. Подшоҳнинг унга етишиб келган ҳар бир мулозими ҳол-аҳвол сўраш ва кўнгил овлаш билан уни хурсанд қиларди. Бир фарсахга яқин юрганда соҳибқироннинг дабдабали ва кўркам муҳафаси кўринди. Шу вақт худонинг инояти билан ул зотнинг муборак боши айланиб қолди. Олижаноб амир хожа Шихобуддин Абдуллани ҳузурига чақариб, «мени эҳтиёт қилишдан гофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди», деди. Шу пайт аъло ҳазратнинг кўлини ўпишга етишмоқ учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги сўнгги ҳаддига бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан, мазкур амир ва мавлоно Жалолуддин Қосим унинг қўлтиқларига кириб, улуғ Амир бошини баланд даражали подшонинг кучоғига қўя олди. Аъло ҳазрат ул буюклик ва дабдаба доираси марказининг аҳволида ўзгариш кўриб, ғоятда қайғуга ботди, ғамгин бўлди. Бу ер тўхташ жойи бўлмаганликдан, ҳол-аҳвол сўраш ва илтифот маросимларидан кейин, йўлга тушдилар. Шу онда бу касал сактага айланиб, олий насабли Амирда қайтиб ҳаракат қилиш ва сўзлашишга мажол қолмади. Амир хизматида бўлган барча улуғларнинг маслаҳати билан хизматкор ва мулозимлар ул ҳазратни муҳафага ётқизиб,

шаҳарга қараб жўнадилар. Йўл асносида мавлоно Низомуддин Абдулхай ва мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Гилоний, доноларнинг муваффақ топиши билан ул зотнинг томиридан не қийинчилик билан қон олдилар, бироқ бундан ҳеч қандай фойда бўлмади. «Бархез эй табиб, ки бигузашт кор аз он!» («Тургил, эй табиб, иш ўз вақтидан ўтган».) Ноилож, қайғули кўнгил ва ёшланган кўз билан ул ҳазратнинг ғам-андух қарвони билан биргаликда шаҳарга йўналдилар.

Қитъа:

Дило, чу нест сукун дар ниҳоди чархи нигун,
Дар ў чигуна касеро бувад мажולי сукун?

Мазмуни:

Эй дил, тескари фалак табиатида ором бўлмагач, унда туриб қолиш учун кишида қандай мажол бўлсин.

Қисқаси, жума куни (1501 йил 1 январь) кечаси ярим тунда хайрли бинолар қурувчисини ўз уйига етказдилар. Эрта билан шаҳар табибларининг кўпчилигини ул ҳазратнинг бошига тўпладилар. Бу гуруҳ ҳар қанча муолажа ва даволашга саъйи-ҳаракат қилиб, турли дори-дармонни ишга солмасинлар беморда тузалиш содир бўлмади, аксинча, соатма-соат унинг аҳволи оғирлашиб, хасталиги орта борди. «Ажал келгач, даволашдан нима фойда?»

Ўша куни султони соқибқирон шаҳарга етиб келдилар ва ул ҳазрат Алишер Навоийга бўлган чексиз муҳаббати туфайли Боғи Жаҳонорога бормай, тўғри ҳашаматли Амир ҳузурига ташриф буюрдилар, ул ҳазратнинг касалини бениҳоят оғир сезиб, кўп ёш тўқдилар ва қаттиқ қайғу ва ҳасрат билан боққа кайтдилар. Аммо, тез-тез одам юбориб, ҳол-аҳвол сўраш маросимини бажо келтириб турар ва ғам, изтиробнинг беҳад оғирлигидан, бир дақиқа бўлса-да, истироҳат тўшагида ором ололмас эдилар. Шанба (1501 йил 2 январь) куни ҳам яхши хислатли Амирнинг аҳволи ўзгармади, балки борган сари заифлик кучая бориб, касаллик шиддати ортиб бормоқда эди. Оқибатда мазкур ойнинг ўн иккинчисида якшанба (1501 йил 3 январь) куни эрта билан ҳақ қақирғини «лаббайка» деб қабул қилиб, боқилик нақдини руҳ олувчига топширдилар ва ҳаёт гулшани булбулини олий чаманга жўнатдилар.

Байт:

То жаҳон чунин буду, чунин хоҳад буд,
Ҳамаро оқибати кор ҳамин хоҳад буд.

Мазмуни:

То жаҳон мавжуд экан шундай бўлган, шундай бўлади, ҳамманинг тақдири оқибати шундай бўлади.

Маҳшар кунининг ғавғо ва тўполони бутун жаҳонни чулғаб олди, амир ва вазирларнинг йиғи-сиғиси, каттаю кичикнинг фарёду фиғони осмоннинг энг юқори авжидан ҳам ўтиб кетди. Султони соҳибқирон ва подшо хонадонининг баъзи аъзолари ўша ондаёқ ул ҳазрат (Навоий) хонадонига етиб келдилар ва иззат тахтидан мотам палосига тушиб, нолаю зор ва йиғига тутиндилар. Пайғамбар суннатига мувофиқ, ювиш, кафанлаш маросимларини адо этдилар. Зафарли соҳибқирон, ҳашаматли амирлар, ислом машойихлари, буюк сайидлар, олим ва фозиллар ва жами халқ раҳмат эгасининг ҳамроҳлигида Хиёбонга қараб юрдилар. Барча ғамгинлар оҳининг тутуни янгидан давлатга эришган хасисларнинг кибр-ҳавоси каби осмонга етишди ва юрак хунобалари бахти кетган сахийлар ёши гавҳари каби кўз йўлидан дам-бадам тупроққа тўкиларди.

Маснавий:

Зи мужгон дам-бадам хуноб мерехт,
Бигў хуноб чун бо об мерехт.
Зи нас боло гирифт он рўз фарёд,
Садо дар гумбази фируза афтод.

Мазмуни: киприкдан дам-бадам хуноба тўкиларди, хуноба худди сув каби тўкиларди, деявер, ўша куни фарёди осмон фалакка қадар кўтарилди, унинг садоси фируза ранг гумбазга чикди.

Шу пайтда ҳаво жавҳари шоҳу гадога қўшилиб, чексиз ёш қатраларини ёғдирди, балки руҳу райҳон булути томчилари унинг аршдек муаззам тобути теварагига иниб турди.

Рубой:

Хуни шафақ аз дидаи гардун бичакид,
Маҳ рўй биканду Зухро гесў бибурид.
Шаб жома снях кард дар ин мотаму, субҳ,
Барзад нафаси сарду гирибон бидарид.

Мазмуни: осмон кўзларидан шафақ қонлари томди, ой юзларини тирнади, Зухро сочларини юлди. Шу мотам чоғи тун қора тўн кийди. Тонг эса совуқ оҳ тортиб, ёқасини йиртди.

Ҳирот Ийдгоҳида жаноза ўқилди, сўнг ўзларининг жоме

масжиди ёнидаги, илгари шу ҳодиса учун қуриб қўйилган гум-
баз ичига олиб келиб дафн этдилар. «Эй тупроқ, бағрингда
нима борлигини қайдан биласан?» Ўша кечаси буюк саййидлар
ва олимларнинг кўпчилиги ўша файзли қабр тепасида тунаб
қолдилар, қорилар тонг отгунча тиловат қилиш билан машғул
бўлиб мижжа ҳам қокмадилар.

Эртаси куни қуёш жамшиди мотам тутган кишилар каби
осмоннинг кўк чопонини кийди, юлдузлар тўдаси одамларнинг
кўз ёши каби ерга тўкилди. Вафодор Соҳибқирон ҳам раҳмат-
га сазовор Амир Навоий манзилида мотам мақомида ўлтирди,
пойтахт Ҳиротнинг улуғлари ҳам хизматга келиб, таъзия
билдириш маросимини бажо келтирдилар. Шу куни Ҳирот
шаҳрининг кўп масжидларида халқ мотам палосида ўлтириб,
улуғ мартабали зотнинг руҳини шод қилиш учун хатми қуръон
билан машғул бўлдилар.

Қитъа:

Аз мавти ў нишаст ба ҳар хона мотаме,
В-аз фавти ў бихост зи ҳар гўша шеване.
З-ин заҳмгин мусибату, з-ин саҳмнок марг,
Оташ фитод дар дили ҳар сангу оҳане.

Мазмуни: унинг ўлими сабабли ҳар уйни мотам чулғади,
унинг вафоти туфайли ҳар бурчакда нола қўзғалди. Бу фожи-
али мусибатдан, бу қайғули ўлимдан, ҳар қандай бағри тош
қалбга ҳам ўт тушди.

Султони Соҳибқирон уч кунгача ул аҳли диллар бошлиғи-
нинг уйида турди, худойи ва хатм буюрди, шунинг билан бирга
нур сочувчи зотнинг мазори бошига бориб, зиёрат шартларини
бажо келтирди, олий насаб Амирнинг улуғ биродари амир
Низомуддин Шайх Баҳлул ва ул жанобнинг ўғилхони амир
Камолуддин Султон Ҳусайнга ва олий ҳазратнинг бошқа
яқинлари ва мулозимларига меҳрибонлик кўрсатди. Ҳамда
ўша куни Султони Соҳибқироннинг буйруғига биноан олий
қадрли амир Муборизуддин Муҳаммад Баҳодир, амир хожа
Афзалуддин Муҳаммад жаноблари ва олий даргоҳ амирлари-
нинг зубдаси хожа Шихобуддин Абдулла Ҳирот шаҳрининг
машойиҳ, саййид, олим ва фозилларини раҳмат эгаси (Навоий-
нинг) уйига чақириб, турли-туман таом тортдилар. Бирок,
саодатли Соҳибқироннинг баланд ҳиммати бу билан қаноат-
ланмади. Унинг равшан хотиридан бениҳоят катта бир йиғин
ўтказиш фикри ўтди. Улуғ амирлар маросим учун керак
нарсаларни тайёрладилар. Нарсалар жумласидан 250 бош
қўй, 70 бош от ва ҳўкиз сарф қилдилар. Мазкур ойнинг 23 ида

панжшанба (1501 йил 14 январь) куни улуғ машойихлар, баланд даражали саййидлар, олимлар, фозиллар, улуғлар, аёёну ашрафларни Сари Хиёбон даласига таклиф қилдилар. Султони Соҳибқирон ҳам ўша ерга ташриф буюриб, йиғилишни мунаввар қилдилар. Мўл-кўл таомлар тортилиб, Қуръон ўқилгандан кейин, олий мартабали подшонинг мулозимлари жаннат боғчасида ётган зот (Навоий) нинг қариндошлари, яқин дўстлари ва ходимларига қимматли кийимлар кийгизиб, уларни азадорлик либосидан озод қилдилар, сўнг, уларни Соҳибқирон ўз ҳузурига чақириб, подшоҳона илтифотлар ва хисравона иноятлар билан умидвор қилди. Иззат ва буюклик доираси маркази (Навоий) нинг вафотидан 40 кун ўтгандан сўнг у яна бир маърака ўтказишни фикр қилди. Амир Камолуддин Султон Ҳусайн ва хожа Жалолуддин Муҳаммад бу ишни бошқаришга киришиб, 100 га яқин кўй, икки тўққиз от сўйдириб, хаёлга нима келган бўлса ундан ҳам зиёдрок қилиб, олий ҳазрат (Навоий) нинг муборак манзилгоҳида турли-туман таомларни ҳозирладилар. Ражаб ойининг 29 ида панжшанба (1501 йил 19 февраль) куни вафодор Соҳибқирон ҳам у жойга ташриф буюрдилар, улуғлар ва буюк зотлар яна жам бўлдилар. Улуғ амирлар ош тортишга киришиб, қорилар тилларини Қуръон оятларини ўқишга очдилар. Шу пайт замонасининг Хадичаси маҳд улёнинг мулозимлари мусибат аҳлига қимматбаҳо кийимлар кийгиздилар.

Олижаноб мударрис Фасиҳуддин Муҳаммад Низомий ки қирқ йил чамаси олий ҳазрат (Навоий) нинг суҳбатида бўлган, ул ҳазрат кўпинча расмий дарс китобларини у жаноб ҳузурида мутолаа қилган, шунинг учун уни охунд деб атар эди, ушбу катта воқеа тарихи хусусида қуйидаги рубоийни айтган:

Он кутби замона чун бирафт аз олам,
Таърих шуд он ки кутби ақтоб бирафт.

Мазмуни: замона қутби оламдан кетгач, «Қутби ақтоб бирафт»¹ унга таърих бўлди.

Олий мартабали амир Камолуддин Султон Ҳусайн ул ҳазратнинг фарзанди ўрнида эди, у мана бу қитъани (таърих қилиб) айтган:

Он мағфиратпаноҳ ки рафт аз фазои хок,
Он равзатин муқаддастин тоба ҳолуху,

¹ «Қутби ақтоб бирафт» сўзлари тарих моддаси бўлиб, абжад ҳисобида 906 (1501) тенг.

Чун ёфт ки Камол зи ҳайрот дар ҳаёт,
Таърихи фавт гашт «хайрун камолуху».

Мазмуни: маърифат эгаси ер юзидан кетгач, муқаддас жаннатда ҳол-аҳвол яхши бўлди. (Камолотни ҳаёт чоғида ҳайрли ишлари орқали олганлигидан, (унинг) вафоти тарихи «хайрун камолуху»¹ бўлди.

Фасоҳат эгаси ва балоғат манбаи (бўлмиш) жаноб мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро, таъбининг нозиклиги билан ул ҳазрат мулозимлари ичида мумтоз ва мустаснолик шарафига эга эди, мана бу тарихни айтган:

Афсус зи Мири осмон кадр,
К-афтод ниҳоли умраш аз беҳ.
Дар мотами ў чу дида хун мерехт,
«Хун резии дийда» гашт таърих.

Мазмуни: афсуски осмон қадарли Амирнинг умр ниҳоли илдизи билан йиқилди. Унинг мотамида кўз қон тўккани учун «Хунрезии дийда» унга тарих бўлди.

Ул ҳазратга тенгқурлари орасида ортиқ даражада яқинлик билан мумтоз бўлган табиблар сараси мавлоно Дарвеш Али ушбу рубоийни тарих қилиб айтган:

Дар мотами он қудвайи арбоби вусул,
Абнои замон, шоҳу гадо гашта малул.
Ҳижрат ба расул кард он саййиди қавм,
Таърихи вафоти ўст «хижрат ба расул».

Мазмуни:

У ҳаққа етишганлар пешвоси мотами билан, шоҳдан тортиб гадогача барча замон ўғиллари малул бўлдилар. Ул халқ саййиди пайғамбар ҳузурига ҳижрат қилди, шунинг учун унинг вафот тарихи «хижрат ба расул» бўлди.

Фозиллар пешвоси Мир Мунший лақабли Сайид Раҳматулло ул ҳайрот ишлари эгаси Навоийнинг ёшига тақлид қилиб олтмиш иккита тарих топган...

Махфий қолмасинки, бадавлат олиҳазратнинг тарихи ва марсияси ҳақида замон шоирлари ва фозиллари тарафидан жуда кўп қитъа ва қасидалар айтилган. Аммо бу фақир, гап

¹ Бу ерда тарих моддаси «Хайрун камолуху» 906 (1501) га тенг.

чўзилиб кетишидан андиша қилиб, улардан фақат юқоридагиларинигина келтириш билан кифояланиб, китобни қисқартирдим... (122—132-бетлар.)

«ДАСТУР УЛ-ВУЗАРО» ДАН

Хожа Маждуддин Муҳаммад ибн хожа Ғиёсуддин Пираҳмад Ҳавофий. Аъло ҳазрат Султон Хусайн Бойқаронинг аксари аркони давлати ва аъёнлари орасида имтиёзга эга эди... Нужум ва иншо илмларида моҳир киши эди. Ул жаноб Султон Абу Саид мирзо даврида бирмунча вақт муншилик лавозимида турган; Султон Хусайн мирзо салтанатининг аввалларида бирмунча вақт мағфиратнишон шаҳзода мирзо Муҳаммад Султоннинг вазири бўлган ва иззату эътибор топган, лекин ситамкор замон ундан юз ўгириб, уни ўзининг атоёларидан маҳрум қилди, чунки одати шунақа.

Хуллас, ўша кезларда соҳиб девон бўлиб турган хожа Қавомуддин ибн Низомулмулк Ҳавофий ва хожа Афзалуддин Муҳаммад унинг таъриф ва тақсири бобида Султон Хусайн мирзога бир неча сўз етказдилар ва подшоҳнинг ҳукмига биноан амир Бадруддин уни ҳибсга олди... (в. 976—98а.)

Хожа Афзалуддин Муҳаммад Кирмоний. Фазлу камолотининг кўплиги, девон ишларини тартибга келтиришдаги тажрибаси билан бошқа вазирлардан ажралиб турарди, сиёқ илмида шу қадар маҳоратга эга эдики, бунақангисини замон кишиларидан биронтаси тасаввурига ҳам келтиролмайти. Султон Абу Саид замонида вазир хожа Бурҳониддин Абдулмажид билан яқин ва суҳбатдош бўлиб қолди ва унинг воситачилигида подшоҳнинг қутлуғ мажлисига йўл топди ва фаросат эгаси бўлмиш ул подшоҳ унинг юзида етуклик ва олижаноблик асарларини кўриб, ёш бўлишига қарамай, ул жанобни девони олийга ҳисоб-китоб ишларига тайинлади. Мазкур вазир воситачилигида унинг ҳисоб-китоб ишлари бир қадар ривож топди ва хожа Афзалуддин Муҳаммад олий мартабали подшоҳ Султон Хусайн мирзо ҳукмронлиги вақтида унинг назарига манзур бўлди ва 878 (1473) йили вазирлик курсисига ўтказилди. Сармоясининг мўллиги, ишбилармонлиги билан бошқа вазирларни ортада қолдирди, хайру эҳсон эшигини инсон тоифоларининг юзига очди. Ул жаноб қутли илтифотлари жумласидан бири шулки, ҳазрати подшоҳнинг яқин дўсти равшан кўнгилли Амир Алишерга давлатхоҳлик ва ихлосни кўнгил лавҳига нақшла-

гаълигидадир ва кўп вақтлардан бери ул Амирга самимийлик мақомида бўлишидадир. ...Шунга кўра баланд мартабали Амир Алишер ўша осаф сифатли вазир тарбияти хусусида кўп саъйи ҳаракат қилдилар ва ул жанобни мурувват ҳимояси остига олдилар.

892 (1487) йили хожа Маждуддин Муҳаммад подшоҳ Марвда қишлаб қолган чоғи ва соҳиб ихтиёрлик лавозимига етишган вақтда, хожа Афзалуддин узоқни кўзлаб солиқ ундириш баҳонаси билан Астробод вилоятига жўнаб кетди ва кутлуғ сифатлик Амир Алишернинг ҳузурига етишгач, хожа Маждуддиннинг кучайиб кетганлиги, вазирларни сиқштираётганлиги ва ўзининг Астрободга келиш сабабларини арз қилди. Соҳиби тадбир Амир ўз ҳимматини вазир хожа Афзалуддинни кутқаришга қаратди ва хожа Фиёсуддинни элчи қилиб подшоҳ ҳузурига жўнатди ва қандай бўлмасин, қанча оқча кетса ҳам сарфлаб, хожа Маждуддиннинг хожа Афзалуддин борасида қандай фикрда эканлигини аниқлашни буюрди. Хожа Фиёсуддин ўша сафардан қайтгач, хожа Маждуддиннинг хожа Афзалуддинга бўлган даъвоси унинг молу мулкига кўз тикаётганлиги, балки уни нобуд қилмоқчи эканлигини Амир Алишерга маълум қилди. Унинг орқасидан дорулфатҳ Астрободга хожа Афзалуддинни талаб қилиб подшоҳнинг чопари ҳам етиб келди. Ул жаноб хожа Афзалуддиннинг бу ерда қолишига имкони қолмади ва комёб Амирнинг маслаҳати билан Ироқ ва Озарбайжон тарафларига жўнаб кетди. Ўша мамлакат ҳукмдори Яъқуббек хожага тамоми мурувват ҳамда шафқат кўргазди.

Хожа Афзалуддин бир неча кун Табризда истиқомат қилди, сўнг ҳажга бориш ва умумхалқ саййиди Муҳаммад пайгамбарнинг нурга тўла қабрини зиёрат қилишни ихтиёр қилди. Подшоҳ Яъқуббек бунга рози бўлди ва 893 (1488) йили ул жанобни йўл учун зарур нарсалар билан таъминлади. Хожа Афзалуддин имкони борича тезлик билан Маккайи мукаррама ва Мадинайи таййибага жўнаб кетди... Хуросондан ўзи билан нимаики олиб келган бўлса ва Яъқуббек ва аркони давлат унга нима инъом қилган бўлса, уларнинг барчасини ҳаж ва зиёратга сарфлади, сўнг Ироққа қайтиб бир неча йил ўша вилоятда фароғат билан кун кечирди.

903 (1497—98) йили Султон Хусайн мирзо гоҳо уни эсга олиб туриши маълум бўлди. Пок кўнгилли вазир зоти шарифлари билан учрашишга зўр иштиёқ боғлади, ғанимларнинг қўли узун бўлса-да, Ҳиротга жўнаш хаёли унинг хушбўй хотиридан ўтди ва ўша йили бетўхтов пойтахт сари отланди, яшин ва шамол каби йўл босиб тез фурсатда ўзини Боғи Жаҳонорога етказди. Подшоҳнинг аркони

давлати ва аёнлари бу ҳолни кўриб ҳайрон бўлдилар, ҳашаматли Султон баланд даражали вазир билан учрашганидан хурсанд бўлдилар, хожа Низомулмулк ҳамда унинг одамлари ҳамга боғдилар ва хожа Фазлга қарши астойдил бел боғладилар. Лекин Султон ҳазратларининг яқин дўсти Амир Алишер ул жанобни ўз ҳимоясига олганлигидан, ғанимларнинг сўзи ўтмай қолди. Хожа Афзалуддин вазирлик маснадига ўлтирди ва Низомулмулкни четлатишга бел боғлади. Ул жамоа, пешонасига йўқлик ёзилгани сабабли бандга олинди, хожа Афзал бўлса вазирлик мартабасидан юқорилаб, девон бошлиғи мансабига тайинланди, амирлар ва вазирлар орасида мартабаси ошди. Бир неча вақт хизматни яхши ўтагандан сўнг, Султоннинг меҳрибонлик шуъласи яна қайтадан унга тушди ва девони олийнинг бошлиғи лавозимига тайинлади, оёғини юксаклик ва ҳашамат поясига қўйиб, кадрo қиймати Кайвон айвонидан ҳам ўтди. Олампахоҳ даргоҳининг муншийлари, шавкат дастгоҳли боргоҳнинг туғронавислари ул жанобнинг лақабини салтанат ҳамда халифалик асосларининг улуғ нозими, подшоҳликнинг яхши фикр юритувчиси Афзалуддин Муҳаммад... деб ёзадиган бўлдилар.

Унинг оға-инилари ва қариндошлари баъзи шахзодаларнинг хизматида амирлик мартабасига эришдилар, азиз ўғиллари хожа Зиёвуддин Муҳаммад мирзо Музаффар Хусайн ҳузурда баланд мартабага эга бўлди.

Хожа Афзал мансабдорлигининг аввалида бирмунча вақт ўша вақтларда барча амирлардан баланд турган амир Муборизуддин Муҳаммад Валибек билан давлат ишларини биргаликда идора қилди, охирда фасод аҳлининг иғвоси билан ўртага нифоқ тушди. Хожа Афзал амирлик мансабидаги жаноб Муҳаммад Валибекни ҳуқуқсиз қилиб қўйди, бошқа амирлар ва аркони давлат эса у билан ҳамнафас ва ҳамфикр бўлдилар, унинг рост раъйининг розилигисиз бирор ишга тутинмасдилар, улуғ вазирлар унинг олий остонасини мурожаатгоҳ деб билдилар ва ҳар куни мулозамат камарини белга боғлаб итоат мақомида ўлтирардилар. Ул жаноб эртадан то шомгача Боғи Жаҳонорода мақом тутиб, давлатнинг муҳим ишларини бошқарарди, тўғриси, хосу авомнинг даъво ва талабларини қонун ва адолат юзасидан текширарди ва ҳафтада икки кеча ўша боғда бўлиб, фузало ва маволий билан суҳбат қуларди...

Унинг турли иморатлар қуришга майли зўр эди. Мансабдорлиги вақтида пойтахт Ҳиротнинг ташқарисида, Ироқ дарвозаси ёнида хайрли бинолардан жоме масжиди, мадраса ва хонақоҳ қурдирди. Мадраса ва хонақоҳ қурилиши тамомланган куни олий даражали вазирнинг илтимосига кўра,

мирзо Бадиуззамон, мирзо Музаффар Хусайн, шунингдек пойтахт Ҳиротнинг кўпчилик шайхлари, саййидлари ҳамда уламолари ўша ерга ташриф буюрдилар. Ул жаноб уларни пояндоз солиб қутиб олдилар ва пешкашлар инъом қилиб, улуғ нақиблар ва уламодан тўққиз кишини мадраса ва хонақоҳга мударрислик, шайхлик ва воъизлик лавозимига тайин қилди ва уларнинг қобилиятли қоматини олтойи пўстинлар билан безади. Бу маросим саодатёр Султоннинг ҳумоюн мизожига мувофиқ келиб, ул софкўнгил вазирга қимматбаҳо чопон кийгизди. Ул мақтовга сазовор хислатли Хожа Афзалуддиннинг улуғлик ҳамда иззату иқбол мартабаси бениҳоят ортагидан, олий даражали султонни ўз манзилига зиёфатга чақириш, молу мулкидан ниманики лойиқ топса, унга пешкаш қилиш, сўнг дилда борини унга арз қилишга аҳд қилди. Хожанинг бу илтимоси қабул даражасини топди, лекин бу хайрли ишдан аввал ул жанобнинг ҳаёт куёши завола сарҳадига кўчди ва 906 йилнинг ражаб (1501 йилнинг февраль) ойида нотавонликка юз тутди ва фоний дунёдан жовидон оламга кўчди. Бадиуззамон мирзо, Музаффар Хусайн мирзо, барча амирлар, саййидлар ва уламо тезда ҳозир бўлдилар ва унинг тобутини тамоми ҳашамат билан Гозургоҳга олиб бордилар ва тангрининг дўсти хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг ёнига дафн қилдилар... (в.100б—103б.)

«ҲАБИБУС-СИЯР» ДАН

АМИРЛАР, ВАЗИРЛАР ВА САДРЛАР ГУРУҲИНИНГ ҲОҚОНИ МАНСУР (СУЛТОН ХУСАЙН) МУЛОЗАМАТИГА ЕТИШУВИ ВА БАЪЗИ МУҲИМ ДАВЛАТ ИШЛАРИНИНГ САРАНЖОМ ЭТИЛИШИ БАЁНИДА

(Ҳоқоннинг) доруссалтана Ҳиротда муборак тахтга ўлтиргандан¹ сўнг юз берган воқеалардан... бири шу бўлдики, ҳашамат эгаси, тўғри тадбирли, буюк фозиллар мурожаатгоҳи, равшан кўнгилли олим, давлат ва диннинг низоми амир Алишер Султон Аҳмад мирзо қароргоҳини тарк этиб, олий ҳазратнинг (Султон Хусайннинг) ҳузурига етишди, ҳар турли лутфу меҳрибонликлар билан сарфароз этилиб, жаҳонпаноҳ боргоҳнинг хос кишилари қаторидан жой олди. Бу ҳолнинг қисқача тафсили шуки, офтоб ҳашаматли Амирнинг буюк ота-боболари қадимдан мирзо Умаршайх баҳодир ибн Амир Темур кўрагон хонадонининг хос кишилари жумласидан эдилар ва кўкалтошлик мансаби эътибор қалами билан уларнинг хотир лавҳига битилган эди. Ул жаноб

¹ Бу воқеа хижрий 873 йил рамазоннинг 10 (1469 йил 24 март)да содир бўлган.

болалик пайтларидан зафар байроқли хоқоннинг хизматида бўлди, ул ҳазрат Абулқосим Бобурга суҳбатдош бўлиб қолгач, амир Алишер ҳам ул олий даражали подшоҳнинг мулозиматини ихтиёр қилди. Мирзо Бобур вафот этгач, хоқон мансур муқаддас Машҳаддан Марвга келди. Ул пок кўнгилли амир (Алишер) ҳам ўша вилоятга келиб, фазлу камол орттириш билан машғул бўлди. Султон Абу Саид ҳукмронлиги кунлари пойтахт Ҳиротга келди ва бир неча вақт иқболошёнлик остонанинг мулозаматида бўлди, аммо муносиб табаа бўлолмади, бинобарин, Хуросонни тарк этиб Самарқандга келди ва хожа Жалолуддин Фазлуллоҳ Абулайсийнинг хонақоҳига ўринлашди, кўп вақтини мутолаага сарфлаб, баъзида амир Дарвиш Муҳаммад тархон ва Мовароуннаҳр ҳокими амир Аҳмад Хожибекнинг суҳбатида бўлди. Мирзо Султон Аҳмад хоқони мансурнинг Хуросонга юриш қилганини эшитиб, Амуя дарёсидан кечиб ўтганда Амир Алишер қароргоҳда у билан бирга эди. Султон Абу Саид воқеаси ва зафар байроқли хоқоннинг фахрли шаҳар Ҳиротни олганлиги хабари тарқалгандан кейин, амир Хожибекдан ижозат олиб, Ҳиротга жўнади ва ҳайит арафасида хоқоннинг мулозаматига етишди, кўпга чўзилган айрилиқдан сўнг ўз вужуди билан хоқоннинг нурга тўла кўзларини янада равшан қилди, ўз мавқеига яраша подшоҳнинг бениҳоят илтифот ва иноятига мушарраф бўлди ва ҳайит куни наққод табиатининг натижаси бўлмиш ва ҳар бир байти тоза дур ва шоҳвор жавоҳирларнинг рашкини келтирадиган «Ҳилолия» отлиқ қасидасини ҳумоюн базмга тортиқ қилди. Бу ҳол адолат хислатли хоқон эътиқодининг ошишига сабаб бўлди ва фазилат шиорли амирнинг эътибор ва қудрати комкор подшоҳнинг ҳузурда кун сайин ортиб борди (216—217-бетлар).

*ЖАНГДАН ВОЗ КЕЧИШ ВА HOҚОНЛИҚ БАЙРОҒИНИНГ ЖОЖИРМ-
ДАН ҲАРАМНИ РИОЯТ ҚИЛИШ САРИ ЮЗЛАНИШИ БАЁНИДА*

Жожирм хоқони Мансурнинг дабдабали кўнишидан жаннат боғига айланиб, нозир хуррам бўлган кунлари замона бешарм, осмон номуссиз ва ситамкорлик қилиб, мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг Астрободга кираверишда турган амир Ҳасан Шайх Темурни бир зарба билан тор-мор келтирганлиги ва унинг қочиб қалъага кириб яширганлиги, лекин бир неча кундан кейин чиқиб, ўтинч билан шаҳзоданинг (Ёдгор Муҳаммаднинг) этагидан тутганлиги ҳақидаги хабар лашкаргоҳда маълум бўлди. Бу гап кенг тарқалгандан кейин ботир сардорлар таҳамтан хоқоннинг мавкабидан гуруҳ-гуруҳ

бўлиб, душман қароргоҳига қочиб ўта бошладилар. Шунинг учун ҳам он ҳазрат (Султон Ҳусайн) қолган амирларга ишонмай кўйди, ҳарамни риоят қилиб, бир неча кун иқбол ва жанг майдонидан воз кечди, сўнг Жожирмдан кўчиб, бир неча масофани ўтиб Машҳадга келди... у ердан ҳумоюн уғруқ турган Пули хотун тарафга қараб йўл олди.

Ўша манзилга келиб тушилгач, Ҳиротда катта ғавго кўтарилганлиги, тақдир адолатсизлик қилиб, ул диёр халқининг юзига бедодлик эшигини очганлиги хабарий эшитилди. Сўзнинг қисқаси шулки, юқорида зикр этилган воқеа билан бир вақтда хожа Абдулла Аҳзаб хожа Қутбиддин Товус Симноний хусусида ҳазрат хоқонийга нималарнидир етказган ва хожа Товус тафтиш қилиниб ва ҳибсга олиниб 300.000 динор кепакий маблағ тўлаган, хожа Абдулла эса унинг ўрнига девони олийга ўлтирган эди. Ҳиротликлар хоқони мансурнинг адолатли соясидан йироқ бўлган ўша пайтларда давлатнинг муҳим ишларини саранжом қилиш учун Ҳиротда турган хожа Абдулла билан хожа Низомуддин Бахтиёр Симноний ожизлар ва раиятга зулм ўтказди ва мазлумларнинг кўзларида бедодлик оташи ёниб, оҳ-надомат тутуни кўтарилди, раиятнинг аҳволи оғирлашди ва аҳвол шунга бориб етдики, авомуннос хожа Абдулла Шоҳруҳ мирзонинг дорул-адолат аталган хонасида ўлтирган вақтида ҳужум қилиб уни тошбўрон қилдилар. Лекин у қочиб қолди ва мадрасанинг хоналаридан бирида яширинди, сўнг минг ҳийла ишлатиб хавф-хатардан жон сақлаб қолди. Бу хабар Пули хотунга, ҳумоюн арзга етишгач, салтанат ошёнлик остонанинг мулозимларидан бири қатъий ҳукмга биноан шаҳри Ҳиротга чопди ва хожа Абдуллани бандга олиб ҳумоюн ўрдуга олиб келди. Шу воқеадан сўнг яхши хислатли хоқон амир Низомуддин Алишерни зулм қоидаларини бартараф қилиш ва адлу инсоф палосини тўшаш учун Ҳиротга жўнатди. Ҳирот халқига ёзилган мурожаатнома ҳам унинг қўлига топширилди. Амир Алишер ўша фахрли шаҳарга қараб шошилди. Ўзининг туғма одатига кўра, замон етказган жароҳатларга малҳам кўйди, имкони борича мазлумлар ва ситам кўрганларни ўз тарафига оғдириш учун зулму адоват ниҳолини туб томири билан суғуриб ташлади ва ўша фитна нишон фармонни жумъа куни минбардан туриб эълон қилишни буюрди. Шундан кейин халойиқ осойишта ва хотиржам бўлди, «хоқоний давлати узоқ давом этсин, султон ҳазратлари яқин дўстининг мартабаси улуғ бўлсин», деб дуо қилди. Амир Низомуддин Алишер ҳумоюн ўрдуга қайтгач, хожа Низомуддин Бахтиёр ишдан бўшатилди ва ҳибсга олинди, хожа Қутбиддин Товус қайтадан девони олийга бошлиқ қилиб тайинланди (220—221-бетлар).

**ХОҚОНИ МАНСУРНИНГ ДОИМИЙ МАНЗИЛГОҲИ (ҲИРОТ) ТОМОН
ЮРИШИ ВА ФАҲМУ ФАРОСАТЛИ ВА ҲАШАМАТЛИ АМИРЛАР
БИЛАН УТКАЗГАН КЕНГАШИДАН KEYИН ЮЗ БЕРГАН КАРОМАТ
ЗИКРИДА**

Маймана қасабаси муъизз ус-салтана ва хулафо Абулғози Султон Хусайн мирзонинг муборак қадами билан олий жаннат боғининг рашкини келтирган бир пайтда олий мартабали хоқоннинг кулоқларига эшитилдики, мирзо Ёдгор Муҳаммад гурур майининг кайфи билан маст, тинимсиз шароб ичишдан гоҳ масту гоҳ аласт бўлиб, мамлакатни бошқариш мутлақо хаёлига келмас, кўшин тортиб бошқа мамлакатларни бўйсундиришни ўйламас эди. Аъёнларнинг беҳудлигидан Хуросон юртида маишатбозлик кенг тарқалди, аркони давлатининг гумроҳлигидан шарият асослари ва суннат қоидалари бузилишга юз тутди. Зафар байроқли подшоҳ бу аҳволни мушоҳада қилиб, ғалаба ва зафарга умид боғлади ва унинг жаҳонгирлик раъйи тўсатдан Хирот устига юриб, шамолдек тез ҳамла билан душманнинг нифоқ кўчатини таг-томири билан кўпориб ташлашга қарор қилди. Сўнгра, жаҳонпаёноҳ боргоҳнинг эшиклари бошқалар учун ҳамиша ёпиқ бўлган хилват бир хонасида Низомуддин Алишер билан кенгаш очиб, дилидаги баъзи бир фикрларни ўртага ташлади. Ул жаноб (Навоий) таҳсин ва офарин шартларини бажо келтиргач, бу фикрни (ҳозирча) яширин тутишни маслаҳат кўриб, «бу гапларни менга ҳам айтмасангиз яхши бўларди», дедилар. Хоқон мансур сўрадилар: «бу хусусда бу қадар муболаға ва илтимоснинг сабаби нима?» Олижаноб амир жавоб қилдилар: «хатарли бу қадамни ниҳоятда махфий тутмоқ зарур, чунки олий мавқабдан қочиб кетаётган ва мирзо Ёдгор Муҳаммад ҳузурига бораётган одамлар бу тилакдан хабардор бўлиб қолсалар шубҳасиз ҳумоюн юришнинг тафсилотини унга етказдилар. Борди-ю, шаҳзоданинг идрок шўъласи мана шу яширин фикрга тушиб қолгудек бўлса, унда ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик йўлини тутати ва мақсуд маҳсул бермай қўйиши мумкин».

Алқисса, тенги йўқ подшоҳ яхши хислатли амирнинг маслаҳати билан бу фикрни бошқа амирларга маълум қилишдан аввал кўшинни ҳаракатга келтирди ва Майманадан кўчиб Мурғоб дарёси қирғоқлари томон юрди. Маълум масофани босиб, Бўкан деган жойга қўнилгач, олиймақом амирлар ва жам ҳашаматли нўёнларни чонғи мажлисига чақириб, юқоридаги фикрни уларга (ҳам) маълум қилди... Тамом жамоат бир оғиздан хоқоннинг дилидаги юриш хусусидаги фикрга таҳсин ўқидилар, хоҳиш ва иштиёқ билан итоат изҳор этиб, дуо ва ҳамду сано лозиматини бажо келтирдилар.

Душманшиқан хоқон тамом ишонч ва эътиқод билан Бўқандан кўчиб, Сарипули тобон қутлуғ подшоҳнинг ҳашаматли ўнишидан ранг-баранг осмоннинг рашкини келтирди. Ўша манзилда амир Пирмуҳаммад орлот, амир Сорбон, яна бир неча (амир) билан, (подшоҳнинг) қатъий буйруғига биноан, қумоюн уғруқни кўриқлаш ва ҳимоя қилишга тайинландилар. Бошқа амирлар ва аркон давлат (подшоҳнинг) саодатли узангисида тамом журъат билан йўлга чиқдилар (223-бет)

ЗАФАР ОҚИБАТЛИ БАЙРОҚНИНГ ТЕЗЛИК БИЛАН ПОЙТАХТ ХИРОТ ТОМОН КЎТАРИЛИШИ ВА МИРЗО ЁДГОР МУҲАММАДНИНГ ТАНГРИНИНГ ИНОЯТИ ВА ТАҚДИР ТИҒИ БИЛАН ЎЛДИРИЛИШИ БАЁНИ

... Бу воқеанинг шарҳи шулки, ҳазрати хоқонийнинг иқболли хотири куёш мисол комрон мавкабнинг тамоми мулозимлари билан юришга қарор қилгани туфайли, Мурғоб дарёсининг бўйида қурол-яроғни тақсимлаб, етти юз эллик нафар суворийси билан, ҳар бири найзасининг учи билан жабрланганларнинг кафидан тиконни суғуриб олувчи ва комон учининг зарби билан кўзни ёруғ шаҳобга айлантирувчи эдилар... шошилиш билан ўзининг улуг мартабали тахти сари юзланди. Маълум масофани босиб ўтиб, ярим кечада Боғи Работга келиб тушди, эртаси чошгоҳда у ердан чиқиб Бобо Хокий лаңгари томон юзланди... Хоқони мансур тангри таоло ва шайх Бобо Хокийнинг қувватлаши билан олам кезувчи саман отини Ҳаво Даштак тарафга қараб чоптирди, қоронғу тушиши билан Ширим қоровулни «тил» тутиб келиш учун олдинга юборди. Ҳаво Даштак саҳросида намози дигар вақтида мирзо Ёдгор Муҳаммад ҳузуридан келаётган киши қумоюн мавкабга етишди. Уни сўроқ қилиб шу аниқландики, ғолиб давлат душманлари жаҳон кезувчи байроқнинг келаётганидан беҳабар экан. Шунинг учун зафар ҳашаматли хоқон шитоб билан йўл босди. Тўсатдан Ширим қоровул ҳузуридан ишончли бир киши келди ва хабар қилди: «Хиздук чашмасигача бордим, лекин ҳиротликлар юзида гафлат ва гидроксизликдан бошқа аломат кўрмадим». Ўша кеча сешанба сафар ойининг 23 (1470 йил 22 август) да, ой чиққан вақт эди. Офтоб сифат байроқнинг моҳчаси Хиздук чашмаси томон кўтарилди ва ўша манзилда нусратпаноҳ сипоҳ жиба кийиб, жангга ҳозир бўлдилар ва қатъий фармойишга биноан амир Музаффар барлос, шайх Абу Саидхон дармиён, Иброҳим барлос ҳамда Дарвиш Али орлот 150 шижоатли йигит билан Боғи Зоғоннинг катта дарвозасини очиш учун олдинга юборилди. Ҳожи Муҳаммад Хусрав забонгирнинг маслаҳати билан (юқорида номлари зикр этилган) амирлар кетидан бориб, Боғи Зоғон

ёнидан қайтди ва мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг гафлат уйқусида ётганлигини хабар қилди. Хоқони мансур бу хабарни эшитиб севинди ва хиёбон кўчаси бўйлаб шитоб билан ҳаракат қилди. Аллома Розий мазорига етгач, Кичик мирзони амир Музаффар барлосга кўмакка юборди, Дўланг ўзбек ҳамда Султонхожа ўзбекни, ўзбек жамоасига кўшиб, ўша боғнинг мархума маҳд улё Гавҳаршод мадрасаси билан туташ бўлган дарвозасига юборди, мирзо Султон Аҳмадни бошқа гуруҳ билан боғнинг тоқ ўтган шайх хожа Абулвалид Аҳмад мазори тарафидаги дарвозасига юборди, амир Носируддин Абдухлоқ ва амир Валибекни Амир Али жалоирнинг манзилгоҳи бўлган Амир Фирузшоҳнинг уйига йўллади, хоқоннинг ўзи эса саксон нафар қиёмат асар аскар билан амир Музаффар барлоснинг кетидан жўнади.

Йўл ўртасида Ёдгор мирохур Амир Музаффар барлос хузуридан келиб улуг амирлар Боғи Зоғоннинг дарвозасини давлат душманларининг иморатидек синдириб боққа кирганликларини хабар қилди. Шунинг учун ҳам ул ҳазрат тез парвоз қилувчи лочин каби Боғи Зоғонга отилди ва саман отнинг жilовини Ёдгор Муҳаммад ухлаб ётган Боғи Шимол тарафга бурди. Баъзи хос кишиларига имо билан боғдаги кўшк атрофида тикилган чодирни кўрсатди ва кириб у ерда ким бўлмасин олиб чиқишни буюрди. Ҳазрати султоннинг яқин дўсти амир Алишер мардлик кўрсатди ва навқари Бобо Алини чодирга юборди. У эҳтиёткорлик билан чодирга кириб чиқди ва у ерда ҳеч кимса йўқлигини айтди. Шу пайтнинг ўзида хоқон мансур кўшкни ўраб олиб, ҳумоюн мавқабнинг мулозимларини қаср тепасига чиқишни буюрди, лекин ҳеч кимдан садо чиқмади, чунки уларнинг дилини ваҳима босган эди. Пировардида Амир Низомуддин Алишер хоқондан ижозат сўради, отини Бобо Алига топширди ва қиличини ғилофдан суғуриб, унга асо ўрнида таянганича яширин бир йўл орқали қасрга чиқди. Музаффар нишон хоқон Амир Қул Алини унинг орқасидан юборди. Шу аҳвол асносида меҳтар Исмоил фаррош даста-даста шам билан боғдан чиқиб қолди ва ҳаммаёқни равшан қилиб, хоқонни боққа бошлаб кирди. Шу сабабдан, ҳумоюн мавқаб мулозимларининг давлат чироғи ёнди, душман ҳаётининг хирмани эса куйди. Бахтли вақтда ўша қасрга кирдилар. Хожи Али пиёда мирзо Ёдгор Муҳаммадни ноз уйқудалигида кўлга олди. Амир Қул Али шаҳзодани ундан тортиб олди ва амир Алишер кўтарилган йўл билан пастга йўналди ва уни (мирзо Ёдгор Муҳаммадни) олийшон подшоҳнинг хузурига олиб борди...

Хоқони Мансур ўзига хос туғма марҳамат туфайли мирзо Ёдгор Муҳаммад билан гаплашмоқчи ва унинг қонидан кеч-

моқчи бўлди. Лекин улуғ амирлар унинг бақо уйидан фано оламига жўнатилишини талаб қилганлари учун подшоҳ бунга қарши туролмади... (223—225-бетлар.)

БАЪЗИ АРКОНИ ДАВЛАТНИНГ САРФАРОЗ ҚИЛИНИШИ ЗИКРИДА

Жаҳонгир подшоҳнинг фикри ҳамиша хайр-саховатларга тартиб берувчи, жамоат фойдаланадиган иморатларни бунёд қилувчи, латиф таъби ва соф кўнгиллиги билан тенги йўқ амир Алишерни олий мартабага кўтаришга қаратилган эди, салтанат ва подшоҳлиги тонгги аввалидан катта қутлуғ муҳрни ул жанобнинг кўлига топшириб қўйди. Амир Низомуддин Алишер бир неча вақт муҳрдорлик вазифасида тургандан кейин бу мансабдан истеъфога чиқди ва амир Низомуддин Шайх Аҳмад Сухайлийни муҳрдор қилиб тайинлашни подшоҳдан илтимос қилди. Хоқони Мансур бу илтимосни қабул қилиб, 876 йилнинг шаъбон (1472 йилнинг январь) ойида банданавоз подшоҳ эъзозлаш лозим бўлган амир Навоийни юқори мансабга, девони олий амирлиги мансабига тайинламоқчи бўлди. Амир Низомуддин Алишер бошда бу мансабни қабул қилмади ва дедики, «мен ҳозирда нилуфар остонанинг ичкилари жирғасида ўлтирибман, мансаб эгаси эмасман, лекин осмон ҳашаматли тахтга бошқа улуғ амирлардан кўра яқинроқман. Борди-ю, амирлик мансабига эга бўладиган бўлсам муқаррарки, мавжуд турага биноан баъзи барлос ва орлот амирлар мендан юқори ўтирадиган бўлади, бас шундай экан, амирлик мартабасига кафиллик қилиш менинг мартабамни пасайтиради». Хоқони Мансур бу узрни қабул қилмади ва «олий даражали амирлардан амир Музаффар барлосдан бошқа ҳеч ким амир Алишердан аввал муҳр босмасин», деган ҳуҷумоюн ҳукм эълон қилинди.

Шундан кейин султон ҳазратларининг яқин дўсти хоқоннинг муносиб хоҳишига биноан девони олий амирлиги мансабини эгаллади ва тиллобоф жубба ҳамда кулоҳи наврўзий билан сарафроз этилди... (230—231-бетлар.)

ҚУЁШДАЙ ТОБЛАНУВЧИ БАЙРОҚЛАРНИНГ АҲМАД МУШТОҚ ФИТНАСИ ВА ФАСОДИНИ ДАФ ЭТИШ УЧУН БАЛХ ТОМОН КЎТАРИЛИШИ БАЁНИ

Аҳмад Муштоқ бир қанча вақт куббат ул ислом Балхни идора қилгандан кейин, унинг димоғини такаббурлик буғи эгаллади, мустақиллик режаларини тузди, тамоми жидду жаҳд билан тескарилик ва саркашлик йўлини тутиб, Султон Аҳмад

ва Султон Маҳмуд мирзолар хузурига элчи юбориб, ўзини уларнинг хайрихоҳлари қаторига қўйди. Бу хабар пойтахт Ҳиротга ёйилгач, хоқоннинг жаҳон очувчи раъйи Аҳмад Муштоқни усталик билан Балхдан чиқариб олиш ва у вилоятнинг инон-ихтиёрини қайта унга бермасликка майл қилди. Шунинг учун амир Абдулхолиқни жами сардорлар билан қуббат ул-ислом тарафга жўнатди ва унга ўша шаҳарга кириш билан «бизни Мовароуннаҳр лашкари мабодо Амудан кечиб ўтган тақдирда уни даф этишда ёрдам бериш учун юборди, деб Аҳмад Муштоқни ишонтириш лозим, Аҳмад Муштоқ хотиржам бўлгач, фурсатдан фойдаланиб уни ҳибсга олинсин», деб буюрилди... Аҳмад Муштоқ унинг хатти-харакатини, келишдан мақсади нима эканлигини фаҳмлаб қолди... Амир Абдулхолиқ олий тахт пойига қайтгач, Аҳмад Муштоқдан нимани эшитган ва Балхда кўрган-билганларини баён қилди.

Хоқони Мансур «Аҳмад Муштоқ тўғри йўл кўрсатувчининг (тангрининг) далолати билан шояд хилоф ва нифоқ йўлидан вафодорлик ва мувофиқлик йўлига ўтар», деб бир неча кун унинг йўлига интизор кўзларини тикиб турди. Лекин ваъдага вафо қилмагач, олий хотиридан унинг жазосини бериш фикри ўтди ва зафар нишонли байроқни қуббат ул-ислом Балхни истило қилиш учун кўтарди. Салтанат ва подшоҳликнинг кўз қорачиғи мирзо Бадиуззамонни пойтахт Ҳирот ҳукуматига тайин қилди, амир Мўғулни шаҳзоданинг мулозаматида қолдирди.

Аҳмад Муштоқ хоқоннинг келаётганидан хабар топиб Балхнинг бурж ва бораларини мустаҳкамлади, қаршилик кўрсатишга қарор қилди, қамар сайрли элчиларни Султон Аҳмад мирзо ва Султон Маҳмуд мирзо хузурига юбориб, улардан ёрдам сўради. Ул икки олий даражали подшоҳ Балхни эгаллаш фикри билан Аҳмад Муштоққа ёрдам бердилар. Султон Маҳмуд шахсан Аму дарё қирғоқларига қараб қўшин тортди, Султон Аҳмад мирзо эса, айтилишича ўша вақтда, гарчи ўзи келмаса ҳам, аммо Самарқанд лашкарини амирлар бошчилигида Балх томонга юборди.

Нусрат бўйли хоқон байроғининг моҳчаси Балх атрофларини нурга тўлдиргандан ва Аҳмад Муштоқнинг исёни таҳқиқ қилингандан кейин, зафарёр хоқон... қамал ва жанг қилиш ҳақида фармон берди. Шаҳар атрофи амирлар ўртасида тақсим қилиниб, ҳар бир амир ўз мурчалига кўнди. Машриқ ва мағрибнинг ҳукмдори (Султон Ҳусайн) Шоҳ Ҳусайн буржи рўбарўсига жойлашди, султон ҳазратларининг яқин дўсти амир Алишер Ширхор дарвозасини аскаргоҳ қилди. Бошқа амирлар, аркони давлат ва Миррих савлатли аскарлар осмон савлатли қалъани марказ қилиб ўртага олдилар, хандақ

сувини бошқа тарафга ташлаб, уни шох, кашак ва тупрок билан тўлдиришга киришдилар...

Алқисса, Балх шаҳари ва қалъасининг мустаҳкамлиги, захирасининг мўллиги сабабдан қамал муддати уч-тўрт ойга чўзилди, кўпинча эрта тонгдан то шомгача жангу жадал билан машғул бўлиб, «хушёр бўл!» деган наъра Кайвон айвонидан ҳам ўтди... Шу вақтнинг ўзида, қамал вақтининг чўзилиб кетиши натижасида олий ўрдада қаҳатчилик бошланди, сипоҳийларда қимирлашга мажол қолмади, юришга имкони бўлган кишилар қоча бошладилар, чунончи, зафар нисбатлик узанги мулозаматида икки мингдан ортиқ одам қолмади. Амир Музаффар барлоснинг Амударё бўйидан зафар ворис мавкабга келганидан кейин «Низомуддин Алишер доруссалтана Ҳиротга бориб, Хуросон вилоятидан имкони борича галла тўплаб ўрдуга юборсин», деган катъий фармойиш берилди. Ул жаноб фармойишга биноан икки-уч минг харвор галла тўплади ва кўчманчи арабларнинг туяларини кира қилиб ортиб Балхга юборди.

Амир Алишер Ҳиротда эканлигида Темурий шаҳзодаларидан ҳисобланган мирзо Абулхайр исён кўтарди ва Ҳиротдан қочди. Султон ҳазратларининг яқин дўсти уни таъқиб қилиб, тангрининг инояти билан, қўлга туширди ва Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйди. (232—234-бетлар.)

БАЪЗИ ВОҚЕАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА БАЪНИ

Мақтовга муносиб хоқоннинг муаттар хотири Балхни олишдан фориг бўлгандан кейин, ўша мамлакат ҳукуматининг ихтиёрини бахтиёр подшоҳ мирзо Бойқаро ихтиёрига топширди. Ул жаноб шошилинч равишда ўша тарафга жўнади, амир Музаффар барлос эса осмон пойдеворлик останага қайтди... (235-бет.)

МИРЗО МУЗАФФАРУДДИН АБУБАКРНИНГ ҲИЙЛАКОРЛИГИ ВА ЎЛДИРИЛИШИНING БАЪНИ

Мирзо Музаффаруддин Абубакр Фарёб манзилида комёб хоқоннинг зафар нишонли узангисидан орқада қолиб, Хисори Шодмон тарафга шошилди ва ўша вилоят халқининг молу мулкига қўл чўзди¹. Мирзо Султон Маҳмуд хоқон мавкабидан

¹ Бу воқеа 875 (1470) йил ёзида содир бўлган.

қайтгач,² унга дош беролмай Бадахшон Кўҳистонига қочди. У ердан лашкар тўплаб Хуросонга қараб юрди ва Марви Шохжаҳонга борди. Бу хабар яхши хислатли хоқонга етгач, амир Носируддин Абдулхолик Фирузшоҳ, Муъиззуддин ясовул ва амир Аҳмад Ёрийни минг нафар урушқоқ йигит билан шаҳзодани даф қилиш учун юборди. Мирзо Абубакр ўша лашкардан енгилиб, Марздан Балх тарафга қочди, у ердан Кобил орқали Сеистонга, у ердан Кирмонга борди ва уни тўрт тарафдан ўраб олди... Кирмон доруғаси Алихон мирзо шаҳарни ташлаб қочди, мирзо Абубакр шаҳарга кириб олди ва бир неча ой айшу ишрат билан кун кечирди. Ҳар иккала Ироқ ва Озарбайжон подшоси бу воқеадан хабар топиши билан, бояндур амирлардан бири бошчилигида Кирмонни озод қилиш учун қўшин юборди. Шаҳзода (Абубакр) улар билан олишишга қуввати келмай, яна Сеистон тарафга жўнади ва бу ерга келгач, хоқони мансур ҳазратларининг бод касалига мубтало бўлиб қолганини эшитиб, Байрамбек, Пир Али туркман ва бошқа амир ҳамда лашкари-ни тўплаб доруссалтана Ҳиротга қараб юрди... Хоқони мансур бундан вокиф бўлиб, касали оғир бўлишига қарамай, миҳофага ўтирди ва ўша вақтда иқбол ошёнлик остонада турган беш юз нафар ботир йигити билан... Исфазор қасабаси томон йўналди... Мирзо Абубакр ҳумоюн мавкабнинг келаётганидан хабар топиб, зўр таҳлика остида Хофдан Астрободга қараб қочди... Гўргон дарёси ёқасига борди, санокли кишилари билан дарёдан ўтди... Хоқон қўшинининг илғор қисми ҳам дарё бўйига етиб келди... Биринчи бўлиб Амир Али мирохўр, Палангпўш баҳодир, Шайхим Эл ўғли, Ёрмуҳаммад Сориқ Чўли сувдан кечиб ўтдилар. Улардан кейин осмон мартабалик мавкаб ҳам ўтди. Мирзо Абубакр... чекинишга мажбур бўлди... Деҳистонга қочди ва калонтарнинг уйига келиб тушди ва бало гирдобидан қутулмоқчи бўлиб ундан от сўради. Калонтар қабул бармоғини кўзларига суриб, ул жанобни хотиржам қилди... сўнг ўша соатдаёқ олий тахт поясига шошилди ва бориб комёб наввобга бор аҳволни арз қилди. Хоқони мансур Қанбар Али жаллодни барча жасур кишиларга қўшиб мирзо Абубакрни тутиб келиш учун юборди. У тоифа Деҳистонга қараб шошилди... ва 884 йил ражаб ойининг охири (1479 йил 17 октябр) да ул жанобни тутиб, унинг ҳаёт ипини ўткир тиг билан кесдилар. Қосим Абдулазиз ҳумоюн

² Султон Хусайн Балхни ололмагандан кейин Фарёбга қайтишга мажбур бўлди, Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд буни эшитиб Амударёдан кечиб ўтдилар, лекин Аҳмад Мушток уларга ҳам шаҳар дарвовасини очмади. Шундан кейин Султон Хусайннинг орқасидан Фарёбга келдилар «Ҳабиб ус-сияр», т. Ш, 3-қисм, 234—235-бетлар.

ҳукмга биноан мирзо Абубакрнинг бошини Ҳиротга олиб бориб, юртнинг ташвишланиб турган барча катта-кичик халқи кўнглини бу андишадан фориғ қилди. Ўша вақтда шаҳар ҳокими бўлиб турган амир Алишер бу хабардан ҳаяжонга келди (236—237-бетлар).

АСТРОБОД ВИЛОЯТИНИ СУЛТОН ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ЯҚИН ДЎСТИГА ТОПШИРИЛИШИ ВА ХОЖА МАЖДУДДИН-МУҲАММАДНИНГ ИККИНЧИ БОР ТАРБИЯТ ТОПИШИ БАЁНИ

892 йилнинг қиш фасли (1487 йилнинг январь-февраль ойлари) да олий макон ҳоқон Марви Шоҳижаҳонда қишлаб турганда, унинг мамлакатга оро берувчи раъйи амир Валибекнинг вафотидан кейин Журжонда ҳоким бўлиб турган амир Мўғулни пойтахтга хизматга чақириб олиш, султон ҳазратларининг яқин дўсти Низомуддин Алишерни дорулфатҳ Астрободнинг ҳокимлиги билан сарафроз қилишга майл қилди, равшан дилидаги сирни тўғри тадбирли амир олдида ўртага қўйганда, тангрига шукрим, аввал тариқат сулукига муҳаббати ортиқлигидан муаттар хотирига ҳоконийнинг муҳим ишларига кафил бўла олиши ва бу амрни қабул қилиши хусусида оғиз очмади. Лекин ҳоқон ўтиниб сўрагандан ва муболағадан кейин рози бўлди. Олампаноҳ даргоҳнинг мулозимларидан амир Низомуддин Бобо Али ва амир Бадруддинни бирга олиб кетди. Амир Алишер Астрободга яқинлашиши билан амир Мўғул шаҳарни (Журжонни) бўшатиб чиқди ва азимат байроғини Марвга қараб кўтарди. Адолат хислатли Амирнинг ҳашаматли келиши билан Астробод гулзорлари эрам гулистонининг рашкини келтирадиган бўлди, саййидлар, уламо, шарофатли кишилар фахрландилар, раият ва дехқонлар ушбу адолат ва инсоф нури билан зулму истибдоддан нажот топиб амну омонлик тўшагида роҳат топдилар. Мозандарон, Рустамдор ва Ғилоң вилоятларининг ҳокимлари ул жанобнинг ҳукумат тепасига келганлиги хабарини эшитиб, бўйинларини итоат ҳалқасига солдилар ва Астрободга элчилар юбордилар, муносиб тухфалар ва табриклар юбориб, ихлос жавоҳирларини арз товоқларида олиб келдилар, балки Астробод ўша улкан ҳашаматли Амирнинг иззатли маскани бўлган ўша вилоятларда олий даражали подшоҳ ва адолатпаноҳ ҳоқон Султон Яъқуб мирзо бори неча бор ул жаноб ҳузурига фахрли чопонлар ҳамда мўл-қўл тансуқ моллар билан сўзамол, ишончли кишиларини юборган ва илтифотли фармонлар ҳамда марҳаматли ёрликлар йўллаб, камоли муҳаббат ва дўстлик туйғуларини изҳор қилдилар. Султон ҳазратлари-

нинг яқин дўсти тамом мамлакатлар ҳукмдорларининг эдчиларига от, зар ва фахрли чопонлар совға қилди, ўзининг муносиб ҳимматини баланд қилиб, султон Яъқуб мирзо ҳамда Филон, Рустамдор ва Мозандарон ҳокимлари учун подшоҳона пешкашлар юборди, бениҳоят давлатмандлиги, сарафрозлиги, адолатлилиги, раиятпарварлиги билан мамлакат тепасида тамкин бўлди. Нақобат куббалик, фазилатпаноҳ жаноб амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ адолат дастгоҳлик Амирнинг ҳукумат тепасига келиши тарихини мана бу қитъада баён қилган: Он амир Алишер, ки дорад авсаф бирун зи-ҳадди тақрир, Чун кард қабул боз аморат таърих шудаш аморати мир.¹

Яна ҳоқони Мансур Марв вилоятини ўзининг қувончга тўла фароғати нури билан равшан қилган ўша қиш фаслида хожа Маждуддин Муҳаммад иккинчи бор ноиблик курсисига ўтирди ва эътибор ҳамда ихтиёр байроғини қўлга олди. Бу воқеанинг муфассал тафсили куйидагича: кунлардан бир куни хожа Қавомуддин Низомулмулк ва хожа Афзалуддин Муҳаммад баъзи кишиларни васвасага солиб, подшоҳга хожа Маждуддин ҳақида баъзи гапларни айтишга даъват қилдилар. Натижада ул жаноб аксарий мансаблардан четлатилиб, тўққиз йил мобайнида амир Муҳаммад тўшакчи билан бирга парвоначи бўлди, султонликнинг қолган ишларига яқинлаштирилмади. Ўша вақтларда хоқон ҳазратлари бир неча бор ўша баланд мартабали хожанинг бошини силамоқчи бўлди. Бироқ, амир Алишер бунга розилик бермагани учун соҳиб девонлик ишларининг ихтиёр тизгини хожа Низомулмулк ва хожа Афзалнинг иқтидорлик қўлида қолаверди. Султон ҳазратларининг яқин дўсти хоқоний мавқаб мулозаматидан узоқлашиб, Астробод тарафга юз тутгандан кейин, банданавоз хоқоннинг равшан хотири хожа Маждуддин Муҳаммаднинг яна баланд мартаба ҳамда юқори мансаблар билан сарафроз қилишга қарор берди. Иттифоқо, бу андиша имкониятга яраша амалга ошгандан кейин, хоқон ҳазратлари хожа Маждуддин жаҳонбонлик тахти поясида турган пайтда хожа Низомулмулк ва хожа Афзалга давлат эҳтиёжи учун икки туман кепакий маблағ топиб келишларини буюрди. Ҳар икки вазир лозим бўлса-да, бу гапга жавоб қайтармадилар. Улар боргоҳдан чиққанларида хожа Маждуддин Муҳаммад мададкор подшоҳ олдида тиз чўкиб деди: «агар олий ҳазратлари икки туман маблағга зорикқан бўлсалар, уни ҳар йили девон молидан кўпини тасарруф қилиб турган иккала хожа зиммасига юкласалар, икки туман маблағ нима

¹ Таърих моддаси «аморати мир» сўзлари бўлиб, ҳарфлари қиммати абجد ҳисобида 892 (1487 йил) га тенг.

деган гап, уни шу ондаёқ топиб берадилар». Хоқони мансур бу гапни эшитиб ҳушёр тортди ва тамоми ҳимматини хожа Маждуддин тарбиятига қаратди, эртаси куни унинг қобилиятли қоматини қимматбахо чопон билан безаб, илгаригидек, подшоҳнинг қутлуғ фармонлари устига тавки босиш, аризаларга жавоб ёзиш, арз-додга келувчиларнинг ишлари билан машғул бўлиш хожа Маждуддин Муҳаммадга берилиши ҳамда «амирлар, садрлар, вазирлар, ичкилар, подшоҳнинг яқин кишиларидан биронтаси мамлакатнинг муҳим ишлари борасида ул жаноб билан келишмай иш тутмасинлар, унинг савобнамо раъйини султонликнинг тамоми муҳим ишлари, девони саркорнинг жами ишларини саранжом этишда асос тутсинлар», деган қатъий фармойиши бўлди. Салтанат ошён салтанатнинг муншийларига подшоҳнинг олий фармонларида олий насабли хожанинг номига «салтанатнинг эътимодли ва мамлакатнинг ишончли кишиси» сўзларини қўшиб ёзишга қарор қилинди...

Хоқони мансур киш фаслини Марви Шоҳижаҳонда охирига етказгач, офтоб каби ўзининг шарафли уйига қайтишга майл қилди, доруссалтана Ҳиротга қараб йўл олди. Ўша пайтда хожа Афзалуддин Муҳаммад фаросат нури билан англадики, яқин-орада хожа Маждуддин Муҳаммад ундан интиқом олишга тутунади, уни ҳибсга олиб, молу мулкани мусодара қилиши мумкин. Шунинг учун ўзининг ихлосмандлигини тадбир андишаси қилиб, ул жанобга: «Агар маслаҳат кўрсалар банда Астробод саркорлигига борсам, солиқ ва жарималарни ҳисоб-китоб қилиб, боқимандани ундириб мамлакат хазинасига олиб келсам»,— деди. Хожа Маждуддин, башарти хожа Афзал ғойиб бўлса, унинг айбларини олийгуҳар хоқонга тушунтириш осон бўлишини мулоҳаза қилиб, унга ижозат берди. Хожа Афзалуддин Муҳаммад камон уйдан учирилган ўқ каби Астробод сари шошилди.

Баланд мартабалик ул хожа Афзалуддин йўқлигида хожа Маждуддиннинг баланд мартабали юлдузи камолот даражасига кўтарилиб, жами садрлар, вазирлар, аксар нўёнлар ҳамда амирлар ул олий гуҳар хожа мулозаматида бел боғлаб турдилар... Салтанатнинг эътимодли кишиси... ўтакетган тундфеъл, дағал сўз одам эди, арзимас нарсага қизишиб, тамом мизожини ғазаб истило қилиб, оғзидан фаҳш ҳамда дашном сўзлари чиқарди. Амирлар ва аркони давлатни ҳамиша ёмон сўзлар билан ҳақорат қиларди... Амирларнинг кўпчилиги адоват камарини жон белларига боғладилар, муқаррар ҳамда узр пистирмасида пайт пойлаб турдилар. Ул жаноб (Маждуддин Муҳаммад) уч йил тамоми ихтиёр, эътибор ва мустақиллик билан кун кечиргандан кейин, жазога тортилиб ҳамда таъқиб

остига олиниб, Хуросондан қочиб кетди ва муборак Макка йўлида дардга чалиниб, оламдан ўтди. (243—245-бетлар.)

ХОЖА АФЗЛУДДИН МУҲАММАДНИНГ ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОН ТАРАФИГА ЖЎНАШИ, АМИР НИЗОМУДДИН АЛИШЕРНИНГ ОЛИЙШОН ҲОҚОННИНГ МУЛОЗАМАТИГА ҚАЙТИБ КЕЛИШИНИНГ БАЁНИ

Амир Афзалуддин Муҳаммад бир неча ой Астробод вилоятида Амир Низомуддин Алишернинг иноят ва риояти остида роҳат ва фароғат билан кун кечирди. Хожа Маждуддин Муҳаммад эса кўп камчиликлари ва нуқсонларини айтиб хоқони Мансурни унга тескари қилиб, уни талаб қилиб дорулфатҳ Астрободга олий фармон юборгани сабабли хожа Афзал англадики, бордию юксак тахт поясига қайтиб борадиган бўлса, хожа Маждуддин Муҳаммаднинг чакуви натижасида хоқоннинг ғазаб ўти аланга олиб, унинг ҳаёт хирмонини ёндириб юбориши мумкин. Шунинг учун ноилож чора қидирди, фикрлаш ва мулоҳазадан сўнг, амир Алишернинг маъқуллаши билан, Ироқ ва Озарбайжонга қараб жўнади, манзил ва бекатларни босиб ўтиб, мирзо Султон Яъқуб мулозаматиغا мушарраф бўлди, унинг инъому эҳсонларига кўмилди, у савобнамолик кўрсатиб, ҳаж карвонини ҳозирлаб берди. Шу туфайли ҳаж қилиш ҳамда халқлар сараси (Муҳаммад пайғамбар) нинг нурга тўла қабрини зиёрат қилиш саодатини эришди. Мурод ва мақсади ҳосил бўлиб, Ироқ ва Озарбайжонга қайтди.

Лекин Амир Низомуддин Алишер Журжонда мамлака ишларини бир йил муддат идора қилгандан кейин, хотирини кўп хурматли хоқонга мулозамат қилиш истаги чулғаб олди ва истихорадан сўнг амир Бадруддинни Астрободда ўрнига қолдириб, доруссалтана Ҳирот сари отланди ва жам иқтидор хоқоннинг кўзларини нурлантириб, ўша вилоят ҳокимлигини аркони давлатидан биронтасига топширишни ундан илтимос қилди. Он ҳазрат бунга қадар мулозамат шарафидан бебаҳра бўлмагани учун олиҳазрат бу илтимосни ризо қулоғи билан тингламади, орадан бир неча кун ўтгандан кейин Султон ҳазратларининг яқин дўстига Астрободга қайтишга ижозат берди. Ул жаноб (амир Алишер) яна бир неча ойни Астробод мамлакатаида ўтказди, сўнг амир Ҳайдарни баъзи давлат ишлари билан осмон ҳашаматли пойтахтга жўнатди. Мир Ҳайдар савдойиликдан тўла баҳраманд одам эди, ана шу савдойиликка шароб кайфи кўшилиб кетган бир вақтда бундай деди: «Султон ҳазратларининг яқин дўсти хилофот ошёнлик остона-

нинг мулозимлари Кокилий баковулга унинг овқатига захар кўшиб беришни тайинлаганларини эшитган эдилар, шунинг учун каттиқ ваҳимага тушиб қолганлар ва подшоҳга душманлик андишасини кўнгул саҳифасига тадбир қалами билан ёзганлар». Хоқони Мансур бу гапларни эшитиб, изтиробга тушдилар ва чақмоқ ва шамолдек тез елувчи элчини олий манзиллик Амирни овунтирадиған ҳумоюн нишон билан Астрободга юбордилар ва ўша нишонда қасамёд қилиб дедиларки: «Бу хусусда ул жанобнинг таъби шарифларига нимаики етган бўлса ҳақиқатдан йироқдир ва ҳаргиз бунақа фикрни шарофатли хотирларига келтирмасинлар». Султоннинг чопари амир Алишернинг ҳузурига етиб келиб, ўша нишонни топширгандан кейин, султон ҳазратларининг яқин дўсти ҳайрат денгизига чўмдилар, чунки ўша гап-сўздан тамом беҳабар эдилар; олампаноҳ боргоҳни эҳром қилишга отланди ва ўн-ўн икки кундан кейин Астрободдан Ҳиротга етиб келди, подшоҳнинг этагини ўпиш саодатига етишиб, унга арз қилди: «Амир Ҳайдар айтган гапларнинг ҳаммаси ёлғон ва ўтакетган бўҳтондир, мен ҳеч қачон бунақа гапларни эшитган эмасман». Бинобарин, амир Ҳайдар жазога тортилди ва ҳибсга олинди, амир Алишер эса Астробод ҳокимлиги ва ҳукумат ишларига кафил бўлишдан тамом истеъфо берилишини ўтиниб сўради. Хоқони Мансур мақтовга сазовор Амирнинг дилидагини мулоҳаза қилиб кўриб, унинг илтимосини қабул қилди. Султон ҳазратларининг яқин дўсти ўз ватанида кўнгил хотиржамлик билан ўрнашди. Амирлик мансабини тарк этгани учун унинг мартабаси, ҳурмати, эътибори кун сайин ошиб борди. Аҳвол шунгача бориб етдики, хоқони Мансур хатларида ул жанобнинг лақабларини мана бундай атадилар: «Жаноб ҳидоят эгаси, шароф ва ҳурмат мурожаатгоҳи, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат дўстларининг йўлбошчиси, ҳайрат муассиси, хайр-эҳсон манзилгоҳи, салтанат рукни, мамлакат таянчи, хоқоний давлатининг етакчиси, султон ҳазратларининг яқин дўсти, адлу адолат, ҳақиқат ва диннинг низоми амир Алишер...»

Алқисса, амир Алишер Астробод ҳокимлигидан истеъфо бергач, амир Мўғул яна ўша мамлакатни идора қилиш учун юборилди (245—246-бетлар).

АМИР МЎҒУЛНИНГ ИСБН ВА НИФОҚЛИК ВОДИЙСИГА ҚАДАМ БОСИШИ ВА УНИНГ ИРОҚДА СЎФИ ҲАЛИЛНИНГ ИШОРАТИ БИЛАН УЛДИРИЛИШИ БАЁНИ

... Амир Мўғул Журжонда ҳоким бўлиб ўтирган вақтда **895 (1490)** йили ҳумоюн фармойишга кўра, Мозандарон

вилояти ақобирларининг мурожаатгоҳи ва қиблагоҳи олийнишон, улуғлар ва аёнларининг ифтихори, миллату диннинг фахри хожа Маждуддин битикчи тезлик билан халифалик пойтахтига чақирилди. Номи зикр этилган хожа итоаткорлик билан доруссалтана Ҳиротга келгандан сўнг, баъзи ярамас шахсларнинг чақуви билан Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилди. Шу ондаёқ олий даражали ҳоконнинг амир Муҳаммад Амин Аббосий, амир Султон Аҳмад ва амир Дарвиш Муҳаммад сувчи тезлик билан Астрободга бориб, хожа Маждуддин битикчининг мол-мулкни қўлга олиш, ул жанобнинг болалари, авлодини ҳам ҳибсга олиш ҳақида фармойиши эълон қилинди. Юқорида номи тилга олинган улуғ амирлар Журжонга келдилар. Амир Мўғул икки-уч кун бу ишда улар билан ҳамжиҳат бўлди, лекин пировардида нафсоний ҳаёллар ва шайтоннинг васвасаси билан итоатсизлик ва исён йўлини тутди, хожа Шамсуддин битикчи ва хожа Фаҳруддиннинг бошқа авлоди ва қариндошлари билан бирикди, банд этилганларни озод қилиб, фитна-фасод эшикларини очди, 84 ёшдан ошган олижаноб, саёдат маоб, нақиблар гумбази, саййид Камолуддин Ажални... аввал ҳажга боришга ижозат берди сўнг шаҳид қилди. Амир Низомуддин Алишернинг соҳиб девони бўлган ва унинг Астрободдаги хос саркорлигини бошқариб турган хожа Шамсуддинни ҳам саййид Камолуддин Ажалнинг кетидан охиратга юборди. Амир Муҳаммад Амин ва унинг дўстлари юз берган аҳволни мушоҳада қилиб, дорулфатҳ Асторободдан доруссалтана Ҳиротга жўнаб кетдилар ва бориб юз берган аҳволни подшоҳга арз қилдилар.

Ҳокони Мансур амир Мўғулнинг кўрнамаклигидан тааж-жубланди ва Астробод салтанатининг жиловини комкор шахзода Бадиуззамон мирзонинг қўлига топширди. Ул жаноб Астробод сари йўл олди, амир Мўғул эса Ироқ ва Озарбайжон тарафига қараб қочди. Султон Яъқуб мирзо вафот топиб, ўғли Бойсунқур мирзо салтанат тахтига ўлтирган 896 (1491) йили Табризга етиб борди. Бойсунқур мирзо уни яхши қарши олиб, улуғ амирлари қаторидан жой берди. Амир Мўғул бир неча ой Бойсунқурнинг тарбиятини топди ва у баъзи бир давлат душманларини даф қилиш учун кетган кунни бевафолик тариқига қадам қўйди ва унинг душманларига қўшилиб кетди. Ярашиш содир бўлгандан кейин... мирзо Бойсунқурнинг муҳим ишларини бошқариб турган амир Сўфи Халил унинг кайфиятидан огоҳ бўлиб, ўша соатдаёқ кўрнамакни ҳузурига чақирди ва бошини кесди... (246—247-бетлар).

**АМИР НИЗОМУДДИН ДАРВИШАЛИ КИТОБДОРНИНГ АХВОЛ
САҲИФАСИДА НИФОҚ АСАРЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА
ХОҚОН МАНСУРНИНГ БАЛХГА ЮРИШИ ҚИССАСИ**

Амир Дарвиш Али бир неча бор ишончли манбалардан хожа Маждуддин Муҳаммаднинг ихтиёр ва эътибори ортиб, оғаси Амир Низомуддин Алишернинг сўзларига илтифот қилмай кўйганлиги, балки ҳазрати хоқоннинг яқин дўсти дахлдор бўлган ишларни эндиликда тескарисини қилаётганини эшитгандан кейин, саркашлик ва хилофлик эшикларини очди. Бу билан агар иш бирмунча вақт шу тарика давом этадиган бўлса, амир Алишернинг таназулга юз тутган қадри шояд унга юқиб, ҳокимиятдан четлатилса, деб ўйлади. Шундай тадбирнинг кўлланилиши туфайли хоқони Мансур хушёр тортиб қолади ва агар хожа Маждуддиннинг қўлини шавкатли амирларнинг этагидан олиб ташланмаса, аҳвол давлат ишларида хилофликка бориб етишини англайди. Шундан кейин амир Дарвиш Али ўша вақтларда Балхда ҳукумат куриб ўлтирган Иброҳим Ҳусайн мирзони ҳокимиятдан четлатиш чораларини кўрди, подшоҳнинг қутлуғ муҳрини ясаттирди, шахзодани чақириб олиш ҳақида фармон ёзиб, унга ўша муҳрни босишни ва фармонни ул ҳазрат (Иброҳим Ҳусайннинг) ҳузурига юборишни буюрди. Мирзо Иброҳим Ҳусайн нишон хоқони Мансурнинг инояти билан ёзилган деб тасаввур қилди ва ўша пайтнинг ўзида доруссалтана Ҳиротга отланди. Шундан кейин, Султон Маҳмуд мирзо билан амир Дарвиш Али орасида борди-келди бошланди.

Иброҳим Ҳусайн мирзо пойтахтга етиб амир Дарвиш Алининг камчиликларини ошкор қилгандан сўнг, хоқони Мансур Дарвиш Али ва Султон Маҳмуд мирзо орасидаги муносабат мустаҳкамланмай туриб, Балх ишини бартараф қилишга қарор берди. Кейин: «Улуғ амирлар зафар байроғи ва лашкарни тўплаш билан машғул бўлсин», деб буюрди. Шу аснода бир куни, амир Дарвиш Алининг хилоф йўлга тушганлиги (хоқоннинг) шарофатли хотирига алам ва афсус ғуборини етказгач, хос кишилардан баъзиларини чорлаб илҳомбаён тили билан дедилар: «Ажаб ҳолки, биз кўрсатган барча тарбият ва иноят Дарвиш Алининг зиммасида бўла туриб, кўрнамаклик ва итоатсизлик қилмоқда». Фитна-фасод аҳлидан баъзилари «Дарвиш Алининг исёни оғаси амир Алишернинг ихтиёрисиз юз бермаган», деб айтганлари учун хоқони Мансур ўша мажлисда хоқон ҳазратлари яқин дўстининг устидан бир оз шикоят қилди. Ўша вақтдаёқ ул жаноб (амир Алишер) олий тахт поясига етиб келди ва бу гап-сўзларни эшитиб, ғоятда ҳайрон ва маъюс бўлди. Шу пайт зехну зийракликда ва фаҳму фаросатда замонанинг яғонаси ва ҳаммавақт ҳазиломуз,

мутойбот ҳамда шодликни орттирадиган сўзларга сайқал бериб, подшоҳнинг кутлуғ кўнгили ойнасидан ғуборни кетказадиган хожа Ғиёсуддин Муҳаммад Деҳдор олдинга чиқиб деди: «Султоним, сиз ўша қулбачча китобдорнинг беодоблигидан муборак кўнглингизга шу қадар ғашлик келтириб турибсиз, мен шу лаҳзанинг ўзида Балхга бораману уни дарҳол занжирлаб ва кишанлаб ҳузурингизга олиб келаман, деб гаров ўйнайман». Хоқони Мансур бу сўзларни эшитиб, кулиб юборди, хожа Ғиёсуддин Деҳдорни Балхга элчи қилиб юборди. У ўша қуниёқ амир Дарвиш Али билан учрашиш учун тезлик билан Балхга жўнаб кетди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан, музаффар байроқ ҳам ўша тарафга қараб кўтарилди, тўхтаб-тўхтаб Мурғобга, ундан Тахти Хотунга борилди.

Хожа Ғиёсуддин Деҳдор амир Низомуддин Дарвиш Алини андиша билан маломат қилди, кўрнамаклик қилгани учун чўчитди, сўнгра хоқоннинг иноятларидан умидвор қилди. Ул жаноб (амир Дарвиш Али) хилоф иш қилганидан пушаймон бўлди ва хожа Ғиёсуддин билан бўлган суҳбатдан кейин зафар оқибатли мавқаб истиқболга отланди. Ҳумоюни ўрдуга уч-тўрт фарсах қолганда хожа Ғиёсуддин Муҳаммад Деҳдор сал олдинлаб кетди ва олий даражали шахриёр ҳузурига бориб: «Қулбачча китобдорни тез фурсатда олий тахт остонасига олиб келаман, аммо уни кишанлатиш ва занжирбанд қилиш учун йўлда бирон темирчини учратмадим, энди ижозатлари бўлса ўрду бозордан бирон темирчи топиб уни кишанлатиб сўнг ҳузурингизга олиб келсам», деб арз қилди. Хоқони Мансур хожа Ғиёсуддинни шоҳона марҳаматлар билан сийлади ва «Дарвиш Алининг гуноҳларини кечирдик, чунки беташвиш хизматимизга келди», деди. Хожа Деҳдор эртаси қуни амир Дарвиш Алини Тахти Хотунга, ҳумоюни боргоҳга олиб келди. Файзли қабул маросимидан кейин, одатдаги қондага биноан, амир Дарвиш Али улуғ амирлар қаторидан жой олди... (249—250-бетлар.)

БАДИУЗЗАМОН МИРЗОНИНГ ИСЁН ВА ТУҒЁН ВОДИЙСИГА ЙЎЛ ТУТГАНИ ВА ХУРОСОН МАМЛАКАТИНИНГ АТРОФИДА ПАЙДО БЎЛГАН ФИТНА ВА ФАСОД БАЁНИДА

... Султон Бадиуззамон мирзо қатъий фармонга биноан Журжондан чақириб олиниб, Амуя бўйларига юборилгандан кейин, Астробод мамлакатининг жиловини тўнғич ўғли Муҳаммад Мўъмин мирзонинг қудратли қўлида қолдирган ва хоқони Мансурнинг мамлакатни шу ҳолда саодатли набира-сига топширишини, унинг четланиш фикрини эса муаттар

хотиридан чиқаришни истарди. Аммо, ул ҳазратнинг тасаввурига қарши ўлароқ, мирзо Бадиуззамон қўббат ул-ислом Балх ҳукумати билан сарафроз этилиб, унга фахрли чопон кийдирилган куни, ўша мажлиснинг ўзида Музаффар Хусайн мирзо дорулфатҳ Астробод ҳукуматига тайинланди ва фахрли чопон билан сийланди. Бадиуззамон мирзо Қундуз қамали вақтида Музаффар Хусайн мирзодан ранжиган эди, тўнғич ўғли (Муҳаммад Мўъмин Мирзо) нинг Астрободдан бўшатилишини фараз ҳам қилмаган эди. Бу ҳол¹ уни беҳад ғазаблантирди. Амирлари ва хос кишилари билан келишиб, бузургов отасига итоат қилишдан бош тортди, хоқони Мансур Балхдан доруссалтана Хиротга жўнаб кетгандан сўнг дорулфатҳ Астрободга яшин ва шамолдан ҳам тез еладиган чопарлар юборди ва Муҳаммад Мўъмин мирзога Журжон мамлакатининг сипоҳини тўплашни ва жанг анжомларини ҳозирлашни, Музаффар Хусайн ўша тарафга борадиган бўлса ҳокимиятни бермаслик ва зарур бўлган тақдирда у билан жанг қилишни тайинлади.

Шунингдек, Бадиуззамон мирзо амир Хусрав шоҳга ҳамда хоқони Мансурдан қўрқиб ўлтирган амир Шужоҳуддин Зуннун арғинга ҳам сўзамол чопарлар жўнатиб, уларни ўзининг юрак сирлари билан таништирди. Ҳар иккала тадбирли амир олий мартабали подшоҳ (Бадиуззамон) га ихлос мақомида бўлганликлари учун итоат ва хизматкорлик камарини белга боғладилар.

Бу воқеанинг хабари доруссалтана Хиротда маълум бўлгач, хоқони Мансур изтироб денгизига чўмди, бир неча бор Бадиуззамон мирзо ҳузурига элчи юбориб, насиҳат шартларини бажо келтирди. Лекин фойдаси бўлмади, охири, сабртоқати битиб, заифлиги ва қувватсизлигига қарамай, ўша қишнинг ўзида Балхга лашкар тортиш, Бадиуззамон мирзонинг таъзирини беришга қасд қилди. Аммо султон ҳазратларининг яқин дўсти Амир Низомуддин Алишер подшоҳдан илтимос қилди: «Агар қатъий ҳумоюн фармойиш бериладиган бўлса, банда Балхга жўнайди ва мирзо Бадиуззамонга насиҳат қилади, подшоҳона шафқатлардан умидвор қилиб ва (яна) ҳарна йўл билан бўлса ҳам уни дилозорлик даштидан хизматкорлик шароитига киритаман». Бу фикр хоқоннинг ҳумоюн мизожига мувофиқ тушди ва амир Алишер мақсади сари жўнаб кетди.

Амир Алишер Балхга яқинлашгач, шаҳзода (Бадиуззамон) кутиб олиш шартига рия қилди, ул азиз меҳмоннинг қадамларини бахт ўрнида кўриб, таъзим ва ҳурмат лозиматларини

¹ Астрободга Музаффар Хусайн мирзонинг тайинланиши.

адо этди, эзгулик ва яқинлик важҳидан катта зиёфат берди. Яхши тадбирли амир мирзо Бадиуззамонга кўп насиҳатлар қилди, ихтилоф йўлидан қайтарди, бузургвор отасининг ҳуқуқларини риоя қилиш зарурлигини уқтирди. Бу сўзлар Бадиуззамоннинг равшан дилига таъсир кўрсатди ва у Балх саркорлигини Музаффар Ҳусайн мирзога қайтариб бермоқчи бўлди. Лекин Султон ҳазратларининг яқин дўстини ярашишга ишонтириб, қайтишига ижозат бериб турганда, ногоҳ тақдир тақозоси билан, шундай аҳвол юз бердики, шаҳзода бирдан ярашишдан бош тортди.

Воқеа тафсили бундай: амир Алишер Балхда эканлигида ва ҳикматли сўзларга сайқал бериб, Бадиуззамон мирзонинг дил ойнасида кина-қудурат зангини кеткизиб турган бир пайтда хоқони Мансур Амир Алишернинг саъйи ҳаракати билан сулҳ тузилишини истамаган хожа Низомулмулк ва баъзи яқинларининг иғвоси билан Балх кутволи Ислом барлосга Бадиуззамон мирзо ов қилиш учун шаҳардан чиққанда, дарвозаларни беркитиб, уни қайтадан шаҳарга киритмаслик ҳақида махсус фармойиш йўллади... Тақдир тақозоси билан ушбу фармон Бадиуззамон мирзонинг кўлига тушиб қолди, шаҳзода бузургвор отасининг шафқатидан ноумид бўлди, амир Алишерга кетишга рухсат бериб, келишув мақомидан қайтди.

Султон ҳазратларининг яқин дўсти хоқоний тахт поясига етиб келгандан кейин, бўлган воқеаларни Султон Ҳусайнга баён қилди ва подшоҳнинг аланга олиб кетиши мумкин бўлган ғазаб ўтини ўчириш бобида кўп ҳаракат қилди, аммо бундан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Хоқони Мансур мирзо Музаффар Ҳусайнни амир Муҳаммад Бурундуқ барлос ва амир Носируддин Умарбекка қўшиб Астробод тарафга юборди, ўзи шахсан Балхга қараб юрди. Баҳор фасли аввалида райҳон ва гул баргларида ҳам кўп лашкар билан фарзандининг иқбол ниҳолини туб томири билан кўпориб ташлаш учун борди.

Бадиуззамон мирзо бу хабарни эшитиши билан амирлар ва лашкарни инъом ва эҳсонлар билан сийлади, амир Низомуддин Шайх Али тағойига Балх шаҳари ҳамда қалъасини идора қилиш ва кўриқлашни топширди ва 902 йил шаъбон (1497 йилнинг апрель) ойида номдор отасига қарши шаҳардан чиқиб, жангу жадал байроғини кўтарди, Журжон орқали Уланги Бегига қараб юрди ва Пули Чироғ дарасининг даҳанасига келиб тушиб, боргоҳни ою куёшдек баланд қилиб қурди. Нариги тарафдан хоқоннинг осмон мартабалик мавкаби Маймана орқали келиб, мазкур даранинг оғзини ҳумоюн лашкароғига айлантирди. Ана шу кеча ота ва бола бир-бирига

қарши камар боғлаб, эртаси куни бўладиган жангни кутдилар... (260—261-бетлар.)

*ПУЛИ ЧИРОҒДА ЮЗ БЕРҒАН ДАХШАТЛИ ВОҚЕА ҲАМДА ТИНЧЛИК
ВА ФАРОҒАТ ЧИРОҒИ СЎНИШИНИНГ БАЁНИ*

... Хоқони Мансур зафарпаноҳ сипоҳнинг қалб, Маймана ва майсара қисмларини офтоб ҳашаматли шахзодаларнинг чироёли коматлари ва баҳром интикомлик нўёнларнинг шуқуҳли вужуди билан зийнатлади ва мустаҳкамлаб, орномус жанги майдонига юборди, ўзи эса секин-аста уларнинг кетидан борди. У томондан эса мирзо Бадиуззамон фитнес кўзгатувчи лашкарни шайлаш билан машғул бўлди... ва жанг майдонига олиб кирди, жангу жадал байроғини тикди.

Қисқаси, Пули Чироғ дараси оралиғида ҳар иккала кўшин тўқнашдилар ва карнайнинг бўкириши ва сурон замину замонни тебратди, Исрофил карнайнинг аломатини пайдо қилди, эр йигитларнинг ҳамласи пурдилларнинг ҳаётини маҳф этди, зумуррад мисол шамширларининг гавҳари ўлдирилганларнинг қонидан тўқ қизил ёқут тусини олди... Ана шу аҳвол асносида хислати мақтовга сазовор хоқон ўзининг иқболли соясини ана шу маъракага туширди. Бадиуззамон мирзонинг кўзлари подшоҳ байроғининг моҳчасига тушиши билан ўзини йўқотди ва шу тарзда отага қарши туришни ҳурмат юзасидан ақлга сиғмайдиган иш деб ҳисоблаб, ихтиёр ва зарурат юзасидан жанг майдонини ташлаб чиқди ва юзини чекиниш водийсига қаратди... Шахзоданинг хос кишиларидан бир гуруҳи бедариф тигдан ўтказилди, бир тўдаси асир олинди ва ҳукмга биноан уларнинг кўпчилиги ўлдирилди.

Бадиуззамон мирзо жанг майдонидан чекинган, йўл танглигидан ва сипоҳ камчилигидан ғарқ бўлмаётган тезроқ нажот қирғоғига чиқиб олиши мушкул эди. Саодат ихтисос мавкаб мулозаматида турган хос кишилар билан баланд бир тепаликка чиқиб олди. Бу номаълум йўлдан бирмунча юрилгандан кейин тўсатдан бир қоядан чиқиб қолдиларки, унда отлик у ёқда турсин, пиёданнинг туриши ҳам имкондан ташқари эди. Бунинг устига Абулмуҳсин мирзо хоқоннинг амри билан бузургвор оғасини тутиш қасдида шитоб билан орқадан келаётган эди. Бадиуззамон мирзо аввалда ҳайрон бўлди, сўнгра отдан тушди ва бир неча фута ва саллани бир-бирига боғлаб пастликка тушиб олди. Ушбу сатрларнинг эгаси шу воқеадан беш-олти йил кейин Султон Бадиуззамон мирзонинг мулозаматида ана шу жойда бўлиб, ўша аҳволни унинг гавҳар сочувчи тилидан эшитганман.

Қиссага келсак, шахзода (Бадиуззамон) ўша қоядан эсон-омон пастга Пули Чироғнинг даҳанасига тушиб олгандан

кейин, шаҳзоданинг олий даргоҳи ходимларидан бўлган ва бу ерга тўғри йўлдан келиб қолган Кепак Хоразмий шу ондаёқ унга ўзининг отини тутди. Султон Бадиуззамон отланиб Кундуз тарафга йўл олди. Ўша қояда шаҳзода билан бирга бўлган кишиларнинг кўпчилиги саломат пастликка тушиб олдилар ва унинг орқасидан жўнаб кетдилар...

Ҳокони Мансур ғалаба суратини кўргач, Хуросоннинг барча атроф ва теварагига фатҳномалар юборди, сўнг ҳумоюнфоллик байроқ куббат ул-ислом Балхга қараб кўтарилди.

Нодир воқеалардан бири шулки, мирзо Бадиуззамоннинг Пули Чирордаги мағлубияти 902 йилнинг 29 шаъбонида сешанба (1497 йил 2 апрель) куни юз берди. Эртаси чоршанба куни рамазоннинг аввали (1497 йил 3 апрель) куни ўғли Муҳаммад Мўъмин мирзо Тошкўприк билан Меҳранжуман оралиғида мағлубиятга учраб, Музаффар Ҳусайн мирзонинг қўлига тушди...» (261—262-бетлар.)

МУҲАММАД МУЪМИН МИРЗОНИҢ АБУЛМАНСУР МУЗАФФАР ҲУСАЙН МИРЗОНИҢ ҚЎЛИГА ТУШИБ ҚОЛИШИ ВА ТАҚДИРНИҢ ҚАТТИҚ ШАМОЛИ БИЛАН УЛ ИҚБОЛ БОҒИ НИҲОЛИНИҢ ҚУЛАШИ БАЁНИДА

Султон Муҳаммад Мўъмин мирзонинг... қисқача аҳволи баёни куйидагича: бахтиёр шаҳзода Музаффар Ҳусайннинг Астробод сари келаётганидан хабар топгандан сўнг, бузургвор амакисини итоаткорлик билан қарши олмоқчи, вилоятни унга топшириб куббат ул-ислом Балхга қайтмоқчи бўлди. Шу вақт бирин-кетин Бадиуззамоннинг «юртнинг инон-ихтиёрини мутлақо қўлдан берилмасин, Журжоннинг тамом сипоҳини тўплаб, Музаффар Ҳусайн билан уруш майдонига қадам қўйилсин», деган фармонлари етиб келди. Бинобарин, Муҳаммад Мўъмин мирзо катта қўшин билан Астрободдан чиқди ва жанг майдонига йўналди.

У тарафдан Музаффар Ҳусайн мирзо амир Шужоҳуддин Муҳаммад Бурундук барлос билан бирга зафарёр қўшин билан саф тортди ва муборак рамазон ойининг биринчи (1497 йил 3 апрель) куни икки томон тўқнашдилар, сурнай ва карнайнинг овози осмонни тутди... Ўша аҳволда амир Умарбек вафодор Музаффар Ҳусайн мирзонинг жавонғори билан Муҳаммад Мўъмин мирзонинг боронғорига ҳамла қилди ва шаҳзоданинг ўнг қанот қўшинини орқага суриб юборди. Муҳаммад Мўъмин мирзо бу аҳволни кўргач, марказ қисм жангчилари билан селдек оқиб, олий даражали амакисининг марказ қисмига зарба берди ва қиёмат кунини зоҳир қил-

ди, унинг бир гуруҳини ҳалокат чангалига отди. Аммо олишув вақтида... Хуросон йигитларидан бири унга ташданиб тутиб олди ва мирзо Музаффар Хусайн фатҳу зафар суратини мушоҳида қилиш билан сарафроз бўлди. Муҳаммад Мўъмин мирзо тақдир камандига асир бўлиб, Музаффар Хусайн ҳузурига олиб келинди. Шаҳзода жиянига тасалли бериб, шафқатли оғушига олди, Астрободга боргандан кейин уни ҳибсга олди ва бир неча кундан кейин амир Муҳаммад Бурундуқ билан Хиротга жўнатди.

Амир Муҳаммад Бурундуқ мирзо Муҳаммад Мўъминни 903 йил сафар (1497 йилнинг октябрь) ойида Хиротга элтди ва Ихтиёруддин қалъасига қамаб қўйди, сўнг хоқони Мансур ҳузурига жўнади, Мурғоб дарёсининг бўйида у билан кўришиш шарафига муяссар бўлди ва юз берган воқеани арз қилди.

Музаффар Хусайн мирзонинг онаси Хадичабеги оға шахзоданинг боқийлигини ўзининг бақосизлигига сабаб деб тасаввур қилиб, тамоми химматини давлат ва иқболнинг ўша тоза ниҳолини сарсар шамолининг қаҳри билан кўпориб ташлашга, унинг барча ҳайру эҳсон чашмасини тупроқ билан тўлатиб йўқ қилишга қаратди. Сўнг ўша вақтда мамлакат ва мулкнинг соҳиб ихтиёрлигини қўлда тутиб турган хожа Низомулмулк ва унинг авлоди билан тил бириктириб, хоқони Мансур кўп ичиб қаттиқ маст бўлиб қолган кечаси ҳамида сифатлик ул шахзодани қатл этиш ҳақидаги фармонга қўл қўйдириб олди ва Ёрали бахши, Абдулвоҳид ясовул ва яна бошқа икки ишончли кишисини ҳукми: ижро этиш учун юборди. Эртаси куни эрталаб хоқони Мансур кечаси берган ҳукмидан воқиф бўлди ва юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг кетидан чопар орқали салтанатнинг меваси, халифаликнинг кўрар кўзига бирон зарар етказмаслик ҳақида фармон юборди. Аммо ўша тўрт нобакор Хадичабеги оғанинг тайинлашига биноан тез суръат билан Хиротга етиб, кечаси Муҳаммад Мўъмин мирзо Куръон тиловат қилиб ўлтирган пайтда унинг ҳузурига кириб бордилар. Шаҳзода юз берган аҳволни англаб, улар билан кўп олишди, лекин оқибатсиз бадбахтлар Амир Темур кўрагон хонадонидан тенги йўқ ушбу ёш жанобни ҳалок қилдилар ва ҳалойиқнинг фикрини чалғитиш мақсадида унинг жасадини қалъа буржидан хокрезга улоқтирдилар... Хирот аҳолиси бу аҳволдан воқиф бўлиб, фарёду афғонни осмон авжига чиқарди, хун селобини кўз фаввораларидан равон қилдилар... Шаҳид бўлган шахзоданинг ғамга чўмган онаси Хоним Султонбегим Султон Саид қизи ва унинг бечора ҳамшираси гарданларига қора намад ташлаб, кўйлақларининг ёқаларини пора-пора қилиб, зор

йиғлаб, фарёд кўтариб қиёмат аломатларини пайдо қилдилар... Ўша вақтда шаҳарда турган амир Сорбон Жунайид марҳумнинг жасадини ювиш ва такфинлаш билан машғул бўлди ва ўзининг ажойиб мадрасасига дафн этди, бир неча кун хатми Куръон қилдириди.

Ушбу катта мусибатдан уч кун ўтгач, Мусо Ризонинг муқаддас мазори (Машҳад) зиёратига кетган Амир Низомуддин Алишер шаҳарга қайтди ва бу фалокат асарлик воқеани эшитиб, изтироб денгизига чўмди, хун селобини кўз дарёсидан равон қилди. Шу сатрлар муаллифи ўша куни бир неча бор ул олийшон Амирнинг илҳом баён тилидан куйидаги сўзларни эшитганман, улар бундай деганлар: «Муҳаммад Мўъмин мирзо билан бўлган воқеа шайх Маждуддин Бағдодийнинг ўлими билан баробардир, зероки, ўшандан кейин тамом Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқ Чингизхоннинг Турондан Эронга лашкар тортиши сабабли вайрон бўлиб, халқи қирғин қилинган эди. (263—265-бетлар.)

АБУЛМУҲСИН МИРЗО ҲАМДА МУҲАММАД МУҲСИН МИРЗОНИНИНГ ИСЁН ЙЎЛИГА ЎТИШИ ВА ҲОҚОНИ МАНСУР ҒАЛАБА БАЙРОҒИНИНГ МАРВИ ШОҲИЖАҲОНГА ҚАРАБ КЎТАРИЛИШИННИНГ БАЁНИ

Муҳаммад Мўъмин шаҳид этилганлиги ҳақидаги хабар теварак-атрофга тарқалгандан кейин, ўша оташандух ва пуралам қабиҳликнинг учқунлари яқин ва йирок, турк ва тожикнинг ўчоғига сачрагандан кейин, Хуросоннинг тева-рак-атрофида ҳукумат куриб ўлтирган шаҳзодаларнинг ҳар бири Хадичабеги оғанинг макру ҳийлаларидан чўчиб, Бадиуз-замон мирзога тақлид қилиб, отасига тескаричилик йўлини тутдилар. Жумладан, Марв ҳокими Абулмуҳсин мирзо Аби-вард вилоятининг ҳокими атоқли биродари Муҳаммад Муҳсин мирзо билан борди-келди қилиб, иттифоқ тузиб ва аҳду паймон қилиб бузургвор оталарига қарши курашмоққа қарор қилдилар.

Бу хабар доруссалтана Ҳиротга 904 йил боши (1498 йилнинг 19 августи) да етиб келди. Қудратли ҳокон мазкур йилнинг раби ул-охир (1498 йилнинг ноябрь-декабрь) ойида «мирзо Абулмуҳсиннинг адоват ўтини ваъз-насихатнинг тиниқ суви билан ўчирсин ва у биродарига ҳам одам юбориб, уни ҳам исён йўлидан қайтарсин», деб нақиблар қиблагоҳи, салтанат шиор жаноб амир Қавомуддин Ҳасан Сорийни Марвга юборди. Амир Қавомуддин фармонга биноан иш тутди, лекин унинг элчилигидан фойда бўлмади. Абулмуҳсин

мирзо исён йўлидан қайтиш ва узр сўраб отасига хат ёзишдан бош тортди.

Бинобарин, хоқони Мансур шахзодаларнинг таъзирини бериш мақсадида Марвга юриш қилишга қарор бериб, Хуросон кўшинини тўплади ва жумоди ул-аввал ойининг бешинчиси, чоршанба (1498 йилнинг 19 декабри) да Боғи Жаҳонородан чиқиб сафар тахтига ўлтирди. Подшоҳнинг қатъий фармойишига биноан Муҳаммад Хусайн мирзо ва амир Абдуллатиф Жомий довюрак йигитлар билан Сарахс йўли орқали Марвга қараб жўнади. Султон Муҳаммад Қосим мирзо, амир Низомуддин Алишер, амир Низомуддин Абдулхолиқ ва хожи Пир баковулни Хиротда қолдириб, жумоди ул-аввалнинг еттинчиси жумъа (1498 йилнинг 21 декабрь) куни зафар суратлик байроқни кўтариб Соқисолмас кўчасига қараб юрди. Ўша ерда уч-тўрт кун туриб жумоди ул-аввалнинг ўн иккинчиси, чоршанба (1498 йилнинг 26 декабри) да Работи Париён олий макон хоқоннинг ушбу қадамидан жаннат боғининг рашкини келтирадиган бўлди. Султон ўша ердан муқаддас Машҳад шаҳарига, Ҳайдар Муҳаммад мирзо ҳузурига чопар юбориб, амир Низомуддин шайх Аҳмад Суҳайлий билан биргаликда ўша вилоят кўшинини тўплаш ва Кепак мирзо номи билан машхур бўлган Муҳаммад Муҳсин мирзога қарши Абивардга қараб юришни буюрди. Шу оннинг ўзида зафарпаноҳ байроқ Санжоб довони орқали Марвга қараб кўтарилди.

Абулмуҳсин мирзо осмон мартабали мавқабнинг келаётганидан хабар топгач, Марв қалъасининг бурж ва деворларини мустаҳкамлаб, мудофаа ишлари билан машғул бўлди.

Маълум масофа босиб ўтилгач, ҳашамат анжомлик байроқнинг моҳчаси Марв қалъасининг ташқарисига соя солди ва ғалаба асарлик кўшин қамал жангларига киришди.

Абулмуҳсин мирзонинг лашкари қалқонлари билан юзларини тўсиб шаҳарни мудофаа ва ҳимоя қилишга тиришиб ҳаракат қилдилар. Ҳар иккала томондан ўқ овози кучайди, камон ўқининг учи ташқарида ва ичкарида турган лашкарнинг томиридан шариллатиб қон оқизди, гоҳ-гоҳ тўсатдан отилган тошнинг гумбурлаган овози қалъа буржларини емирарди; аҳён-аҳёнда махсус идишга солиб отилган нефть зафар асарли аскаргоҳга ўт қаларди ва довюракларни ёндирарди.

Аҳвол шу тарзда уч-тўрт ой кечди, сўнгра ота-бола эртадан-кечгача давом этиб турган жангларни тўхтатиб, ўртада сулҳ туздилар... (280-бет.)

**СУЛТОН ҲАЗРАТЛАРИ ЯҚИН ДЎСТИНИНГ ҲАЖГА БОРИШ НИЯТИ
БИЛАН ЙЎЛГА ЧИҚИШИ ҲАМДА ЎША КУНЛАРДА ЮЗ БЕРГАН
БАЪЗИ ВОҚЕА ВА ҲОДИСАЛАРНИНГ ЗИКРИ**

Соф фикрлик Амир Низомуддин Алишер... кўпдан бери ҳамма нарсадан кечиб ва борини мурод сармоёси қилиб, Ҳижоз тарафларга бориш, мусулмонлик ҳажини ўташ ва ҳазрати расулнинг муқаддас қабрини зиёрат қилиш саодатига етишни орзу қиларди. Аммо ҳаммавақт ўша томонларга боришни савоб билиб салтанат тахти поясига бориб рухсат сўраганда, ҳокони Мансур ул жаноб билан шарофатли суҳбат куриб хайрихоҳлик билдирар, лекин ҳажга боришга рухсат бермас эди.

Осмон ҳашаматли подшоҳ Марв атрофини зафар анжомлик лашкарнинг чодирлари билан тўлдириб Абулмуҳсин мирзони қамал қилиб ўлтирган кунларда, яхшилиқ эгаси бўлмиш ул Амир Низомуддин Алишер фурсатни ғанимат билиб, фазилатли суҳбатдошларининг кўпчилиги ҳамда сидра нисбатлик остонанинг мулозимлари билан бирга муқаддас Машҳад... сари йўналдилар, подшоҳ ҳазратлари боргоҳига бемалол кира оладиган мавлоно Абдулҳай табиб Зиёратгоҳийни эса рухсат сўраш учун халифалик тахти поясига жўнатдилар.

Соф кўнгилли Амир Низомуддин Алишер Машҳадга келгач, мавлоно Абдулҳай табибнинг келишини кутиб бир неча кун ўша табаррук шаҳарда сокин бўлдилар. Фармонга биноан Кепак мирзони итоатга келтириш учун Абивардга жўнатилган Ҳайдар Муҳаммад мирзо ва амир Шайх Аҳмад Суҳайлий мағлубиятга учраган эдилар, ўша кунлари Машҳадга қайтиб келдилар. Султон ҳазратларининг яқин дўсти шахзода Ҳайдар Муҳаммад ва амир Шайх Аҳмадга илтифот ва марҳамат кўргизиб, уларга йўл анжомлари ҳамда нафис матолар юбордилар.

Шу аҳвол асносида мавлоно Абдулҳай ҳумоюн ўрдудан ҳокони Мансурнинг мактуби билан қайтиб келди. Мактубнинг мазмуни қуйидагича: «мавлоно Абдулҳай орқали камёб наввобга йўлланган аризадан ул олижаноб, ҳидоят маобнинг Маккайи муборакка жўнаш фикри англашилди. Борди-ю, файзасарлик хотирларини риюя қиладиган бўлсам, бу илтимосни рўёбга чиқаришимга тўғри келади. Аммо, бу муборак сафар учун тинчлик бўлмоғи лозим. Чунончи, ҳақиқатпарвар раъйларига равшан бўлсинки, шу вақтларда ҳар иккала Ироқ ва Озарбайжон вилоятларида кетма-кет бўлиб турган фитнес-фасод ва беқарорлик шу қадар кучайганки, ундан ортиғини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Борди-ю, олий хотирларига яна ҳажга жўнаш орзуси келадиган бўлса, бу томонларга ташриф буюрсинларким, мақтовга муносиб учрашув яна янгилансин ва яхши хулқларининг камолотидан йироқ ва ажиб эмаским,

тинчлик ўрнатилганлиги маълум бўлгандан кейин кетаверадилар». Ушбу марғуб, марҳамат услублик мактуб Низомуддин Алишерга теккандан кейин, Машҳаднинг нақиблари, ифтихорли кишилари, бахтиёр ҳамсухбатлари билан кенгаш ўтказди. Уларнинг барчаси яқдиллик билан ул жанобнинг ҳумоюн ўрдуга боришлари ва нима қилсалар ҳам хоқони Мансур билан Абулмуҳсин мирзони яраштириб қўйишларини мақсадга мувофиқ деб топдилар. Шунга кўра, султон ҳазратларининг яқин дўсти баҳор фаслининг бошларида муқаддас Машҳад шаҳридан Марви Шоҳижаҳонга равона бўлдилар. Сарахс чегарасига етганларида ғолиб байроқ Марв атрофидан кўчиб, Сарахс қасабасига келаётгани маълум бўлди.

Бўлиб ўтган воқеанинг қисқача тафсилоти қуйидагича: Марв шаҳрининг қамали уч-тўрт ойга чўзилиб кетгандан, ғалаба сурати эса мурод ойнасида жилва қилмаганидан кейин хоқон ҳазратлари ярашишга мойил бўлдилар. Абулмуҳсин мирзо ҳам қалъани мудофаа қилиш жонга теккач, бузургвор отаси хузурига элчи юборди ва сулҳ тузиш учун амир Низомуддин Дарвишалининг юборилишини сўради. Амирлик мансабидаги жаноб Дарвишали фармойишга биноан шаҳарга кирди. Шаҳзода унга «агар хоқони Мансур гуноҳимдан ўтсалар ва доруссалтана Ҳиротга қайтсалар, мен пешкашларни тайёрлаб, халифалик тахти поясига бораман», деди. Амир Дарвишали олампаҳоқнинг даргоҳига қайтиб, Абулмуҳсин мирзонинг сўзларини арз қилди. Шаҳзоданинг илтимоси қабул мартабасини топиб, ҳумоюн мавқаб Сарахсга қараб жўнади. Бозоргони тавия деган жойда Султон ҳазратларининг яқин дўсти мардлик палосида ўлтириш шарафига муяссар бўлди ва турли лутфу эҳсонларга мансуб бўлди. Икки-уч кундан кейин тангрининг яқин кишиси хожа Абдулла Ансорийнинг файзга тўла мазорининг жорубкашлиги мансабига тайинлаш ва доруссалтана Ҳиротга қайтишга ижозат сўради. Хоқони Мансур деди: «модомики сиз менинг мамлакатимда турар экансиз, ҳар қандай илтимосингиз бажо келтирилади». Шу онда ул жанобнинг қобилиятлик қоматини фахрли чопон билан безади ва кетишга ижозат берди.

Сўфисифат, соф кўнгилли Амир тезлик билан шаҳарга бориб, пойтахтнинг уламо, саййидлари, улуғ шайхлари, қозилари, фозиллари, олий табақадаги кишилари ва зодагонларини Гозургоҳнинг файзли мазорига тўплаб катта ош берди ва улардан дарवेशлик ва гўшанишинлик йўлига ўтганлиги туфайли дуо қилишларини сўради, бутун ҳимматини Ансория мазорини тиклаш ва обод қилишга сарфлади, фарруҳ анжомлик ул мақоннинг арбоб ва ходимларини турли-туман инъом ва эҳсонлар билан сийлади...» (280—281-бетлар.)

Вофир таҳаввур ҳокон Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир Муҳаммад Ҳусайн мирзони даф қилиш учун Астрободга кетган пайтда султон Бадиуззамон мирзо Сейстондан ва амир Шужоъуддин Зуннун Заминовардан Ғур яйлогига келдилар ва Хуросон мамлакатини қўлга киритиб олиш хаёли билан ҳазорайи никудорий ҳамда қипчоқлардан қўшин тўпладилар, кенгаш ўтказилгандан сўнг саноқсиз аскар билан Ҳиротруд вилояти устига қараб юрдилар, амирлар ва аркони давлатга тегишли от-уловдан нимаики топсалар тортиб олиб, муқаддас Ғиёсия лангарига қараб йўл олдилар, у ердан талайгина қўйни ўлжа олиб, доруссалтана Ҳиротга қараб йўл олдилар. Амир Низомуддин Алишер, амир Муборизуддин Валибек ва Ҳиротда қолган бошқа амирлар бу воқеани эшитиб, изтироб денгизига чўмдилар ва шаҳарнинг девор ва буржларини мустаҳкамлаб, булукларнинг халқини шаҳар ичкарисига олиб, унинг деворларини мустаҳкамлашга қарор бердилар. Бадиуззамон мирзо Убаҳ қасабасига етгандан кейин, амир Зуннунни манғулой расми билан олдинга юборди. Булукларнинг шаҳарга кетишга улгурмай боғчаларида қолган халқи Бадиуззамонни орқага қайтиб кетган, амир Зуннун эса ул ҳазратнинг ёрдамисиз Ҳиротни қамал қилиш учун бораётибди, деб хаёл қилиб, шу ондаёқ шаҳарга (Ҳиротга) бордилар ва амир Зуннуннинг озгина сипоҳ билан, лекин зўр гурур билан яқинлашиб қолганлигини хабар қилдилар ва амирлар унга қарши чиқсалар ғалаба қилажакларини айтдилар. Шу вақт Муҳаммад Маъсум мирзо Чечактудан Ҳиротга келди. Амир Муҳаммад Валибек ёрдам сўраб мурожаат қилди ва икки-уч минг кишилик отлиқ аскар жамлаб, Муҳаммад Маъсум мирзо ҳамда саййид Абдулла мирзоларнинг узангисиди шаҳардан чиқди. Мирзо Муҳаммад Маъсумни марказга қўйиб, ўзи ўнг қанотга турди, сўл қанотни эса саййид Абдулла мирзо ва амир Бобо Алига топширди. У тарафдан Султон Бадиуззамон мирзо Лаклакхона атрофида амир Зуннунга қўшилди... Қоровуллар душман қўшини қораси кўринганини хабар қилдилар. Шу соатнинг ўзиди амир Зуннун аргин лашкари билан отланди ва шиддат билан олдинга ташланди. Ўланги нешинди ҳар иккала томон тўқнашди, сурнай ва карнайнинг овози кайвон айвонидан ҳам ўтди, ҳар иккала томоннинг шер йигитлари қилич яланғочлаб бир-бирига ташландилар... Шу аснода Султон Бадиуззамоннинг мамлакат забт этувчи байроғи жанг майдонига шуъла сочди. Ҳиротлик-

лар бу аҳволни кўриб қўлларини жангдан тортдилар. Даставвал саййид Абдулла мирзо ва амир Бобо Али чекундилар, уларнинг кетидан Муҳаммад Маъсум мирзо ва амир Муборизуддин Муҳаммад Валибек ҳам қочишни ихтиёр қилдилар. Муҳаммад Маъсум мирзо ва саййид Абдулла мирзо шаҳарга киришни маслаҳат кўрмай тўғри Султон Хусайннинг ҳумоюн ўрдусига қараб жўнадилар. Аммо амир Муҳаммад Валибек бошқа қочоқлар билан бирга шаҳарга кирди, дарвозаларни беркитиб, бурж ҳамда деворларни мустаҳкамлади. Султон Бадиуззамон мирзо ғолиб ҳолда Ўланги Нешинда тўхтади, бир неча кундан сўнг Пули Молонга борди ва «ҳиротликлар шаҳарни жангсиз топширсалар керак», деган хаёл билан кўшинни жангдан тийиб турди.

Шу ҳолда қирқ кун муҳлат ўтгач, ҳокони Мансурнинг Ҳиротга қайтгани хабари эшитилди. Амир Низомуддин Алишер Бадиуззамон ҳузурига элчилар юбориб, уни отасига қарши урушишдан чўчитди ва отаси билан тўкнашиш, фитна-фасод янгиланмасдан туриб, шаҳар атрофини бўшатиб бирон тарафга жўнаб кетишини илтимос қилди. Шаҳзода бу илтимосни қабул қилиш замон тақозоси эканлигини англаб, Пули Молондан Пули Солорга, у ердан эса Мурғоб дарёси бўйига қараб жўнаб кетди.

Уч-тўрт кундан сўнг ҳоконнинг зафарли байроғи Ҳирот устига шуъла сочди, амирлар, уламо, эътиборли зотлар унинг ҳузурига чикдилар, ҳокони Мансур уларнинг ҳаммасини сийлади... (284—285-бетлар.)

БАЛХ САЛТАНАТИНИНГ СУЛТОН БАДИУЗЗАМОН МИРЗОГА ТОПШИРИЛИШИ ВА ИБРОҲИМ ХУСАЙН МИРЗОНИНГ ЗАФАР БАЙРОҚЛИ ҲОҚОННИНГ ТАХТИ ПОЙИГА ҚАЙТИБ КЕЛИШИННИНГ БАЁНИ

Бадиуззамон мирзо Ҳирот атрофидан кўчиб Мурғоб бўйига қараб жўнагандан кейин, Бодғис ва Чечактунинг лашкари унинг музаффар байроғи остига жам бўлдилар, Қандаҳордан Шужоҳбек ҳам келиб, олий ўрдуда катта жамият тўпланди.

Ҳокони Мансур тарафидан Маручоқ қалъасида ҳукумат қуриб ўтирган Барида бахши қалъани таслим қилишдан бош тортгани учун Шужоҳбек ўша қалъани забт қилишга тутинди. Зафар асарли кўшиннинг ҳазорайи никудорий ва бошқа қабилалардан иборат сипоҳи тура чопарларини тутиб, камонларини қўлга олиб ўша мустаҳкам қалъага ташландилар. Амир Барида эрта саҳардан то чошгоҳга қадар мудофаа билан машғул бўлди, оқибатда ортиқча қаршилиқ кўрсатишга

ожизлик қилди. Шужоҳбек қаҳру ғазаб билан Маручоқни олиб, амир Бариданинг кўл-оёғини боғлаб, Бадиуззамон мирзо ҳузурига юборди. Он ҳазрат унинг гуноҳларидан ўтиб, қўйиб юборди.

Ҳоқони Мансур Ҳиротда туриб улуғ мартабали фарзандининг катта қўшига ва зўр истеъдодга эга эканлигидан воқиф бўлгач, бениҳоят изтиробга тушди, чунки ўша пайтда зафарли қўшин эндигина Астробод юришидан қайтгач, отлар ниҳоятда ориглаб ва нотавон бўлиб, яна сафарга чиқиши учун бирмунча вақт дам олиши зарур эди. Бадиуззамон мирзо эса жангга шай бўлиб турарди. Ҳоқони Мансур, ноилоҳ, султон ҳазратларининг яқин дўсти амир Алишер билан кенгашиб, ярашиш биносини бунёд этишга тутинди ва мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро Астрободийни бу ишни олдинга суриш учун Мурғоб бўйига юборди. Ул жаноб эрта тонгда ўша жойда Султон Бадиуззамон мирзо ҳамда амир Зуннун билан учрашди, яхши сўзлар билан бузурғвор отасига итоат қилишга тарғиб қилди ва руҳлантирди. Ул ҳазрат (Бадиуззамон мирзо) отасининг ҳақ-ҳуқуқларини мулоҳаза қилиб сулҳга мойил бўлди, борди-келди бир неча бор такрорлангандан кейин, «Балх мамлақати ва унга тобе бўлган ерлар ҳукмронлиги, Аму бўйларидан то Мурғобгача, тўла ваколат билан, Бадиуззамон мирзога берилди ва ул азиз шаҳзоданинг донгдор номи ўша вилоятда ҳоқон ҳазратларининг ҳумоюн номига қўшиб хутбада ўқилади деб келишилди... (285—286-бетлар.)

МУҲАММАД ҲУСАЙН МИРЗОНИҢ ИККИНЧИ БОР ИСЁН ВА БЎЙИН ТОВЛАШ ЙЎЛИГА ЎТИШИ, ҲОҚОН ЗАФАРЛИ БАЙРОҒИНИҢ ИККИНЧИ МАРТА АСТРОБОДГА ҚАРАБ КЎТАРИЛИШИ БАЁНИ

Муҳаммад Ҳусайн мирзо Астробод вилоятида тамом мустақамланиб олгандан кейин... хотирига Хуросоннинг бошқа вилоятларини ҳам босиб олиш фикри келди ва 905 илнинг охирида (1500 йилнинг июнь-июль ойларида) шижоатли сипоҳи билан Исфароин устига юрди, ногоҳ амир Бадруддинни қамал қилди. Ўша шерпеша амир ҳузурига одам юбориб, уни итоат ва тобелikka даъват қилди. Амир Бадруддин ҳоқони Мансурнинг тарбиятини риоя қилиб, шаҳзодага бўйин эгмади, ҳузурдаги андаккина одами билан қўлига ўку камон, қиличу найза олиб Астробод сипоҳига қарши жангга тушди... аммо Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг лашкари кўплик қилиб, уни ҳар тарафдан ўраб олди... «Ўша замониёқ жангни тўхтатсин», деб омонлик ваъда қилдилар ва уни шаҳзоданинг мурувватидан умидвор қилдилар. Амир Бадруддин бу гапларга мутлақо қулоқ солмади ва тиф зарбидан

шаҳидлик шарбатини ичмагунича жангни давом эттирди.

Шу вақт Сабзаворда турган Музаффар Ҳусайн мирзо Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг исёни ва амир Бадруддиннинг ўлдирилишидан хабар топгач, сабзавордан чиқиб биродарига қарши урушга отланди, амир Шужоҳуддин Муҳаммад Бурундук барлоснинг ўғли Муҳаммад Қосим барлосни жасоратли сипоҳнинг бир гуруҳи билан мангулай қилиб олдиндан юборди. Амир Муҳаммад Қосим барлос билан Астробод лашкарининг Дарвиш Муҳаммад кўкалтош бош бўлган илғор қисми ўртасида жанг бўлди. Амир Жоқунинг авлоди бўлмиш ўша яхши хулқли амирзода жанг вақтида ўқ тегиб ҳалок бўлди, Дарвиш Муҳаммад кўкалтош эса ғалабага эришди. Музаффар Ҳусайн аскарининг кўпчилиги бедариф тигдан ўтказилди, бир гуруҳи асир олинди. Қочоқлар шаҳзода Музаффар Ҳусайннинг аскаргоҳига етиб бориб, юз берган воқеани арз қилганларидан кейин ва ҳалойиқ шу даражага етгандан кейин мирзо Музаффар Ҳусайннинг бу ерда ортиқча қолишга мажоли қолмади ва «Турбат қасабаси кўлдан кетмасин», деб Зова вилоятига борди.

Кепак мирзо ҳам бу воқеани эшитиб, муқаддас Машҳадни холи қолдириб, Нисо ва Абивард вилоятлари тарафга қараб кетди.

Муҳаммад Ҳусайн мирзо эса Хуросонни холи топиб, Астрободдан Нишопур ҳамда Сабзаворгача бўлган ерларни зафарпаноҳ кўшиннинг жилвагоҳига айлантирди, адолат йўлини тарк этиб, шаҳар ва вилоятларни талаш, халқни қирғин қилиш ишига кўл урди.

Бу хабар доруссалтана Ҳиротга тарқалгандан ва хоқоннинг идрок шувласи бу кайфият устига тушгандан кейин, танасини заифлик ва бадан шаҳристонини қариллик заруратлари эгаллаб қолганига қарамай, ҳисравона ғайрат ҳамда подшоҳона ҳамият билан зафар миҳофасига тушиб ва шаҳарда Амир Низомуддин Алишер ҳамда амир Муборизуддин Валибекни қолдириб, 906 йилнинг муҳаррам ойида (1500 йилнинг июль-август ойларида) сафар байроғини Астробод тарафга қараб кўтарди. Йўл устида Музаффар Ҳусайн мирзо, амир Муҳаммад Бурундук барлос ҳамда вилоятнинг бошқа ҳукмдорлари хумоюн мавкабга келиб қўшилдилар. Умуман Хуросоннинг барча кўшини зафар нисбатли мавкабда жам бўлиб, дуо ва сано билан хизмат камарини белга боғлади.

Нусрат нишонли байроқнинг келаётгани хабари маълум бўлгач, Муҳаммад Ҳусайн мирзо Астрободда қолишга мажоли қолмай, иккинчи марта чекиниш водийсига юз тутди. Хоқон ҳазратлари маълум масофани босиб ўтиб, Астрободга ўзининг ҳашаматли кўниши билан оройиш берди...

Шу пайт Муҳаммад Муҳсин мирзо хоқон ҳазратлари-

нинг камоли шафқат ва марҳаматларига умид боғлаб, бузургвор отасининг ҳузурига келди ва салтанат ошёнлик остонага сўзамол элчилар юбориб, кўнглидаги гапларни арз қилди. Хоқони Мансур бундан бағоят ҳаяжонланиб, шаҳзоданинг элчиларини турли-туман лутфу карам билан сийлади ва улар орқали истимолотномалар юборди, улуғ фарзанди билан учрашиш иштиёқида эканлигини маълум қилди. Муҳаммад Муҳсин мирзо бу мактубларни мутолаа қилгандан кейин, ҳумоюн ўрдуга қараб шошилди. Хоқони Мансур «уни ҳар бир манзилдан илҳом баён сўзлар билан хурсанд қилиб, эҳтиётлик билан олиб ўтсин, чунки Муҳаммад Хусайн мирзо яқинда турибди, мабодо ногаҳон у кетган мирзо (Муҳаммад Муҳсиннинг) тўғрисида чикиб қоладиган бўлса, қўли балаңд келади», деб амир Муҳаммад Бурундукни унинг истикболига жўнатди. Амир Муҳаммад Бурундук бир оз йўл юриб шаҳзодага етишди, унга пешкашлар тортиқ қилиб, хоқони Мансур номидан шафқатомиз ва муҳаббат уйғотувчи сўзлар айтди. Шаҳзода амирлик мартабалига нисбатан эъзозу эҳтиром кўрсатиб, шу ондаёқ олий ўрдуга қараб жўнади ва бениҳоят ғурур ва ғафлат билан бир оз йўл босди. У Муҳаммад Хусайн мирзонинг яқинлигидан гофил эди ва бузургвор отасининг насиҳатларига хилоф ўларок, эҳтиёткорлик йўлини тутмади. Муҳаммад Хусайн мирзо бундан огоҳ бўлиб, унинг томонига қараб от сурди ва Кепак мирзонинг аксар сипоҳи тарқалиб кетган манзиллардан бирида унинг ўрдусига ташланди. Муҳаммад Муҳсин мирзо (Кепак мирзо) Муҳаммад Хусайн мирзо кўшинларининг қорасини кўриш билан унга қарши туриш қийинлигини англади ва амир Муҳаммад Бурундук, бошқа амирлари ҳамда арқони давлати билан тездан отланиб, олий ўрду томон қочди. Унинг тамом отлари, туялари, чодирлари ҳамда юқларини Муҳаммад Хусайн мирзо ўлжа тушириб, Оби атроқ тарафга қараб кетди.

Хоқони Мансур бу воқеани эшитгач... «улуғ амирлар, Осаф ҳашаматли вазирлар шаҳзоданинг яроқ ва асбоб-анжомларини подшоҳ хазинасидан олиб, унга юборсинлар, арқони давлатдан ҳар бири шаҳзоданинг хос амирларидан ҳар бирини қурол-аслаҳа ва анжом билан таъминласин», деб буюрди. Муҳаммад Хусайн мирзо Муҳаммад Муҳсин мирзодан тортиб олган нарсаларнинг ҳаммаси бир соат ичида ҳумоюн ўрдуда муҳайё қилинди, улуғ амирлар ўша нарсаларни шаҳзоданинг (Муҳаммад Муҳсиннинг) ҳузурига юбордилар, сўнгра учрашув маросими ташкил этилди. Кепак мирзо Сарипули Сангин деган жойда зафарёр хоқон билан учрашув саодатига етишиб, ўтган ишлар учун кечирим сўради ва анвойи шафқат, мурувват ва марҳамат билан сийланди, қадр қиммат

пояси кўрсатилди, зафар байроқли хоқоннинг фармони билан бу саодатли фарзанд девони олийнинг бошлиғи лавозимига тайинланди...

Шу аснода... Муҳаммад Ҳусайн мирзо бузургвор отасига нисбатан душманлик йўлини тутганидан пушаймон бўлиб, олампаҳоқнинг даргоҳига кўп пешкашлар билан сўзамол элчилар юбориб узр сўради. Кечиримли хоқон фарзандининг узрини қабул қилди ва оталик шафқати ортиб, иккинчи бор Журжон ҳукуматини унга беришга қарор қилди ва борди-келдилардан ва аҳду паймон қоидалари бажарилгандан кейин, олимакон хоқон Астробод ҳукуматини унга бериш ҳақида янги нишон юборди. Сўнгра ўзининг доимий ҳамда улуғ манзилига қайтишга жазм қилди ва Хуросон томон йўналди. Йўл устида мирзо Муҳаммад Муҳсиннинг қобилиятли гавдасини тиллодўз чопон, қимматли тошлар билан безатилган камар ва ханжар билан беади, Тус вилоятини, муқаддас Машҳад, Абивард, Нисо, Ёзир ва Дарунни қайтадан унинг ҳаққоний ихтиёрига топширди... (286—288-бетлар.)

СУЛТОН ҲАЗРАТЛАРИ ЯҚИН ДЎСТИНИНГ ФОНИЙ ДУНЁДАН АБАДИЙ САРОЙГА КЎЧИШИ ВА НУСРАТ БЕЛГИЛИ ХОҚОН БАЙРОҒИНИНГ ИҚБОЛ ВА КОМРОНЛИК БИЛАН ДОИМИЙ МАНЗИЛҒОҲИГА ҚАЙТИШНИНГ БАЁНИ

... Мушкин бошли қалам қайғули либосини кийиб, бу мусибат ҳолатини мана бу ибораларда таҳрир ипига тизади. 906 йил жумоди ас-соний ойининг бешида, душанба (1500 йил 27 декабрь) да қамарсайр чопар олий ўрдудан доруссалтана Ҳиротга етиб келди ва юлдуз мартабали мавкабнинг тезлик билан доимий мустақиллик тахтига келаётгани хабарини етказди. Бу ҳабар ёқимли шамолининг майин эсишидан қишнинг қалби умид боғига айланди, мамлакат халқининг умиди чечак очди; хосу авом, барча одамлар тўдаси хурсанду бахтиёр бўлдилар.

Зафар белгили хоқон ҳазратларининг яқин дўсти Амир Низомуддин Алишер сешанба куни пешин намози вақтида (1500 йил 28 декабрда) жами улуғ ҳамсуҳбатлари ва иззатли аҳбоблари билан биргаликда хоқоннинг истикболига жўнадилар, чоршанба кечаси (1500 йили 28 дан 29 декабрга ўтар кечаси) Работи Париёнда тўхтадилар. Эртаси куни (1500 йил 29 декабрда) у ердан Работи Поёбга келдилар. Ўша ерда ҳумоюн мавкабнинг яқинлашиб қолгани хабари келди. Комкор хоқон билан учрашиш тараддудида кечанинги кўп қисмини бедорлик билан ўтказдилар. Тангрининг инояти билан подшоҳнинг учар тўпичоқлар қўшилган миҳофасининг келаётгани

хабари эшитилиши билан, сиҳат-саломат отланиб, хоқони Мансур ўша кечаси тунайдиған Работи Муҳаммад Валибекка қараб жўнадилар. Андақ масофани босиб ўтгандан кейин, саодат нисбатнинг тўда-тўда мулозимлари унинг олдидан чиқиб ул жанобнинг файзли қўлларини ўпиш шарафига ва сийлашларига муяссар бўлдилар. Хожа Аббос номи билан машҳур бўлган мавзеда яхши хислатли хоқоннинг миҳофаси узокдан давлату иқбол билан келаётгани кўринди. Олижаноб, буюк кўшк эгаси (Султон Ҳусайн) хожа Шаҳобуддин Абдулони олдиндан юборди ва Султон ҳазратларининг яқин дўсти ул камолот эгасини меҳрибонлик оғушига олди ва ҳол-аҳвол сўраш маросимидан кейин, ҳали гап-сўз тамом бўлмасдан, олий мақом Амирнинг аҳволида ўзгариш пайдо бўлди, бениҳоят изтиробга тушиб: «Хожа Абдулла мендан бохабар бўлиб туринг», деди. Шу пайтда ҳазрати хоқоннинг миҳофаси яқинлашди. Султон ҳазратларининг яқин дўсти олампаноҳ подшоҳ билан кучоклашиб кўришмоқ учун отдан тушди, лекин юришга қуввати келмагандан, бир тарафдан хожа Абдуллонинг, иккинчи томондан мавлоно Жалолуддин Қосимнинг елкасига суяниб, бир иложини қилиб миҳофага етиб олди ва унинг (султоннинг) файзли қўлларини ўпа бошлаганда, заифлик кучайиб ерга ўтириб қолди. Саодатманд хоқон соф кўнгилли Амирни меҳрибонлик ва дилжўйлик билан канчалик хитоб қилмасин, асло жавоб бермади. Бу ҳол хоқоннинг паришонхотир бўлишига сабаб бўлди ва уни ўзининг миҳофасига ётқиздириб ўша кечанинг ўзидаёқ шаҳарга етказишни буюрди. Хожа Абдуллага ул осмон қуёши ва фазлу камол эгасининг аҳволидан бохабар бўлиб туришни тайин қилиб, ўзи Работи Париснга қараб жўнади. Шу пайт султон ҳазратлари яқин дўстининг нафас олиши ва башарасида сакта касалининг аломатлари пайдо бўлди. Тибб илмидан воқиф бўлган кишиларнинг барчаси ундан қон олиш зарурлиги, натижада тузалиб кетишини айтдилар. Аммо табобатда моҳир бўлган мавлоно Абдулҳай Туний бунга қарши чиқди, «хато содир бўлмасин учун Ҳиротга боргач, табиблар йиғилишида бунга илож топмоқ керак», деди. Хожа Шаҳобуддин Абдулла Ромийи Сонийни ҳамроҳ қилиб, султон ҳазратларининг яқин дўстини миҳофага ётқизиб шаҳарга жўнатди. Ул олий мартабали Амирнинг неъмат дарёсига ғарқ бўлган бу банда (Хондамир) музтар бўлиб, хожа Абдуллага дедимки, хасталик шу даражадаки, агар қон олинмаса, кейин иложи қолмайди. Ул жаноб тараддудга тушди ва хоқони Мансур ҳузурига чопар юбориб аҳволидан уни хабардор қилди. Ул ҳазрат «бу заифнинг раъйига амал қилинадиган бўлса, унда қон олинсин», деб жавоб қилди. Бирок, чопарнинг қайтгунича

ва томир топилгунча уч фарсах йўл босилиб, фурсат қўлдан кетган эди. Кўп уринганларидан кейин ҳам беш-олти сир қон чиқмади, дард эса зўрайиб борди. Ўша жумъа кечаси (1501 йил 1 январь) ул жанобни шаҳарга олиб келдилар, эрталаб (1501 йил 2 январда) барча табиблар тўпланиб, бир неча бор қон олишга уриндилар, аммо, иш қўлдан бой бериб қўйилган эди, бундан фойда чиқмади. Ўша лаҳзада ҳокони Мансур ҳидоят мартабалик Амирнинг бошига келди, уни тамом ҳушсиз кўриб ва аҳвол тузатиб бўлмайдиган даражага етганини дили билан сезиб, кўз булоқларидан ёш қатралари ёғди. Шанба куни дард яна ҳам кучайди ва якшанба куни (1501 йил 3 январь куни) тонгда унинг руҳ қуши қалб қафасини синдириб, жисмоний бадан танглигидан абадийлик боғининг кенглигига қараб парвоз қилди.

Рубоий:

Дардо покбози жаҳон аз жаҳон бирафт,
Пок ончунон, ки омада буд, ончунон рафт.
Рухаш, ки шоҳбоза маорифи шикор буд,
Овози табли шоҳ шаниду равон бирафт.

Мазмуни: эвоҳ, жаҳон ошиғи оламдан ўтди, қандай пок келган бўлса, поклигича ўтди. Рухи маърифат қушининг лочини эди, Шоҳ ногора овозини эшитиб нариги дунёга равона бўлди.

Шарқ подшоҳи кўкимтир осмон ботинидан чиқиб, мотам тутувчилар хонадонига андуҳ шуъласини сочган эрта тонгда мусибат асарлик бу хабар доруссалтана Ҳирот бўйлаб тарқалгач, ғам-ғусса алангаси ва қонуннинг андуҳи хосу авомни ўз гирдобига тортди; амир, вазир, ёшу қарининг бўкириб йиғлаши осмон гумбазини титратди... уламо ва алломалар иззат салласини ерга улоқтириб, «энди кимдан тарбият топамиз», деб ҳайрон бўлдилар; ҳурмат-эҳтиромли фузало «энди мен кимнинг йиғинига бораман», деб сабр-тоқат либосини тилка-пора қилди...

Назм:

Чаро хун наборид чашми сипехр,
Чаро гашт равшан дигар моху мехр.
Чаро силки айём дарҳам нашуд,
Чаро моху соли жаҳон кам нашуд.

Мазмуни: нечун фалак кўзидан қон оқмасин, нега ойу қуёш қайтадан равшан бўлсин? Нечун кўзлар занжири ситилмасин, нега ойу йил энди камаймасин?

Ҳоқони Мансур, маҳд ўлө Хадичабеги оға ва подшоҳнинг бошқа катта хотинлари ўша пайтнинг ўзида султон ҳазратлари яқин дўстининг уйига келдилар; саййидлар, шайхлар ва уламо жам бўлиб, шариат қоидаларига биноан уни ювиб-тарадилар, такфинладилар. Раҳмат андоза жаноза Ҳирот Ийдгоҳида ўқилди, сўнг ўзининг жоме масжиди ёнида, унинг шимол тарафида жойлашган ва аввалдан маслаҳат билан қуриб қўйилган гумбаз остига пайғамбар суннатига биноан дафн қилдилар...

Ҳазрати ҳоқон уч кун мобайнида султон ҳазратларининг яқин дўсти уйида таъзия тутиб, ул тўғри тадбирли ва ҳашаматли Амирнинг мусибат ва ҳижронда қолган яқинларига шерик бўлдилар. Ўша ғамнок пайтда етти кунлик ош беришга ишорат қилдилар. Амирлар, тавочилар ҳамда хонсолорлар шу қадар кўп таом ҳозирладиларки, шаҳар ичидан унга лойиқ одам сифдира оладиган бино топмадилар, сўнг ноилож, подшоҳнинг «саййидлар, шайхлар, уламо, фозиллар, шоирлар, амирлар ва вазирлар, балки тамоми халқ ушбу мусибатнинг еттинчи кунни доруссалтана Ҳиротнинг шимолий тарафида жойлашган Ийдгоҳ ёнидаги Ҳавзи Моҳиён рафага тўплансин», деган қутлуғ фармойиши содир бўлди. Ҳоқони Мансур ўша манзилда ўрнатилган ўн икки пояли чодирга кириб тахтга ўлтирди ва шундай мажлис чақирдики, ўтган аср ва замонларда ҳеч ким бунчалик кўп одам йиғилганлигини кўрган эмас. Амирлар ва тавочилар отланиб човушлик лавозимига киришдилар, тавочилар ва хонсолорлар ош торта бошладилар. Таом еб бўлингач, хушовоз ҳофизлар мўъжиз-ул-низом Қуръон оятларини хатм қилдилар, подшоҳ саройининг ходимлари азадорларни азадорлик либосидан ҳалос қилиб, уларга қимматбаҳо кийимлар кийгиздилар. Сўнг ул ҳазрат улуғ амир яқинларининг кўпчилигини халифалик тахти поясига чорлаб, мулоим ва марҳаматли сўзлар билан меҳрибончиликлар кўрсатди, уларга сабр-сабот тилади.

Шоирлар ва фозиллар ул балоғатли Амирнинг вафот тарихини турли иборалар билан назм ипига тиздилар, яхши сифатли ул зотга атаб марсиялар, қасидалар, мукталар ёздилар... Ўша умумхалқ мусибати таърихи хусусида ушбу сатрларнинг муаллифи хотирига мана бу қитъа келди:

Жаноби Амири хидоятпаноҳи,
Ки зоҳир аз у гашт осори раҳмат.
Шуд аз хору зори жаҳон суйи боғе,

Ки онжо шигуфта аст гулзори раҳмат.
Чу нозил шӯд анвори раҳмат ба руҳаш,
Бижу соли фавташ зи «анвори раҳмат».¹

Мазмуни: жаноб ҳидоятпаноҳ амир, ундан раҳмат белгилари кўринарди. Жаҳон хору зор бўлганидан Боғараф раҳмат гулзори гуллаганди. Руҳига раҳмат нурлари тушгани учун, вафот таъриhini «анвори раҳмат» дан излагин.

Икки тиллик қалам унинг яхши хулқларини таҳрир ипига тизгани ва ўша китоб халқ ўртасида машҳур эканлиги сабабли, бу ерда бу хусусда ёзилмади... (288—289-бетлар.)

¹ Бу қитъа ўшанда қабр лавҳига китоба қилинган эди.



БОБУР

«БОБУРНОМА» ДАН

«(Султон Хусайн мирзонинг) умароси. Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммақтаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абу Саид мирзо Хиридин ихрож қилди. Самарқандға борди, неча йилким Самарқандда эди, Аҳмад Хожибек мураббий ва муқаввийси эди. Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг гуруридан тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур.

Алишербек тенги йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, бешти «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» отлик. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «Ғаройиб ус-сиғар», «Навоидир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавойид ул-кибор» отлик. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқа пастрок ва сустроқ воқи бўлубтур. Ул жумладин иншоларини мавлоно Абдурахмон Жомийға тақлид қилиб жам қилибтур. Ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирубтур.¹ Яна «Мизон ул-авзон» отлик аруз битибтур бисёр мадхулдир. Йигирма тўрт рубоий

¹ «Ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирубтур» — бу ерда сўз Алишер Навоий топшириғи билан тузилган «Мажмуъайи муросилот» («Мактублар тўплами») ҳақида боради. «Навоий альбоми» номи билан ҳам машҳур бўлган бу тўпламда Абдурахмон Жомий, хожа Убайдуллоҳ Ахрор (895/1489 й. вафот этган), хожа Муҳаммад Яҳё (906) 1500 й., вафот этган), хожа Муҳаммад Аминуддин ва бошқаларнинг Алишер Навоийға ёзган мактублари жамланган. Альбом ЎзФАШИ қўлёз-

вазнида гўрт вазнида галат қилибтур. Баъзи бухурнинг авзони ҳам янгилабтур, арузга мутаважжиҳ бўлгон кишига маълум бўлгусидур. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда «Фоний» тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар сушт ва фурудтур. Яна мусиқида яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур.

Аҳли фазл ва аҳли хунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Хусайн Удийким, созда саромақ эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирида бекнинг саъий ва эҳтимоми била мундоқ машхур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Ўғул ва қиз ва аҳлу аёли йўқ, оламни тавре фард ва жариди ўткарди. Авоийл муҳрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободда ҳукумат қилди, авохир сипоҳиликни тарк қилди. Мирзодин (Султон Хусайндин) нима олмас, балки йилда мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди. Султон Хусайн мирзо Астробод черикидин ёнғонда истиқболға келди, мирзо била кўрушуб кўпкунча бир ҳолати бўлди, кўполмади, кўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға ўқ тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби хол воқи бўлубтур:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғойлар». (233-бет)

«Фарғона вилояти. Етти пора қасабаси бор, беши Сайхун суйининг жануб тарафида, иккинчи шимол жонибида. Жанубий тарафидаги қасабалардан бири Андижондурким, васатта воқи бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур... Эли туркдур. Шаҳар в бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била ростур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Хирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур» (60-бет).

«Яна бири Аҳмад Хожибек эди. Султон Малик Кошғарийнинг ўғли эди. Хири ҳукуматиани Султон Абу Саид мирзо неча маҳал мунга бериб эди. Обоғаси Жонибек ўлгандин сўнг анинг мучасини бериб, Самарқандга йиборди. Хуштаъб ва

малар фондида (инв. № 2178) сақланмоқда. Улардан Абдурахмон Жомийнинг мактублари шу институтнинг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Асомиддан Ўринбоев томонидан рус тилига таржима қилиниб, чоп этилган (Письма — автографы Абдурахмана Джами из «Альбома Навои», Ташкент, 1982).

мардона киши эди, «Вафой» тахаллус қилур эди. Соҳиби девон эрди, шеъри ёмон эмас эди, бу байт анингдурким:

Мастам, эй мухтасиб, имрӯз зи ман даст бидор,
Ихтисобам бикун он рӯз ки ёби хушёр.

Таржимаси:

Эй мухтасиб, мастман, букун мендан қўлингни торт,
Қачонки хушёр топсанг, ўша кунни текшир.

Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Хожибек била бўлур эди. Султон Ҳусайн мирзо подшоҳ бўлгондин сўнгра Ҳирига келди. Асру улуғ риоят топди. Аҳмад Хожибек яхши тўпчоқлар сахлаб яхши минар эди. Бу тўпчоқлар аксар хоназоди эди. Агарчи мардона киши эди, сардорлиғи мардоналиғидан эмас эди. Бепарво киши эди. Иш кучини, навкар-савдарини сару сомон қилур эди. Бойсунғур мирзо Султон Али мирзо била Бухорода урушуб мағлуб бўлгонда иликка тушти. Дарвиш Муҳаммад тархон қонининг тухмати била беиззатона ўлтурдилар» (77-бет).

«Яна Дарвиш Алибек эди. Алишербекнинг туқган иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукумати мунда эди. Балхда яхши бекликлар қилди. Тийра мағз ва беҳунарроқ киши эди. Султон Ҳусайн мирзо аввал Қундуз ва Хисор устига келганда тийра мағзлиғидин туттурдилар. Балх ҳукуматидин маъзул бўлди. Тарих тўққиз юз ўн олтида (1510—11) мен Қундуз келганда, менинг қошимға келиб эди, масх ва мабхут эди. Беклик қобилиятидин дур ва ичкилик салоҳиятидин маҳжур. Ғолибо Алишербек воситасидин мунча риоят топқандур» (235-бет).

«Вузаро (дин) бири Маждуддин эди. Шоҳруҳ мирзонинг яққалама девони хожа Пир Аҳмад Ҳавофийнинг ўғли эди, бурунлар Султон Ҳусайн мирзонинг девонида хотирхоҳ тартиб ва насақо йўқ эди. Исроф ва итлоф бисёр бўлур эди: не раият маъмур эди, не сипоҳи шокир. Ул фурсатга Маждуддин Муҳаммад парвоначи эди, мирак дерлар эди. Мирзоға озроқ ёрмоқ муҳим бўлуб девонийлардан тилаганда, девонийлар, «йўқтур, ҳосил бўлмас», деб жавоб берурлар. Маждуддин Муҳаммад ҳозир экандур, табассум қилур. Мирзо жихат сўрса, хилват қилиб, кўнглидагини арз қилиб дерким, мирзо шарт қилсаларким, менинг илигимни қавий қилиб, сўзумдин тажовуз қилмасалар, оз фурсатга андоқ қилайким, вилоят маъмур ва раият шокир ва хазона мавфур ва сипоҳи вофир бўлғай. Мирзо ҳам анинг дилхоҳи аҳд ва шарт қилиб, тамом Хуросон мамоликида

ани соҳиб ихтиёр қилиб, жами муҳиммотни анинг ухдасиға килди.

Бу ҳам имкони борича саъий ва эҳтимом қилиб, оз фурсатта сипоҳи ва раиятни рози ва шоқир килди. Ҳазонаға ҳам вофир ёрмоқлар тушурди, вилоятни маъмур ва ободон килди. Вале Алишербек бошлиқ жами беклар ва аҳли мансаб била зиддона маош қилди, бу жиҳаттин барча анинг била ёмон бўлдилар. Саъийи ва игво қилиб, Маждуддин Муҳаммадни туттуриб, маъзул килдилар. Анинг ўрниға Низомулмулк девон бўлди. Неча маҳалдин сўнг Низомулмулкни ҳам туттуриб ўлтуруб, хожа Афзални Ироқтин келтуруб девон қилдилар. Мен Кобул келган фурсатда хожа Афзални бек қилиб эдилар, девонда ҳам муҳр босар эди» (239-бет).

«Ушбу йил (902/1496—97 йили) Султон Ҳусайн мирзо била Бадиуззамон мирзо орасидағи ниқорлар урушға тортти. Тафсили будурким, ўтган йил Балхни ва Астрободни Бадиуззамон мирзоға ва Музаффар мирзоға бериб юкундуруб эдиларким, нечук мазкур бўлди, ўшул муддаттин бу муддатқача ғолибан элчилар бордилар ва келдилар. Охири Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд саъй килдилар. Бадиуззамон Астрободни инисиға бермакка ризо бўлмади. Дедиким, «менинг ўғлим Муҳаммад Мўъмин мирзони хатна қилғонда мирзо Султон Ҳусайн мирзо (Астрободни) анга бағишлабтур». Бир кун Алишербек била мирзонинг орасида бир суҳбате ўттиким, мирзонинг тез фаҳмлилиғиға ва Алишербекнинг рикқати қалбига долдур. Алишербек сиррий сўзларни мирзоға гўшаки қилиб айтди. Дағи дедиким: «бу сўзларни унутинг». Мирзо филҳол айттиким «қайси сўзларни?» Алишербек бисёр мутаассир бўлиб йиғлади» (99—100-бетлар).

Султон Ҳусайн мирзонинг ахлоқ ва атвори: аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, дувоздаҳ имомни хутбада ўқутғай. Алишербек ва баъзилар ман қилибтурлар. Сўнгралар худ жами иш кучи суннат ва жамоат мазҳаби билан мувофиқ эди... (222-бет).

Яна Камолуддин Ҳусан Гозургоҳий эди, агарчи сўфи эмас эди, (бирок) мутасаввуф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввуфлар йиғилиб, важд ва само қилурлар экандур. Аксаридин муниг усули яхшироқ экандур. Ғолибо сабаби риояти усули бўлбтур. Ўзга дегудек ҳайсияти йўқ эди. Бир таснифи бор «Мажолисул-ушшоқ» отлик; Султон Ҳусайн мирзонинг отиға боғлаб битибтур, бисёр сушт ва аксар ёлғон ва бемаза беадабона харфлар битибтур... (238—239-бетлар).

Шуародин:... Яна Биноий эди, Ҳириликтур; отаси устод Муҳаммад Сабз банно учун мундоқ тахаллус қилибтур. Ғазалида ранг ва ҳол бордур, девон тартиб қилибтур, масна-

вийлари ҳам бор. Бир маснавийси мевалар бобида, мутақориб баҳрида, бемуҳассал нима дебтур, бекоре қилибтур. Яна бир мухтасар-маснавийси бор, хафиф баҳрида. Яна бир улугроқ маснавийси бор, ул ҳам хафиф баҳрида, бу маснавийни сўнгралар тугатиб эди. Бурунлар мусиқийдин беҳабар экандур, бу жиҳатин Алишербек таън қилур экандур. Бир йил мирзо (Султон Ҳусайн) Марвга қишлай борганда Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирида қолур. Ул киш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз мирзо Ҳири келганда савт ва нақш ўтқарур. Алишербек таажжуб қилиб таҳсин кулур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, «Нўхранг» га мавсум. Бу тўққуз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлоси Росттадур.

(Биноий) Алишербекка хили мутаарриз экандур. Бу жиҳатин хили жафолар тортти. Охир тура олмай Ироқ ва Озарбайжонга Яъқуббек қошига борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди, ҳарифи мажлис бўлиб эди. Яъқуббек ўлгандин сўнг, ул вилоятларда турмай Ҳирига келди. Ҳануз зарофат ва тааррузи бор эди. Ул жумладин бири будурким, бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Биноий (нинг орқаси) га тегар, Алишербек мутояба била дерки, «ажаб балоест дар Ҳири агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад» («ажаб бир балодирки, агар Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоир кетига тегасан»). Биноий дерким: «агар жам мекуни ҳам ба пушти шоир мерасад» («йиққанингда ҳам шоир кетига тегеди»), Охир бу зарофатлардин яна Ҳиридин Самарқанд азимати қилди.

Алишербекки қалин нималар ихтиро қилиб эди ва яхши нималар ихтиро қилиб эди, ҳар кишиким ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривож ва равнақи учун «Алишерий» дер эди. Баъзи зарофат била Алишербекка иснод қилурлар эди. Нечукким Алишербек кулоқ оғриғида ёғлиқ боғлағон учун хотунлар кўк ёғлиқни қийиқ боғлағонни «нози Алишерий» от кўйдилар. Бу жумладин Биноий Ҳиридин азимат қилур вақт эшаги учун полондўзга ғайри муқаррар полоне буюрур, отини «Алишерий» дер, «полони Алишерий» машҳур бўлди» (242-бет).

Хушнавислардин агарчи хили киши бор эди, вале борининг саромади насхтаълиқда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо Султон Ҳусайн учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттиз байт мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битар эди (244-бет).

Умародин яна Бобо Али эшик оғо эди. Аввал Алишербек риоят қилиб эди, сўнгра мардоналиғидин мирзо (Султон Ҳусайн) олиб, эшик оғо қилиб беклик мартабасига еткуруб

эди. Юнус Аликим, бу тарихта менинг қошимда бек ва муқарриб ва ичкидур, зикри муқаррар келгусидир, мунинг ўғлидур (237-бет).

Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда¹ Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида турки байт айтиб битиб юбориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавго бўлди (142-бет).

Одина куни ойнинг йигирма учиди (925 йил 23 шаббон — 1519, 22 август). Алишербекнинг тўрт девонидин бухур, авзон бир байти била ғазаллар ва абётким интихоб қилиладур эди, итмомиға етти (314-бет).

Ва бир неча аҳли табким, ушбу подшоҳ Султон Ҳусайн доимул-авқот суҳбатдин айру қўймас эрди, булардур: ... Ва шайх Зайн садрким, Зайнуддин Ҳавофийни набираси эрди, хиддати таъби бор эрди, назм ва иншодин салиқалиғ ва хумоюн подшоҳ замонида умаролиғ ҳам топиб эрди. Ва шайх Абдулвоҳид Фориғийким шайх Зайн Ҳавофийни абаси бўлур эрди, хуштаъб ва шеър ҳам айтур эрди. Ва Султон Муҳаммад кўсаким, Мир Алишернинг мусоҳибларидин эрдиким, подшоҳ Султон Ҳусайн суҳбатида иззат топиб, сарафроз бўлур эрди. Ва мавлоно Шаҳоб муаммойиким, «Фақирий» тахаллус қилиб эрди, фазойил ва шеърдин насибаси бор эрди. Ва мавлоно Юсуф табибким, анинг Хуросондин тилатиб эрдилар, набз кўрмоғдин ва ташхис қилмоғ анинг иши эрди... Ва Хонд Амир муаррихким, турфа киши эрди. Тасонифлари борким, халқ орасида машҳурдир: «Ҳабиб ус-сияр» ва «Хулосат ул-ахбор» ва «Дастур ул-анвор» ва ўзга таснифлари бор. (461-бет)

«МУХТАСАРА» ДАН

Хожа Носир (Тусий) «Меъёр ул-ашъор» ида бу доирани (Доираи муштабиҳои солим) келтурубтур, жадид била мушокил баҳрининг вазнини кўрсатиб, бу баҳрларни муштаъмал эмастур дебтур. Мир Алишер Навоий бу тўққиз баҳрининг доирасин ўзига иснод қилибтур, голибан «Меъёр ул-ашъор» ни мутолаа қилмагандур (30-бет).

¹ «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда» — бу воқеа, яъни Бобур мирзонинг қизилбошлар ёрдамига таяниб иккинчи марта Самарқандни олиши воқеаси 917 йилнинг ражаб ойида (1511 йилнинг сентябрь ойида) юз берган. Фихримизча, бу ерда қандайдир ноаниқликка йўл қўйилган. Бу вақтда Алишер Навоий ҳаёт эмас эди — у 906 йил жумоди ус-соний ойининг ўн иккисиди (1501 йил 3 январда) оламдан ўтган эди. Бу маълумот «Бобурнома» даги 916 (1500—1501) йил воқеаларида (136—142) келтирилган. Шунга караганда, гап Бобурнинг Самарқандни 1500 йил кузиди ишғол қилиши ҳақида боради. Бу вақтда Навоий ҳақиқатан ҳам тирик эди.

Мир Алишер Навоий доғи ўн икки аҳрам вазнига уч
рубойи ва ўн икки аҳраб вазнига уч рубойи айтибтур.

АҲРАМ ВАЗНИНИНГ РУБОУЙЛАРИ

Ё раб не офатдур ул ҳусну жамол.
Ким йўқтур ер ила жаҳон узра мисол.
Минг катла шукрин-десам оз эрур,
Гар бўлса бир замон манга коми висол.

Эй сенсиз умрумдин осойиш йўқ,
Кўз истарким, кўрса жамолингни тўқ.
Келгилким бир катра узорингни кўрай,
Ким хажринг кўп эрди бу кўксимга ўқ.

Эй маҳваш ўтгай бу саркашлик ҳам,
Раҳм айлаб, бу қулга жафони қил кам.
То тенгри асрагай халойиққа сени,
Айлармен юз дуо сенинг сари дам.

АҲРАБ ВАЗНИНИНГ РУБОУЙЛАРИ

Эй сендин ўлуб бағрим ҳам кўксум доғ,
Кўнглум ўту ул ўтқа тўқуб ашким ёғ.
Танг ўлса ғаминг ичра жонигга фидо,
Жон қуйса муҳаббатингда сен бўлгил соғ.

Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас,
Жаврунгни кўнгулга эй париваш қил бас.
Ҳажрингда фиғонимга улус нола қилур,
Қил ҳолима раҳмким эрурмен бекас.

Эй шўх, бизинг сори бир айла назар,
Ким оху фиғон ўти чекар кўкка шарар.
Ё васл ила кўнглумга қарин айла мурод,
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимга асар.

(58—59-бетлар)

Бу вазнда (мустаъмал) мусажжаъ ғазал кам айтибтурлар.
Мир Алишер Навоий бир неча ғазал айтибтур, ул жумладан
бу бир лўли йигитнинг таърифида бу ғазал воқе бўлубтур:

Не лўливашдур ул қотилки қон тўқмакка дур яксар,
Қиё боқмоқлари поки итик мужгонлари наштар.
Юзидин ким хижилдур гул паришон ҳар тарафга гул,
Сочин гул барг уза сунбул тўқуб кофур уза анбар.
Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,
Қамардек ҳола кўргузди, узори даврида чанбар.
Либоси нози часпондур, гаҳи туз қадди човгондур,
Замони гўйи ғалтондур, зиҳи чобук, зиҳи дилбар.
Жунун шамъин қилур равшан, кўнгулга телбалукдур
фан,
Паридек бўлғали парронда ул шўҳи пари пайкар.

(127-бет)

САККИЗИНЧИ ВАЗН

Бу вазнда маснавий айтибтур ул жумладан, шайх Низомуддиннинг «Хусраву Ширин»идур ва хожа Хусравнинг «Ширину Хусрав» и ва мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Юсуфу Зулайҳо» си ва Муҳаммад Усорнинг «Меҳру Муштарий» си ва Мир Алишер Навоийнинг «Фарҳоду Ширин» и, мавлоно Абулхайр Хоразмийнинг «Гулу Наврўз» и (135-бет).

Навий:

Кўзинг не бало қора бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур.
Бегона бўлубтур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлубтур.

Йўқ даҳрда гарчи ёр санингдек,
Душман дағи қайда бор санингдек.

Қошию қаддию оғзин ул моҳ,
Кўрсатмаса манга найлайин, оҳ.
Қадди била икки зулфу оғзи,
Жонимға бўлубтур оллоҳ.

Юз кўрсатиб ўлтурурсен, эй ой,
Йўқ сен каби худнамои худрой.
Қаддинг алифу қошинг эрур ё,
Десам не ажаб агар сени ой.

Ҳам дола юзунг қошида беранг,
Ҳам сарв қадинг борида бепой.
Сендин менга юз ҳазор ҳасрат,
Мендин сенга борму ҳеч парвой.

Ул ёр агар яшурса юз ох,
Агёрга гар кўрунса юз ой.

Бу вазнда дағи маснавий кўптур ул жумладин шайх Низомийнинг «Лайлию Мажнун» и ва хожа Хусравнинг «Мажнуну Лайли» си ва мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Лайлию Мажнун» и ва Мир Алишер Навоийнинг «Лайлию Мажнун» и ва Абдулла Ҳотифийнинг «Лайлию Мажнун» и (136-бет).

Бу вазн (мустаъмал) форсийда ва туркийда кўп шойиъдур. Мавлоно Абдурахмон Жомий бу вазнда бисёр айтибтур. Мир Алишер Навоийнинг худ жами ўзга вазнда айтқон ашъори била бу вазнда айтқон ашъорининг лошаҳ бергай. Султон Ҳусайн мирзонинг девонида ушбу вазндин ўзга вазн йўқтур...

Хожа Хусравдин мундоқ машҳурдурким демиш бўлғай-ким «агар афлок ҳаводисию рўзгор навоидин менинг барча назмим замона саҳифасидин мавҳ бўлса ва бу қасидам¹ қолса менга бастур. Не учунким, ҳар киши ани ўкуса билурким назм мулкида менинг тасарруфу иқтидорим не мартабада экандур. Улуғ шоирлар лаҳу аксар татаббуъ қилибтурлар Мир Алишер Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» ининг матлаича кам воқи бўлубтур.

Оташин лаъли ки тожи хисраванро зевар аст,
Ахтаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Таржимаси:

Оташин лаъл подшоҳлар тожини безовчидир,
Бошда хом бўлса ҳам хаёл чўғи маромига етқарур.

(145—146-бетлар)

¹ «Бу қасидам» — Хусрав Деҳлавийнинг (1253 — 1325) «Дарёи Аброр» идаги мана бу мисра кўзда тўтилмоқда:

Кўси шаҳ холию бонги гулгулаш дарди сар аст,
Ҳар ки қони шўд ба хушқу тар шаҳи баҳру бар аст.

(Подшаҳнинг ногораси пўк бўлса-да, гулгуласи бош оғритар, кимки хўлу қу-рукқа қаноатли — у ер юзи шоҳидир).

БЕШИНЧИ ВАЗН

Навой:

Кўрадурменки борур ёру қолурмен мени гумроҳ,
Бора олмон, тура олмон, не котик холат эрур, воҳ.

(156-бет).

Атроқ орасида бир суруд борким «тархоний» дерлар, бу вазни анга тақсим қилурлар, икки даврда боғланибтур: тақсими бир даврда ва аёлғуси бир даврда. Султон Ҳусайн мирзонинг замонида яна бир суруд чиқтиким «Туркий» га ўқ мавсум бўлди, анга дағи ушбу вазни тақсим қилурлар, ул дағи икки даврда боғланибтур...

Бу вазнда (тўққизинчи вазнда) дағи маснавий айтибтурлар бурунғи авзондин озроғ. Ул жумладин шайх Атторминг «Мантиқ ут-тайр» идур. Яна неча маснавий дағи ушбу вазнда айтибтур. Яна мавлоно Румийнинг маснавийси дағи бу вазндадур. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Саломону Абсол» ва Мир Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» и нечукким, ажам шуароси рубоий вазнига хадди муайян муқаррар қилибтурлар, турк фусаҳоси ҳам бу вазнига хадди муайян муқаррар қилиб икки байт айтибтурлар, «туюқ»қа мавсумдур. Бу вазнлар мўғул хонлари била турк салотининг мажолисида «туюқ» нинг кўп иштиҳори бор эркандур. Ҳар кишига оёқ даври етганда муносиби ҳол «туюқ» ни тақсим қилиб йирлар экандур. «Туюқ» неча навдур? Бири улким ҳар уч қофияда тажнис риоят қилурлар нечукким.

Навой:

Лаълидин жонимға ўтлар ёкилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо билмонки қилмас ё қилур.

Улки ҳар кўзи гизоли чиндурур,
Қошида пайваста ониг чиндурур.
Чунки кўп ёлғон айтти ул менга,
Гар десам ёлғончи они чиндурур.

То чикарди хой узори покидин,
Гул юзи озурда бўлди покидин.
Истар эрди эл бурун юз меҳр ила,
Эмди ул юз меҳри кетти покидин.

Яна бири улким қитъадек бурунғи байтнинг аввалги мисраида қофия риоят қилмай, байтларнинг қофиясида тажнис келтурурлар, нечукким.

Навоий:

Берма дерлар ул вафосизға кўнгул,
Ким анинг кишиға ортуқ ниши бор.
Мен тама узмасмен ўлсам лаълидин,
Жон менинг жонимдур элнинг не-ши бор.

Бир пари ишқида мен девонани,
Эй-ки истармен келиб гулханда кўр.
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади.
Эй кўнгул, наззора кил гул ханда кўр.

(162—163-варақлар)

ЗАЙНИДДИН ВОСИФИЙ

«БАДОЕ УЛ-ВАҚОЕ» ДАН

Камина ўн олти ёшлик чоғимда малик ул-аълom каломини ёдлашдан фориғ бўлгандим. Ҳиммат камарини илм бойликларидан кўпроқ ўзлаштириш учун боғлаб, бу ишга қаттиқ киришдим.

Бир куни бир гуруҳ шоиру фозиллар Ҳиротнинг Бозори маликида сайр қилиб юрган эдик. Ҳофиз Ҳусайн деган бир бадфеъл фитначи ўтиб қолди. Кўлида бир

Алмулаққаб ба Ҳофиз Ғамза,
Таби у каж ба хайбат Ҳамза

китоб бор эди. Мен унинг қандай китоблигини сўрадим. У: «Сайфий Бухорийнинг «Рисолаи муаммо»си, деди. Ўшанда барчамизнинг мақсадимиз ва ниятимиз Амир Алишернинг кимё асар назарига етишиш эди. Яқинлашиб қолганимиз учун у жанобга муаммо тўғрисида ҳеч бир васила демадик. Кейинчалик Ҳофиз Ғамзани учратиб, ўша рисола кўчириб олиш учун марҳамат қилиб бериб туришларини илтимос қилдим. Ҳофиз қулиб деди:

Мормушу гулоб — яъни чи?
Гўши кару рубоб — яъни чи?

(Ғор сичқони қайда-ю, гулоб қайда, кар қулоқ қайда-ю, рубоб қайда?). Бу маломат ва эътироздан кўзимга жаҳон ғор каби тангу қоронғу бўлди. Кўзимдан юзим саҳифасига кўзёшим гулоби ёғилди. Ғайрат муғаннийси ҳамият рубобининг қулоғига тоб бериб, ҳазин жон томирлари рубоб торидек нолаю зорга киришди. Ғирён ва нолон уйга келдим. Бир бурчакка ўлтириб, одамлар билан ошначилик эшигини ўзим

учун беркитдим. Намозгарда масжидга бордим. Намоздан кейин қарасам, бир одам масжид бурчагида намадга бурканиб суянганча ўлтирибди. Ҳазин нола чекмоқда. Унинг ёнига чўкдим, юзидан намадни олдим. Назаримда булут пардаси остидан офтоб чиққандек бўлди. Ҳусну жамолли, аммо рангу рўйи шикаста, ғариблик ғубори рухсорига қўнган бир йигит эди. Ботаётганда юзи сарғайган Шарқ қуёши ёки тутилган ўн тўрт кунлик ой деб ўйлайсан... Унинг ёнига ўлтириб, аҳволини сўрадим. У тилга кирди: «Мен Табриз фарзандиман. Отим Абдурахмон Чалабийдир. Хуросонга сафар қилмоқ мақсади пайдо бўлди. Отам рози бўлмадилар. Улардан берухсат ва беижозат маблағу мол билан бу диёр томон жўнадим. Ҳиротдан бир фарсах масофадаги Соқи Салмон ўзанига етганимизда, карвон аҳли хушҳоллик изҳор қилиб, дедилар: «Алҳамдулиллоҳ, йўл хавфу хатаридан кутулдик, йўлтўсар ва қароқчилар ҳаросидан омон қолдик». Карвон аҳли ҳамду эҳтиёт ипини бўшатиб қўйиб, фароғат ва омон сарманзилида ором олдилар.

Табриздан бери бизни яширин таъқиб қилиб келаётган ўғрилар тўдаси фурсат кутиб туришган экан, иттифоқо ўша кечаси устимизга ёпирилди. Сурайё мисол тўда бўлиб турган савдогарларни юлдузлар тўпидек пароканда қилиб юборди. Ногоҳ, жанггоҳда бир ўқ билагимга келиб санчилди-да, тарозудек илиниб қолди. Гўё бало ва фитна даллоли вужудим матоини ўша тарози ранжу машаққат аралашмасига қўшмоқчидек. Карвоннинг аксари таланди. Мен ундан ортигини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада йиқила-суруна ўзимни бу ерга етказдим».

Мен йиғлаганча уйга келдим у тахтиравон олиб келиб, уни уйга келтирдим. Бир жарроҳ қўшним бор эди. Кўк гумбазида Қаҳқашон яраси аён бўлатуриб, парвардигорнинг жарроҳлари ўмрлардирки, мана уни шаҳобларнинг заррин иплари билан тикардилар, у ҳамон тузалмайди, юлдузлар ўқининг заҳмларини субҳ кофури малҳами билан давола-салар ҳам тузата олмаганлари бир пайтда бунинг дастёрлиги ва таъсир қилувчи малҳами бўлганида наҳорга емай ўша чок ва яралардан асар ҳам қолмасди. Кечанинг ўзида ҳам улардан аломат қолмасди. Ўшани олиб келиб, ярасини кўрсатдим. Андак фурсатда уни тузатди.

Бир кун у йигит миннардорлик ва ширинсуханлик изҳор қилиб деди: «Мен Табризда икки илмда — муаммо илмида ва илми нужумда ягоналик ялови устунлик туғини кўтарган эдим... Хотиримга шу нарса келди: кўрсатган эҳсонингиз ҳаққи учун... Шу икки илми хотирингиз саҳифасига чексам ва ўзимдан шу билан сизда бир ёдгорлик қолдирсам».

Мен муаммо номини эшитишим билан назаримда етти қат осмондан номимга бир саҳифа етишгандек бўлди. Мен дедим: «Эй азиз. Менга илми муаммо таҳсили жуда зарур. Шунини ўзлаштиришимга саъий кўрсатсангизу шу фанда етук бўлсам, гояти лутфу эҳсонингиз бўларди».

Давоту қалам сўраб, Амир... Али ибн Абу Толиб пайгамбарнинг муборак ва саодатманд номларига муламмах амалида муаммо ёзиб кўрсатди ва фақирга ўргатди... Муаммо фани қондалари ва истилоҳларини шарҳлари билан ёзиб бериб ёдлатди.

Шу пайтда Ироқдан одамлар келиб ҳалиги хожазодани зўр хурмат илтижолар билан таклиф қилиб, Ироқ томонга олиб кетдилар. Бу машаққатда қолганнинг жонини, дилини азобу укубат лочини қўлига топширдилар. Аммо ўша соҳиби давлатнинг ҳиммати билан бу камина муаммо фанида шу қадарли қудрату маҳорат ҳосил қилдики, номини айтмасдан ўқилган аксар муаммоларни топаоладиган, ечадиган бўлдим. Бу нарса Хирот шаҳрида муаммойлар орасида машҳур бўлиб кетди. Иш шунгача бордики, бир тўда кишилар келишиб, менинг номимдан шарт ва гаров боғлашибди.

Хуросонга Румий муаммой келганди. Ундан эшитган мушкул муаммоларни нақл қилардилар... Дўстларимдан бири унинг номи айтилмаган бир муаммосини Восифий еча олади деб юз тангага у билан гаров боғлашибди. Улар бир гуруҳ бўлиб, бу фақирнинг уйига келишди. Иттифоқо, ўшанда беш кундан бери тобим қочиб, ҳасба (терлама) касали билан оғриб, кўрпа-тўшак қилиб олгандим. Жамоат мени кўриб, худо ҳаққи, биз бу ҳолингдан беҳабар эдик, дедилар. Улардан бири келишларининг сабабини айтди. Мен ўша муаммони ўқинглар дедим. Улар: «Тобингиз йўқ экан, сизни койитиб қўямиз!» дейишди. Мен муболаға қилиб, ўша муаммони ўқинглар, топаман, деб қасам ичдим. Муаммо ўқилгач, озроқ тааммул қилиб дедимки, тўғрими-нотўғрими, бу муаммодан «Сайфи» номини чиқарса бўлади», дедим. Ҳалиги муаммойда ажиб бир ҳайратланиш юз бериб, гаров қилинган маблағни шу ернинг ўзида чиқариб дўстимга берди. Бу фақирга эса бир яздийча фўта ва эллик хоний танга пул ниёз қилдилар.

Улуғ амир Алишернинг энг яқин дўсти ва суҳбатдоши... мавлоно Соҳибдоро ул амири кабирнинг умри офтаби завол сарҳадига етганда ва руҳининг азиз қуши танаси кафасини бузиб, арши аъло кунгураси узра манзил танлаганда сағиру кабир, амиру вазир бу мусибат доғидан нолаю фиғонни осмон авжига, Кайвон айвонигача етказдилар. Дил хунобасини кўзларидан баҳор булутини ёмғиридек тўқдилар. Мазкур мавлоно амирнинг бошқа мулозимларига қараганда унга

яқин эди ва доимо сўзсиз меҳрибончиликларига сазовор бўларди. Ўз ҳасби ҳоли тўғрисида куйидаги байтни мўъжизакор шоир ҳазрати амирнинг оғзидан эшитган эди:

Мангo улким анису соҳибдур,
Туну кун ҳамдаму мусоҳибдур.

У киши амирга марсия ва вафотига тарих назм силкига чекдиларки, унга яқинларидан ва ўхшаганларнинг манзумотидан санъат ва ғаройибликда мумтоз эди. Айтиш мумкин эдики, бундай назмни Одам Ато вафотидан буён ҳеч фозил баён саҳифасига тушуrolмаган. Шу дамдан тортиб олам инқирозигача бундайн одамнинг дунёга келиши маҳолдир. Фазл арбоби инсоф аҳлидандирки, фақир не демоқчилигини тушунурлар. Ҳар бир байтнинг биринчи мисраси инъому эҳсон баҳри бўлган ҳазратнинг валодат тарихидан хабар берса, иккинчиси вафотидан...

Бу фақир мавлоно Соҳибдорога она томондан қариндош бўларди. Бир куни отам билан бу кишининг уйига бордик Камол аҳлию фазилат арбобларидан анча киши бор экан. Бу фақирнинг отасига хитоб қилиб дедилар: «Кўп муддатдан бери эшитаманки, ўғлингиз мақбул толиби илм, хушхон ҳофиз ва паҳлавон шоир экан. Ҳар қандай номи айтилмай ўқилган мушкул муаммони ечаркан, деган шов-шув юрадир», деб бир муаммо ўқидилар, мен топдим...

Биз уйимизга қайтиб кетдик. Бир оз фурсат ўтгач, мавлоно Соҳибдоронинг хабарчиси келиб, хоҷам сизни сўрамоқдалар, деди. Биз етиб боргач, мавлоно деди:

— Амир Алишер ҳузурларига борган эдик. Мирнинг одати шуки, ҳар куни мени чақириб, бугун шаҳарда бўлиб ўтган ажойибу ғаройиб ҳодисалардан нени кўрдингиз ва нима гаплар эшитдингиз, деб сўрайдилар. Мен жавоб бердим: «Бир кишини учратдим. Ўзи 16 ёки 17 ёшда. Номи айтилмай ўқилган ҳар қандай мушкул муаммони топади. Толиби илмликда, хофизу шоирликда катта иқтидори бор». Мир таажжуб билан сен уни имтиҳон қилдингми, дедилар. Мен, бир мушкул муаммони номини айтмай ўқиган эдим, ечди, дедим. Ҳазрати Мир менга: «у кишини нега олиб келмадинг?» деб эътироз билдирдилар. Мен ўз гапларимдан пушаймон бўлдим. Чунки Мирнинг суҳбати ҳайратли ва даҳшатангиздир. Масалан, бирор мажлисда бирор фозилнинг номини сўрасалару айтиб беролмасангиз, койийдилар. Мабодо, бир муаммо ўқилсаю тополмасангиз, шарманда ва хижолат бўлишингизга сабаб бўлади. Энди ҳозирлигингизни кўриб, эртароқ бу ерга келиб турунги, ҳазрати Мир сиз билан кўришмоқ иштиёқидалар.

Кечкурун уйга қайтдим у ажоиб кайфият мени чулғаб олди. Илон чаққан кишидек у ёқдан-бу ёққа агнаб, ухлаёлмадим. Фақирнинг отаси изтиробимдан воқиф эдилар:

Эй, жони падар, чи ҳол дори,
Аз рўйи чи дард беқарори?
(Ҳа, жоним ўғлим, бедорсан,
Не дард била беқарорсан?)

Мен у кицига: «Э ота! Нимасини сўрайсиз. Эртага Мир Алишер мажлисига боришим лозим. Ҳолим не кечарини билмайман»,— дедим. Отам кўз ёши қилиб дедилар: «Эй, жоним ўғлим, сен бир инсон суҳбатидан бу қадарли кўрқув ва ҳаросдасан. Вой бизнинг жонимизгаки, маҳшар куни ўз қилмишларимиз дафтарини кўлимизга беришади. Ҳазрати раббил-оламиннинг ҳисоб бергил, деган хитоби келади. Сирларинг муаммосини изҳор қилгин, деб буюрадилар...»

Алқисса, эрта билан мавлоно Соҳибдоро уйига етиб келдим. Мендан бошқа у кишининг ҳузурда яна уч толиби илм бор экан. Мавлоно Соҳибдоро менга: вақтида келдинг. Бу уч ёшни ҳам Мирнинг ҳузурларида таъриф қилган эдим, дедилар. Уларнинг бири муаммойи эди. Маҳорати шу қадар эдики, уни бу санъатда мавлоно Ҳусайн Нишопурий билан тенглаштирар эдилар... Иккинчиси қасидагўйликда шуҳрат топган эди... Учинчиси маснавийни жуда яхши айтар эди... Олий мажлисга кириб бордик. Мажлис аҳли ва ҳазрати Мир ўз надимлари билан ҳозир экан. Жаноби Мир биз томон қарадилар. Фақирга ишора қилиб, номини айтмай ўқилган муаммони еча оладиган дўстимиз шу кишими, дедилар. Мавлоно Соҳибдоро: бали, ўша маҳдум, деб жавоб бердилар. Мавлоно Муҳаммад Бадахший суҳбатга аралашдилар: «Маҳдумлар, худовандигоро, муаммо ечишда Сиздан ўтадигани йўқ-ку?...» Мир дедилар: «Мен унинг муаммо ечишига иқтидорини кўзидан билдим. Зеро, унинг фикрлари кўзларидан зоҳир бўлиб турибди.

— Кейин шу муаммони ўқидилар:

«Богро бин аз хазон бефарру, сарв аз жо шуда,
Булбулаш бархам зада минқору, ногўё шуда».

(Богни кўр, хазонрезликдан кўрки қолмабди, сарв ўрнида йўқ, булбулнинг тумшуғи йўқ бўлиб, қуйлашдан қолибди.)

Иттифоқо, мен бу муаммони ёд билардим. Ўйланиб қолдим: номини айтиб, ўзимни гўлликка солиб, мажлисни ўтказаверсамми ёки тўғриси айттайинми? Оқибатда ростини

айтишга аҳд қилдим. Дедим: махдум, мен бу муаммони ёд-биламан. Ҳазрати Мир бир оз бошларини эгиб турдилар-да, ёнидагиларга, азизлар, биласизларми, бунинг сўзи не маънони билдиради. Ўз қудратини изҳор қилиб, бунисини биламан, бошқасини айтинг, демоқчи. Мир бошқа муаммо ўқимадилар. Анчагача лутфомуз сўзлар айтиб, сўнгра мавлоно Соҳибдорога: биз бунинг даъвосини қабул қилурмиз, дедилар.

АМИР АЛИШЕР МИЖОЗИ НАЗОКАТИ ВА ЛАТОФАТИНИНГ ЗИКРИ

Жаноби Мирнинг Шайх Баҳлул деган мулозими бўлиб, уни ҳазрат ўзининг маслаҳатчиси, ишончли, эътиқодли ва эътимодли кишиси деб биларди, ўзининг жузъий ишидан муҳимигача, озидан кўпигача, майдасидан тортиб йиригигача — бутунлай ҳамма-ҳаммасини унинг кифоятли кафти ва ишбилармон ихтиёрига топшириб қўйган эди. Уни Мирнинг акли ва сўзловчи нафси дейишарди. Чунки у Мирнинг қизиқ-қишларини яхши биларди. Унинг номус хилъати ёқасию безаклари фазилатлар ва камолат дуру лаъллари билан ораста эди. Унинг жамъи лаёқати фазилату камолининг олий назари туфайли мукамал бўла борарди, кўп фазилат, хулқда машҳур ва маъруф эди, ҳамма фанлардан хабардор ва воқиф эди. Хусусан, иншо ва муаммо фанларида мисли йўқ даражада беназир эди. Аммо у ўз фазилатларини камдан-кам ишга соларди. Чунончи, ҳазрати Мир уни чини хумдонига ташбеҳ берарди. Баъзи калта андешалар, беҳабар, нодону эгри таъблар эса буни айблар жумласига қўшардилар... Бу гаплар ҳазрати Мирнинг муборак қулоқларига етгач, мавлоно Баҳлул шаънига куйидаги байтларни айтдилар:

Хокк машрик, шанидаам, ки кунанд,

Ба чеҳил сол косаи чини.

Сад ба рўзе зананд дар Бағдод,

Ложарам, қийматаш ҳамебини!

(Шарқ тупроғини қирқ йил тепиб, чини коса тайёрлашларини эшитганман, Бағдодда бир кунда юзтасини ясайдилар. Аммо иккаласининг нарҳини солиштириб кўриб билавер).

Соҳибдордан нақл қилишларича, у дебди: бир куни Мир дўстлари билан суҳбат куриб ўтирарди. Фозилу шоир, надимлари шу ерда йиғилган эди. Каминага дедилар: «Ҳазрати махдум устод.. (Жомий) анчадан бери беморлар. Мен у кишини иёдат қилолмадим. Бориб, узрхоҳлик қилсанг». Мен чиқиб кетишим билан таом тортилибди. Таомдан сўнг мажлис аҳли

ҳазрати Мирнинг кўпчилик олдиди кўнгиллари беҳузур бўлиб, ёлғизлик талаб қилиш одатлари хотирларига келиб... бир-бирига боқишиб, ўринларидан турдилар-да, ташқарига чиқдилар. Мирзо шу кун суҳбат ва улфатчиликни кўмсаб турган эканлар. Ташқарига чиққан жамоага қараб, Мир ғазаб ва эътироз билан дедилар: «Ҳар ҳолда Алишернинг уйи ошпазлар дўқонию Алишер эса ошпаз экан-да. Ҳарифлар келадилару ош еб кетаверадилар...» Мен етиб келдим. Мир жаҳллари чиқиб турганиданми, мени мавлоно ва устод ёнига иёдатга юборганлари хотирларидан кўтарилиб, дедилар: «Ана, эй Соҳиб, сенга нима бўлди. Ошдан кейин ёнимда бирпас турмайсан! Ё сен ҳам манави паст, нафс кетидан юрувчи одамларга тақлид қилмоқчимисан?» Мен тиз чўкиб, дедим: «Махдум, одам бадани сиҳату касал бўлиб турар экан, малак-симон зотингиз сиҳату саломат бўлсин. Душманларингиз жисми ҳамиша касалу иллатлар макони бўлсин! Офтобдек мунаввар хотирингизга махфий қолмасинки, сиз бу фақирни охунд иёдатига юборган эдингиз чамаси?» Шундай деб изо беришим билан Мир шуъладек кизишиб кетдилар. Бевозта бўлиб, ўтириб тура бошладилар. «Шундай одамлар билан ошначилик ва мусоҳиблик қилувчига лаънатлар бўлсин», дедилар. Шундай эътирозли бир ҳолда ўринларидан туриб, ҳарамларига кириб кетдилар. Мен ўша ерда туриб қолганларга қарадим: дўстларим, кўряпсизларми, қандай балоларга қолдик...

Алқисса, жонимдан тўйган бир ҳолда уйга қайтдим. Пешин намози пайти одатдагидек Мирнинг мулозаматига келдим. Бир бинафшазорда турган эканлар. Менга кўзлари тушиши билан бинафшадек менга терс ўтирилиб олдилар. Юзларига тўғри бўлишга шунча уринсам ҳам бари бир, ўзларини олиб қочавердилар. Уйимга қайтиб кетдим. Эртасига келсам, яна ўша муомала қайтарилди. Ўзимча энди кетсам қайтиб келмаганим бўлсин, деб жазм қилдим. Шу фикрни хотирга келтиришим билан «давлат арбоблари худо илҳомини олган кишилардир», деганларидек, шу маъни малҳами каби мени чақириб, дедилар: «Эй, мавлоно Соҳиб, ғалат ва хатога йўл қўймаслик парвардигоргагина раводир. Мен камоли ғазабим туфайли сени устод охунд иёдатига жўнатганимни фаромуш қилгандурман. Сенга эътироз билдирдим. Тиз чўкиб, ҳаммага билдириб, шунга айтишинг ва Алишерга нима бўлдийкин, қариб ақлдан озибдими, деб ҳамманинг кўзи олдиди мени шарманда ва хижил қилишинг лозимиди? Дўстлик олами нима бўлди? Ўтиниб қўйсангу менинг бу хатоимни беркитсанг ва мени одамлар ҳайратига сабабчи бўлишдан сақласанг бўлмасмиди?» Мавлоно Соҳибдору инсофга келиб, дарвоқе ҳақиқат Мир томонда эди, хато мендан ўтган, деди.

Мавлоно Соҳибдоро шундай ҳикоя қилади: бир куни улуғ амир Алишер Мири Калон номи билан машҳур бўлган хожа Маждуддин Муҳаммадни Боғи Жаҳонорода учратиб, дедилар: «Сизнинг беҳиштдек осмон зийнатли мажлисингиз таърифу тавсифини эшитдик. Зарифу фозиллар мавлоно Абулвосе муншига ҳазилу мутойиба қилишибди. Мавлоно уларнинг қаршисида туриб олиб ҳаммасини енгибди. Бу ажойиб ва ғаройиб ҳодиса. Эсингизда турсин, шундай суҳбатга биз ҳам мушарраф бўлсак». Хожа қўлини кўксига кўйиб, «3-ин тафохур шояд сар бар фалак сояд маро!» (Бундай фахрдан шояд бошим осмонга етса!) деди ва мажлисга ҳозирлик кўриш учун бир ҳафта муҳлат сўради. Суҳбатни ярим фарсах узокликда бўлган Пурза қарясида ўтказмоқчи бўлишди. У ерда Хожа бир чорбоғ курдирган эди. У шундайин бир боғ бўлган эдики, Эрам бўстони унинг шу ҳавосидан ва ёқимлилигидан ҳайрат бармоғини тишлар ва андиша меъмори унинг латофати ва ғаройиблиги, гўзал сахтидан ҳайрон эди. Унда бир кўшк бўлиб, қоруралар чархи мисоли Хаварнақ обрўсини бир пул қиларди... Ҳар бир ариғи бўйидаги тик ўсган сарвлар маъшуқ қомати хаёлидек ушшоқ кўз чашмасидан ўрин олар, ҳар гул бутоғида булбуллар бедиллар каби гуландом ёрлардан ҳижрон шикоятини қилар. Этагида ёввойи лолалар гўзалларнинг дилга фириб берувчи хатти райҳонларидек сабза уриб ўсган, райҳон покдомон тол соясида «Беҳи наботун-хайрун» (Қандай соз, кўкатлар эҳсондир) ни ўқиш билан овора. Чаман бетидаги бинафша нозанинларнинг паришон сочидек ҳар тори бир томон, нарғис эса мастлардек ариқ бўйида кўз тикиб туради.

Илдам ва дастёр фаррошлар фалак қасри ҳасадини кўз-ғовчи ул иморатнинг Кайвондек айвони олдида зарнигор атлас шамёналар ва кечкурун тусидаги зарбофт соябонларни... айланиб турувчи фалак каби кўтардилар. Деворларга қоқилган ва ерга кетма-кет тўшалган гиламлар фаранг кофуридек, суратли пардалар мунаққаш ва етти рангда товланиб турарди. Хонандалардан Ҳофиз Басир, Ҳофиз Мир, Ҳофиз Ҳасанали, Ҳофиз Ҳожи, Ҳофиз Султон, Маҳдум Айший, Шоҳмаҳмуд хонанда, Сияҳча хонанда, Ҳофиз Убаҳий, Ҳофиз Турбатий, Ҳофиз Чароғдон; созандалардан устод Ҳасан Нойий, устод Кулмуҳаммад Удий, устод Ҳасан Балабоний, устод Али Хонақоҳий, устод Муҳаммадий, устод Ҳожи Кўҳастий Нойий, устод Сайидахмад Гижжакий, устод Али Кўчак Танбурий; шоирлар, надиму мажлисоролардан мавлоно

Бинойй, Хожа Осафий, Амир Шайхим Сухайлий, мавлоно Сайфий Бухорий, мавлоно Комий, мавлоно Хасаншоҳ, мавлоно Дарвеш Рўгангар, Машҳадий, мавлоно Муқбилий, мавлоно Шавқий, мавлоно Завқий, мавлоно Халаф, мавлоно Наргисий, мавлоно Хилолий, мавлоно Риёзий Турбатий, зарифлардан Мир Сарбараҳна, мавлоно Бурҳон Гунг, муаррих Мирҳонд, мавлоно Муъин, мавлоно Ҳусайн Воиз, Саййид Фиёсиддин Шарафа, мавлоно Муҳаммад Хавофий хаттот, Хуросоннинг обрўли йигитларидан Мирак Заъфарон, Шохмуҳаммад Мирак, Хожажон Мирак, Султон Сирож, Мирзойи Натъдўз, Хусайн Зардўз, Сарви Лабижўй, Шамшоди Сояпарвар, Мулло Хожа Хонанда, Юсуф Мозори Чилгазий, Юсуфи соний, Моҳи Симноний, Соқи ва Боқи Ироқийларни ўша мажлисга чорладилар. Иморат айвонининг олдида мрамортшдан қурилган ҳовуз бор эдики, Салсабил рашкини ва Ҳавзи кавсар ғайрилигини келтиргудек эди. Ўшани қанд шарбатига тўлдирдилар. Шуниси машҳур бўлиб кетганки, унга саккиз юз қалла қанд ишлатилган эди. Нодиракор қаннодлар шарбатлардан ва маъжунлардан, қовурма очорлар (маринад), қанд мевалари, шира-шарбатлар, фирниялардан ҳам кўп ҳозирланган эди. Султон Ҳусайн мирзонинг бир боварчиси бор эди. Уни Абулмалих дер эдилар. У шу мажлисда қирқ турли таом тайёрлади. Ҳеч ким у таомлар номини санаб билолмасди.

Мавлоно Халил саҳҳофданки, Мирак мажлисларининг варақлари ва саҳифа бўлақлари унинг латиф сўзлари шерозаси билан мустаҳкам ва мажлис бузуқилари ва юзсизларининг кесувчи тилу баёни ҳужуми ва далиллари шиканжасидан омон сақлаган эди, эшитган эдим, нақд қилиб деди: «Эртасига чоршанба куни намозгарда келишилгани бўйича мажлисни бошлаш белгиланди. Хожа Маждуддин Муҳаммад, мавлоно Абулвосе ва мен бир бурчакда мажлиснинг баъзи ишлари заруратларидан гаплашиб ўтирган эдик». Жаноби Хожа мавлоно Абулвосега дедилар: «Махдум, ёрдам беринг-ку, лекин ўз вақтингиз ҳозир ва ҳолингиз воқифи бўлинг. Наҳангсийрат ҳарифлар ва аждаҳосифат зарифлар ғанимлигининг аёвсиз денгизи ва шаштининг хунхор мажлисига тушиб қолишингиз мумкин. Эртага сизга юзланишмоқчи. Бундайин ажойиб маърака ва ҳайбатли жангга сиз асло тушмагансиз. Иншоолло, яхшилик билан ўтсин». Мавлоно Абулвосе деди: «Офтобдек мунаввар хотирингиз учун яширин қолмагайки, эртага менинг мажлисга келмаганим бўлсин...» Хожа бу сўзни эшитди-ю, изтиробда қолди. Жойидан сакраб туриб, ҳайрат бармоғини таажжуб тишига қўйди. Деди: «Махдум, бу қандай дил ўртайдиган гап бўлди. Амир Алишернинг мақсади сиз эдингиз. Бу мажлисга келмасангиз, ҳолимиз вой-ку!.. Бу мажлисга мен қарийб

юз минг танга харжляяпман. Сизсиз амир Алишер менинг бу хизматимдан заррача мамнун бўлмайдилар. Менинг бу миқдор молим зое кетади. Нега сиз энди бундай қилмоқчисиз?» У деди: «Шу туфайлики, мана, анча вақт бўлди. Сиз билан амир Алишер ўрталарингда дўстлик ниятлари борасида сизда бир оз ғубор ва кек кўринди. Алҳамдулилло, олло таоло инояти туфайли, унинг карами саҳобидан бу ғубор тарқалур. Бу мажлис ва маҳфил биноси сўзсиз заиф ҳазил ва ярамас мутойиба асосига қурилиши керак. Мир Алишер ўзини олам хуштабллари ва зарифларининг пешвоси чоғлайди. Ҳеч бир имкони йўқки, бу мажлис каминага даҳл қилмасалар. Энди мушукули шу бўладики, мен сизга йўналтирилган ҳужум тигини иложи борича мулоҳаза қилиб, сизга томон қаратмасликка ҳаракат қиламан. Унинг нозикмижоз эканлиги сизга ҳам маълум-ку... Шундай қилиб, мен туфайли ўртадаги тинчлик ва мусаффолик сафо қудурати билан алмашинади. Мирзо Султон Ҳусайн, худо унинг жойини жаннатда қилсин, шу орзуда ва бу маънини даъволарни вожиб қилувчи даргоҳидан сўрарди. Мулоҳаза қилиб кўринг, ул ҳазратнинг менга нисбатан не муносабати воқе бўлди. Ё мени ҳалок қилади, ёки ғазаб палаҳмонига солиб ўз мамлакати майдонидан улоқтиради». Мирак дедилар: «Шу ишга не лозим бўлса ўз устингизга олингу бу гапларни айтманг».

Алқисса, эрта тонгда панжшанба куни жумодилохир ойи бошлари, санаи ҳижрий 897 йил (мелодий 1492 йил, апрель ойи бошлари) амир Алишер улуғ амирлару ҳурматли аъёнлари, хосу авом, улуғу олий зот, мўтабар аҳоли билан бирга айём фаҳри бўлган бир соатда Мирак чорбоғига йўналдилар ва арши аъло ҳашамли у манзилга келиб тушдилар. Ҳар ким ўз жойига қарор топгач, амир Алишер деди: «Жаноби мавлоно Абулвосе қанилар? Нимага бу мажлисда кўринмайдилар?» Хожа Маждуддинни ажиб бир изтироб чулғади, у ёқ-бу ёққа қараб, Мавлоно кеча намозшомда шу ерда эдилар, шаҳарга тушиб кетган эдилар, деди. Уч-тўрт кишини Мавлонони топиб, чорбоққа олиб келиш учун жўнатишди. Улар боғ кўчаларига тушиши билан Мавлонони топиб келишди, деган хабар келди. Мирак: «Унинг шаънига тегманглар, хафа қилманглар, ундан кўнгилхушлик ололмай-сизлар» дедилар.

Миракнинг Шер деган бир югурдаги бор эди, жуссаси мустаҳкам, баланд қоматли, савлатидан даҳшатли шер ҳам ярақон касалига мубтало бўларди, қутурган фил унинг салобати олдида хартумини ерга кўярди. Унга: «Мавлоно мажлис остонасига қадам қўйиши билан ва чорбоғ дарвозасидан кириши билан асонгни унга тўғрилаб, Мирак буюрган-

лар, у кишининг ижозатисиз ҳеч кимни киритмайман, деб айтгин»,— деб тайинлашди.

Мавлоно Абулвосе кириб келиши билан Шер асони унинг йўлига кўндаланг қилиб, «Миракдан ижозат бўлмагунча ҳеч кимни қўймайман», деди.

— Қайси Миракни айтяпсан?

— Мулло, Сиз нима деяпсиз? Битта Мирак бор, мен бошқасини билмайман.

— Сен ҳалиги... Миракни айтяпсанми?

Шернинг жаҳли чиқди.

— Мавлоно, оғзингизга қараб гапиринг! — Мавлоно Шернинг ҳалқумига бир мушт туширди. Шер ҳам Мавлоно ёқасидан олди. Мавлононинг дастори ерга тушиб кетди. Мажлисга хабар бердилар. Мажлис аҳли гуррос этиб кула бошлади. Кутилган ҳодиса юз берди. Мавлоно аждаҳодек қаҳр билан мажлисга кириб келди. У кириши билан ҳамма уни ҳурмат таъзими ила қабул қилди. Амир Алишер муллога ўз ёнидан жой берди. Хожа Маждуддин Муҳаммад жўрттага ўзини билмасликка олиб деди: «Махдум, мулозимлар сизнинг боғ эшигига ташриф буюрганингиз хабарини айтишганига анча муддат, қанча фурсат бўлди. Нима, у ерда тўхтаб қолдиларми?» Мавлоно деди: «Ори, боғ эшигига сизлар қўйган итсифат, хўкниход, хирстабиат бир шерча бизга тишини кўрсатиб, шағолдек ириллади. Бизнинг қоплон қаҳримиз газаб чангалини шердек унинг хунини тўкиш қасдида узатган эди, маълум бўлиб қолдики бу найранг сизларники экан». Мирак буюрди: Шерни келтириб, муллонинг хотирига тасалли бериш учун унинг гарданига бир-икки қамчи туширишди. Сўнг деди: «Мавлоно, маъзур тутинг, бу мажлисда бундан ортиғини амалга ошириб бўлмайди. Тилингиз тиғи билан унинг сазосини беришингиз мумкин...»

Мавлоно мажлис аҳлининг уни ҳажв қилмоқчи бўлганларига тегишли жавоб бера олгани учун эгар-жабдуқли, олтин узангили от, йигирмата мовут чакмон ва ўн минг танга пул билан мукофотланди.

Нақл қилишларича Соҳибдоро дебди: Султон Хусайн Мирзонинг бир амири бор эди. Қозоқлик даврида чўлу биёбонларда уни соядек ҳар қадамда кўриқлаб, офтоб пайти сояи шамёна сифат унинг тепасида сарв коматини соябон қиларди. Мирзонинг жаҳонни ёритувчи подшолик офтоби ҳашамат ва азаматлик осмонида кўрингач унинг толесиз толе юлдузи Уторуд сингари офтоб нурлари остида оташ иссиғи изтиробида қолиб кетди. Ниҳоят даражада хору зор, безътибор бўлиб қолди. Ҳеч ким бу сирдан хабар топмади, хотира бармоғини бу мушкул ишни ҳал этиш учун босмади.

Бу бадбахтликларнинг ҳаммаси учун у амир Алишерга нисбатан адоват сақлаб юрди. Мирни ҳақорат қилишгача борди. Ҳазрати Мир буларни унутиб, унинг гуноҳини кечириб юрди... Шу алфозда йиллар ўтди.

Бир куни Султон Хусайн Мирзо амир Алишер билан хилватда ўлтириб ҳар бобдан суҳбат курарди. Мирзо ҳикмат дуржини очиб, амир Алишердан сўради: «Халойиқ фақир ҳаққинда на сўз деюрлар?» Амир Алишер жавоб бериб, Сизни доду адлда, лутфу карамда, саховату шижоатда, баҳодирлигу диловарликда ягона билишади, деди, Мирзо: «Менинг мақсадим менинг ғийбатимда, менинг айбларим ҳақинда халқ нималар деётганин билмоқдир», деди. Амир Алишер:

— Кеча келаётсам бир болохонадан овоз келди. Секин яқин бориб эшитсам, бир киши шундоқ демоқда эди: «Султон Хусайн Мирзонинг барча қилиғи, ахлоқи жойида, кўнгилдагидек беназир одам... Аммо аҳволи пешонасида бемурувватлик, ҳақиқатсизлик ёзилган. Ўзининг эски хизматкорларини ва кулларини, йиллар давомида унга итоат камарини жон белига боғлаб, куллик юзини елкасига қўйганларни инояти назаридан узоклаштириб, уларни оёқ остига ташлади...» Мен бир кишидан унинг кимлигини суриштирдим. Унинг исми Амир Жаҳонгир барлос экан. «Мен анча муддат ўз умрим нақдини сарфлаб хизмат килдим. Ҳозир аҳволим шу тарздаки, ундан баттарини тасаввур қилиб бўлмайти», дебди.

Буни эшитиб Мирзонинг авзойи ўзгарди. Кейин деди:

— Махдум, Сиз билмайсизми, у қанақа одам? Мен унга бир оз иноят кўрсатсам, такаббур бошини Сурайё авжига етказиб, ҳар куни бир кишини ўлдириб юрмасмикин?!

— Сиз тўғри айтдингиз. Аммо халқ буни тушунмайди. Унга риоят қилганингиз, тарбиялаганингиз маъқул. Агар қийинчиликлар курасида вужуди нақди зангларидан тозаланган бўлса... ҳар на қилинса ҳам арзийди...

— Унинг ишини Сизнинг олий ихтиёрингизга топширурмиз.

Мир уйга келиб бир кишини амир Жаҳонгирга жўнатди, бўлган гапларни унга айтгин, дедилар. Айтишларича, у соқолини тутамлаб, юзига бир шапалок тушурибди ва, «Эй дариғ, амир Алишернинг қадрини билмай юрар эканмиз, унга шунча нохушликлар етказдик. У бўлса бизга шунча лутфу эҳсон ҳозирлаб юрган экан», дебди. У дарров Мирнинг уйига келиб, узр сўрабди. Ҳазрати Мир деди: «Олий ҳазрат хокон... ихтиёрингизни менга топширди. Сиз нима дейсиз?» У хурсандчилик изҳор қилди. Мир деди: «Биз сиз учун Хуросоннинг йирик қасабаларидан Туршизни ажратдик. Туғ ва ноғоралар билан сизни у томон жўнатамиз. Сиз у ерларнинг подшоҳи

бўласиз». Илгари такаббурлик ва ҳурматсизлик кўрсатиб юрган Амир Жаҳонгир минг бор узру тазарру кўрсатди. Тез фурсатда Мир уни катта дабдаба билан туғу ногора, мулозиму навкарлар билан ўша томонга ҳоким қилиб жўнатди. Лекин у ернинг халқи саркаш ва такаббур эди. Улар кўпинча ўз ҳокими ёки доруғасини, у агар ўзидан кетадиган бўлса, подшо рухсатисиз йўқотишарди. Амир Жаҳонгир бу ерга келиши билан бир неча бузуқилар тўдасики, уларни чуғул дер эдилар, унинг ҳузурига тўпланиб, фитна кўзғатиб, ёмон қилиқлар ўргата бошладилар. Иш шунгача бориб етдики, халқ молу жонига қўл узатадиган, хотину фарзандлари номусига тегадиган бўлди. Амир Алишер ёнига бир тўда одамлар келди. У ўйлаб қараса, унинг ишлари уни қатл этиш ёки йўқотишга сабаб бўла олмайди. Мир келган одамларга: «Сизлар доим ўзбошимчалик, фитна ва нохушлик қилиб юрасиз, ҳокиму доруғаларингиз билан келишолмайсиз. Энди сизларнинг адабларингизни берадиган вақт келди», деб кўрқитиб, подшога арзга боришга йўл қўймай, қайтариб жўнатди.

Амир Алишернинг ҳимоясига эътиمود қилган Амир Жаҳонгир арзга келганлардан учта оқсоқолни қатл қилдирди. Туршиз халқи қора кийиб, икки юзга яқин киши Жаҳоноро чорбоғи эшигига тўпланишди, нолаю фиғон чекишди. Мирзо ҳарам ичкарасидан туриб, буларнинг доду фарёдидан кўрқиб сўради: «Нима гап, уларнинг гулғуласи боиси нима?» Унга жавоб беришди: «Туршиз аҳли Амир Жаҳонгир дастидан арзга келибди». Мирзо Амир Алишерни чақиртириб, таъна қилибди: «Тарбия қилганингиз устидан дод деб келганларнинг додига етин! Шариат ҳукмига амал қилиш лозим».

Барча хатоларини, жинойтларини ҳисобга олиб, Амир Жаҳонгирни қатл этиш тўғрисида Туршиз халқи вакилларига нишон ёзиб беришди. Улар бориб ҳокимларини олиб ташладилар ва тошбўрон қилиб ўлдирдилар...

Мавлоно Муҳаммад Бадахший шундай ҳикоя қилади: Олижаноб Мирзо Султон Хусайн Баҳодирхоннинг Мирҳожии Пири баковул деган бир мулозими бор эди. Қазо ва қадар баковули ою қуёш патириларини ва юлдуз пиёлаларини ложувард гардуннинг зарафшон дастурхони атрофига қўйгандан буён ва Кахкашон дастурхонини парвардигор меҳмонлари олдиға ёзганидан бери шоҳ ва шаҳриёр унинг каби баковул кўрмаган эди.

Бир кунги тахтиравондан бир ҳурматли зотни олиб чиқишди. Амир Алишер ўз дарвозасига қадам қўйиши билан тахтиравон ичидан товуш эшитилди: «Махдум, бугун мулозимларингиз ҳазрати Мирзо ҳузурда ажойиб гапларни айтишди», деди-да, ўтиб кетаверди. Ўшанда подшоҳнинг Мирдан кўнгли

қолибди, деган одамлар орасида баъзи иғво гаплар юрарди. Мир шундан музтариб бўлиб, тахти равон орқасидан югурди:

— Махдум, бирпас тўхтаг!

— Маъзур тутинг, Мирзо мени бир зарур ~~ми~~ билан жўнатдилар, шошиб турибман.

Айтишларича Мир тахти равон орқасидан йигирма қадамча югуриб борганлар...

Шоҳга яқинларнинг кўпроқ ташвиши,

Улар яхши билур султоннинг ишин.

Мир ҳазрати Мирзо билан мулоқот пайтида ўзлари тахмин қилган гаплардан асар ҳам сезмади. Шоҳ хизматидан қайтгач баъзи яқинларидан шоҳнинг кайфиятини сўради. Улар: «Мирзо бугун Сизни яхши гаплар билан эсладилар. Ҳеч бир мурид бундайин иззату ҳурмат билан ёд қилмайди, дедилар», дейишди.

Мирга маълум бўлишича, Мирхожи Пирнинг мақсади ўзини халқ олдида Алишер билан қай тарзда муомалада бўлишини кўрсатиш экан... Мир бу кинани дилида сақлаб юрди. Орадан бир йил ўтди. Бир куни намоз вақтида Мирзонинг ёнига келдилар. Аммо бу ташриф одатдаги вақтда эмасди. Шоҳ Мирдан сўрадилар:

— Қаердан келяпсиз? Чехрангизда ташвиш губерн сезилади?

— Дарвишали шоҳ ҳузурига борган эдим. Қайтаётганда Ферузобод дарвозасига яқинлашган эдимки, дарвоза ичкари-сидан ғала-ғовур эшитилди. Гумон қилдимки, мулозимларингиздан бўлса керак. Бир тўда йигитлар тозинажод отларга миниб келиб қолдилар. Бундай гўзал йигитларни бу шаҳарда кўрмаганман. Улар ортидан ҳай-хуйлаб келаётган кишилар кўринди. Ясовуллар одамларни четга сура бошлади. «Тарриқу!» (Йўл беринг!) дейишиб, йўл очардилар. Мен ўзимни бир бурчакка олдим-да, кузата бошладим. Қимматбаҳо гавҳару ёқутлар билан безатилган тахти равонда Амир Ҳожи Пир пайдо бўлди. Унинг товланишидан оламни ёритувчи қуёш ҳам хира тортарди. Пахтагуллик жомаси чўнтагу ёқалари зарбофт, гавҳар қадаб безатилган эди. Бошида минг баҳялик шафтоли гулли тақя қийшайтириб қўйилган, қўлида кўк дастрўмол, арғувоний таёқ ушлаганди. Тахти равонни тўрт ёш йигит елкасига кўтариб олган эдики, улар ~~орасидан~~ ойу офтоб рашки келарди. Тахти равон олдида ўн чоғли йигит тилло, нуқра ва чини май-идишларини кўтариб олишган. Қўлларида лаъл, феруза, забаржад ва ёқут пиёлалар. Тахти равон ҳар беш-олти қадам юрганда Пир бир ~~пиёла~~ чой

ичиб, газагига ҳалиги йигитчалардан бирини бўса қиларди. Ғоят хушҳол бўлди: худога шукур, подшо мулозимлари Кайковусу Афросиёб, Хисраву Парвиз, Баҳрому улуғ султонлар ва эҳтиромли хоқонлар муяссар бўлмаган нашъу намода юрибдилар.

Мирзо бу ҳикояни эшитиб ўзи билан ўзи бўлиб қолди, хайрон бўлди ва Мирнинг мажлисдан чиқиб кетишини пойлади. Кейин Бекина, Жонак, Бўдана ва Абу Шихналарни чақиртирди. Бу тўртталасини азоб малойикаси деб айтишарди. Мирзо уларга: «Ҳожи Пири баковулнинг уйига бориб, унинг бутун қариндош-уруғи билан талон-торож қилинг. Бирор нарсасини қолдирманг. Қоладиган бўлса, ўзингиздан кўринг», деб буюрди. Бир соат ичида Ҳожи Пирнинг хонадони юлдузлари ер билан яксон қилинди. Уни саодат авжидан кўтариб олиб, хорлик тупроғига ташладилар.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЪБИДА НАФСОНИЙ ШАҲВАТ РУҲИЙ ЛАЗЗАТГА МАЙЛНИНГ ЧЕКЛАНГАНИ ХУСУСИДА

Ҳожа Маҳмуд Тойбодий шундай ҳикоя қилади:

Бир куни ҳазрати Султон Ҳусайн мирзо амир Алишернинг порсолиги ва таҳоратини бузмаслиги таърифни қилиб деди: «Бу жаноб дунёга келиб, ҳаёт хилъатини кийганларидан буён этакларига шаҳват чиркини теккизмаганлар, футувват ва жўмардлик ёқаси лаълин тугмасини хотинлар ҳавою ҳавасига тутқизмаганлар». Замон Билқиси, даврон Зубайдаси Хадичабегим бу гапга бовар қилмади:

— Бундан чиқди жаноби Мир эркаклик хислатидан маҳрум эканлар-да?!

Шу гап устида баҳслашдилар.

Бир одам Румдан келиб жаноби мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий ҳузурда Рум порсоларини таъриф қилди.

— Бизнинг вилоятда шундай кишилар пайдо бўлдики, бирор соҳибжамол маҳбуба билан хилват қилишга муяссар бўлсалару у маҳбуба нозу карашмани ўрнига қўйса, улар панароқ жойга ўзларини оладилар... Сизнинг вилоятингизда ҳам шундай одамлар бор экан. Ҳазрати мавлавий дедилар:

— Гапингиз тўғри, бундай одамлар бор, аммо бу ерда уларни биз ҳез деб атаймиз.

Хадичабегимнинг Давлатбахт исмли бир парипайкар, ой юзли чўриси бор эди. Фалак оғи унинг орази, қоши ва пешонасидан рашк қилиб ўзини гоҳ юзга, гоҳ қошга, гоҳида пешонага солиб кўрарди. Осмон офтоби унинг жамоли тобидан девона бўлиб, боши-ю, юзини очганча гардун томида юма-

ларди. Нур занжирлари билан боғлаб қўйилмаганда ўз нури каби ўзини унинг оёғи остига ташлаган бўларди. Султон Ҳусайн мирзо, Хадичабегим ва амир Алишер ўртасида бўлган махфий гапларда бундан бошқа маҳрам йўқ эди. Мир кўнглининг бахтиёр куши ҳар замон унинг ишқи ҳавоси фазосида парвоз этарди. Хадичабегим бу розни очиш мақсадида баъзи гапларни ўргатиб, уни Мирнинг уйига жўнатди. Ложувард фалакнинг ёш келини мағриб саропардасида беркингач ва қоп-қоронғи туннинг гулдор мушкин ёпинғичини устига тортгач, у амир Алишер уйига кириб келди. Бемаҳал келгани учун Мир ҳайратда қолди. Алқисса, ўргатилгандек бир ҳикоят бошлаб, узундан-узоқ гапиргандан кейин, «Ух, нима қилдим, жуда кеч бўлиб қолди-ку!» деди. Мир, ҳечқиси йўқ, шу ерда тунаб қолурсан. Мисра: «Бир меҳнатхонамиз бор, бу ерда яшаш мумкин», деб жавоб берди. Унинг муддаоси шу эди, айтгани келди. Мир: «Ёнимдаги хонада ўзингга жой ҳозирлагин», дедилар.

Кечадан бир пас ўтгач, ул сарви раъно хиромон бўлиб, Мирнинг хонасига кириб келди. Мир уни кўриб, унинг нима мақсадда келганини фаҳмлади. Аммо индамай ётаверди. Ул шакарғуфтор тўти сўзга кириб деди:

— Эй, олам маҳдуми, одамларнинг нуридийдаси! Баданимдаги ҳар бир мўй занжир каби мени бу томон судрагандек тасаввур қиламан. Бу судраш иноятингиздандир.

Мир дедилар:

— Бу такаллуф ва найранглар иш бермайди. Нима мақсадда қадамранжида қилганингиз маълум бўлди. Сизнинг барча масаладаги ишингиз мушкул бўлди. Узундан-узоқ гапларнинг сири ҳам маълум:— Шундай дедилару унинг қўлини олиб, тиззаларига қўйдилар...

— Бу мусқаб билан мақсудингиз дуррини теша олишимга имонингиз комил бўлса керак ва бу калид бирла муродингиз дуржи қулфини очиб, мақсуд гавҳарини топа оламан. Шуни билингни, бизда эркаклик хислати бор, қўлимиздан келади, аммо бу ишни қилмаганмиз, қилмагаймиз ҳам.

Тарки лаззатҳои шаҳвони саҳост,
Ҳар, ки дар шаҳват фуру шуд бар наҳост.
Халқ пиндоранд ишрат мекунанд,
Бар ҳаёли пур худ пар мекананд.

(Шаҳвоний лаззатни тарк этмоқ саҳоватдандир.

Шаҳватга берилган киши фойда топмади.

Халқ ишрат қилмоқни ният қилади. Ўзининг ана шу ҳаёлида пар тўқади)...

Бу гаплар Хадичабегим ва Мирзо қулогига етгач, уларнинг Мирга бўлган эътиқоди юз, балки минг чандон зиёда бўлди...

МАВЛОНО БИНОИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ ВА УНИНГ УЛУФ АМИР АЛИШЕР БИЛАН ЗАРОФАТИ

Мавлоно Муҳаммад Бадахший шундай ҳикоя қилади: амир Алишернинг Мавлоно Биноийга эътиқодлари кучли эди. Ўз туркий тилидаги «Тазкират уш-шуаро» ларида у кишига эътироз билдирган бўлсалар ҳам, закий фаҳм фозилларга маълумки, бу жуда катта таърифдир. Мир шундай ёзадилар: «Мавлоно Биноий авсотунносдиндур. Мавлуди Ҳиридур. Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилга машғул бўлди. Анда кўп рўшде бор эди. Бот тарк қилди. Хатга доғи ишқ пайдо қилди. Оз фурсатда обдон битиди. Мусикий фанига майл кўргузди. Бот ўрганиб, хийла ишлар тасниф қилиб, рисола доғи адворда битиди. Аммо таажжуб ва мақсурлиғидин эл кўнглига мақбул бўлмади. Бу сифат сабаби учун фақир тариқин ихтиёр қилди ва риёзат ҳам тортди. Чун пири йўқ эрди, ўз бошича қилгон учун ҳеч фойда бермади. Эл таъну ташнеъидин Ҳирида тура олмай, Ироқга борди. Ондин доғи ушбу рангда овозалар юборди. Аммо чун йигитдур ва қобил ва кўп гурбат ва шикасталик тортти, умид борким, нафсига ҳам шикаст етмиш бўлғай, ҳар тақдир била. Бу матла онингдур:

Ба сари моҳ онки, сияҳ кард чашми ёри маро,
Ба сони сурмаи сияҳ кард рўзгори маро».

Мазмуни: Мавлоно Биноий аҳолининг ўрта табақасидан. Туғилган жойи Ҳиротдир. Катта қобилиятга эга. Аввал ўқишга қаттиқ берилди. Унда етуклик иқтидори кўп эди. Аммо ўқишни давом эттирмади. Хаттотлик санъатига иштиёқ ҳосил қилди. Оз фурсатда кўп нарсани кўчира олди. Мусикий фанига ҳам майл кўрсатди. Уни ўрганиб кўп асарлар ёзди, Адвор мусиқа назарияси ва нота ҳақида рисола битди. Қусурлари бўлгандан эл кўнглига мақбул бўлмади.

Мавлоно Биноийнинг ҳам Мирга эътиқоди зўр эди. Мавлоно Биноий ҳикояси: Ҳазрати Муҳаммад Шайбоний Хуросон вилоятини ўз қўлига олган вақтлари жума кунлари намоздан кейин Машкон жоме масжидида Мавлоно бир гуруҳ кишилар билан суҳбат қуради. Бир куни мақсура суфаси устида ўзининг Ироқ сафари ва Дарвиш Деҳакий, Султон Яъқуб билан учрашганини шундай ҳикоя қилади:

«Амир Алишернинг таъби нозиклиги ва менадан мизожи қайтганлиги туфайли Хуросон мамлакатида яшаш имкони

бўлмай қолди. Думоғим тахтгоҳида Ироқ мулки сайри ҳаво-
сига жазм қилдим...»

Мавлоно Соҳибдоро қуйидагиларни ҳикоя қилади: Ҳижрий 903 йили (милодий 1498) Ҳирот шаҳрида безори, ўғри ва бевош ятимлар кўпайиб кетди. Иш шунгача бориб етдики, кечалари ҳар кўча ва маҳаллаларда бирор ўлик ва албатта мажруҳ кишини топардилар. Бундай фасод ва тартибсизлик ҳаддидан ошиб кетди. Ҳазрати Султон Ҳусайн Мирзо ошура (муҳаррам ойининг ўнинчи) куни Баҳром каби қизил либос кийиб, бошига қирмизи тож қийди ва ҳукм қилдики: «Қайси кўча ва маҳаллада безори ва бевошлар бўлса-ю, уни тутиб келтириб беришмаса, ўша маҳалла ғорат қилиниб, аҳолиси қирғин қилинсин».

Ўшандайларни тутиб, текшириб, суриштириб, минг азобу укубатларга дучор қилдилар. Баъзиларни миҳлаб ташладилар... Баъзиларини қўлтиғидан осиб, оёғидан тош боғлаб, иккига бўлдилар. Бу жамоат билан биргаликда жуда ҳам кўп бегуноҳлар босиш ва осиб майдонида қолиб кетдилар. Бу гапни подшога етгазганларида бевош ва безориларни текшириш ва тафтиш қилишни шоҳ амир Алишерга юклади...

Шайхзода Ансорий шундай ҳикоя қилади: Ҳофиз Гиёсиддин Дехдор Озарбайжон вилоятидан Хурсон вилоятига келди. У амир Алишер билан учрашишни мақсад қилган эди. Бу ишни у Мирнинг бирорта надиими орқали амалга оширмақ истади ва Мавлоно Бадахший ҳузурига келди ва ўз мақсадини айтди. Мавлоно Муҳаммад Бадахший унинг ҳолу аҳволини тафтиш қилди. Қайси водийдан гапирмасин, ўша майдон чавандози тарзида кўрди, қайси фандан гапирмасин, зеҳнининг ўткирлигидан унинг самандига етолмай қоларди. У ўзича деди: агар бу Мирга яқин бўлса, бизнинг обрўйимиз қолмайди, у бизни чарху дук ёнига қўйиб қўяди. Яхшиси буни Мирнинг суҳбатидан қайтармоқ лозим. Мир билан ошно бўлиш нақшини унинг хотири саҳифасидан ўчирмоқ лозим. У деди: «Эй азиз, қандайин орзуни қилмоқдасиз, не таманнони хотирингизга йўлатмоқдасиз? Мир билан ошначилик қилиш қийиндир. Унинг мижозига мувофиқ келиш маҳол ишга киришиш билан барабар».

Ҳофиз Гиёсиддин унинг бу ишга рози эмаслигига тушунди. Мушқули бу билан осон бўлмаслигини билди. У Соҳибдоро ҳузурига борди. У ҳам Ҳофизни роса текшириб кўрди. Забардаст олим ва фозиллигига иқроп бўлди. Бу ҳам ваз жўрсата бошлади.

Ҳофиз ҳайрон бўлиб, ҳазрати Абдулло Ансорий мазори томон кетди. Амир Алишер бу ерда бир чорбоғ қурдирган эдики, ундан Эрам боғи дилида рашку ҳасаддан оташин

лолалардан юз минглаб доғлар бор эди. Унинг дарахтлари олдида Хаварнақ сановбарининг ҳасратдан ҳайрат оёғи лойда эди. Ҳофиз шу боққа келди, сайр қилди.

Эрта тонг пайти эди. Субҳи содиқнинг барра мушуги ложувард кўк гумбази чинихонасига югуриб кириб, порлоқ юлдуз идишларини осмон тоқчаларидан тушуриб юборган эди.

Ҳазрати Мир таҳорат учун хужра эшигини очди. Бир мушук ичкари кирди-да, тоқчага сакрай бошлади ва у ердаги чини идишларни тушуриб синдира бошлади. Мирнинг ғазаби қайнаб тошди-ю, заҳрини кимга сочишни билмади.

Намоздан кейин Мирнинг хотирига боғ сайрига бориш келди. Йўлга тушди, мулозиму суҳбатдошлари унга эргашдилар. Лекин Мирнинг қовоғига қараб, ғап қотишдан кўрқдилар. Боғ ўртасида чортоқ бор эди. Мир шу ерда тўхтадилар. Мусоҳиблари дарвозахонада қолдилар. Ҳофиз Ғиёсиддин қараса, Мирнинг ёлғиз ўзи ўлтирибди. Фурсатни ғанимат билиб, ичкари кирди. Мир ўз соясидан ҳам ҳадик олиб юрган эди. У ўзи томон келаётган бегона кишини кўрди. Жаҳл билан сўради: «Бобо, Сиз кимсиз, қаердансиз? Менинг ҳузуримга нега келяпсиз?» Ҳофиз тиз чўкиб деди: «Мен ўзимни таърифи жоме ва моне қилиш учун келмоқдаман!» Мир бу ғалати сўзни эшитиб, деди: «Яқинроқ келинг, гапингиздан ҳайронман. Баён килинг-чи, нима у «Таърифи жоме ва моне» деганингиз?» У деди: «Аввало мен ҳофизман, қуръонни етти қироат билан ўқий оламан. Ашарани ўқисам, эшитган кишилар шавқу завққа тўлади, бир-икки байт шеър ҳам айта оламан, ашула айтаманки, ундан иштиёқмандлар ёқа йиртурлар, шавқ қанотида кўк гумбази узра парвоз қилурлар. Яна қиссаҳондурман. «Амир Ҳамза», «Абомуслим», «Дороб» қиссаларини бир навъи ўқийман. Уни эшитган сўз усталари оғизларига сукут муҳрини босурлар. Яна муқаллиддурман! Ҳамма билади, бу ишда менга тенг келадигани йўқ. Яна толиби илмман. Фозиллар қайси илмдан сўз очмасин, ўша илмда менинг пешволигимга тан берурлар. Яна даллок (ходимчи)-ликда маҳорату қувватим бор. Кимнинг баданида озори ёки задаси бўлса, ҳамирдан қилни суғургандек олиб ташлайман. Яна таббоҳман, ошу таомлар ихтиро қилганманки, ҳеч боғварчи унинг номини билмайди».

Мир ҳайрон бўлиб қолди. Деди: «Эй азиз, бу сен айтган нарсалардан бири амалга ошадиган бўлса, сендек менга анису жалис оламда бўлмайди». Суҳбат вақтида мавлоно Муҳаммад Бадахший мавлоно Соҳибдорога деди:

— Бу ҳалиғи Мир мулозиматига восила излаб бизнинг ёнимизга келган одам эмасми?

— Ҳа, ўша, бизга ўхшаганларнинг жону дилига офату бало,— деди мавлоно Соҳибдоро.

Мир овоз бердилар:

— Азизлар, киринглар. Ҳеч эшитмаган ва хаёлингизга келмаган мақолатлардан эшитинглар!

Ҳамма жам бўлди. Мир Ҳофиз Ғиёсиддинга деди:

— Лофу даъво қилдинг. Энди изҳорини қил!

Ҳофиз аввало қуръондан ашара ўқиди. Мажлис аҳлининг ҳушини олди. Кейин ғазал ўқиди. Ашула бошлади — дўсту душмани унинг овозига офаринлар ўқиди. «Амир Ҳамза» қиссасини бошлади. Кейин ўзи айтган бир дostonни ўқиди ва мажлис аҳлининг ҳуши йўқолди. Уни тугатиб «Абомуслим» қиссасини ўқиди — ҳаммани сеҳрлаб кўйди. Мажлис охирида «Дороб» қиссасини бошлади. Бoғбон билан унинг ғуломи шу ерда туришган эди. Уларнинг тақлидини қилиб, ҳаммани кулдирди, баъзиларга шундай таъсир қилдики, кулавериб юмалаб қолдилар...

Ҳар ким ҳар илмдан баҳс қилди. Буларга ҳам жавоб берди. Ҳаммадан ғолиб келди... Кейин Мирнинг буйруғи билан ўн беш кўй келтирдилар. Бошқа керакли асбоблар ҳам керагича ҳозирланди. Ҳофиз таббохлик қилди. Овқати ҳаммага ёқиб тушди. Шу бўлди-ю, у Мирга яқин одам бўлиб қолди. Бирор одам унингчалик яқин бўлолмаганди.

ПАҲЛАВОН МУҲАММАД АБУСАЪИД ВА СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗО- НИНГ БОШҚА КУРАШЧИЛАРИ ФАЗИЛАТЛАРИ ВА КАМОЛОТИ ЗИКРИДА

То шу дамгача, куннинг заррин кокилли қизил паҳлавон кўк гумбази майдонида шомнинг қора либосли занги кураш-чиси юзини ерга қаратиб, забун этиб турган экан, ҳар вақт субҳидамда у ер узра кўтарилиб, калла уриш фанида у зангини замон тупроғидан олиб, чуқурга улоқтирар экан, унга (Паҳлавон Муҳаммад Абусаъидга) тўғри келадиган паҳлавон дунёга келмаган. Бирорта паҳлавон ҳам унинг тизасини ерга теккизолмагани маълум. Паҳлавон барча илму фанларга, фазилату-камолатга моҳир эди. Улуғ амир Алишер Паҳлавон Муҳаммад Абусаъидни ўз таъкираларида шундай таъриф қилганлар: «Паҳлавон Муҳаммадким, кўп фазилат била орастадур, хусусан, куштигирлик фанида. Бовужуди улким, ул фан онинг ҳаққи ва мулкидир, маълум эмасдурким, ҳаргиз бир кимса бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлғай. Ўзга фазойилига кўра дун мартабасидур ва мусиқий ва адвор

илмининг беназиридур. Чун камолоти «Азҳари минашшамс»-дур, шарҳ қилмоқ эҳтиёж эмас. Фақир Астрободдан бу рубойни Паҳлавон ҳимматларига битиб йибордимким, рубойи:

Дар Каъбаву дайри мо ба иршоди туим,
Дар савмаву майкада бо ёди туим.
Зокири саҳару шом ба авроди туим,
Яъинки яtimi неъматободи туим».

(Каъбада ва юртимизда сенинг иршодинг биланмиз. Ибодатда, майхонада сенинг ёдинг биланмиз. Шому саҳар сенинг дуои жонингдамиз. Яъники, неъмат-фазилатларингдан бебаҳра етимлармиз.)

Паҳлавон бу рубойни жавоб айтиб йиборди. Рубойи:

Эй Мир, ту пири мо ба иршоди туим,
Донм ба дуогўйию бо ёди туим.
Ин шаҳр ба ту хушасту, мо бо ту хушем,
Сарвему хароби Астрободи туим.

(Эй Мир, сен пиримиз, биз эса сенинг иршодинг-йўлингдан борувчилармиз. Доимий дуогўйинг, сенинг ёдинг биланмиз. Бу шаҳар сен учун яхшидир, аммо биз сен билангина хушвақтимиз. Сарв эдик, сенинг Астрободдалигингдан харобмиз.)
Бу матлаъ Паҳлавондиндириким, айтганда подшоҳ ўн минг олтуҥ сила иноят қилдиларким, матлаъ:

Гўфтамаш дар олам ишқи ту қорам, бо ғам аст,
Гуфт хандон зери лаб: «ғам нест, қори оламаст».

(Унга дедим: оламда ишим сенинг ишқинг бўлди, ғамлиман. Лаб буриб кулди ва деди: «ҳечқиси йўқ, дунё иши шунақа!»)

Заккийфаҳмлар табъига маълум бўлсинким, Мир «Тазкират уш-шуаро» нинг тўртинчи мажлисини Паҳлавон Муҳаммад зикри билан бошлайдилар. Мисли мавлоно Масъуд Шервоний, Амир Атоулло, Мир Муртоз, мавлоно Хусайн Воиз, мавлоно Муин Воиз, Амир Камолиддин Хусайн, Қозий Ихтиёр, мавлоно Муҳаммад Бадахший, мавлоно Мир Хусайн Муаммой, мавлоно Нойий, мавлоно Абдулвосе мунши ва бошқа Хуросоннинг зўр донишмандлари, фозилу уламолар зикрининг Паҳлавон зикридан кейин келиши унинг улуғ мартабаси ва олий обрўси далолатидир...

Паҳлавон Муҳаммад кураш санъати ҳақида бир китоб ёздилар. У шундайин латиф ва зариф тил билан ёзилганки,

суханвар ва фасоҳат майдонининг муншилари уни балоғат маъракаси деб биладилар ва ўзларининг ожизлик тиззасини ерга қўядилар...

Машҳурдирки, Паҳлавон Муҳаммад Хожа Ҳофиз Шеро-зийнинг кўп ғазаллари байтларидан исм чақирганлар. Шу жумладан, қуйидаги байтдан «Шужоъ» исмини топганлар:

Дарахти дўсти биншон, ки коми дил ба бор орад,
Ниҳоли душмани бар кан, ки ранжи бешумор орад.

(Дўстлик дарахтин экил, дил коминг ҳосил бергай, душман-лик ниҳолини йўқ қилки, беҳисоб ранж келтиргай.)

Хожа Муҳаммад Тойбодий шундай ҳикоя қилади: бир куни Султон Ҳусайн Мирзо мажлисида Ҳофиз Ғиёсиддин Дехдор фазилатлари ва камолоти ҳақида гап кетди. Жаноби амир Алишернинг Ҳофиз билан Гозургоҳ чорбоғида учрашгани ҳақида подшога бирма-бир гапириб бердилар. Ўша танишув пайтида Ҳофиз ўз сўзини: «Мен ўзимни таърифи жоме ва мене қилгани келдим», деб бошлаганди. Буни эшитган Мирзо кулиб дедилар: «Бундан таъбининг латофати ва зарофати маълумдир. Бу кеча у киши билан суҳбат қурғумиздур».

Жаҳоноро чорбоғидаги хушманзара қасрда зиёфат муқар-рар қилинди. Мирзо мажлисида бўладиганларнинг номини ёзиб бердилар: амир Алишер, Паҳлавон Муҳаммад, Хожаги Абдулло Марворид, Хожа Камолиддин Ҳусайн Низомулмулк, Амир Саййид Бадр, Мирқосим Туркигўй, Амир Жоний мавла, Амир Низом Муқаллид, хусн ахлидан Қосим Мирҳусайний, Мирзойи Тарёкий, Тоҳир Чакка, Сарви Лабижўй, Моҳи Симноний, Мирак Заъфароний, Рухулло пари, Шомуҳаммад хонанда.

Мирзонинг Тайфур номли бир пайки бор эди... Тайфурнинг хонаси ҳам, шу боғи жаҳонорода, Садафхона билан ёнма-ён эди. Суҳбат бошланиши билан Ҳофиз Ғиёсиддинга ўз ҳиссиётларини изҳор этиш учун сўз берилди. Ҳофиз ўз ҳунарларини кўрсатиб, мажлис аҳлига шундай қилиқлар намойиш қилдики, мажлисдаги илму фан эгалари, ҳамма унга вола ва ҳайрон бўлдилар. Бу мажлисида Ҳофиз Басир бир ғазал ўқиди. Хожа Абдулло Садр Марворид қонунда бир куй ижро этиб берди. Кейин мажлис охиригача Ҳофиз Ғиёсиддин ўз санъатини кўрсатди. Паҳлавон Муҳаммад мажлис охирида шамоллаб келиш учун ташқарига чиқди. Қараса, Садафхона томонда машъаллар ёқилган, ғала-говур овози келар,

Ширакайф ҳолда Паҳлавон ўша томон йўл олди. Яқинлашгач, уни Тайфур кўриб қолиб, йигитлар билан ташқари чиқиб, Паҳлавон оёғини тавоф қилди ва: «Бу қандай лутфу банданавозлик бўлди, банданинг бошини осмонга етказдингиз...» деди у, Паҳлавонни ўз мажлисига таклиф қилди. Паҳлавон унинг суҳбатига кириб, бир журъа май ичиши билан Мирзо ва унинг мажлисини тамоман унутди. Бирор лаҳзадан кейин амир Алишер Паҳлавон маст бўлиб, уйига кетган бўлиши керак, деб гумон қилиб, кетмоқчи бўлди. Ижозат сўраб чиқиб кетди. Мирзо деди: «Анча бўлди Паҳлавони олам чиқиб кетганига, нега дараги йўқ?» Бир кишининг бу гапдан хабари бор эди. У деди: «Шоҳим, Паҳлавон Тайфурнинг суҳбатига кетганлар». Мирзонинг икки жиҳатдан жаҳли чиқди: Паҳлавоннинг бир пайк суҳбатини шоҳ суҳбатидан аъло билгани, иккинчидан, рашки келганидан, Мирзо тинч ўлтиролмаб буюрди: Ҳисрав пайкни келтирдилар, унинг кийимлари ва тақинчоқларини бир бўғчага тайёрладилар. Жони мавлога: «Буни кўтар-да, обориб Паҳлавоннинг олдига кўй ва «Буни Мирзо Сиз учун юборди, деб айт!» деди. У бўғчани Паҳлавонга келтириб берди. Паҳлавон уни очиб, мастлиги тарқаб кетди, ҳушёр тортди. Уйқуда эди — уйғонди... Нима қилмоқ керак? Мисра: «Иш тушубтур, эй кўнгул, мардона бўл, нетмак керак!» Паҳлавон мажлис аҳлидан бир қайчи топиб беришларини ва хонани бўшатиб қўйишларини сўрадилар. Пайклар қоидасидек, соқолни таги билан қиртишладилар. Пайк кийимини кийдилар. Белига тирбанд ва қўнғироқчаларни тақиб олдилар... Ўзларини пайк ҳолига келтирдилар. Сўнг пайкларни чақирдилар. Тайфур Паҳлавоннинг аҳволини кўриб дод деб юборди. Бошини у кишининг оёғига қўйиб йиғлади. Бошловчилар қоидасидагидек у киши Тайфурга қарама-қарши бир жойда туриб, югура бошладилар. Сўнг бадиҳа тарзида подшо мадҳига бир қасида тўкидилар. Ҳамма Мирзо мажлисига қараб югурди ва Паҳлавоннинг қай ҳолатда келаётганлари хабарини айтишди. Мажлис аҳлининг Мирзодан ташқари барчаси ташқари отилди. Паҳлавон мажлисга кириши билан ҳалиги қасидани тўкиб бўлди. Кейин ўқиб берди. Мажлис аҳли олқиш таҳсинлар ўқиди. Мирзо деди: «Азизлар, фалак пайки ўзининг қуёш тожини бошига қўйиб, унга бир даста шуълалар ҳумойи паридан зийнат бериб, юлдузларнинг заррин қўнғироқчаларини камари атрофига таққан ва нилгун хитой атласидан тикилган зарбофт қантарасини кийгандан буён бирор подшоҳнинг бу каби пайки бўлмаган! Энди шу нарсанинг ўрники, мен ўзимни ва бу пайкимни олам аҳлига кўрсатмоғим лозим!» Хабар юборди: улуғ подшоҳзодалар, ҳурматли амирлар, осмон мартабали сарой аҳли машъаллар

ёқиб ўша томонга етиб келдилар. Шаҳар томонга юришга қарор қилинди. Бир киши бу гапни Амир Алишерга етказди. Мир дарҳол отга миниб, улар турган жойга етиб келди. Мирзо отга миниб, Боғи Шамол дарвозасида турган эди. Паҳлавон билан Тайфур унинг жиловидан тутган эдилар. Шаҳзодалар ҳам отда. Мир отдан сакраб тушиб: «Шоҳим, биз Паҳлавон билан ҳар ишда бирга бўлмоққа, ажралмасликка қасам ичганмиз, Паҳлавон қандай йўлни ихтиёр қилган бўлса, қамина ҳам шунга қўшиламан. Бу саодат фақат Паҳлавонга тегишли бўлмасин. Ҳукм эдинг, мен учун ҳам пайқлар кийимини келтиришсин, Паҳлавон иккаламиз бир либосда бўлайлик», деди. Буни эшитиб Мирзо ўз хатосини тушунди, надомат бармоғини пушаймонлик тишлари орасига олиб, буюрди: «Иноят қилиб, Паҳлавондан узрхоҳлик қилинглар ва устидан либосини ечиб олинглар!»

Мир Паҳлавон олдига яқин келиб деди: «Мирзо лутф қилдилар, узр сўрамоқдалар. Сизни бу либосдан холи қиладилар». Паҳлавон дедилар: «Чиндан ҳам неча йиллардан бери шу маъни орзусида эдим. Энди буни қўлдан чиқармаслигим лозим».

Алқисса айтишларича, Мирзо подшоҳзодалар, Мир Алишер ва аркони давлат бўлиб, Паҳлавонга юз минг танга сийлов бердилар.

Ҳожаги Абдулло садр шундай ҳикоя қилиб берган эди: Султон Ҳусайн Мирзонинг бир мажлисида фозиллар ва аслзодалар йиғилган эди. Паҳлавон Муҳаммад Абусаъид шу мажлисда оғир бир мусибатга ва маломатга қолганини гапириб қолди. Ҳазрати подшоҳ бу гапни суриштирди. Паҳлавон деди: «Ҳазрати подшоҳ, бу каминани Паҳлавони олам деб атайдилар ва менинг фахр этувчи бошимни шуҳрат авжига кўтардилар. Бу лақабимни ўзимга татбиқ эта олмайман ва муносиб билмайман. Зеро, пойтахтда Паҳлавон Муҳаммад Молоний деган Паҳлавон бор. Мен у билан кураш тушмаганман ва йикитмаганман. Бас, шундай экан, мен бу лақабга қандай сазовор бўлай?» Мирзо ва амир Алишер ҳайрат бармоқларини тишладилар ва дедилар: «Эй, Паҳлавони олам, Муҳаммад Молоний башар жинсидан эмас. У одам суратидаги бир дев. Сиз у билан кураш тушсангиз бўлармиди?» Шу гап устида Паҳлавон Муҳаммад Молоний кириб келди. Мирзо унга дедилар: «Паҳлавони оламинг сен билан курашгиси бор. Нима дейсан?». У деди: «Худо ҳаққи, у кишининг бундай номаъқулчилигини хотирда тутаман. Шуни айтишга ўзимда журъат сезаманки, мен бу киши падари бузрукворининг камина шогирдиман. Бу маҳдум менга маҳдумзода бўладилар.

Бо валинеъмат ар бурун ойи,
Гар сипехри, ки сарнигун ойи.

(Валинеъматингдан устун келмоқ истасанг, осмон бўлсанг ҳам яксон бўлгунг.)

Ҳамма мажлисдагилар Паҳлавон Муҳаммад Молонийга таҳсину офаринлар ўкидилар.

Бадиалар манбаи, муъжизалар ихтирочиси мавлоно Юсуф наққошнинг мавлоно қози Жодакнинг ажойиб суратини саодатли мажлисга юборгани.

Машхурдирки, Хуросон вилоятида... подшоҳ Хусайн мирзо замонида бир киши Гавҳаршодбегим мадрасаси тахти устида занжабил сотиш билан шуғулланар эди. Унинг шундай соқоли бор эдики, ҳар гоҳ унинг шамоли кўзгалгудек бўлса, қози Жодакка ўхшаганлар соқолини битта қолдирмай юлқилаб кетарди. Шу қози ўша соқолни кўргудек бўлса, шармандаликдан ҳайрат бармоғини тишлари орасига олиб бориб, соқолини беркитган бўларди... Мазкур подшоҳ ҳар йили наврўзда ўзининг улуғ амирларидан бирини унинг соқолини сотиб олиш учун юборар эди... Кейин подшо наққошларга буюрди: занжабилфурушнинг соқолини товуснинг думига ўхшатиб ранго-ранг тусга бўядилар, турли нақшлар чекиб безадилар. Бу одам шундай соқолини ўзининг савдоси домига айлантирди, харидорлар келиб шу домга илина бошлади. Нозиктаъб шоирлар унинг соқоли таърифиди ғаройиб маънилар айтдилар ва фикр покиси билан қил ёрдилар...

Алқисса мазкур сурат қози қўринишининг бузиб кўрсатилиши қасддан бадбашара қилиб чекилгани эканлигига қарамай, ҳазрати подшоҳ мунаввар замири завқу шавқига сабаб бўлди. Салтанат боғининг гулбуни сероб гунчасининг очилиши, лашкар аҳли ва мамлакат аҳолиси дили гунчаларининг очилишига боис экан, у гунча кулиб, фозиллар наздида ўша суратни таҳсину мақбул қилди. Зотан, раият оммасининг кўнгил ҳузури, хотиржамлиги ва аҳоли сурури сабабчиси бўлган замон подшолари ва олий хоқонлари ўз табиатлари хуррамлиги ва хотираларининг фарах топиши учун доимо сеҳргар мусаввирларни ва бадиалар ижодкорлари бўлмиш наққошларни олий пойтахтларида сақлаб, илтифот кўрсатиб, улар ҳолидан хабардор бўлиб турганлар. Бу тарабангиз тоифа ва пок табиат санъат аҳли олам аҳоли оммасининг ҳузури ва сурури сабабчисидирлар. Улар одам зотининг энг сара ва ҳайрли ғуруридир.

Шунинг учун ҳам мағфиратли подшоҳ... бу санъат хунарамандларидан ва бу касб сеҳр офаринларидан устод Бехзод наққошники, етти иқлим мусаввирлари унинг қошида таслим бошини ҳам қилур эдилар, барчалари ўзларининг мусалламлик

суратларини унга топширган эдилар, ўз ҳузурда сақлар эди. Унга Монийи соний лақабини берган эдилар. Ҳар гал бу олий мартабали подшонинг бирор ғам ёки алам хотирини айлантирганда ва хира ғубор унинг мунаввар хотири ойнасига ўлтирганда мазкур устод бирор суратни жилвагар қилар ёки бир пайкарни намоён этардики, ҳазрати подшонинг кўз қири тушиши билан унда таъб ойнаси қудурат зангидан ва хотири саҳифаси кулфат ғуборидан дарҳол тозаланад эди. Жаноби устод моҳир хунарманд, шунингдек, турли-туман суратлар ва ҳар хил нақшларни ўзи билан олиб юрар эди: ҳожат вақтида уларни ишга соларди. У кўпроқ олампаҳо даргоҳининг шавкатли улуғ амирларидан ва йирик арбобларидан бўлган Амир Бобомаҳмуд суратини ихтилофли ҳолатларда тасвирларди. Мазкур Мир ажиб сурат ва ғаройиб ҳайъатга эга. Бу қитъа гўё унинг шаънига тўқилган:

Ҳама шаҳмию лаҳм, эй Мири аъзам,
Хуш он ку, чун ту Мири баргазинанд?
Агар асби ту ҳаргиз жав наёбад,
Зи заъфу доғари ки ранж бинад?
Ту ҳар гоҳеки бар вай менишини
Ду сад ман гўшт бар вай менишинад.

(Турган-битганинг ёғу гўштсан, эй Мири аъзам. Сенингдек таниқли хушчақчақ Мир ўтганми ўзи? Отинг агар арпа топа олмаса, заифлигу ориқликдан ким ранж тортади? Қачон сен унга минмоқ истасанг икки юз ман гўшт унга юкланган бўлади.)

Шу йўғонлигию семизлигига қарамай ниҳоятда эпчил ва ҳаракатчан эди. Камоли хушчақчақлигидан руҳ сингари олам аҳли дилидан ўрин олган эди. Надимлик сифати, ширин ҳаракатлари ва рангин ҳикоятлари подшо мажлисини жаннат боғининг рашки келар даражада безар эди. Шу йўсин ул саодатли шоҳ дилига муҳаббат уруғини ташларди...

Алқисса, Устоднинг хунару мартабаси кундан-кун, соатма-соат ривож топди. Ҳар бир чеккан нақши ғайб пардаси остидан унинг фатху етуклик суратини намоён этарди.

Машҳурдирки, мазкур Устод Беҳзод бир тасвири лавҳани улуғ амир Алишернинг жаннат тартибли, осмон мартабали мажлисига келтирди. Сурат аҳволи шундай эди: гуногун дарахтлар билан ўралган бир ораста боғ. Дарахт бутокларида ранг-баранг товланиб турувчи хушсуврат қушлар. Ҳар тарафда ариқлар равон ва очилган зангори гул буталари. Мирнинг марғуб суврати шундай чекилганки, бир асои тутган ҳолда турибдилар. Зар тўла тавақлар сочқи расми учун олдиларига қўйилган.

Ҳазрати Мир бу сувратни мушоҳада ва мулоҳаза қилиб бўлгач, бу латиф саҳифа унинг кўнгул боғини шодлиғу сурур гуллари, хотири ҳавзлари атрофини қувончу ҳузур дарахтлари билан безалган кўрди. Шавқу завқ шохларидаги унинг таъби булбулидан аҳсан ал-аҳсан, навоси таралди.

Наққош буди хона мунаққаш карди,

Эй вақти ту хуш, ки вақти мо хуш карди.

(Наққош бўлиб, хонани нақш билан беаган эдинг. Вақтинг хуш бўлсинки, бизни хушвақт этдинг.)

Кейин мажлисга ҳозир бўлганларга юзланиб, дедилар: «Азизлар, бу шарафлашга лойиқ саҳифа таърифу тавсифида хотирингизга нелар келур?» Мирнинг устоди ва Хуросоннинг эътиборли кишиларидан бўлган мавлоно Фасихуддин деди:

— Маҳдумлар, мен бу кўриб турганим очилган раъно гулларга кўл узатиб, бир гул олсаму дасторим тепасига тақиб қўйсам, дейман! — Мирнинг мусоҳиби ва дўсти мавлоно Соҳибдоро деди:

— Менда ҳам шундай орзу бор эди. Аммо мабодо кўл узатсам, дарахтлар тепасидаги бу қушлар учиб кетармикин, деган андишадамен! — Хуросон аҳлининг пешқадам зарифлари ва пешволаридан бўлган ва доимо Мир билан аския, ҳазил-мутойиба қилиб, кўнгил овлаб юрадиган мавлоно Бурҳон деди:

— Мен мулоҳаза қилиб, қўлимни ҳам, оғзимни ҳам тийиб турмоқчиман ва ҳеч нарса демоқчи эмасман. Мабодо, ҳазрати Мирнинг жаҳллари чиқса, юзлари ва қошларини чимирмагайлар?!

Хуросон зарифлари «Мирнинг латифатароши» деб лақаб берган ва ҳамиша хушомадликни машқ қилиб юрувчи мавлоно Муҳаммад Бадахший деди:

— Эй, мавлоно Бурҳон! Беадаблик ва густоҳлик саналмаганда, мен ҳазрати Мир қўлларидаги бу асони олиб, бошингизга тушурган бўлардим! Ҳазрати Мир дедиларки:

— Азизлар марғуб маъно дурларини териб, яхши гаплар айтишди. Агар мавлоно Бурҳон шундай ноҳўя қиликни қилмасалар, хотиримга шу нарса келдики, шу сочиқ учун қўйилган табақлардаги олтинларни дўсту ёрлар бошидан нисор этсам!

Шундан кейин у киши устод Беҳзодга эгар-жабдуқли от, муносиб сарупо, мажлис аҳлининг ҳар бирига фахрли либослар инъом қилдилар...

Дариғу дард аз ин мардумон, ки хок шуданд,

Ба тийғи марғ ба жигар решу сийначок шуданд.

(Дариғ ва аламларки, бундай инсонлар хок бўлдилар. Ҳалим тигидан жигарлари яра, сийналари чок бўлдилар.)

СОДИҚБЕК СОДИҚИЙ

«МАЖМУЪ УЛ-ХАВОС» ДАН

Бу тақдир ила арбоби назм ва асҳоби шеър сўз боргоҳида садрнишин ва такаллум хонақоҳида хилватгузин эрурлар. Лиҳаза, хуб аъломлиқ фурс нуктапарварлари ва марғуб каломлиқ турк суҳансозлари бу жамоат паришонлиғи жамъияти учун ва бу тоифа жамъияти паришонлиғи учун шойиста мажлислар ва бойиста маҳфиллар ораста ва пийроста қилубдурлар. Аввало шайх ул-алайҳиссалом нур Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» ининг бир равзасидур ва яна Амир кабир Алишернинг «Мажолис ун-нафоис» идур ва яна «Тазкираи Давлатшоҳ» дур ва яна шаҳзодаи олам ва оламиённинг «Тухфаи Сомий» сидур. Бу силсила сарҳалқаи интизоми бир-биридин узулмасун деб ва бу тазкиралар сарриштаси бузулмасун деб:

Машаққат мулкининг беҳонумони,
Маломат дафтарининг нуктадони,
Муҳаббат гўшасининг хокрўби,
Муваддат мажлисининг пойкуби,
Ҳақорат даштининг азъиф гиёҳи,
Иродат даргоҳининг хокроҳи,
Вафо сарриштасининг пойбанди,
Давосиз дарди ишқнинг дардманди,
Малолат укбасининг гўшагири,
Гадолиғ остонининг фақири,
Тажарруд кишварининг комрони,
Тафарруд мажлисининг қиссахони,
Бало ҳангомасининг пешдасти,
Фано ғамхонасининг майпарасти,—

акли ибоди жумхур ҳафир бебизоъат хоксор Содикӣ китобдор. Бу замоннинг хуштаъб ширин каломлари ва бу давроннинг сеҳрсиз муъжиз низомлариким, шуарои собиқ татаббуъида хуб айтуб, ямон бормапдурлар ва назмойи мозий пайравлигида рост борубдурлар. Бу бодия паймойларни ул сайёҳлар шоҳроҳиға солмоғ учун... мутгасил услубда ва ул бузруквор балоғатдисор ва ул гузидаи акобир фасоҳатшиор, сўз бўстонининг тўтйи шаккарҳоси, яъни Навоий-ким, хомаи мушкоф бирла ширинзабон матлублар тори зулфин паришон қилуб, пардаи замир гитидин хаёл жилвагоҳиға чиқарубдур ва ниши килки хороғузор бирла Фарҳод нерулиғ толибларни такаллум кўрғонидин сўз Бестуниға юборибдур:

Улким, муғул истилоҳин айлаб машхур,
Олди Араб ва Ажам элидин маншур.
Бўлса не ажаб жаҳон тилига мазкур,
Ким ҳеч кишига бу янглиғ эрмас макдур.

Бир неча сўзиға гузориш беруб, бир неча сафҳаға нигориш беруб ҳам ул ҳазратнинг нафис мажлислариға мувофиқ саккиз мажмаъи хос мутобиқ тузмак тилар ва «Мажмуъ ул-хавос» ға номзод қилмоқ истарким, «ал-жинсу маъал-жинси ва турран маъал-ашкол» (жинс жинси билан ва барча нарса ўз шакли билан) дебдурлар. Агарчи бу янглиғ иродаи қатароти саҳоб баҳри гирон жавобида келмоқ ва зарраи бемиқдор офтоби оламтобға мухотаб бўлмоқдектур ва лекин «ал-илму ла яҳиллу манъуху» (илмни манъ этиш ҳалол эмас, каломин узрхоҳ ва «лайн ул-калом ал-калому қайд ул-қулуб» (юмшоқ сўз шундайинки, қалбларни ром этади) тараннуми пардапўши гуноҳ қилиб ҳам онларнинг руҳи пур футуҳларидин истимдоди ҳиммат тилаб уммидвордурким, ифтитоҳида камияти тезгом қаламин муъованат тозёнаси била раҳвору рост инон қилубдурлар. Зероки, куёш зарра ҳаводорлиғи мағмуму хору хас қатаротин саҳоб парваришидин маҳрум қилмас. Сўз узалди ва муддао саманди толди ва дуо бирла мақсад бошиға бормоққа озим бўлмоқ лозим бўлди. Рубоий:

Ё раб, бу сўз аҳлининг дилоро зикрин,
Булжаи донишнинг гавҳарзо зикрин,
Манзуру хаво айла аъло зикрин,
Мақбулу авом айла адно зикрин...

Сусанибек туркмандур. Авоилда шеҳи жаннат маконнинг (Тахмоспнинг) муаззам қурчиси эрди. Қизилбош йигитлари

орасида акрордода эрди. Оқибат шаробу тарёку қимор
мудовамати фалокатидин бекор мулозаматиға жабул бўлуб
авқот кечирур эрди. Табъи амир Алишер Навоий шеъриға
кўп сарростдур. Ва девони нотамом қолуб, баладаи таййибаи
Хамадонда оламға видо қилди: бу ҳақир итмомға шуру
қилуб, муваффақ бўлдум. Шоҳий ғазаби жавобидаким,
матлаи будур — Шоҳий:

Тутди илким меҳр этиб, берди манга ул моҳ илин,
Кимки эл тутарким, тутсин анинг оллоҳ илин,—

бу байтни муносиб айтубдурким, Сусаний:

Шоҳлар тутмас гадо илкин фано бозорида,
Келки ул бозорким, тутгай гадолар шоҳ илин.

МАНБАЛАР

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

Нуриддин Абдураҳмон Жомий (1414—1492) Алишер Навоийнинг ҳам устози, дўсти ва ҳамкори эди. У ўзининг уч девони дебочасида, «Ҳафт пайкар» («Етти юлдуз») номида етти достонидан иборат асарида (1472—1486 йилларда ёзилган) Алишер Навоий ҳақида мулоҳаза юритиб, унинг фаолияти ва ижодкорлик даҳосига юксак баҳо берди. Унга бағишлаб «Ҳамсаат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайратланган»), асарини яратди.

Навоий ҳақидаги фикрларни Жомийнинг 1978 йили Москвада чоп бўлган «Фатихат уш-шабоб» ва 1974 й. чоп қилинган «Лайли ва Мажнун» танқидий матнларидан (тайёрловчи А. Афсаҳзода) олдиқ, «Ҳафт пайкар» нинг эса 1914 йил Тошкент тошбосма нусхасидан фойдаландиқ.

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ

«Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар антологияси») XV асрда ўтган машҳур адабиётшунос Давлатшоҳ Самарқандий (тахм. 1435—1495) қаламига мансуб; ҳижрий 892 (1486) йили ёзиб тамомланган ва унда Ироқ, Эрон ҳамда Ўрта Осиёда X—XV асрларда яшаб ижод этган бир юз эллиқдан ортиқ йирик шоирлар ҳақида қисқача маълумот, шеърларидан намуналар келтирилган. Асар Алишер Навоий топшириғи билан ёзилган. Юқорида келтирилган парча асарнинг 1958 йили Техронда чоп этилган нусхаси асосида таржима қилинган.

МИРХОНД

Мирхонд (тўла исми Муҳаммад ибн Ховандшоҳ) (1433-1498) йирик муаррих, асли бухоролик, умрини Алишер

Навоий ҳомийлигида Ҳиротда ўтказган, етти жилдик (сўнги еттинчи жилди мусаввада тарзида қолган ва набираси Хондамир тарафидан поёнига етказилган). «Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбийё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғи») номли асари билан машҳур (олти жилди 1494—1496 йиллари, еттинчи жилди 1521 йили ёзиб тамомланган).

Келтирилган парча асарнинг ЎзФАШИда сақланаётган Муҳаммад Ризо мироб Хоразмий (1224/1809—1281/1864) тарафидан эски ўзбек тилига таржима қилинган 3445 рақамли нусхасидан олинди.

ХОНДАМИР

Хондамир номи билан шуҳрат топган Ғиёсуддин ибн Хумоуддин Муҳаммад ибн хожа Жалолуддин Муҳаммад ибн хожа Бурҳонуддин (880/1475—76—941/1534) Алишер Навоийнинг замондоши, ёшлигидан то Навоий вафотигача унинг кутубхонасида хизмат қилган ва унинг топшириғи билан Шарқ халқлари тарихига оид ўндан ортиқ асар ёзиб қолдирган. «Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ул-аҳёр» («Хайрли кишилар аҳволида (жаҳон) хабарларининг хулосаси», 904-905/1498—1499 йиллар орасида ёзилган), «Дастур ал-вузаро» («Вазирлик учун дастур», 906/1500 йили ёзиб тамомланган), «Маосир ул-мулук» («Подшоҳларнинг асрдошлари»), «Макорим ул-ахлоқ» («Олижаноб сифатлар ҳақида китоб»), 906/1501 йили ёзиб тамомланган), «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ул-башар» («Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли», 921/1515-930/1523 йиллари ёзилган). «Номайи номий» («Атоқли нома(лар)», таҳминан 930/1523-1524 йили ёзиб тамомланган) шулар жумласидандир.

Хондамир асарларида Ўрта Осиё ва Хуросон халқларининг узоқ ўтмишдаги тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётга оид қимматли маълумотларни учратамиз.

«Хулосат ул-ахбор» дан келтирилаётган парча асарнинг Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2209 рақамда сақланаётган нусхасига, «Макорим ул-ахлоқ» дан олинган парча М. Фахриддинов ҳамда П. Шамсиев таржимаси асосида амалга оширилган учинчи, қайта ишланган ва тўлатилган нашридан, «Дастур ал-вузаро» дан олинган парча асарлар ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган

55/I нусхасига асосланган ва ниҳоят, «Ҳабиб ус-сияр»дан келтирилаётган парча унинг Бомбай нашри (1857 й.) дан олинди.

Олимнинг юқорида қайд этилган асарлари кўпчиликка маълум. «Дастур ал-вузаро» га келсак (915/1509 йили ёзилган) у ўзига хос биографик асар бўлиб, унда қадимдан то Темурий Султон Хусайн Бойқаро давригача шарқ мамлакатларида ўтган вазирлар ҳақида маълумот келтирилган.

БОБУР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) — XVI асрнинг йирик олими ва шоиридир. У «Бобурнома», «Муфассал», «Мубаййин», каби илмий асарлар муаллифи. Шунинг билан бирга, ҳассос лирик шоир ҳамдир. Бобурнинг ғазаллар, рубойлар, туюқлар, китъалар, фардлар, маснавийларни ўз ичига олган девонининг нусхалари СССР, Франция, Англия, АҚШ, Ҳиндистон ва талайгина бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Олимнинг хусусан «Бобурнома» асари фан тарихида катта ўрин тутади. Ўрта аср илмининг тарих ва география, этнография ва табиийёт каби соҳаларини қамраб олган бу асар Ўрта Осиё, Афғонистон ҳамда Ҳиндистоннинг XV асрнинг охиригача чораги ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Китобда берилаётган парча асарнинг 1960 йилги ўзбекча нашри (Порсо Шамсиев ва Содик Мирзаев нашрга тайёрлаган. Академик Воҳид Зоҳидов таҳрири остида) дан олинди.

ЗАЙНИДДИН ВОСИФИЙ

Зайниддин ибн Абдужалил Восифий Навоийнинг кичик замондоши бўлиб, 1486 йили туғилган ва 1566 йили Тошкентда вафот этган. Унинг ягона «Бадойиъ ул-вақойиъ» номли бадий-тарихий асари ўша давр «тарихий аҳволини китобхон кўзи ўнгида аниқ-равшан намоён қила оладиган улкан бир тасвирий лавҳадир» (Садриддин Айний). Таниқли совет шарқшуноси А. Н. Болдирев асарнинг 25 дастхат нусхаси асосида танқидий матнини яратди ва 1961 йили икки жилдда нашр эттирди. Восифий ва унинг асари ҳақида А. Н. Болдирев, шунингдек, Садриддин Айнийнинг монографиялари мавжуд.

СОДИҚБЕК СОДИҚИЙ

Озарбайжонлик шоир, рассом ва олим Содикбек Содиқийнинг (1533—1610) «Мажмаъ ул-хавос» («Юксак дидли кишилар мажмуаси») тазкираси тузилиши ва олдига қўйган мақсадларига кўра Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ига кўпроқ яқин туради. У Навоийдан кейин, унга эргашиб бу жанрда ёзилган биринчи асардир.

Содиқийнинг бу асари тез шуҳрат қозонди ва ундан турли даврларда кўплаб кўлёзма нусхалар кўчирилди. Ҳозирда улар Туркия ва Эрон китоб фондларида, Париж Миллий кутубхонасида, Бокуда Озарбайжон ССР ФА асосий кутубхонасининг кўлёмалар фонди ва Ленинградда СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград бўлимининг кўлёмалар фондида сақланмоқда. 1948 йилда эса Табриз университетининг профессори Абдуррасул Хайёмпур тазкиранинг Стамбул ва Табриз нусхалари асосида матнни тайёрлаб, форс тилига таржимаси билан нашр қилдирди. Бу нашр илмий жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этди.

ИЗОҲЛАР

Абулвалид — хиротлик машҳур шайх Абдулвалид Аҳмад ибн Абу Рижо (846—47 йили вафот этган).

Абдуллоҳ Ансорий (тўлиқ исми Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Абу Мансур Муҳаммад ал-Ансорий ал-Ҳаравий — хиротлик машҳур фикҳ ва тасаввуф олими, «Манозил ас-соирин», «Анис ал-муридин ва шаха ал-мажолис», «Табақот ас-суфия» каби асарлар муаллифи (1006—1088). Ҳиротнинг Гозургоҳ мавзеида дафн этилган. Бу жой Зиёратгоҳ номи билан машҳур (қаранг: Маҳмуд Ибн Вали. Море тайн, перевод с персидского, введения, примечания и указатели. Б. А. Ахмедова, Ташкент, 1977, ст. 86)

Абулайсий. Навоий хожа Хованд Абулайсий ҳақида шуларни ёзди: «Хожа Хованд хожа Фазлуллоҳ Абулайсий XV асрда ўтган самарқандлик фақиҳ: Алишер Навоий устозининг ўғлидир. Дошишманд ва хуштаъб йигитдур. Таъби ҳам назм сори ҳазил сори мойил бор...» (Мажалис ун-нафонс, 158-бет.)

Абулқосим Бобур — Темурийлар сулоласидан Хуросон ҳукмдори (853/1449—861/1457).

Абу Наср Форобий — тўла исми Абу Наср Ибн Муҳаммад Ибн Муҳаммад Ибн Тархон ал-Форобий, Ўрта осийлик йирик энциклопедист олим (873—950).

Абунаср Ҳасанбек — Қора қуёнлулар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Ҳасан Али (1467—1468).

Абу Саид султон — Темурий, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори (1451—1469).

Аёз Хос — Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг яқин кишиларидан. Ҳақиқий исми Абу Нажм (1057 йили вафот этган).

Алоуддин Алайка Кўкалтош — Темурий Шоҳруҳнинг йирик амирлари жумласидан. Подшоҳ йўқ пайтларида пойтахтни (Ҳиротни) идора қилиб турган.

Алоуддавлa — Шаҳруҳнинг набираси. Бойсунқур Мирзонинг (837/1433 вафот этган) ўғли. Шаҳруҳ вафотидан сўнг қарийб бир йил чамаси (март 1447 — июнь 1448) Хуросоннинг бир қисмини (Ҳирот атрофини) идора қилган.

Амир Мазид Арғин — Темурий Султон Абу Саид даврида ўтган нуфузли амир; Балх ҳокими.

Амир Атоуллоҳ Ибн Фазлуллоҳ Жамол ул-Ҳусайний (926) 1520 вафот этган Муҳаддис каламига мансуб бўлган асарда (900/1495 йили Алишер Навоийнинг топшириғи билан ёзилган) Муҳаммад пайгамбар

ва саҳобаларининг ҳаёти ёритилган (нусхаларидан бири — инв № 8267 — ЎзФАШИ кўлёмалар фондида сақланмоқда).

Амир Муртазо — фалсафа, математика ва бошқа илмлардан атрофлича хабардор донишмандлардан; Султон Хусайн замонида «Ихлосия» мадрасасида, Шайбонийхон ҳукмронлиги йилларида «Султония» мадрасасида мударрислик қилган. Шоҳ Исмоил истилоси вақтида (917/1511) Қандаҳор тарафларга кетиб қолган ва ўша ерда вафот этган (Ҳабиб ус-сияр, т. III, 3-қисм, 343-бет).

Амир Ховандшоҳ — тўла исми: Саййид Бурхонуддин Ховандшоҳ ибн Шоҳ Камолуддин Маҳмуд Балхий — Мирхонднинг отаси, тўрт авлод орқали бухоролик саййид Ажлға боғланади. Отасидан ёш қолган ва Балхга бориб таълим олган ва тез орада йирик донишманд бўлиб етишган, сўнг Хиротга келиб йирик машойхлардан Баҳоуддин Умар (857/1453 вафот этган) хизматига кирган. Унинг вафотидан кейин Балхга қайтиб келган ва вафот этган. Мирхонд унинг тўнғич ўғли бўлган. Яна бир ўғли саййид Низомуддин Султон Аҳмад Бадиуззамон мирзо ҳузурда садрлик лавозимида турган (Ҳабиб ус-сияр, т. III, 3-қисм, 198-бет).

Амир Ҳасанбек — Дийрбақр, Шарқий Анатолия ҳамда Озарбайжонда 1378—1508 йиллари ҳукмронлик қилган Оқ қуюнлулар сулоласининг тўртинчи ҳукмдори (1453—1478).

Анварий — XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида ўтган мута-савуф шоир (835/1432 вафот этган).

Аруз, санойи, бадиъ илмлари — аруз — шеърнинг вази ва ўлчовлари ҳақидаги илм, санойи — шеър санъати ҳақидаги илм, бадиъ — шеърда дабдабали иборалар ишлатиш илми.

Асир Курраси — астрологлар таъбирига кўра, дунё бир-бирини ўраб турган курралардан, яъни шарлардан (ер, сув, ҳаво, ҳамда олов курраларидан) иборат бўлиб, олов курраси улардан юқорида бўлган. Шунинг учун уни «асир курраси» деб атаганлар.

Аҳмад Ҳожибек — Темурий Абу Саид мирзонинг нуфузли амирларидан, Хуросонда таълим олган юсак маданиятли киши, Вафойи таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. 1455—1464 Хирот ҳокими, кейин, то 1496 йилгача Самарқанд ҳокими бўлган. 1496 Бойсункур мирзо билан Султон Али мирзо ўртасида бўлган қонли кураш вақтида ҳалок бўлган (қаранг: В. В. Бартольд. Мир Алишир и политическая жизнь, Соч. т. II, часть 2, Москва, 1964, с. 221, 225—227).

Аҳраб вази — ҳазаж баҳри вазиларидан: мафъулу мафъвийлун мафъулун фоммафъулу мафъвийлу мафъвийлун фом (Алишер Навоий. Мезон ул-авзон, 158—159-бет).

Аҳрам вази — ҳазаж баҳри вазиларидан: мафъулун мафъулун мафъулу фаул. Мафъулун мафъулу мафъвийлу фаул (Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Асарлар, Т., 14, Тошкент, 1967, 157-бет).

Аҳли иршод — тўғри йўл кўрсатувчилар: сўфий ва шайхлар.

Аҳли нужум — астрологлар, юлдуз ва сайёраларнинг ҳолатига қараб фол очувчилар.

Султон Бадиуззамон — Султон Хусайн Бойкаронинг тўнғич ўғли. 1495—1505 Сеистон ва Балх ҳокими бўлган. Шайбонийхон Хиротни олгандан (1507) кейин Туркияга кетиб қолган ва 1514 Истамбулда вафот этган.

Барлоснинг катталари — барлос қабиласидан чиққан нуфузли амирлар. Улар Темур ва Темурийлар замонида давлат ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаганлар.

Баронғор — кўшиннинг ўнг қаноти.

Барот — подшоҳ ва хонлар тарафидан аҳоли ёки маҳаллий ҳукмдорлардан солиқ ҳисобида пул ёки галла ундириш учун бериладиган маълум расмий ҳужжат.

Батҳо — аслида Макка шаҳари атрофидаги тоғ оралиғида жойлашган дара номи. Бу ерда Маккага ишорат.

Баҳром — Сосониёлар сулоласидан Баҳром Гўр (421—439). Бу ерда Миррих (Марс) сайёраси, Мусулмон астрологлари­нинг қарашича, у кишиларнинг тақдирини олдиндан белгилаб берадиган эмиш.

Бахши — шаман, дostonчи Чингизхон ва мўғуллар даврида котиб, Темурийлар даврида харбий қисмларнинг ҳисобот ишларини олиб боровчи мансабдор.

Баҳмон Гуштосиннинг невараси (А. Навоий, Тарихи мулуки аҷам, 198 бет).

Бехзод — хуросонлик машҳур rassom (1455—1537) Унинг қаламига мансуб бўлган ажойиб суратларнинг бир қисми бизнинг замонамизгача етиб келган (батафсил қаранг Ориф Усмонов. Камолуддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби, Тошкент 1977).

Битикчи девони ишода ёки маҳаллий ҳукмдорларнинг маҳка масида хизмат қилувчи кичик мансабдор, котиб.

Бойсуғур мирзо — Султон Маҳмуд мирзонинг (899—1494 йили отаси Султон Аҳмаддан кейин олти ой Мовароуннаҳр подшоҳи бўлган) иккинчи ўғли, 882—1477 йили туғилган, отаси даврида Бухорода, сўнг Самарқанд тахтида ўтирган. Инилари билан келишолмай Хусравшоҳ ҳузурига келган ва 905 йил муҳаррам ойининг 10 (1499 йил 12 август) да ўлдирилган.

Бойсуғур мирзо — Оқ қуюнчилар сулоласидан еттинчи ҳукмдор (1490—1493).

Бояндур — Озарбайжон (туркий) қабила­лардан бири.

Булуқ пойтахт шаҳарлар атрофига жойлашган районлар. Бу Бухорода тумон, Фарғонада ўрчин, Ҳиндистонда XVI—XVIII асрларда паркана аталган.

Бурж ва бора — қалъанинг девори ва унинг мустаҳкамланган минораси.

Буқаламун — ташки муҳитга қараб турли тусга кира оладиган бир қайвон номи, хамелеон, бевафо, ўзгарувчи, товланувчи маъносига.

Буқрот — қадимги грек врач Гиппократ, илмий медицинага асос солганлардан бири (милоддан аввалги 460—375).

«Викоя» — тўла номи: «Викоят ар-ривоят фи масонил ал-ҳидоя» машҳур қонушнонос олим Бурҳонуддин Марғилоний (1197 йил вафот этган) асари. Мусулмон қонуношлигига оид асар.

Вожиб ул-изъон — итоат этиш мажбурий бўлган амр-фармон.

Воиз — масжид минбаридан туриб ваъз айтувчи, панд-насихат қилувчи.

Воқеанавис — подшоҳ ёки хон ҳузурига турган ва бўлиб ўтган кундалик воқеаларни ёзиб боровчи хизматчи.

Гавхаршод оға — Шоҳрухнинг сеvimли ва нуфузли хотини, 863 (1459 йили) Султон Абу Саиднинг буйруғи билан қатл этилган.

Газ — XV асрда Ўрта Шарқ мамлакатларида тахминан 62 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги (В. Хишқ. Мусулманские меры и веса с переводом в метрическую систему М., 1970, стр. 63.)

Гуштоси — қадимги Эрондаги қадимийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири. Машҳур юнон олими Сукрот (Сократ мил. ав. 470—399) унинг замонида яшаган экан (Алишер Навоий, Тарихи мулуки аҷам, Алишер Навоий. Асарлар, ўн беш томлик, ўн тўртинчи том, Т., 1967—196—197 бетлар).

Давоздаҳ имом — шиа мазхабидаги мусулмонлар этиқод қилган ўн икки имом: Али (661 йил ўлдирилган), Ҳасан (669 й. ўлган), Ҳусайн (680 йил ўлдирилган), Зайнобундин (713 ёки 714 йил вафот этган), Муҳаммад ибн Боқир (тахм. 732 йил вафот этган), Жаъфар ас-Содиқ (700—765), Муса ал-Козим (765—794) Али ибн Муса Козим (818 йил заҳарлаб ўлдирилган), Муҳаммад ибн Али Риза (835 йил вафот этган), Али ибн Муҳаммад ан-Нақий (868 йил қамоқда ўлган) Ҳасан ибн Али ал-Аскарий (873 йил қамоқда ўлган), Муҳаммад ибн Ҳасан Аскарый (батафсил қаранг И. П. Петрушевский. Ислам в Иране в VII—XV вв., Ленинград, 1966, стр 240—254).

Дарвиш Аљбек — Навоийнинг иниси, авваллари китобдорлик қилган 886/1481—82 йил амирликка кўтарилган ва кўп вақт Батх ҳокими бўлган. Навоий вафотидан кейин истафого чиққан, 1503 йили Шайбонийхон, 1511 йили Бобур хизматиغا кирган.

Дарвиш Муҳаммад Тархон — Темурий Султон Аҳмаднинг нуфузли амирларидан, йирик феодал ва давлат арбоби. 1496 йили темурийларнинг тожу тахт учун олиб борган кураши вақтида ҳалок бўлган.

Девони ишо — подшоҳ ва хонлар ҳамда мирзо ва султонларнинг махсус ёзишмаларини олиб борувчи олий давлат муассасаси.

Девони Сарқор — подшоҳ ва хонларнинг хос девонлари. Уларга тегишли мулкдан келган даромадларни ҳисоб-китоб қилиб турувчи маҳкама.

Дороб — қадимий сулоласига мансуб подшоҳ, машхур юнон философи Афлотун (Платон мил. ав. 427—347, асли исми Аристотел бўлган) унинг даврида яшаган. (Навоий. Тарихи мулуки аҷам, 200-бет.)

Жавзо — шарқ классик астраномияси таъбирича: 1) Ойнинг ҳаракат йўли билан Кўш ҳаракати йўлининг кесинган жойи шундай аталган. 2) Қуй-рукли юлдуз. Бу ерда қишнинг совуқ ойларидан бири.

Жавонгор — қўшиннинг сўл қаноти.

Жазаба аҳли — зикру самога тушувчилар, сўфийлик, зикру само маросимини адо этиш вақтида ўзидан кетиб қолиш ҳолати, экстаз.

Жамшид — қадимги Эроннинг афсонавий пешододийлар сулоласи подшоҳларидан, «Шохнома» қаҳрамони.

Жариб — сатҳ ўлчови сифатида 760 кв. м га тенг бўлган.

Жаҳоншоҳ Мирзо Туркман — Озарбайжон ва Ироқда 1380—1468 йилларда ҳукмронлик қилган Қора қуюнлулар сулоласининг бешинчи ҳукмдори (1438—1467)

Жиба — майда симдан қалин қилиб тўқилган махсус ҳарбий кийим, совут.

Жолинус — Галел, қадимий грек табиби, милоднинг 130 йили Анатолиянинг Брагма шаҳрида туғилиб, 200 йили вафот этган.

Жорубкаш — бирон муқаддас даргоҳни сунуриб турувчи, хизматкор. Бу ерда гап хожа Абдулла Ансорий мазорининг мутаваллилиги ҳусусида бораётгани.

Жубба — яхши матодан тикилган ҳашаматли, кенг ва узун ёнгли тўн.

«**Жумал**» ҳисоби — Шарқ классик поэзиясида бирон воқеанинг содир бўлган вақтини ҳарфлар воситаси билан англатиш усули. Бунда ҳар бир ҳарф маълум қимматга эга бўлган. Масалан: а—1, б—2, ж—3, д—4, ҳ—5, в—6, к—20, л—30, м—40, н—50, ф—80, қ—100, р—200 ва ҳ.к. «Хусравия» сўзининг қиммати 881 га тенг. Демак, «Хусравия» мадрасаси 881 ҳижрий (1476 милодий) йили қурилган. Шайх Зайнуддин Хавофий (тўла исми: шайх Зайнуддин Абубакр ибн шайх Муҳаммад ал-Хавофий) — машхур илоҳиёт олими, хожа Муҳаммад Порсодан (822/1419 йили вафот этган) таълим олган, шайхулислом, 938 йилнинг 2 шавволида (1435 йил 1 май куни) вафот этган (қараг: Абдурахмон Жомий, Нафахот ул-унс, Нуал Кушур, 1912, 441—444-бетлар).

Заҳири Самарқандий — XII асрда ўтган машхур адиб Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Ҳасан аз-Заҳири ал-қотиб ас-Самарқандий.

Зираъ — масофа ўлчови, бир тирсақ, тахминан 79, 8 см. га тенг.

Зунун аргин — Темурий Султон Хусайн замонида ўтган нуфузли амир, Қандаҳор ва Заминдовар ҳокими.

Иброҳим Ҳусайн Мирзо — Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўн иккинчи ўгли. Онаси Саодат бегим бўлиб, кўпинча Бегим султон номи билан машхур бўлган.

«**Илоқийнинг даво усуллари**» — XI асрда ўтган Ўрта осеёлик табиб Шарафутдин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуфнинг «Муолажоти Илоқий» асари.

Имом Ризо — саккизинчи имом Али ибн Мусо Козим, кўпинча Али

ар-Ризо номи билан машхур. 203 йил сафар ойининг охирида (818 йил сентябрь ойининг бошларида) Тус кишлоқларидан Нуконда заҳарлаб ўлдирилган (батафсил қараңг: И. П. Петрушевский. Ислам в Иране, Ленинград, 1966, стр.252—253).

Иншо илми — подшоҳ ва хон девонларидан чиқадиган махсус ёзишмаларни тузиш йўл-йўриқларини ўргатувчи фан.

Исрофил қарнайи — мусулмонлар эътиқодига кўра, Исрофил осмон қарнайини қўриқлаб турган фаришта бўлиб, қиёмат куни икки бор чалар эмиш. Бир чалганда барча махлуқотнинг жонини олиб, иккинчисида барча ўликларни тирилтирар эмиш.

Истимолотнома — чакирик хати, мурожаатнома. Бирон тоифа ёки шахсни ўз тарафига оғдириб олиш учун ёзилган кичик мактуб.

Исфандиёр — қадимги Эрон қайёнийлар сулоласидан бўлган Гиштоспнинг ўғли, «Шоҳнома» қаҳрамони.

Истиско касали — баданда сарик сув кўпайиши оқибатида пайдо бўладиган хасталик: водянка.

Ичкилар — подшоҳ ва хонларнинг хос хизматкорлари.

«**Иқтибосат**» — шарият масалаларига бағишланган бу асар кози Ихтируддин Хасаннинг (928/1521 йили вафот этган) машхур асари.

Кавсар — жаннатдаги афсонавий булоқ номи.

Кайвон — Сатурн юлдузи. Зухал деб ҳам юритилади.

Қайёний қамони — Қадимги Эронда, қайёнийлар замонида ишлатилган улкан ва мустаҳкам қамон.

Қалом, мантиқ ва ҳикмат — қалом — илоҳиёт, яъни эътиқод илми, мантиқ — логика, ҳикмат — фалсафа... Ҳикмати оллоҳий — теология, илоҳиёт, ҳикмати риёзиёт — математика, ҳикмати табиат — физика.

Қамолуддин Хусайн Хоразмий — Кубравия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан 1426 йили кўчманчи ўзбек феодаллари томонидан ўлдирилган.

Қамолуддин Хусайн Ибн Али вонз ал-Қошифий — ҳиротлик машхур ваъзхон ва илоҳиёт-олими, Абдурахмон Жомийнинг қайин иниси (910/1504—1505 вафот этган). Бу ерда унинг Мир Алишер Навоийга бағишланган «Мавоҳиби олия» («Олий тухфалар») асари назарда тутилган. Бошқа номи «Тафсири Хусайний».

Қардарий — асли хоразмлик машхур факих, Абулмафохир Абдулғафур ибн Лукмон ал-Қардарий (562/1166—67 йили вафот этган).

Кепакий — Чигатой улуси хонларидан Кепакхон (1318—1326) чиқарган қумуш танга. Бир кепакки 2 мисқол қумуш ёки 6 дирхамга тенг бўлган.

Китоба — қабр тоши, бино деворларига ва катта дарвозаларга нақшли ёзув битиш санъати.

Кичик мирзо — Султон Хусайн Бойқаронинг жиани. Бобур унинг ҳақида мана бу маълумотларни қолдирган: «Бурунлари тағойисига мулозамат қилур эди, сўнгра сипоҳийликни тарк этиб, мутолаага машғул бўлди... Табъи назми ҳам бор экандур... (Бобурнома, Тошкент, 1960 222-бет).

Қориз — ер остидан ўтказилган ариқ.

Қоштарош — иморатга ишлатиладиган ҳар турли рангдаги махсус гишт — плиталар устаси.

Қутвол — қўрғон, қалъа соқчиси, қалъа ва шаҳар соқчи отрядлари бошлиғи (комендант).

Қўқалтошлиқ мансаби — қўқалдош — эмишган оғанини, тутинган оғанини. Бу мансаб эгаси зиммасига давлатнинг дўсту душманлари ҳусусида маълумот тўплаш, жосуслар иши устидан раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган. Қўқалтошлар хон ва подшоҳ хонадонига яқин турганлар. (Қараңг: Б. А. Аҳмедов. История Балха, Тошкент, 1982, 157—158-бетлар).

Кўчқушич — ов, саёҳат ва ҳарбий юришлар вақтида хон ва подшоҳларнинг кўниб қолиши масалалари билан шуғулланувчи хизматчи.

Лангар — йўловчилар кўниб ўтадиган жой, камбағал ва етим-есирларга таом бериладиган жой, гарибхона.

Лутфий (1336—1435) — йирик ўзбек классик шоири, унинг 4.000 мисрадан ibорат девони ҳамда «Гул ва Наврўз» дostonлари бизгача етиб келган. Девонининг бир неча нусхаси (ин. № 5023/1, 5024/1, 1431, 817/1 ва бошқалар). Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. «Гул ва Наврўз» 1865 йили Тошкентда чоп этилган (батафсил қarang: С. Эркинов. Лутфий (ҳаёти ва ижоди), Тошкент, 1965).

Шайх Маждуддин Бағдодий — XII аср охири ва XIII аср бошларида ўтган сўфий шоир ва табиб, машҳур Нажмуддин Кубронинг (540/1145—46—618/1221) шогирдларидан, Хоразмнинг Бағдодак қишлоғидан, 613/1216—17 йили Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг буйруғи билан қатл қилинган. Баъзи олимларнинг сўзларига қараганда, ўша вақтда шайх Маждуддин Бағдодий 18 ёшда бўлган (Е. Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература, Москва, 1965, 325, 330, 331, 335-337-бетлар).

Малик Фаҳруддин Курт — Курт сулоласига мансуб ҳокимлардан бири (1294/95—1307).

Малик Мунизуддин Хусайн — Куртлар сулоласидан бўлган ҳукмдор (1331-1370).

Малик Ғибсуддин Курт — XIII—XIV асрнинг 80-йил бошларигача Ғур ва Хирот вилояти устидан ҳукм юргизган куртлар сулоласи ҳукмдорларидан бири (1307—1329).

«**Мантқиқ ут-тайр**» — машҳур мутасаввуф шоир шайх Фаридуддин Аттор (1136—1230) асари.

«**Маосир ул-мулук**» ва «**Хулосат ул-ахбор**» Хондамир (879/1474—75—942/1535—36) каламига мансуб асарлар.

Манглай — ҳужум пайтида қўшиннинг маркази олдида ярим доира шаклида бўлиб борувчи қисми.

Мақсура — масжиднинг муқаддас ҳисобланган ичкари қисми.

Маҳд Улё — подшонинг катта хотинига берилган исбат.

«**Маснавиёт**» — хожа Алоуддин Кирмоний ва унинг маснавиёти ҳақида Навоий мана бу маълумотни келтирган: «Хожа Алоуддин Кирмон мулкидин хожа Афзалуддин Муҳаммадқа қаробатдур ва Библича мунажжиманиннинг инсидир. Зоҳирий улумни тақмил қилгондин сўнгра майли дарवेशликларга ғолиб бўлиб, Макка азимати қилди ва ўттиз йилга яқиндурким, анда мужовир бўлиб, сулук ва тоатқа машғулдир. Андоқ маълум бўлурким, бу сулукда бийик манзилат ва ёруғлуғларга мушарраф бўлбтур ва олий мартабага етибдур... Бу яқинда слайи раҳим ривояти учунки, адои фараз қилғай, Хуросонга келиб эрди неча вақт ҳазрат Маҳдумий Нуран (Жомий) била сўхбати тушди. Ул жихатдин таваққуф қилди. Чун ул ҳазрат бако оламига рихлат қилди, яна Макка азимати, асли мақомга борди. Борурда йўлда шайх Низомий «Хамса» сининг аввалғи китоби «Маҳзан ул-асрор» вазнида бир маснавий айтиб юбориб эрди ва кўп ҳақонк ва маориф анда дарж қилиб эрди. Бу яқинда Маккадан яна бир маснавий ҳам тасаввуф истилоҳотида ҳадика вазнида айтиб юборибдурким, анинг таърифидин калам тили қосирадур, ахли таҳқиқ ўқуғондин сўнг қайилининг қамолин маълум қилғайлар» (Мажолис ул-нафос, 163—164-бетлар).

Мафҳум ва манқул фанлар — мафҳум — мазмунини ақл билан фаҳмлаб олинандиган илм илоҳий илм, манқул — нақл этилувчи илм, тарих, география ва ҳоказолар.

Меҳтар — урушдан ва бошқа йўллар билан келадиган даромадларни бошқарувчи мансабдор.

Милкат оға — Темурийлар сулоласидан Султон Абу Саиднинг (1451—1469) катта хотини.

Мирзо Муҳаммад султон — Шохруҳ мирзо набираси. Бойсункур мирзонинг (837 йил жумоди ал-аввал ойининг еттисиди — 1433 йил 20 декабрда вафот этган) ўғли.

Мирзо Бойқаро — Султон Хусайн Бойқаронинг оғаси, кўп йил Балхни идора қилди, 892 аввалида (1487 йил, ноябрь ойи ўрталарида) вафот этган.

Мирохур — подшоҳ, хон отхонасининг мутасаддиси.

«**Мишкот**» — Валиуддин Муҳаммад ибн Абдулда ал-Котиб ат-Табризийнинг (737/1336—37 ёки 740/1339 йили вафот этган) машҳур «Мишкот ад-масобих» («Токчага қўйилган чироглар») асарига ёзилган шарҳ. «Мишкот-ҳадис»лар тўплами.

Муаммо фаши — шеърятда бирон сўзни яшириб, уни махсус қоидалар асосида топиш, жумбоқли шеър ёзиш санъати.

Мунший — подшоҳ ва хонларнинг хос котиблари.

Мунажжим — юлдузшунос, астроном. Ўрта асрларда сайёралар ва юлдузларнинг ҳаракати ва ўрнинга қараб фол оқувчи.

Мурчал — қалъа дарвозаларининг рўбарўсидан яшириниб бориб, уни портлатиш мақсадида қазиладиган махсус хандак.

Мутавалли — масжид ва мадраса кирим-чиқимларини бошқарувчи ходим, вақф бошқарувчиси.

«**Мутаввал**» («Узайтирилган китоб») Ўрта асрнинг кенг маълумотли олимларидан Саид Шариф Журжоний (740/ 1339—816/1413) қаламига мансуб бўлиб, араб тилининг мукамал грамматикаси ҳисобланади. Асар Сарой шаҳарида ёзилган ва Олтин Ўрда хони Жонибекга (742/1341—758/1357) бағишланган. Хожа Абулқосим Абуллайсининг мазкур хошияси «Мутаввал» га ёзилган шарҳлардан биридир.

Мутақориб баҳри — аруз баҳрларидан бўлиб, мутақориб мусаммани солим (фаулун, фаулун, фаулун, фаулун) ва мутақориб мусаммани максур (фаулун, фаулун, фаулун, фаул) кесмларига бўлинади.

Мушокил баҳри — аруз баҳрларидан бирининг номи (Иззат Султон. Адабиёт назарияси, 323-бет).

Муштабиҳон солим — аруздаги етти доирадан бирининг номи. Навоийгача фақат араб арузийларининг китобларида келтирилган. Ажам шеърятига уни Навоий татбиқ этган (Иззат Султон. Адабиёт назарияси, Тошкент, 1980, 346-бет).

Мушриф — зиммасига амирлар ва мансабдорлар, шунингдек, шахзода ҳамда султонларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб туриш вазифаси юкланган олий мансабдор. Подшоҳ ва хоннинг кўз-қулоғи.

Муҳаммад Маъсум мирзо — Султон Хусайннинг ўғли, Қандаҳор ҳокими қилиб тайинланган, «вале оқ қилса, қора қилса, Шохбек аргун қилур эди» (Бобурнома, 225-бет). Шунинг учун Қандаҳорда туролмай Хиротга қайтиб келган ва отасидан бир оз олдин вафот этган.

Муҳаммад Мухсин мирзо — Султон Хусайн мирзонинг ўғилларидан (онаси Латифа султон оғача). Кўпроқ Кепак мирзо номи билан машҳур бўлган.

Муҳандис — илми хандаса, яъни геометрияни яхши билган киши.

Миҳофа — аёллар тушиб юрадиган, атрофи ўралган кажава, подшо ва аслзодалар кексайиб қолганда, отга миниб имкони бўлмаганда тушиб юрадиган тахтиравон.

Муҳтасиб — Ўрта асрларда шарқ мамлакатларида шарият ишларининг (намозга бориш, бозордаги нарх-наво ва тош-тарози) мусулмонлар тарафидан бажарилиши устидан назорат қилувчи диний мансабдор, XVIII—XIX асрларда раис деб аталган.

Мўлтон — Ҳиндистондаги қадимий шаҳар, мил. ав. IV асрда барпо этилган. Ҳозир Покистоннинг Панжоб вилоятига қарайди.

Нажмуддин Али ибн Умар ал-Казвиний ал-Котибийнинг (675/1276 йили вафот этган) физика ва метафизика масалаларига бағишланган «Ҳикмат

ул-айн» («Билим манбаининг ҳикмати») асарига ёзган шарҳлардан бири.

Шайх Нажмиддин Кубро (асл исми Аҳмад ибн Умар ал-Хивақий) — Кубравия диний тариқатининг асосчиси, хоразмлик машҳур шайх ва шоир 1221 йил мўғуллар Урганчи қамал қилган пайтда ўлдирилган.

Нафис ва унинг «Шарҳи Қуллёт» асари — асарнинг асл номи «Шарҳ ал-асбоб ва-л-аломат» аталиб, 1424 йили ёзиб тамомланган ва Темурий Улуғбек мирзога тақдим қилинган. Нажибуддин ас-Самарқандийнинг (1222 йили вафот этган) медицинага оид «Ал-асбоб ал-аломат» асарига ёзилган шарҳлардан.

Нажиб — ислом жамоаси бошлиғи, хон ва подшоларга яқин турган олий мансабдор бўлиб, кўшинни кўриқдан ўтказиш, ҳарбий юриш вақтида йўлда ва жанг олдида жойлаштириш масалалари билан шуғулланган.

Шайх Низомий — буюк Озарбайжон классиги шоири ва мутафаккири Абу Муҳаммад Илс ибн Юсуф (1141—1209), шарқда биринчи бўлиб «Ҳамса» ёзган ва дostonчилик тараққиётида янги ғоявий-бадиний йўналиш ясаган. Шеърлий девони ҳам бўлган, лекин бизгача шеърларидан бир қисмигина етиб келган (батафсил қараг: Бертельс Е. Э. Низами. Творческий путь поэта, М. 1956).

Низомулҳақ ва-л-ҳақиқат ва-д-дунё ва-д-дин — адолат ва ҳақиқат, дунё ва дин низоми, донишманд мансаб эгаларига бериладиган сифат (фахрий унвон).

Хожа Носир (Тусий) — XV асрда ўтган масалғўй ва газалғўй шоир (батафсил қараг: Алишер Навоий. Мажлис ун-нафоис, Асарлар, т. 12, Тошкент, 1966, 21-бет).

Осаф — ривоятларга кўра, афсонавий Сулаймон пайгамбарнинг доно вазири Осаф ибн Барҳиё.

Охунд — мусулмон руҳонийси, муаллим, устоз.

Сшлиғ — озиқ-овқат, ҳарбийларнинг тирикчилиги учун аҳолидан солиқ тариқасида йиғиб туриладиган озиқ-овқат, ем-хашак.

Парвоначи — оталиқ ва девонбегидан кейин учинчи ўринда турган олий мансабдор. Унинг зиммасига олий ҳукмдорнинг фармон ва ёрлиқларини маҳаллий ҳокимлар ва амирларга етказиш вазифаси юклатилган.

Пешкаш — подшоҳ ва хонларга, шунингдек, султонларга маҳаллий ҳукмдорлар тарафидан қилинадиган махсус тортиқ.

Пилпоя — катта биноларда ёғоч устунлар тагига қўйиладиган тош, тагтош.

Работ — карвон йўлларида йўловчиларнинг қўлиши учун қурилган бино, мусофирхона, карвонсарой.

Работи Ишқ — Хуросондан. Журжон ва Астрободга бориладиган йўл устида қурилган мусофирхона. Уни биринчи бор зиёрийлар сулоласидан чиққан подшоҳ Қобус ибн Вушмагир (X асрнинг иккинчи ярми) қурдирган.

Работи Сангбаст — Тус билан Ҳирот ва Нишопур билан Марвни туташтирган чорраха устида қурилган ғарибхона. Биринчи бор Султон Маҳмуд Ғазнавий (388/421 (998—1030) замонида қурилган).

«Равзат ул-аҳбоб» — «Севимли дўстлар боғи», Жамолуддин Атоуллоҳ ибн Фазлудлоҳ ал-Хусайннинг (1520 йили вафот этган) бу китоби (тўла номи «Равзат ул-аҳбоб фи сияр ан-набий ва-л-асхоб» — «Пайгамбарлар ва саҳобалар ҳаётида жаннат боғи») Муҳаммад пайгамбар, унинг оила аъзолари ҳамда издошлари ҳаётига бағишланган бўлиб, Алишер Навоийнинг топшириғи билан ёзилган (1494—95 йилда тамомланган).

«Равзат ус-сафо фи сияр ал-анбий ва-л-мўлуқ ва-л-хулафо» («Пайгамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг ҳаёти хусусида жаннат боғи») — машҳур тарихчи олим Мирхонд асари.

Равоқ — катта биноларнинг олд тарафига балаанд қилиб ишланган кўркам ва савлатли қисми.

Райят — солиқ тўловчи аҳоли, халқ.

«**Рисолайи муаммо**» — Хондамирнинг гувоҳлик беришича мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахший муаммо илмига оид бир неча рисола ёзган. ЎзФАШИ кўлёзмалар фондида унинг «Рисола дар баёни муаммо» номли асари (инв № 8495 ва 9726/11) сақланади.

«**Рисола дар илми мусикий**» («**Мусика** илми ҳақида рисола»). Бошқа номи: «Рисолайи мусикий». Жомий «Қуляёти» таркибига кирган асар (ЎзФАШИ кўлёзма, инв № 1331).

«**Рисолайи қофия**» — Мавлоно Бурҳонуддин Атоуллоҳ ар-Розийнинг поэтика масалаларига бағишланган бу асари Темурий Абулқосим Бобур даврида ёзилган.

Розий — сарахслик машхур файласуф, астроном ва табиб Фахруддин Абу Абдулла Муҳаммад ибн Умар ар-Розий (1209 йили вафот этган).

Руммоний Ёқут — анор рангли, яъни кип-қизил донадор ёқут.

Рустам — Сеистонлик паҳлавон Зол билан Кобил подшосининг қизи Рудобадан туғилган ўғил, «Шоҳнома» қаҳрамонларидан.

Рўйинган — юқорида зикр этилган Исфандиёр ибн Гиштоспнинг лақаби. Ривоятга кўра, унинг танаси Заратуштранинг жодуси билан ўқ ўтмас бўлиб қолган. Бу ерда шунга киноя.

Садр — бошлик, раис. Ўрта асрларда вақфдан келадиган даромад ва унинг харажат қилиниши устидан назорат қилиб турувчи мансабдор.

Саййид Абдулла мирзо — Андхуд саййидларидан, машхур саййид Бараканинг (XIV аср) авлоди. Султон Хусайннинг куёви (Бобурнома, 226-бет).

Сакта касали — мияга қон қуйилиш касали, апоплексия.

Саркуб — қалъа мудофаачиларига қарши ўқ отиш учун қалъа рўпарасида қуриладиган кўтарма (матла ас-саъдайн, 459-бет).

Саъдуддин Кошғарий — нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан, Абдурахмон Жомийнинг пирини. У 860 йил жумоди ал-оҳур ойининг еттинчисида, чоршанба кунини (1456 йил 13 майда) вафот этган (Рашихот, Нуал Кушур, (?), 117—123-бетлар).

«**Сеҳрли ҳилол**» («Янги туғилган ой сеҳри») ЎзФАШИ кўлёзмалар фондида шу номда бир асар (инв № 209/1) сақланади, лекин бу асар Аҳлий Шерозий (942/1535 йил вафот этган) қаламига мансубдир.

Сер — ўлчов бирлиги, маннинг 1/40 га баробар, ёки 74,4 гр.

Сидра — мусулмонлар этиқодига кўра еттинчи осмонда ўсадиган бир дарахт номи.

Сиёқ — ҳисоб-китоб илми, молиявий ҳужжатларни расмийлаштиришда қўлланиладиган махсус ҳисоб-китоб илми.

Сирожуддин Абу тоҳир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдурашид ас-Сижовандийнинг (XI аср охири XII аср бошлари) шарқда кенг тарқалган ва мерос масалаларига бағишланган «Ал-Фароиз ас-Сирожия» («Сирожуддиннинг мерос ҳақидаги ҳуқуқ китоби») асарига (600/1203 йил битилган) ёзилган шарҳлардан бири.

Соҳибдоро — Мавлоно Фасихуддин Соҳибдоро — XV—XVI асрнинг бошларида ўтган қасиданавис шоир, Султон Хусайн Бойқаро кутубхонасининг бошлиғи, 917/1511 йили вафот этган.

Соҳиб ихтиёр — подшоҳ ва хон саройи хизматкорлари бошлиғи, подшоҳ ва хон қабул маросимларини ташкил этувчи ва бошқарувчи.

Соқа — кўшиннинг орқа тарафида борувчи махсус кўрикчи қисм, арьбергарад.

Султон Аҳмад Мирзо — Султон Абу Саид мирзонинг ўғли, 1459—1494 йиллари Самарқанд ҳокими бўлган.

Султон Абу Саид — дастлаб Мовароуншаҳр, сўнгра Хуросон хукмдори (863/1459—873/1469).

Султонали мирзо — Султон Маҳмуд мирзонинг кичик ўғилларидан, Бойсунгур — мирзодан кейин Самарқанд тахтини эгаллаган. Самарқанд кўчмаичи ўзбеклар тарафидан олингада (906 йил бошлари 1500-йилнинг июль ойида) Шайбонийхоннинг буйруғига кўра қатл этилган.

Султон Маҳмуд мирзо — Темурийлар сулоласидан, Хисори Шодмон, Кундуз ва Бадахшон ҳокими (1459—1469).

Султон Муҳаммад ибн мирзо Бойсункур — Шоҳруҳ даврида, 1442 йилдан бошлаб Ғарбий Эрон ва Ироқ устидан ҳукмройдлик қилган. 1446 йили бобосига қарши исён кўтарди ва Ҳамадон билан Исфохонни босиб олди, Шерозни қамал қилди. Шоҳруҳ унга қарши қўшни тортди ва шахзода тоққа қочди. Шоҳруҳ вафотидан (850/1447 йил) сўнг ўз вилоятларини яна қўлга киритди ва Шерозни ҳам босиб олди, 1449 йили Хуросонни эгаллади ва ўша йили тожу тахт учун яна бир даъвогар — Абулқосим Бобур билан бўлган урушда ҳалок бўлган. (Қаранг: В. В. Бартольд. Улўғбек и его время, Соч, т. II, часть 2, Москва, 1964.)

Султон Санжар — Муъизз ад-Дин Санжар, дастлаб Шаркий Эронда (490/1097—511/1118) ҳоким, сўнгра Салжукийлар сулоласи хукмдори (511/1118—552/1157).

Султон Шихобиддин — гурийлар сулоласида, кўпроқ Муизуддин Муҳаммад номи билан машҳур (599/1203—602/1206).

Султон Яъқуб мирзо — Диёрбакр, Шаркий Туркия ва Озарбайжонда хукмронлик қилган, Оқ қуюнлилар сулоласидан, олтинчи хукмдор (883/1478—896/1490).

Султон Ҳусайн Бойқаро — темурийлар хукмдори (1470—1506).

Сурий — бу ерда кишининг ўзига тегишли бўлмаган, ташки куч, илоҳий куч.

Суюрғол — ўрта асрларда тожу тахт олдида кўрсатган катта хизматлари учун йирик амир ва мансабдорларга берилган ер-сув.

Шайх Аҳмад Суҳайлий — Алишер Навоийга яқин бўлган йирик шоир ва маданиятпарвар намоянда (1445—1502). 4000—5000 мисрадан иборат девони, «Лайли ва Мажнун» достони бизнинг замонамизгача етиб келган (батафсил қаранг: Р. Воҳидов, Суҳайлий /хаёти ва ижоди/, Тошкент, 1976).

Табл (табла) — катта ноғора, довул.

Тавочи — лашкар йиғиш, қўшинни кўриққа ҳозирлаш, қамал вақтида қалъа атрофидаги аҳолини шахарга кўчириб олиб кириш каби вазифаларни бажарган ҳарбий мансабдор (батафсил қаранг: Б. А. Аҳмедов. «Жарчи» ва «тавочи» терминлари ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1973, № 4).

Тажнис — адабиётда омонимларни қўлланиш ва қўшимчалар воситаси билан ё бўлмаса сўзларни таркибларга ажратиш йўли билан ҳамжинс, ҳамшакл қилиш, туюқ, музикада оғир ва мураккаб қуйлардан бирининг номи.

Тасаввуф илми — сўфизм, мистика. Асосан, VIII асрда ислом динида пайдо бўлган оқим ва у яратган таълимот.

Тасвир ва тазҳиб илми — тасвир — сурат солиш, тазҳиб — зарлаш, олтин билан қошлаш илми.

Татаббу — бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан бориб текшириш, шериятда: ўхшатма, назира.

Тош раъди (тош аррода) — қалъанинг девор ва эшикларини бузиш учун тош отадиган махсус қурилма. Ўрта асрнинг ўзига хос тўпи.

Тоқ — масжид, сарой, қасрнинг киравериш қисми устига ярим доира шаклида баланд қилиб ишланган жой, гумбаз, меҳроб ва тоқчаларини ёйсимон уст қисми.

Тубо дарахти — ривоятга қараганда, у гўё еттинчи осмонда ўсар эмиш.

Туман — 10.000; икки туман 20.000 га тенг бўлган.

Тура ва чопар — одам бўйи баробаридаги четан девор. Пиёда аскарлар урушда ўқ ва найза зарбидан сақланиш учун олдга қўйганлар.

Тура — Чингизхон замонидан қолган ва турк-мўғул халқлари орасида амалда бўлган қонун-қоида, тартиб.

Туркманлар — сўз 1469 йили Едгор Муҳаммад мирзо билан келиб Ҳиротни эгаллаган Оқ қуюнли сулоласига мансуб бўлган Ҳасанбек Туркман (857/1453—882/1478) хусусида бораётир.

Турғонавис — тўғро — герб, подшоҳ ва хонларнинг ёрлик ва фармонлари тепасига ёзиладиган махсус безакли белги. Турғонавис ана шундай белги (герб)ларни зўр санъат билан ёза биладиган котиб.

Туғчи — байроқдор, байроқ кўтариб юрувчи, байроқ олиб юрувчи махсус бўлинма бошлиғи.

Тўшакчи — хон, подшоҳ ҳамда мирзо ва султонлар саройининг кичик хизматчиси. Унинг зиммасига ҳукмдорнинг кўрпа-тўшағи ва бошқа ётиш-туриш анжомларини тасарруф қилиш вазифаси юклатилган.

Тўққиз баҳр — баҳрлар аслида ўн тўққизта (Қаранг. Иззат Султон. Адабиёт назарияси, 323-бет). Фикримизча мужтамия доирасига (олтинчи доира) кирган мунсарех, музоре, муқтазиб, мужтасс, саре, жадид, қариб, ҳафиф ва мушокил баҳрлари назарда тутилган бўлса керак.

Тўққиз-тўққиз — қадимдан турк ва мўғуллар орасида амалда бўлган одат. Бунга кўра, олий мартабали кишиларга тортиқ қилинадиган ҳар бир нарса (зотли отлар, тезюрар туялар, қимматбаҳо матолар ва ҳоказолар) тўққиз-тўққизтадан бўлган. Хоразмлик машҳур тарихчи Абулғози-хоннинг (1603—1664) сўзларига қараганда 9 рақами турклар орасида энг мўътабар сон ҳисобланган ва Туркхон ибн Ёфас наслидан бўлган 9 та машҳур хон: Мўғулхон, Қорахон, Ўғузхон, Қунхон, Ойхон, Юлдузхон, Менглихон, Тенгизхон ҳамда Элхон хотираси учун шу одат жорий этилган. (Шажарайи турк ва мўғул, ЎзФАШИ кўлёзма, инв № 11110, в. 6 б)

Узлат — гўшанишинлик. Узлат — одамлардан четлашиб, бир тарафга чекиниш. Гўшанишинлик — хилватни ихтиёр қилиш, таркидунё қилиб ўтириш.

Убайдулло Аҳрор — Ўрта осиелик машҳур шайх ва феодал. Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намоёндаларидан (1404—1490).

Умаршайх — бу ерда Темурнинг иккинчи ўғли, 1394 йили Қурдистонда бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлган.

Устод Қувомиддин — ўз замонининг энг таниқли муҳандис (инженер) ва меъморларидан. Ҳиротда унинг бошчилигида қурилган иморатлардан энг машҳури Гавҳаршод масжидидир, 1439 йили вафот этган.

Фаррош — палос тўшовчи, масжид, мадраса ва мозорларни супуриб турувчи хизматкор.

Фаридун Ҳусайн Мирзо — Султон Ҳусайн Бойқароннинг ўзбек Латифа Султон оғачадан кўрган ўғли. Шайбонийхон Келотни олган (1508 йил) йилга ўлдирилган.

Шайх Фаридуудин Аттор — (1136—1230) «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Булбулнома», «Мантиқ ут-тайр» «Тазкират ул-авлиё» асарлари билан машҳур бўлган эронлик машҳур мутасаввуф шоир ва олим (батафсил қаранг; Бертелс. Е. Э. Суфизм в суфийская литература, Избр. Труды, М., 1965, стр. 340—376).

Фарсанг ёки фарсах — узунлик ўлчов бирлиги, жой ва вақтга қараб 6-9 километр оралигида ўзгариб турган. XV аср Ҳирот учун ҳам бир фарсах турлича кўрсатилган.

Фарқадон—Шимолӣ кутб яқинидаги икки ёруғ юлдуз.

«**Фасл ул-хитоб**» — бухоролик машхур шайх ва олим **хожа Муҳаммад Порсонинг** (822/1419 йил вафот этган) тасаввуфга доир асари.

Фикҳ — мусулмон қонунчилигидаги баҳс юритувчи фан.

Форёб — Балхнинг ғарб тарафида, Маймана билан Андхуд оралигида жойлашган ўрта аср шаҳри (батафсил қаранг: Маҳмуд Ибн Вали. Море тайн, перевод с перс, введения и комментарии Б. А. Ахмедова, Тошкент, 1977, стр. 63—64).

Фулурий (Италиянча «Флорино»дан) — 1) Флоринтияда XIII асрда муомалада бўлган олтин пул (танга). Шунга таклид қилиб кейин Европа мамлакатларида зарб этилган олтин танга. 2) Голландияда ҳозирда муомалада бўлган пул (100 центга, яъни 1 гульденга баробар бўлган), 3) ҳозирги вақтда Англияда муомалада бўлган танга пул (2 шиллингга яъни фунт стерлингнинг 20 дан бирига баробар).

«**Футухоти Маккий**» — Шайх Муҳиуддин Муҳаммад ибн Али (Ибн Аъробий, 638/1240—41 йили вафот этган) асари.

Ҳадича — Султон Ҳусайн Бойқаронинг суюкли ва нуфузли хотини, дастлаб Султон Абу Саид Мирзонинг (855/1451—873/1469) қанизаги бўлган.

Ҳатиб — хутба ўқувчи, диний панд-насихат қилувчи, янги тахтга ўтказилган подшоҳнинг ҳукмронлигини эълон қилувчи. Хутба асосан жумъа ҳамда ҳайит намозларида ўқилган.

Ҳафиф баҳри — бу ҳам аруз баҳрларидан, икки қисмдан, хафоифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф (фоилотун, мафоилун, фоилун) ва хафифи мусаддаси маҳбуни макту (фоилотун, мафоилун, фаълун) дан иборат.

Ҳокрез — мудофаа мақсадида қалъа девори остига тупроқдан уюлган маҳсус ўр-тепалик.

Ҳонако — шайхлар, дарвешлар, умуман мусофирлар тўхтайдиган масжид ва мадраса ҳузуридаги маҳсус жой.

Ҳонсолор — дастурхон ёзувчи (батафсил қаранг: Б. А. Ахмедов. История Балха, 173- бет).

Ҳусрав — XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи чорагида ўтган машхур классик шоир ҳамда адабиётшунос ва музикашунос олим Яминуддин Абулҳасан (1253—1325). У ҳам Шарқда ҳамсачилик ривожига улкан ҳисса қўшган «Хамса» дан ташқари, бешта шеърӣ девон ва иккита эпик дoston: «Қирон ус-саъдайн» («Икки соадатли сайёранинг қўшилиши») ва «Мифтоҳ ул-футуҳ» («Зафарлар калиди») ни ёзиб қолдирган (батафсил қаранг: Давлатшоҳ Самаркандий. Шоирлар бўstonи, форсийчадан Б. Ахмедов таржимаси, Тошкент, 1981, 85—90-бетлар; Ш. Шомухамедов, Б. Мусаев. Амир Ҳусрав Деҳлавий, Тошкент, 1971).

Чавгон — Гўйу чавгон ўйини (ўрта асрларда отда ўйналадиган ўзига хос тўпли хоккей) да коптокни урадиган учи букук узун таёк, клюшка.

Чигатой улуси — XIII—XIV асрнинг биринчи ярмида Чингизхоннинг ўғли Чигатой ва унинг авлоди қўл остида бўлган мамлакатлар: Мовароуннаҳр, Еттисув, Кошғар, Хоразмнинг шарқий қисми ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолӣ қисми унинг таркибига кирган.

Човуш — Туркияда султон ҳузурига келувчилар арзини эшитиб, сўнг уни султон билан учраштирувчи мансабдор, Худайчи.

Чонги — ҳарбий юришлар вақтида ўтказиладиган кенгаш.

Чўмоқхона — гурзи, тўкмоқ, асо, умуман қурол-яроқ сақланадиган жой.

«**Шавоҳид ан-нубуват**» («Пайғамбарлик далили») — Муҳаммад пайғамбар ва яқин дўстлари (саҳоба)ларининг тарихи. Алишер Навоийнинг илтимоси билан ёзилган, ЎзССР ФА Шарқшунослик институтида унинг 15 нусхаси сақланмоқда (қаранг: Рукописи произведений Абдурахмана

Джами в Собрании института востоковедения АН Уз ССР, стр. 44—46).

Шамсуддин Муҳаммад Табодкони — шайх Зайнулдин Ҳавофийнинг халифаларидан, XV асрнинг кўзга кўринган тарикат олимларидан. «Манозир сойирин» асари кўп машҳур бўлган, 891/1486 йили вафот этган ва Ҳиротнинг хиёбонида дафн этилган.

«**Шарҳи арбаъин**» — тўла номи «Китоб ал-арбаъин ҳадисо» (Қирк ҳадис китоби), Шарқда кенг тарқалган ҳадислар тўплами, муаллифи Яҳё ибн Шарафуддин ибн Мури ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Жумъа ибн Ҳизм ал-Ҳизомий ан-Нававий ад-Димшқий Муҳиъуддин Абу Закария (676/1278 йил вафот этган). Асарнинг бир неча нусхаси Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 3294/1, 3200/III, 4079/III, 2439/IV, 4602/11 ва бошқалар).

Шаҳоб — взилиб ерга тушувчи юлдуз, метеор.

Шохрух — теурийлар сулоласидан. Теурийлар давлатининг олий ҳукмдори (812/1409—850/1447).

Шоҳмалик — Темур, Шохрух ва Улуғбекнинг йирик амирларидан бири, ўзбекларнинг билхут қабиласидан. 815/1412—43—829/1426) йил Шохрух номидан Хоразмни идора қилган ва 829/1426 йили вафот этган.

Шоҳғариб Мирзо — Султон Ҳусайн мирзонинг тўнғич ўғилларидан, маълум вақт Ҳирот шаҳарини идора қилган, етук шоир, девони бор. Отаси ҳаётлигида вафот этган.

Хожа Юсуф Ҳамадоний — Ўрта Осиёлик йирик мутасаввуф, машҳур Хожагон тарикатининг асосчиси Абу Яъқуб Юсуф ибн Айюб ибн Юсуф ибн ал-Ҳусайн ибн Ваҳра ал-Ҳамадоний (440/1048—535/1148), Мозори Марвда (батафсил қаранг: «Сафинат ул-авлиё», Нуал Кушур, 1318, 75-бет).

Ясовул — хон, подшоҳнинг шахсий топшириқларини бажарувчи кичик хизматчи, хон ва подшоҳларга тегишли ўлжани тасарруф этувчи, подшоҳ ва хонларнинг ҳукмларини ижро этувчи мансабдор.

Ясол — Кўшин сафи.

Ясриб — Мадина шаҳарининг қадимий номи.

Яъқуббек — Диёрбакр, Шарқий Туркия ҳамда Озарбайжонда ҳукмронлик қилган Оқ куюнлулар сулоласидан олтинчи ҳукмдор (883/1478—896/1490).

Ўрду — хон ва подшоҳларнинг ҳарбий юриш вақтида тўхтаган қароргоҳи.

Қабо — ип газламадан тикилган узун уст кийим.

Қайсар — Чечактуга (Шимолий Афғонистон) тобе районлардан бири.

Қалб — кўшиннинг марказ қисми.

Қасаб Ас-Сабақ — ўрта асрларда араблар орасида машҳур бўлган ва пойгага ўхшаш бир ўйин. Бу ерда мусобақа маъносида.

«**Қасидайи Масну**» — Аҳдий Шерозийнинг бу асари номаълум, лекин унинг «Сехри ҳилол» номли бошқа бир асари (инв. № 209/1) Ўз ФАШИ кўлэзмалар фондида сақланмоқда.

«**Қасидат ал-бурда**» — мисрлик шоир Абу Абдуллоҳ Шарафуддин Муҳаммад ибн Саид ал-Бусирийнинг (694/1294 йили вафот этган) машҳур асари ҳақида гап боради.

Қонун ва уд — Ўрта асрларда қўлланилган мусиқа асбобларидан бирининг номи.

Қоровул — кўшиннинг энг олдида борувчи махсус (разведка) қисм.

Ғалвирхона — фақир, заиф ва етимлар овқати учун ҳайру эҳсон йўли билан тўпланган озиқ-овқат омбори.

Ғиёсуддин Муҳаммад ибн Сом — XI—XII асрларда Хуросоннинг Шарқий қисми, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон устидан ҳукм юритган ғурийлар сулоласига мансуб ҳукмдор (558/1163—599/1203).

Ғозонхон — Ғозон Махмуд, Эронда ҳукмронлик қилган мўғул хони (694—703/1295—1304).

Ҳанафийлар ва Шафенйлар — Ислом динида пайдо бўлган диний

оқимлар. Ҳанафия оқимининг асосчиси Куфалик фақиҳ имом Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (699—767); шофейлар оқимиға эса имом Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофейй (767—820) асос солган.

Ҳижоз — Ғарбий-шимолий Арабистон, Макка ва Мадина шаҳарларини ўз ичига олган территория.

«Ҳидоя ҳошияси» — XII асрда ўтган машҳур фикҳ олими Бурҳонуддин Али ибн Абубакр ибн Абдужалил ал-Марғинонийнинг (593/1197 йил вафот этган) «Ҳидоя» китобига ёзилган шарҳлардан.

Ҳировул (Ировул) — илғор кетидан борувчи махсус ҳарбий бўлинма. «Ҳолати ҳазрати Маҳдумий» — Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» да мавлоно Камолуддин Абулвосенинг ҳаётига алоҳида тўхтаб ўтади (III жилд, 3-қисм, 338-бет), аммо унинг шу номда асар ёзганини айтмаган. Бирок Камолуддин Абулвосенинг вазир Низомулмулк ва унинг ўғиллари хожа Камолуддин Ҳусайн ҳамда хожа Рашидуддин Абдулмаликга атаб «Тарассулот» («Ёзишмалар тўплами») номли асар ёзганини айтган («Ҳабиб ус-сияр», т. III, 3-қисм, 338-бет).

Ҳусайн Али жалоир — Муҳаммад Ёдгор мирзо, Султон Ҳусайн, охири Заҳириддин Муҳаммад Бобур хизматида бўлган нуфузли беклардан. Бобур унинг «Туфайли» таҳаллуси билан шеърлар ёзганини айтади. (қаранг: «Бобурнома», Тошкент, 1960, 237-бет).

ЛУҒАТ

А

- Абёт* — «байт» нинг кўплиги, байтлар. Байт — икки мисра шеър.
- Авзон* — «вазн» нинг кўплиги, вазилар, шеър ўлчови.
- Авойил* — «аввал» нинг кўплиги, авваллар, илгарилар.
- Авом ун-нос* — оддий кишилар, камбағал халқ.
- Авосит* — «васат» (ўрта) нинг кўплиги, ўрталар, ўрта ҳоллар. Бу ерда умр ўртаси маъносида.
- Авохир* — «охир» нинг кўплиги, охирлар, кейинлар. Бу ерда умр охири маъносида.
- Авод* — дин ҳомийлари.
- Азимат* — олдинга интилиш, бир нарсага қасд қилиш, йўналиш.
- Ақобир* — улуғ ва эътиборли кишилар.
- Ал (ил)* — қўл.
- Албар* — ҳуш исли нарсалар, шундай нарсалар қоришмасидан тайёрланган хушбўй қора модда.
- Андиша* — фикр, ўйлов, хавф.
- Аркон* — «устун» нинг кўплиги, устунлар, суянчиқлар.
- Арус* — келинчак.
- Аргатун* — органга ўхшаш чолғу асбоби.
- Арсу* — жуда кўя, ортиқ, бениҳоя, гоят.
- Атвор* — «тавр» нинг кўплиги, юриш-туриш, хулқ, хатти-ҳаракат, қилиқлар, феъллар.
- Атоё* — инъом-эҳсонлар.
- Ашара* — ўндан бир.
- Ашк* — кўз ёши.
- Ашраф* — шараф ва эътибор эгалари бўлмиш олий табақадаги кишилар.
- Ақалли ибод* — энг кичик, эътиборсиз кул.
- Ақида* — эътиқод, ишонч, ихлос.
- Ақтоб* — қутблар, суфийларнинг энг эътиборлилари.
- Ағёр* — ғайрлар, душманлар, рақиблар.

Аҳбоб — дўстлар, ёрлар, сеvimлилар.
Аҳли дил — покиза киши, сўфий.

Б

Бадиа — нафис, нодир, гўзал, ажойиб.
Балоғат — етилиш, сўзни қисқа, лекин чиройли, мазмундор ва ифодали қилиб сўзлаш.
Бандаваноз — одамларнинг бошини силовчи, бечорапарвар.
Балоғат дисор — балоғат чўққисига чиққан.
Банно — қурувчи, уста, бинокор.
Баҳри гирон — тўлқинли, нотинч денгиз.
Бақо — боқийлик, борлик, абадийлик.
Бebизoат — мол-мулксиз, кашшок.
Беҳжат — шодлик, хурсандчилик, гўзаллик, нафосат.
Беҳбудлик — соғлик, яхшилик, фойдалик.
Беҳунар — бу ерда бетадбир, ташаббуссиз, бегайрат.
Боварчи — ошпаз, таомларнинг номини ва тайёрланишини яхши биладиган киши, чошнигар.
Бодгир — дарча, дераза.
Бодияпаймой — саҳро кезувчи.
Бойиcта — керак, мақбул, зарурий.
Баковул — сарой ошпазлари бошлиғи.
Болиг — балоғатга етган.
Боргоҳ — хон ва подшоҳнинг турар жойи, сарой.
Бузруквор — улуғвор, хурматли, атоқли.
Буқъа — жой, бирор бўлак ер, хонақа.
Бухур — катта дарё, денгиз, шеърда ўлчов, Вазн.
Буйла — бу каби, бунақа, бундай.

В

Важд — шавқу завқ вақти, ҳаяжон, сўфийликда жазава натижасида ўз-ўзидан кетиш ҳолати.
Валинеъмат — неъмат эгаси, тарбиячи, кишининг бошини силовчи.
Васат — ўрта, ўрталик, марказ.
Вағид — кўркитиш, таҳдид қилиш, огоҳлантириш.
Вожиб — бажарилиши мажбурий, зарурий.
Вожиб ул-иттибо — тобе бўлиш, бўйсуниш лозимлиғи.
Вофир — мўл-кўл, кўп, аруз вазнларидан бири. Бу ерда тўқ маъносида.
Вофир таҳаввур — кўп қизишиб кетиш, ортиқча ҳовлиқиб кетиш.
Воиз — ваъз айтувчи, панд-насиҳат қилувчи.
Вуслат — ошиқ ва маъшукнинг бир-бирига етишуви.

Г

Гардун гулом — бахтиёр.
Гаитгоҳ — кезиладиган, айланадиган жой, сайргоҳ.
Гумроҳ — йўлдан адашган.
Гўшаки — қулоққа айтиладиган гап, хилватда гапириладиган гап.
Гўшмол — қулоқ бураш, жазолаш, танбех.

Д

давлатхоҳ — хайрихоҳ.

Давлатхоҳлик — мурувватлилик, марҳаматлик, яхшилик ишташ.

Давосин — девонлар.

Дариғо — э воҳ, аттанг-а, афсус.

Дармиён — ўртада турувчи, келиштирувчи.

Даф — доира, чилдирма.

Дилкушо — кўнгил очувчи, кўнгилни шод этувчи.

Домод — куёв.

Дол — далолат қилувчи йўловчи, кўрсатувчи

Доруладолат — адолат уйи, хон ва подшоҳларнинг қабулхонаси.

Доруссалтана — салтанат эшиги, пойтахт.

Дорулфатҳ — фатҳу галаба эшиги. Астрободга берилган нисбат.

Доруга — вилоят ёки шаҳар бошлиғи.

Дурж — қимматбаҳо тақинчоқ ва тошлар сақланадиган қути.

Душманшикан — душманни синдирувчи, ғолиб.

Ё

Ёрмоқ — оқча, пул.

Ж

Жавҳар — нарсанинг туб ўзаги, асосий хосса, моҳият, қимматбаҳо тош.

Жалодат — ботирлик, дадиллик, жасоратлик.

Жанда — байроқ, ялов, туғ.

Жарида — якка, ёлғиз, танҳо, махсус дафтар.

Жибиллий — туғма, табиий. Жибиллий хисол — туғма хислатлар.

Жовидон — абадий, мангу, доимий.

Жонсипорлик — жонни қурбон қилиш, садоқатлик.

Жорубкаш — масчит, мадраса, хонақо ва мазорни супурувчи, хизматкор.

Жулгоҳ — область, ўлка, территория.

З

Забонгир — тил олиб келувчи, разведкачи.

Завол — йўқ бўлиш, сўниш, ботиш.

Закий — покиза, пок табиатлик.

Зарофат — нозик фаҳмлилик, хушчақчақлик, гўзаллик, ажойиб, ҳазил-намо сўз, қочирим.

Заҳира — эҳтиёт қилиб қўйилган нарса, запас нарса.

Зиҳи — яхши, жойида, гўзал, қандай яхши.

Зубда — бирон нарсанинг сараси, яхши натижаси, хулосаси.

Зухду тақво — дунё лаззатларидан воз кечиб, тоат-ибодат билан кун кечириш, шайхлик, такводорлик.

И

Иёдат — ҳол сўраш, касални кўргани бориш.

Икфирлик — фавқулодда кучга эгалик, ошиқлик.

Илик — қўл.

Илми ирфон — маърифат илми, тафаккур билан билиш илми.

Илҳоҳлик — қатъий ундаш, қистов.
Интиҳоб — сайлаш, танлаш.
Интиҳо — охир, сўнг, ниҳоя.
Иснод — нисбат бериш, тааллуқли қилиш.
Истимдод — мадад сўраш.
Истимолат — ўзига майл эттириш, ўз тарафига оғдириш.
Истиҳора — диний анъанага кўра дилдаги мақсаднинг ҳосил бўлиши ёки бўлмаслигини билиб олиш тилаги билан туш кўриш мақсадида ухлаш, туш оркали фол очиш.
Итлоф — йўқ қилиш, нобуд қилиш, барбод бериш. Бу ерда нобудгар-чилик.
Ифодат маоб — фойдалантирувчи, дарс берувчи.
Ифтиҳо — бирон нарсанинг (масалан, китоб) бошланиши, кириши, очилиши.
Ихрож — чиқариб юбориш, қувиш, сургун.
Ихтиом — тамоm бўлиш, тугаш.
Иштиҳор — шуҳрат топиш.

К

Кайвон — Сатурн сайёраси
Каманд — тузук, сиртмоқ.
Камият — миқдорлар, қанчалик.
Карам — яхшилик, эҳсон, марҳамат, олижаноблик.
Китобат — ёзув, китобдан нусха кўчирув, мактуб.
Комкор — бахтиёр, қудратли.
Кофур — бағоят оқ ва хушбўй модда.
Қудурат — дил ғамлик, ғам-ғусса, кўнгил хиралик.
Кура — темирчилар ўтхонаси.
Куфр — исломни танимаслик, кофирлик.
Куфрони неъмат — яхшиликни билмаслик, кўрнамаклик.

Л

Лавҳ (*лавҳа*) — тахта, бирон ёйиқ нарса, ёзув тахтаси.
Лаҳу — лаҳв, яъни ўйин-кулги, бефойда иш.
Лавб — ўйин, найранг, кўнгил очиш.
Ложувард — тимкўк тусли қимматбаҳо тош.
Ломакон — маконсиз, йўқлик.
Лорайб — шубҳасиз, гумонсиз.
Лўълу — марварид.

М

Мабҳут — ҳайрон қолган, ҳайратланган.
Мавкаб — подшоҳ ва хон ёнида дабдаба билан борувчи гуруҳ.
Маволий — соҳиблар, хожалар, жаноблар, қуллар.
Мазаллат — хўрлик, хорлик, тубанлик, пастлик.
Мазид — кўпайиш, ортиш, кўшимча қилиш.
Макнуот — асосий фикрни усталик билан яшириб битилган шеър.
Маликул олам — ҳукмдор, яъни тағри.

- Малул** — афсус чекувчи, порозилик, мушгдиллик.
- Манзум** — тизма, терма, терлаган, шеър ҳолига келтирилган бадий асар.
- Маншур** — тарқалган, ёйилган.
- Маорик** — жанг майдони, беллашув, жангу жадал.
- Марз** ер, экин экиладиган ер, чегара яқинида жойлашган ер, обод.
- Марқад** — одам кўмилган жой, мақбара, қабр.
- Марқум** — ёзилган, битилган, рақам қилинган.
- Марғий** — риюя этилган, назари эътиборга олинган.
- Маснад** — суюнчик, тахт Бу ерда юксак ўрин.
- Маснувог** — зўр санъат билан битилган шеърый асар.
- Маасх** — хунуқ кнефага кириш.
- Матлуб** — орзу этилган, исталган нарса.
- Маҳдум** — улуг зот, юксак мартаба эгаси.
- Маҳжур** — айрилиб қолган, ҳижронда қолган, узоқлашган, маҳрум.
- Маҳфил** — мажлис, йигин, базм.
- Маҳшиар** — тўпланадиган жой. Ислом анъаналарига кўра қиёматда одамлар тўпланадиган жой, қиёмат.
- Мағфират нишон** — кечирувчи, гуноҳидан ўтувчи.
- Мағдалат** — адолат, ҳаққонийлик.
- Маъсум** — йўқ, йўқ бўлган.
- Маъзум** — бўшатишган, озод қилинган.
- Мела** — сайл, байрам, йигин.
- Мижоз** — киши вужудидаги табиий хусусият (ғайрат, тетиклик, жўшқинлик), аҳвол, темперамент, мижоз.
- Миҳоффа** — кажава, тахтиравон.
- Муассис** — таъсис этувчи, тузувчи, асословчи, қурувчи.
- Муваддат** — дўстлик, муҳаббат.
- Мудаққиқ** — синчиклаб текширувчи, диққат билан тадқиқ қилувчи.
- Муҷаррад** — яланғоч, танҳо, якка, ёлғиз.
- Муҷовир** — бир жойда доимо истиқомат қилувчи, бирон мазорда тургун бўлган киши.
- Муламмаҳ** — хилма-хил, ранг-баранг. Шарқ классик поэзиясида шеър ва мисранинг турли тилда келиши.
- Мурабба** — квадрат, поэзияда тўртлик.
- Мусавада** — кўлёма асарнинг хомаки нусхаси, коралама.
- Мусажажа** — қофияли проза, сажъ.
- Мусаннафот** — асарлар, тасниф этилган китоблар.
- Мусоҳиб** — суҳбатдош, улфат, дўст.
- Мустақим** — тўғри, рост, тузук, гапида турувчи.
- Мустаъмал** — амалда қўлланиладиган.
- Мусқаб** — парма, тахта ёки тош тахталарни тешадиган асбоб.
- Мутаасир** — таъсирланган.
- Мутаважжиҳ** — юз тутган, йўналган.
- Мутаарриз** — қаршилик кўрсатувчи, эътироз билдирувчи.
- Мутагаййир** — ўзгарувчи, ўзгарган.
- Мутобиқ** — бир-бирига боғлаш.
- Мухотиб** — хитоб қилинган, ундалган.
- Муча** — бўлак, қисм, амал, мансаб. Бу ерда мансаб маъносида.
- Муъованат** — ёрдам қилувчи, ундовчи.
- Мушк** — қора тусли ва хуш исли нарса, сочинни қоралиги ва ҳиди, кўз қорачиғи.
- Мушқин** — мушқ хидли, мушқ рангли, қора тусли.
- Муқаввий** — кучлантирувчи, мақсад берувчи, қўллаб-қўлтиқловчи.
- Муқаллид** — тақлид қилувчи.
- Муқарраб** — яқинлаштирилган, дўст этилган.

Муқотала жанг майдони
Муҳандис инженер, архитектор
Муҳасса ҳосил қилинган.
Муъиз ус-салтани ва ҳулафо салтанат ва халифаликни эъзозловчи
Муъжиз хайратга солувчи, фасоҳат ва балоғатда энг юксак даражадаги сўз.
Муқаддир олдиндан билувчи
Муқаррар қайта-қайта, уст-устига, такрор
Муҳаррам (Муҳаррама) хурматли, азиз.

Н

Набз кон томири
Навкар ходим, хизматчи, йиғит
Навоҳий атроф (ерлар)
Насақ тартиб, интизом, тарз, равиш.
Нақобат паноҳ нақиблик таянчи, нақиблик ҳомийси.
Ниқор кина, кек сақлаш, келишмовчилик, душманлик.
Наққод қимматбаҳо тош, олтин ва тансиқ буюмлар асил ёки ноасилигини ажрата билувчи, сарани пучакдан ажратувчи
Неру (ниъру) куч, кудрат
Номафҳум фаҳмланмайдиган, билинмайдиган.
Нукта нозик маъноли сўз, маъноси чуқур ва чиройли сўз.
Нуктатирозлик нозик услублилик, сўзни нозик услубда айтиш

О

Обога амаки.
Очор сирка ёки туз сепилган сабзавот, нонхўриш, маринад.
Оғоз бошланиш, ибтидо

П

Пардапўши гуноҳ гуноҳни кечирувчи.
Пеширав олдинда борувчи, йўл бошловчи, нағма ва куйларнинг бош қисми
Пийроста безатилган.
Полондўз тўқим тикувчи, тўқимчи
Пурдил пахлавон, довьюрак

Р

Размкашлик уришиш, жанг қилиш.
Райб шак, шубҳа, лорайб – шубҳасиз.
Раъй кўнгил, хотира.
Риоят — риоя, эътибор, хурмат
Риққат нозиклик, мулоимлик, юмшоқлик
Руҳи пурфутҳ очик, тоза руҳ.

- Савт* — товуш, овоз, шовкин, оҳанг, куй, мақом.
Сайёдаг маоб — сайидлик мурожаатгоҳи. Сайидлар орасидан чиққан йирик руҳонийларга берилган нисбат.
Садрниши — бошида жойлашган, тепада ўтирувчи.
Салиқа — завқ, майл, истак.
Самов — эшитиш, тинглаш. Дарвишларнинг овоз чиқариб зикр тушиши.
Сано — мақташ, мадҳ қилиш.
Сарафканда — боши эгилган, бўйинсунган, итоат этган.
Сармоя — негиз, манба, асос. Бу ерда моддий ва маънавий қудрат ҳақида сўз беради.
Саромад — олдинги, илғор, мумтоз, етакчи.
Сарсар — совуқ ва кучли шамол.
Сару сомон — тартиб ва интизомда тугал маъносида.
Сарфароз — боши баланд бўлиш, юксак, ҳаммадан устун, улуғвор, хурсанд.
Сафшукан — сафни синдирувчи, бузувчи, ботир, паҳлавон маъносида.
Сарҳад — чегара, мамлакат.
Саҳоват — саҳийлик, қўли очиқлик, хотамлик.
Саъйи ҳаракат — астойдил, тиршиб қилинган ҳаракат.
Саҳоб — булут.
Сижиллот — қози муҳри босилган ҳужжатлар.
Собит — бир жойда турувчи, барқарор.
Солик — бирон сўфийлик маслағига мансуб киши, сўфийлик йўлини тутувчи.
Солиҳ — яхши ишлар қилувчи, яхши одам.
Соҳибқирон — икки улуғ сайёра (Зухро ва Куёш) бир-бири билан туташган пайтда туғилган киши, бахтиёр одам.
Суннат — тутилган йўл, равиш, одат, қоида. Аҳли суннат-суннийлар, муслмонлар.
Сурайё — Ҳулкар, юлдузлар тўпи.

Т

- Тааммул* — чуқур ўйлаш, диққат-эътибор билан фикрлаш, мулоҳаза қилиш.
Таассуф — афсусланиш, куйиниш, ачиниш.
Табаа — тобе кишилар, бирон кимсага қарашли кишилар.
Тавоби — тобе (жой) лар.
Тавозу — одоблилик, ўзини кам тутиш, камтаринлик.
Таовоф — бирон муқаддас нарса ёки жойни айланиш, зиёрат қилиш.
Таор — тарз, равиш, йўсин, одат, қилик, усул, тартиб.
Тавфиқ — мувофиқлик, уйғунлик, ёрдам, мадад.
Таъқи — подшоҳ, хоннинг ёрлик ва фармонлари устига қўйиладиган махсус белги.
Тадорук — илож, чора.
Тажаммул — безак, пардоз, зийнат.
Тажарруд — четланиш, ёлғизлик.
Тазалзул — титраш, тебраниш, аҳволнинг ўзгариши.
Таййиба — хушбўй.
Такаллуф — ўзини қулфатга солиш йўли билан бирон ишни бажариш. Бу ерда безак, ҳашамат маъносида.
Тамкин — чидам, оғирлик, чидамлилик.
Тасхир — забт этиш, эгаллаш, илтинтириш.
Татаббу — бирон нарсанинг кетидан тушиб текшириш, излаш, шеърятда: назира, ўхшатма.

Тафarrуд — кўнгил очиш.
Тафриқа — ажраллиш, бузилиш, париншон бўлиш.
Таихис — таниш, ажратта олиш, аниқлаш. Бу ерда касалликни аниқлаш маъносида.
Тақвият — қувватлаш, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш.
Тақсир — камчилик, нуқсон.
Тагофил — гафлатда қолиш, билмай қолиш.
Тезгом — тез юрувчи, тез одимловчи.
Тийра — қоронгу, қора, гам-гусса.
Тинат — табиат, мизож, хулқ, характер.
Тирбанд — ўқдон оспладиган камар.
Тозёна — қамчи.
Тоқия — бош кийими, дўппи.
Туибои — паҳлавонлар киядиган калта иштон.
Тутсоғ — асир олиш, жанг билан қўлга олиш.
Тўлчоқ — чопқир от.

У

Унсур — асос, элемент, моддаини аслия. Шарқ классик табиёт олимларининг таъбирича, махлуқот ва мавжудотнинг асосини ташкил этган тўрт унсур (ер, сув, ҳаво, олов).

Ф

Фаввора — фонтан.
Фано — бақосизлик, йўқлик, тугалиш, ўлиш.
Фард — яқин, ёлғиз, танҳо. Бир мисра шеър.
Фасод — бузуклик, тартибсизлик.
Фасоҳат — сўзнинг равон, ёқимли ва қоидага мувофиқ бўлиши, чиройли услуб.
Фирния — гурунчдан тайёрланадиган махсус ичимлик, ароқ.
Фитрат — яратилиш.
Фоний — йўқ бўлувчи, битувчи.
Фориғлар — битириб чиққанлар.
Фуруд — тубан, паст.

Х

Хаварнақ — Баҳром Гўр учун шоҳ отаси қурдирган гўзал қаср номи.
Хайр ул-башар — инсоннинг сараси, яхшиси.
Хасойил — сифатлар, хислатлар, одатлар.
Хилофат масир — хилофат натижалик.
Хилқат — яратилиш.
Хокрўб — хонаки, ўргатилган.
Хогирхоҳ — ихтиёрый, истаганча.
Худнамо — мақтанчоқ, шуҳратпараст.
Худрой — қайсар, ўжар, ўзбошимча.
Хушнавис — хушхат, чиройли ёзувчи, хаттот.

Ч

Чамбар — чамбарак, гардиш, бўйинбоғ, шода мунчоқ.
Часпон — ёпишадиган, ярашадиган.

Ш

- Шабгун* — коп-қора.
Шаҳид ул-интиқом — қаттиқ ўч олиш.
Шамёна — чодир, тунги чодир.
Шафоат — ўртада туриш, воситачилик қилиш.
Шойиста — мувофиқ, муносиб.
Шойиғ — ошқора, ёйилган, тарқалган.
Шоқир — шуқур қилувчи. Бу ерда розилик маъносида.
Шомил — тегишли, ёйилган, умумга тегишли.
Шероза — қитоб жузвларини тутиб турувчи мато.
Шуқуҳ — шавкат, савлат, удуғлик.

Э

- Эҳтимом* — ғайрат, иштиёқ, бирон нарсага аҳамият бериш.
Эътимодли — камтарлик, камсуқумлик, итоаткорлик

Ю

- Юқундурмак* — таъзим қилдирмоқ, тиз чўқтирмоқ.

Я

- Яқсар* — бир бошдан, бирақай, бутунлай.
Яққалама — тамоман, бирдан-бир, донгдор.
Ярақон — сариқ касаллиги

Қ

- Қавл* — сўз, гап.
Қасаба — шаҳарча, посёлка, марказий аҳоли пункти.
Қайяўла — чоштгоҳ пайтидаги уйқи.
Қантара — уловни қантариб боғлайдиган чилвир, тушов.
Қаря — қишлоқ.
Қатарот — қатралар.
Қониғ — қаноат қилувчи.
Қорура — ичига нефть солинган шиша идиш (уни ёндириб, душманга отилган).
Қусур — қасрлар, саройлар.

Ғ

- Ғайрат андишлик* — ҳамият билан ўйлаш, берилиб фикрлаш.
Ғалтон — юмалоқ, юмаланувчи.

Ҳад — даража, мартаба, ҳақ, ҳуқуқ, чек, чегара.

Ҳайсият — сабаб, жиҳат, восита, эътибор, лаёқат.

Ҳамсар — ёстикдош, қайлик, аёл.

Ҳариф — қарши, муқобил, шерик, ўртоқ, улфат.

Ҳақир — тубан, паст, қадрсиз, эътиборсиз, ҳор, кучсиз.

Ҳиддат — тезлик, ўткирлик, кескичилик, қизғинлик, ғазаб. Бу ерда ўткирлик маъносиди.

Ҳидоят — тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўл топиш, тўғри йўлга кириш.

Ҳижрат — маълум сабабларга кўра ўз юртини ташлаб, бошқа ерга кетиб қолиш, Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага (622 йил 16 июлда) кўчиши. Бу воқеа ислом тарихида буюк ҳижрат деб аталади. Бу ерда Алишер Навоийнинг Арабистонга бориш борасида қилган ҳаракати назарда тутилади.

Ҳадис — янгидан пайдо бўлган, кейин юз берган ҳодиса.

Ҳожиб — эшик оғаси, церемониймейстер.

Ҳола — ой ёки куёшнинг гардиш боғлаши, кўрғонлаши, «тутилиши».

Ҳумоюн — кутлуг, муборақ, шарафли.

Ҳуффоз — ҳофизлар, яъни «Қуръон»ни қироат билан ўқувчилар, қорилар.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида. <i>Б. Аҳмедов</i>	3
Жомий Навоий ҳақида	
«Фотиҳат уш шабоб»дан. (<i>Б. Аҳмедов таржимаси</i>).....	11
«Лайли ва Мажнун»дан. (<i>Н. Норқулов таржимаси</i>).....	11
«Ҳафт пайкар» хотимасидан. (<i>Н. Норқулов таржимаси</i>).....	12
Давлатшоҳ Самарқандий	
«Тазкират уш-шуаро»дан. (<i>Б. Аҳмедов таржимаси</i>).....	14
Мирхонд	
«Равзат ус-сафо»дан. (<i>Б. Аҳмедов таржимаси</i>).....	21
Хондамир	
«Хулосат ул-ахбор»дан. (<i>Б. Аҳмедов таржимаси</i>).....	58
«Мақорим ул-ахлоқ»дан. (<i>М. Фахриддинов ва П. Шамсиев таржимаси</i>).....	79
«Дастур ул-вузаро»дан. (<i>Б. Аҳмедов таржимаси</i>).....	112
«Ҳабиб ус-сияр»дан. (<i>Б. Аҳмедов таржимаси</i>).....	115
Бобур	
«Бобурнома»дан	153
«Мухтасар»дан	158
Зайнулдин Восифий	
«Бадое ул-вақое»дан. (<i>Н. Норқулов таржимаси</i>).....	164
Содиқбек Содиқий	
«Мажму ун-ҳавос»дан. (<i>Р. Нурмагова таржимаси</i>).....	191
Манбалар. (<i>Б. Аҳмедов</i>).....	194
Изоҳлар. (<i>Б. Аҳмедов</i>).....	198
Луғат. (<i>Б. Аҳмедов</i>).....	212

На узбекском языке

СБОРНИК НАВОИ В ВОСПОМИНАНИЯХ СОВРЕМЕННОКОВ

Редактор М. Жалилов
Рассом А. Холиков
Расмлар редактори Ю. Габзалилов
Техн. редактор Е. Потапова
Корректор О. Турдибекова

ИБ № 3457.

Босмахонага берилди 02.04.85. Босишга рухсат этилди 02.12.85
Формати 84×108¹/32. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура.
Юқори босма. Шартли босма л. 11,76. Шартли кр.-оттиск
11,76. Нашр л. 12,89. Тиражи 30000. Заказ 1789. Баҳоси 1 с. 10 т.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР
Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлаш-
масининг Бош корхонаси, Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.